Шахслараро муносабатлар асосан гуруҳ шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гуруҳида, жамоада бўлган тақдирда рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар жамоаларда рўй берадиган шахслараро таъсирнинг қонуниятлари ва механизмларини билишлари ва уларни гуруҳда одамлар меҳнатини ташкил этишда албатта инобатга олишлари керак.

Ҳар бир шахснинг феъл - атворида, хатти - ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, худуд, профессоинал тоифа, меҳнат қиладиган жамоаси, яқин атрофдаги муқим гуруҳи, оиласининг таъсиридан пайдо бўлган сифатлари ва хусусиятлари бўлади. Тарихий шарт - шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар ҳақида юқорида гапирган эдик. Бу таъсир макро босқичдаги таъсирлар деб аталиб, яқин муҳитнинг таьсири - микро босқичдаги таъсирлар деб юритилади. Иккала босқичдаги таъсирлар ҳам ижтимоий психологик нуқтаи назардан аҳамиятли ва тарбиявий моҳиятга эгадир. Чунки ҳар бир шароитда шахс ўзига хос ижтимоий ролларни бажаради ва ўзининг “қиёфасини” намоён этади. Меҳнат жамоасида профессоинал ролларни бажариш жараёнидаги хулқ - атвори шахснинг маънавий ва психологик кўринишидаги асосий омил бўлиб, катта ёшдаги одам психологиясини тубдан ўзгартириш учун унинг профессионал фаолиятини ҳам ўзгартириш керак, дейилади.

Шундай қилиб, шахсга бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсири бўлиб туради. Тўғри, маълум даврда бир ижтимоий гуруҳнинг шахсга таъсири сезиларлироқ ва аҳамиятлироқ, иккинчисиники эса сал камроқ бўлади. Масалан, ўқувчилик йилларида мактабдаги ўқувчилар гуруҳининг таъсири маҳалладаги ўртоқлар даврасиникидан кучлироқ бўлиши, янги хонадонга келин бўлиб тушган қиз учун янги оила муҳитининг таъсири талабалик гуруҳиникидан кучлироқ бўлиши табиий. Лекин ҳар бир алоҳида дақиқада биз доимо маълум гуруҳлар таъсирида бўламиз. ҳўш, гуруҳнинг ўзи нима? Гуруҳ - маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Демак, гуруҳ учун иккита асосий мезон мавжуд : бирор фаолиятнинг бўлишлиги(меҳнат, ўқиш, ўйин, мулоқот, маиший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Гуруҳ ва жамоалар тўғрисида гап кетганда, кўпинча унинг “маънавий муҳити”, “психологик муҳити” деган иборалар ишлатилади. Чунки бу нарса ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси

билан боғланади. Ижтимоий психологик муҳит деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллетуал холатни тушунамиз. Бу ўриндаги асосий омил - бу аъзоларнинг ўзаро муносабатларидир. Маълумки, ўзаро муносабатлар иш юзасидан, фаолият мақсадлари ва мазмуни билан ҳамда бевосита бир - бирларини ёқтириш - ёқтирмасликка асосланган инсоний эмоционал ҳиссиётлар кўринишида бўлиши мумкин. Профессионал фаолиятни бажариш жараёнида табиий биринчи типли муносабатлар устивор бўлиб, иккинчиларининг характери биринчисидан келиб чиқади. Дўстлар тўпланган даврадаги муҳит эса аксинча, бевосита симпатияларга таянади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Х.Азизов, М.Бекмуродов, Давлат хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги мезонлари, Тошкент: ДБА нашриёти. -2020 й. -128 б.
2. Ш.Содиқова, Ўзгаришлар социологияси, Тошкент, Akademiya. 2019 й. -109 б.
3. Ш.Содиқова, Бошқарув социологияси, Тошкент, Akademiya. 2020 й. -263-б.
4. Психологическая диагностика в управлении персоналом. Москва. РПО.
5. М.Бекмуродов, Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Тошкент, Фан. 2000 й. -270 б.

Пардаев Тулкин Насирович
ДБҚ Божх на институти Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари кафедраси доценти,
e-mail: tulkinpardaev@uzbi.uz
Сарманов Орифжон Адилжонович
ДБҚ Божхона институти ДБҚ Божхона институти Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари кафедраси ўқитувчиси
e-mail: sarmanovorifjon@gmail.com
Фарходов Фаррух Фурқатович
ДБҚ Божхона институти Божхона назорати кафедраси ўқитувчиси
e-mail: farrux.farxodov@gmail.com

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан божхона тўловларини ундиришнинг мазмун-моҳияти ва уни иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни очиб берилган. Шунингдек, божхона тўловларини ундиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.Божхона тўловларини қўллаш бўйича чет давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларини ундиришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: Божхона тўловлари, иқтисодий хавфсизлик, ташқи савдо, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи, божхона тўловлари ставкаси, божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар, давлат бюджети, товарлар, божхона чегараси, ташқи иқтисодий фаолият.

Аннотация: В данной статье раскрывается значение взимания таможенных платежей с товаров, перемещаемых через таможенную границу Республики Узбекистан и его роль в обеспечении экономической безопасности. Также было проанализировано современное состояние взимания таможенных платежей, изучен передовой опыт зарубежных стран по применению таможенных платежей, даны научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию взимания таможенных платежей в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: таможенные платежей, экономическая безопасность, внешнеэкономическая деятельность, налог на добавленную стоимость и акцизы, ставки таможенных платежей, льготы

по уплате таможенных пошлин, государственный бюджет, товары, таможенная граница, внешнеэкономическая деятельность

Annotation: This article reveals the importance of collecting customs payments from goods transported across the customs border of the Republic of Uzbekistan and its role in ensuring economic security. The current state of the collection of customs payments was also analyzed, the best practices of foreign countries on the application of customs payments were studied, scientifically sound proposals and recommendations were given to improve the collection of customs payments in the Republic of Uzbekistan.

Key words: customs payments, economic security, foreign economic activity, value added tax and excises, customs payment rates, customs duty relief, state budget, goods, customs border, foreign economic activity

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва дунё бозорига чиқишда эса импорт таркибини доимий равишда ўрганиш ва унинг таркибини оптималлаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириб бориш ташқи савдони эркинлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш орқали ташқи савдони самарали таркибини таъминлаш, ички товарларни ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш каби вазифалар бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлардан божхона тўловларини ундириш божхона расмийлаштируви жараёнида асосий шартлардан бири ҳисобланади. Божхона тўловларини тўғри қўллаш орқали мамлакат бюджети даромадлар қисмига пул маблағларни тўлиқ тушишига олиб келиб, иқтисодиётни ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда белгиланган Давлат дастури “М**иллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишининг 21-мақсадида:**

-Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш;

-Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлашга доир бир қанча вазифалар белгилаб берилди [1].

Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш орқали ташқи савдони самарали таркибини таъминлаш, ички товарларни ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш билан бирга иқтисодий хавфсизликни таъминлаш каби вазифалар бажарилади.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ташқи савдони тартибга солишда божхона тўловларини қўллашни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, жумладан давлат бюджетини тўлдиришда божхона тўловларини ундириш механизмларини тадқиқ этиш ва уни иқтисодий хавфсизликни таъминлаш вазифаларини такомиллаштириш бўйича хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир

Божхона тўловларини мазмун моҳияти ва уларни қўллашни назарий асослари бўйича дунё олимлари турлича тариф берган. Жумладан:

Д.А. Слепов ва Е.В. Чуйковлар божхона тўловлари божхона органлари ходимлари томонидан ҳисобланадиган ва федерал бюджет даромадлар қисмини тўлдирувчи манба ҳисобланади [2].

В.Ю.Жуковец — божхона тўловлари деганда, товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда божхона органларига мажбурий равишда, шахс томонидан тўланиши керак бўлган барча тўловларнинг йиғиндиси тушунилади [3].

О.Ю.Бакаев, божхона тўловларига — белгиланган тартибда божхона органлари томонидан йиғиладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлар деб, ўз таърифини беради [4].

В.Г.Свинухов, ўзини икки илмий ишида божхона тўловлари атамасига иккита мутлақо бошқа-бошқа тариф беради. Жумладан, илмий-тадқиқот ишларининг бирида, божхона тўловлари — товарларни

олиб кириш ёки экспорт қилишда божхона органлари томонидан олинадиган ва товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишнинг зарурий шарти бўлган мажбурий тўлов сифатида тариф беради. Бошқа бир асарида божхона тўловлари тушунчасига тариф берар экан, божхона тўловлари божхона органлари томонидан олинадиган, божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимлардир.Шу билан бирга уларни тўлаш божхона процедураларини қўллашнинг муҳим шартидир” деб кўрсатиб ўтади [5].

Профессор А.Ваҳобовнинг фикрича, «иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутади» [6].

Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмининг асосий манбаси ҳисобланиб, унинг улуши йилдан-йилга ошиб келмоқда.Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда 14,5 фоиз бўлса 2022 йилга келиб 22,7 фоизни ташкил этган.Бу даврда ушбу кўрсаткич 8,2 фоизга ўсган.

Ўзбекистон Республикасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан — йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу кўрсаткич 2018-2022 йилларда 2,2 мартага ошган. (1**-диаграмма).**

Божхона тўловларини ўсишига: импорт товарларининг ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2018-2022 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори *(млрд. сўмда)*



Манба: ДБҚ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 83,9 фоизни, импорт божхона божи 12,6 фоизни, акциз солиғи 0,7 фоизни, бошқа тўловлар 2,8 фоизни ташкил этган. 2018 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 74,5, 16,1, 4,6 ва 4,5 фоиз бўлган. Бу йилларда импорт божини улуши 3,5 фоизга, акциз солиғи 3,9 фоизга, божхона йиғимлари ва бошқалар 1,7 фоизга камайган ва аксинча қўшилган қиймат солиғи 9,4 фоизга ошган.

Шуни қайд этиш лозимки, ўтган беш йил давомида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларига нисбатан ундан берилган имтиёзлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб келмоқда. Агарда, 2018 йилда берилган имтиёзлар миқдорини 2022 йилдаги билан солиштирадиган бўлсак, бу даврда ушбу кўрсаткич 1,5 мартага ошган. **(2-диаграмма.)**

Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни ошишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга берилган преференцияларнинг кўпайиши сабаб бўлган.

2-диаграмма.

Божхона органлари томонидан 2018-2022 йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар. (трлн. сўм)



Манба: ДБҚ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Охирги йилларда божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиблари такомиллашди ва бу жараёнларда ахборот технологиялардан фойдаланиш ривожланди.Ҳозирги пайтда божхона тўловларини ундириш ва назорат қилишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.Бу эса божхона расмийлаштирувига кетган вақтни қисқартириб, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона расмийлаштирувига кетаётган сарф-харажатларни қисқартирмоқда, шунингдек, божхона тўловларини ундириш тартиботларини соддалаштирмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сон Фармони қабул қилинди. Унда 2022-2023 йилларда божхона расмийлаштируви жараёнларини, жумладан божхона тўловларини ундиришни рақамлаштириш бўйича дастурлар қабул қилинди [7]. Бу эса божхона тўловларини ундириш самарадорлигини янада оширмоқда.

Дунё мамлакатлари ўз тараққиёт даражасидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловларидан фойдаланади ва уларнинг давлат бюджети даромадлар қисмидаги улуши турлича.

Хулоса қилиб, айтганда ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳамда уни ундириш механизмларини такомиллаштириб бориш, миллий иқтисодиётни халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига яқинлашувига замин яратади.

Юқоридаги хулоса ва чет давлатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва улардан берилаётган имтиёзлар бўйича қуйидагилар таклиф этилади.

- Божхона тўловларидан имтиёз берилиши назарда тутилган меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда бўлаётган ривожланиш ва ишлаб чиқаришнинг ўзгаришини ҳамда ушбу имтиёзларнинг самарадорлик даражасини инобатга олиб қайта кўриб чиқиш, инвентаризациядан ўтказиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш;

- Божхона йиғимларини ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича низом ишлаб чиқиш, унда аниқ мисоллар асосида турли хил йиғимларни ҳисоблаш тартиблари бўйича тушунчалар бериш;

- Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар Номенклатурасидаги код рақамлари бир-бирига яқин товарларнинг ставкаларини унификация қилиш, яъни яқинлаштириш;

- Айрим юқори ликвидли товарларга экспорт божини жорий этиш таклиф этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва улардан берилаётган имтиёзлар бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш божхона тўловларини йиғилувчанлигини янада ошириб, давлат бюджетини даромадлар қисмини янада кўпайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Слепова Д.А., Чуйкова Е.В. Таможенные платежи, исчисляемые таможенными представителями как источник формирования доходов федерального бюджета Российской Федерации. Экономика и управление: новые вызовы и перспективы. 2016;(11):192–196.

3. Жуковец В.Ю. Таможенное право в вопросах и ответах.М.2005.с 98.

4. Бакаева О.Ю. Правовое регулирование финансовой деятелности РФ. Саратов.2005 с28.

5. Свинухова В.Г. Таможенное дело.М.2005 г. С.251.

6. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”. – Т.: Бактриа пресс, 2015. - 548 бет.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сон Фармони.

Гойибназаров Шухрат Гойибназарович
Филиал ФГБОУ ВО «Российский Экономический Универститет Имени Г.В.Плеханова» В Г. Ташкенте, заместитель директора, доктор политических наук, профессор, +998 93 571 00 17, shukhratgoyibnazarov@gmail.com

ПРОФИЛАКТИКА – ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В БОРЬБЕ С ТЕРРОРИЗМОМ

Аннотация: Глобализация порождает все новые и изощренные угрозы и вызовы современности, создавая напряженность и расширяя свое влияние особенно среди молодежи. В этих условиях все более возрастает значение профилактической работы в борьбе с терроризмом среди населения и молодежи, выявление, устранение и локализация факторов и причин способствуют эффективному ведению борьбы с современными угрозами международного терроризма.

Ключевые слова: профилактика, локализация, интеграция, социально-политические явления, социализация, социальная профилактика, социальный контроль, основная функция профилактики.

Изоҳ: Глобаллашув замонамизнинг янги ва мураккаб таҳдид ва таҳдидларини келтириб чиқармоқда, кескинликни келтириб чиқармоқда ва унинг таъсирини, айниқса, ёшлар орасида кенгайтирмоқда. Бундай шароитда аҳоли ва ёшлар ўртасида терроризмга қарши курашишда профилактика ишларининг аҳамияти тобора ортиб, омиллар ва сабабларни аниқлаш, бартараф этиш ва маҳаллийлаштириш халқаро терроризмнинг замонавий таҳдидларига қарши курашни самарали олиб боришга хизмат қилмоқда.

Калит сўзлар: профилактика, локализация, интеграция, ижтимоийлашув, ижтимоий профилактика,ижтимоий назорат, профилактиканинг асосий функцияси.

Annotation: Globalization generates ever new and sophisticated threats and challenges of our time, creating tension and expanding its influence, especially among young people. Under these conditions, the importance of preventive work in the fight against terrorism among the population and young people is increasingly growing, the identification, elimination and localization of factors and causes contribute to the effective conduct of the fight against modern threats of international terrorism.

Key words: prevention, localization, integration, socio-political phenomena, socialization, social prevention, social control, the main function of prevention.

Международный терроризм и экстремизм принесли человечеству новые вызовы и угрозы, а также много бед. Порожденные глобализационными процессами, эти социально-политические явления стали с одной стороны самостоятельными наднациональными явлениями, способными вести войну с самыми могущественными и развитыми государствами, а с другой-весьма удобными инструментами для решения внешнеполитических и внутриполитических задач, самими государствами, их коалициями и партнерами. В этой связи приоритетное значение в противодействии террористическим и экстремистским организациям приобретают предупреждение акций терроризма и экстремизма, их профилактика. Слово «профилактика»**[1]** происходит от греческого prohylaktikos-предохранение кого-либо или чего-либо .

С учетом различных рассуждений ученых-юристов было предложено следующее определение профилактики преступности: это выявление, устранение, локализация факторов, способствующих совершению преступлений, или нейтрализации их действия, а также корректирующее антикриминогенное воздействий на лиц, динамика поведения которых свидетельствовала о возможном совершении ими преступления.

В Законе Республики Узбекистан «О борьбе с терроризмом» **[2]** от 15 декабря 2000 года №167-II статья 5 посвящена профилактике террористической деятельности, и отмечается, что «предупреждение террористической деятельности осуществляется путем проведения комплекса политических, социально-экономических, правовых и других профилактических мер государственными органами, органами самоуправления граждан и общественными организациями, а также оказание содействия государственным органам, осуществляющим борьбу с терроризмом». Также определены первоочередные задачи органов государственного управления, государственной власти на местах, органов самоуправления граждан, общественных объединений, предприятий, учреждений и организаций, должностных лиц, а также граждан оказании содействия и необходимой помощи государственным органам, осуществляющим борьбу с терроризмом. Надо быть объективным, что после принятия данного Закона в стране улучшилась борьба с этим злом, работа поднялась на более высокий качественный уровень, усилилась ответственность государственных органов и

институтов гражданского общества, общественных организаций и граждан.

Впоследствии эффективная организация и опыт работы Узбекистана, ее вклад в борьбу с международным терроризмом также были отмечены со стороны представителей международных организаций и международных экспертов. В 2018 году 30 июля в целях регулирования отношений в области противодействия экстремизму был принят Закон Республики Узбекистан ЗРУ-489 «О противодействии экстремизму» **[3]**, где были определены законодательные акты, основные понятия, основные принципы противодействия, основные направления государственной политики противодействия экстремизму, субъекты противодействия экстремизму, ответственность за осуществление экстремистской деятельности и заключительные положения. В данном Законе мерам профилактике посвящена статья 7, где в качестве мер по предупреждению экстремизма были определены следующее:

- повышение правового сознания и правовой культуры населения, формирование в обществе нетерпимого отношения к экстремизму,
- вынесение официального предупреждения о недопустимости осуществления экстремистской деятельности юридическим лицом,
- внесение представлений о недопустимости осуществления экстремисткой деятельности юридическим лицом,
- запрещение ввоза, изготовления, хранения, распространения и демонстрации экстремистских материалов,
- запрещения финансирования экстремизма,
- приостановление деятельности юридического лица,
- признание организации экстремистской.

Данные меры по предупреждению экстремизма могут включать в себя и иные меры в соответствии с законодательством.

А в статье 8 Закона указаны и конкретизированы пути по повышению правового сознания и правовой культуры населения, формирование в обществе нетерпимого отношения к экстремизму, информирование в обществе нетерпимого отношения к экстремизму, которые будут осуществляться следующими путями:

- проведением разъяснительной работы;
- организацией правового воспитания и образования, формирования политического сознания и политической культуры;

- разработкой учебно-методической и научной литературы по вопросам противодействия экстремизму;

- укреплением культурных традиций, духовного, нравственного и патриотического воспитания;

- организацией и проведением научно-практических мероприятий;

- совершенствованием образовательных программ с учетом основных направлений государственной политики в области противодействия экстремизму, и иными путями в соответствии с законодательством.

Защита общественных и личных интересов предполагает проведение широкого комплекса социально-правовых профилактических мероприятий. Именно к этому комплексу относится и вопрос об обеспечении общественного порядка. Как показывает практика, комплексные профилактические мероприятия, включенные в систему обеспечения общественной безопасности, способствовали успешному осуществлению защиты личности. Все эти мероприятия переплетаются, обеспечивая общественный порядок (правопорядок), предупреждение преступлений и защиты личности от различного рода посягательств. Правопорядок интегрирует общественные (правовые) отношения, основанные на самых простых правилах поведения: веди себя так, как того требует закон. В основе таких правил лежат общественные нормы морали, в которых заинтересованы государство, общество и граждане, без которых немыслима социальная жизнь. Эти правила закрепляют элементарные условия человеческого общения, чем упреждают преступления, защищая личность, общество и государство от уголовного наказуемых посягательств.

Согласно таким правилам и в соответствии с ними должна осуществляться профилактическая защита человека от террористических и экстремистских угроз. Эта профилактика направлена в том числе и на недопущение террористических преступлений, сопряженных с другими деяниями, особенно с организованной преступностью и коррупцией. По нашему мнению, особо значимой здесь является социальная профилактика, тесно связанная с социально-правовой защитой граждан от терроризма. Вопросам осуществления социализации молодежи мы должны уделять важное значение, ведь молодежь, находясь в том или ином социуме получает навыки, привычки, объединяется по интересам, формируется как

индивид и личность. Личностью осваиваются основные, присущие к конкретному социуму и обществу в целом, образцы внешней и внутренней культуры, поведений и привычек. Нам всегда нужно учитывать тот фактор, что для каждого возрастного периода развития личности характерна своя форма деятельности и ценностей. Социализация как процесс формирования и развития личности продолжается в течение всей ее жизни. Социализация никогда не завершается и никогда не бывает полной. Бывают этапы, периоды и фазы процесса социализации личности, которые нам необходимо учитывать и дифференцированно к ними подходить.

Социальная профилактика должна охватывать все меры организационного, экономического, воспитательного характера, неразрывно увязываться со Стратегией развития **[4]** приоритетных направлений страны. Ведь социальная профилактика вытекает из социальной политики государства. Когда мы говорим о юридической природе преступления, то это не противопоставляется его социальной природе. Юридическое всегда есть форма социального. На основании изложенного социальную профилактику можно рассмотреть, как специфический вид практики борьбы с терроризмом и экстремизмом. Это особая социальная деятельность. Социальная профилактика обеспечивает такое преобразование общественных отношений, в результате которого устраняются либо нейтрализуется условия, способствующие терроризму. К тому же такая профилактика обеспечивает осуществление социального контроля за ситуацией, связанной с проявлениями терроризма. Основной функцией социальной профилактики терроризма является социальный контроль за проявлениями данного явления это контроль общества за проявлениями терроризма. Он соответствует общественному мнению о терроризме и закреплен в общественном сознании.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Journal of central Asian renaissance URL - file:///C:/Users/Shukhrat.G/Downloads/administrator,+Renaissance-2022-2-2-1.pdf

2. Закон Республики Узбекистан «О борьбе с терроризмом» URL - https://lex.uz/docs/19015

3. Закон Республики Узбекистан ЗРУ-489 «О противодействии экстремизму» URL - https://lex.uz/ru/docs/3841963

4. Стратегия развития URL - https://lex.uz/ru/docs/5841077

Турсунова Сабина Равшановна
Старший преподаватель кафедры «Обеспечения общественной безопасности» Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОГО ТУРИЗМА

Аннотация: В данной статье рассматриваются методы обеспечения безопасности туристов во время посещения страны посещения. Проанализированы происшествия с участием туристов, а также рекомендованы меры по противодействию повторения данных случаев.

Ключевые слова: Туризм, турист, безопасность, туристическая полиция, гостинца, путешествие.

Глобальной тенденцией XXI в. является возрастание роли и значения туризма для личности, общества и государства. Туристские поездки (путешествия) в современном мире — это неотъемлемая часть жизни человека, связанная с реализацией его права на отдых и досуг, свободы передвижения, права на доступ к культурным ценностям, а также иных общепризнанных прав и свобод человека и гражданина. Наряду с этим туризм выполняет важные социально-экономические, культурно-экологические, международные и иные функции.

Туризм стал важным сектором в структуре международного рынка услуг, который занял первое место в мире по экономической эффективности и оставил позади себя такие значимые отрасли, как нефтедобыча и автомобильная промышленность.

Однако туризм – это не только сильный инструмент развития экономики. Он также является действенным фактором в создании имиджа конкретной территории, достижений будущего и пропаганды ее истории. Безусловно, туризм в наибольшей степени влияет на развитие экономики страны. Туристско-рекреационный потенциал тех или иных государств представляет собой весьма сложное понятие для однозначной трактовки и оценки. Данный факт во многом зависит от того, что основой туристского потенциала являются разные по своему происхождению и сути объекты культурного, природного, а также исторического наследия каждой конкретной страны. При этом значительное влияние на итоговые показатели уровня привлекательности туристской дестинации оказывают внешние факторы политического, экономического, правового, культурного, социального и психологического характера.

Сегодня роль туризма во всем мире неизменно возросла и это связано с увеличением его влияния на жизни людей и экономику стран в целом. Большая часть услуг в данной сфере деятельности реализовывается с наименьшими потерями, туризм все больше влияет на мировую экономику, что становится его отличительной чертой, ибо позволяет добиться наибольшего показателя добавленной стоимости. Туристические фирмы в современных условиях рыночной экономики все в большей мере осознают значимость и необходимость разработки новых услуг и продуктов.

Так же туризм является одной из самых уязвимых отраслей деятельности. Примером тому может послужить пандемия COVID-19 которая полностью парализовала на 2 года туризм по всему миру. В данный период туристические компании несли колоссальные потери, исчисляемые миллиардами долларов. А самый большой урон получил круизный туризм, после нескольких случаев массового заболевания на 42 круизных лайнерах[23] спрос на данный вид туризма стремительно снижаться в плоть до полного отсутствия оного. Таким образом мы можем утверждать о том что сфера туризма уязвима как к внешним так и внутренним факторам воздействия.

В Республике Узбекистан туризм также рассматривается не только как путешествия отдельных граждан, но и как сложный межотраслевой объект государственно-правового воздействия. Так, в 2022 году Узбекистан посетили более 5,2 млн иностранных граждан данный показатель на 3,4 млн человек или в 2,8 раза превышает соответствующий период 2021 года[24].

Борьба за потенциального туриста начинается уже тогда, когда он только принимает решение отправиться в поездку. Соответственно для победы необходимо научиться влиять на выбор маршрута будущим туристом. Главным залогом успеха, помимо интереса, должно стать предоставление туристам гарантии безопасности и удобства поездки, что должно быть закреплено в договоре между поставщиком туристских услуг и их потребителем.

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 ноября 2017 года № 939 «О мерах по обеспечению безопасного туризма в городах Бухаре, Самарканде, Хиве и Шахрисабзе» была утверждена «Концепция обеспечения безопасного туризма в городах

[23] https://ru.wikibrief.org/wiki/COVID-19_pandemic_on_cruise_ships
[24] https://uzbektourism.uz/research/statistics

Бухаре, Самарканде, Хиве и Шахрисабзе» в которой обеспечение безопасности туристов подразделяется на 3 подвида, это:

- обеспечение безопасности туристов в период прибытия, использования транспорта и перемещения;
- обеспечение безопасности мест проживания, гостиничного размещения и обслуживания туристов;
- обеспечение безопасности туристов, официальных зарубежных делегаций при посещении туристских достопримечательностей и организации вечернего досуга.[25]

В каждом из следующих сферах обеспечение безопасности туриста основана на взаимодействии. Так как только сами правоохранительные органы или субъектов предпринимательства в сфере туризма не смогут самостоятельно обеспечить на достойном уровне безопасность туристов, не переходя границы своих полномочий.

На данный момент места проживания, гостиничного размещения и обслуживания туристов а также безопасности туристов, официальных зарубежных делегаций при посещении туристских достопримечательностей и организации вечернего досуга на необходимом уровне были обеспечены путём внедрения в деятельность каждой гостиницы электронной информационной системы «E-мехмон», позволяющей формировать базу данных прибывших туристов а также деятельность Управления туристической полиции Министерства внутренних дел в полной мере может охватить данные направления. На данный момент основным слабым звеном, по нашему мнению, в обеспечении безопасности туристической деятельности является именно безопасности туристов в период прибытия, использования транспорта и перемещения. Приводя примерами:

Случай 3 мая 2022 года, в 10:00, водитель К.О., 1973 г.р., проезжая по 23-24 км автодороги 4Р-65, проходящей через Кызылтепинский район, Навоийской области, не справился с управлением, в результате чего автобус марки Yutong с туристами опрокинулся на обочину дороги. В результате аварии 5 пассажиров были госпитализированы с травмами.

Случай 22 мая 2022 года в Иштыханском районе Самаркандской области туристический автобус Zhongtong столкнулся с грузовым автомобилем КАМАЗ. Автобус перевозил иностранных туристов из Бухары в Самарканд. ДТП произошло около часа ночи. Причиной

[25] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 23.11.2017 г. № 939 «О мерах по обеспечению безопасного туризма в городах Бухаре, Самарканде, Хиве и Шахрисабзе» https://lex.uz/docs/3422675

аварии послужило что водитель автобуса заснул за рулём. Напарник водителя автобуса получил серьёзные травмы и скончался на месте происшествия. Из числа пассажиров пострадал гражданин Румынии, он был госпитализирован с лёгкими травмами.[26]

Из двух упомянутых в СМИ случаях мы можем сделать что причинами ДТП послужило именно переутомление водителей автотранспортных средств.

Для дальнейшего избежание данных случаев можно закрепить правило о движении на междугородних направлениях автобусов с пассажирами только при наличии двух водителей, обеспечение которого возляжет на туроператоров и турагентов а контроль на Службу безопасности дорожного движения Департамента общественной безопасности МВД Республики Узбекистан. Также в связи с большим количеством дорожно-транспортных происшествий, за 2022 год произошло 9902 ДТП, из которых 2086 были с летальным исходом с числом жертв 2356 человек, организации Службу безопасности дорожного движения Департамента общественной безопасности МВД платных услуг по сопровождению транспортных средств туристов, участвующих в турах организованных туроператорами и турагентами. По нашему мнению, данные меры могут послужить к снижению несчастных случаев с участием туристов во время посещения нашей страны, что благоприятно отразится на увеличении притока туристов и уровня их безопасности.

Использованная литература:

1. https://ru.wikibrief.org/wiki/COVID-19_pandemic_on_cruise_ships

2. https://uzbektourism.uz/research/statistics

3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 23.11.2017 г. № 939 «О мерах по обеспечению безопасного туризма в городах Бухаре, Самарканде, Хиве и Шахрисабзе» https://lex.uz/docs/3422675

4. https://www.gazeta.uz/ru/2022/05/30/accident/

[26] https://www.gazeta.uz/ru/2022/05/30/accident/

Бабабеков Нодир Джурабаевич
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация.

Мақолада терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахсларнинг ваколатлари, ушбу жараёнда мутахассиснинг вазифалари, жиноятларни тергов қилиш ва очишда қўлланиладиган махсус билимларнинг моҳияти ҳамда терговга қадар текширув жараёнида махсус билимларни қўллашдаги муаммоларни ўрганиш натижаларига асосланиб, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мутахассиснинг ёзма фикрига процессуал тус бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, мутахассис, махсус билимлар, жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш, мутахассиснинг ёзма фикри, мутахассиснинг процессуал мақоми, таққослаш учун намуналар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНИХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕСЕ ДОСЛЕДСТВЕНОЙ ПРОВЕРКИ

Аннотация.

В статье на основе изучения результатов полномочий лиц, осуществляющих доследственной проверки, обязанностей специалиста в этом процессе, сущности специальных знаний, используемых при расследовании и раскрытии преступлений, а также проблем применения специальных знания в ходе доследственной проверки, разработаны предложения по обеспечению прав лица, в отношении которого проводятся доследственная проверка, а также по приданию процессуального характера письменному мнению специалиста.

Калит сўзлар: доследственная проверка, специалист, специальные знания, использование специальних знаний при раследований преступлений, письменное мнения специалиста, процессуальный статус специалиста, образцы для сравнения.

THE USE OF SPECIAL KNOWLEDGE DURING THE PRE-INVESTIGATION CHECK

Annotation.

In the article, based on the study of the results of the powers of persons carrying out pre-investigation checks, the duties of a specialist in this process,

the essence of special knowledge used in the investigation and disclosure of crimes, as well as the problems of applying special knowledge during pre-investigation checks, proposals have been developed to ensure the rights of the person against whom the pre-investigation check is carried out, as well as to give procedural according to the written opinion of a specialist.

Keywords: pre-investigation check, specialist, special knowledge, use of special knowledge in the investigation of crimes, written opinion of a specialist, procedural status of a specialist, samples for comparison.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига биноан, жиноят тўғрисидаги хабар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахсларнинг ваколатлари жуда катта. Жумладан, бошқа ваколатлар қаторида терговчига (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олиш (188-модда), ашёвий далилларни кўздан кечириш (26-модда), ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш (135-модда), кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказиш, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга тушириш, режалар, схемалар, чизмалар тузиш, излардан қолиплар ва нусхалар олиш (136-модда), нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечириш (140-модда), шунингдек Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш; далилларни қайд этиш учун овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усулларини қўллаш; тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун ва бошқа ҳаракатлар учун махсус билимга эга бўлган шахс сифатида белгиланади. И.Р.Астанов эса “амалдаги ЖПК 69-моддасининг биринчи қисмидаги изоҳни етарли эмас деб ҳисоблаб, мутахассис – бу тергов ва суд муҳокамасини

ўтказишда фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш, текширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш учун чақирилувчи шахс” [4, Б.15], деган хулосага келган.

Шу сабабли, фикримизча, махсус билимлар – кенг тарқалмаган ва муайян фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус касбий тайёргарликдан ўтган тор доирадаги шахсларга маълум бўлган ноюридик билимлар деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Ушбу фикрлар И.Р.Астанов томонидан “махсус билим” тушунчасига берган таърифи ҳам тасдиқлайди: “Махсус билим – бу жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор фактик маълумотлар, далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-ҳунар соҳасидаги тор йўналишдаги профессионал билимдир” [4, Б.14].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, мутахассисдан ташқари, махсус билимларга эга бўлган шахс сифатида эксперт майдонга чиқади: “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин” [2].

Одатда, жиноятларни тергов қилиш жараёнида махсус билимлардан фойдаланиш шакллари қуйидагилар ҳисобланади: ҳодиса содир бўлган жойдан ёки бошқа тергов ҳаракатлари жараёнида олинган турли объектларнинг тадқиқотларини ўтказиш; мутахассиснинг тергов-тезкор гуруҳи таркибида иштироки; эксперт-криминалистик хизматлар ва бошқа суд экспертиза муассасалари ходимларининг махсус билимлар талаб этиладиган масалалар бўйича маслаҳат ва маълумот бериш фаолияти; тергов ҳаракатларини ўтказишда мутахассиснинг иштироки.

Илгари таъкидланганидек, терговга қадар текшириш босқичида экспертизани тайинлаш ва ишлаб чиқариш доирасида махсус билимлардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган [2].

Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи жиноят тўғрисидаги хабарни текширган шахсга нисбатан тайинланиши лозим бўлган экспертиза турлари, уларни тайинлаш тартиби, тадқиқотларни ўтказиш топширилиши мумкин бўлган экспертиза муассасалари рўйхати бўйича чекловлар белгиламайди. Бироқ, тергов амалиёти шуни кўрсатадики,

терговчилар (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи) терговга қадар текширувни ўтказиш жараёнида қонун билан ўзларига берилган экспертизани тайинлаш ваколатидан камдан-кам фойдаланадилар.

Фикримизча, бунинг сабаби эса амалдаги Жиноят-процессуал кодексида (179-модда) “Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда: ... эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб, бундай ҳуқуқни ариза берувчига берилмаганлиги билан боғлиқ бўлса керак. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш” деб амалдаги Жиноят-процессуал кодексида белгиланганидек, жиноят тўғрисидаги хабарни текшираётган шахс (масалан, терговчи, суриштирувчи) томонидан ўзига нисбатан терговга қадар текширувлар ўтказилаётган шахсга ҳамда ариза берувчига ҳам экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Шу сабабли, терговчининг (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи) мажбуриятлари қаторига аризачини ва ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахсни экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳамда экспертнинг хулосаси билан таништириш мажбуриятини ҳам киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бу, бир томондан, ушбу субъектларнинг (аризаси ёки ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахс) ҳуқуқларини ҳимоя қилади, иккинчи томондан, жиноят иши қўзғатилгандан кейин амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 176-моддасига мувофиқ, яъни, эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилган ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилган ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилган деган баҳона билан қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида асоссиз илтимосномалар беришнинг олдини олади.

Мутахассиснинг хулосаси далил сифатида тўғридан-тўғри шаклда тақдим қилинмайди, балки тегишли баённомада қайд этилади. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига мувофиқ, “Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз

ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усулларини қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин".

Жиноятларни тергов қилишда, одатда, терговга қадар текширув доирасида мутахассис томонидан берилган фикрларни тасдиқлаш учун, айнан шу масалалар бўйича жиноят иши қўзғатилгандан сўнг экспертиза тайинланади. Чунки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасида далилларнинг турларига мутахассиснинг фикрлари аниқ белгиланган ҳолда киритилмаган, яъни: "Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади". Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш **Концепциясида "**Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш" йўналишларидан бири сифатида "Судга қадар ва суд босқичида мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, шунингдек, мутахассис фикрига процессуал тус бериш" [1] деб белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш бўйича умумий тартибдаги суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиладими, мутахассиснинг ёзма фикрининг (мутахассис хулосаси) далилий аҳамиятини бир хил баҳолашни белгилаш зарур. Шу сабабли, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги таҳрирдаги янги моддани киритиш таклиф қилинади:

Мутахассис ёзма фикри

Мутахассиснинг ёзма фикри – ушбу Кодексда белгиланган тартибда расмийлаштирилган, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёхуд

тарафлар томонидан қўйилган саволларга ўрганиш натижаси ва хулосасини ўз ичига олган расмий ҳужжатдир.

Мутахассис ёзма фикрини зарур ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказганидан сўнг тузади ва ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Мутахассис хулосасига асос бўлган тадқиқот ва ўрганишга оид ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёзма фикрга илова қилинади.

Мутахассиснинг ёзма фикрида:

ўрганиш ёки тадқиқот ўтказилган жой, вақт ва муддат; ўрганиш ёки тадқиқот ўтказиш учун асос бўлган жиноят ишини юритаётган шахснинг қарори; ўрганиш ёки тадқиқот ўтказган мутахассис (унинг исми, шарифи ва фамилияси, маълумоти, мутахассислиги, мутахассислик бўйича иш стажи, илмий мақоми ёки илмий даражаси (агар бўлса), эгаллаб турган лавозими) ҳақида маълумот; мутахассис ёлғон хулоса берганлиги учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганлиги; ўрганиш ёки тадқиқот объекти ва уни ҳолати ҳақида маълумот; қўлланилган методлар ва хулосанинг таркиби ва натижалари; ўрганиш ва тадқиқот натижаларини баҳоланиши, мутахассис олдига қўйилган саволлар бўйича хулосанинг асосланиши ва шакли баён қилинади.

Таққослаш тадқиқотлари учун намуналар олиш – агар ушбу тергов ҳаракати тегишли суд экспертизаларини ўтказиш доирасида ёки мутахассисни жалб этган ҳолда амалга оширилса, махсус билимлардан фойдаланишнинг яна бир шакли ҳисобланади. Бироқ, терговга қадар текшириш жараёнида ўзига нисбатан терговга қадар текширувлар ўтказилаётган шахс таққослаш тадқиқотлари учун намуналар беришдан бош тортишга ҳақлими ва бунинг учун унга салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинми деган савол ҳал қилинмаган.

Бу эса, жиноят иши қўзғатилгунга қадар таққослаш тадқиқотлари учун намуналар беришга рози бўлмаслик ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди деган хулосага келишимизга имкон беради. Амалдаги қонунчиликда жабрланувчини терговга қадар текширув, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда кўрсатув беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгиланган [3], бироқ, ушбу норма жабрланувчи сифатида расман тан олинмаган шахсга тааллуқли эмас. Шунингдек, жиноят қонунчилигида, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, ушбу жараёнда ўтказилиши белгиланган тергов ҳаракатларида қатнашишдан бош тортганлиги учун мумкин бўлган жавобгарлик тўғрисида ҳам ҳеч нарса белгиланмаган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, терговга қадар текширув босқичида махсус билимлардан тўлиқ фойдаланиш фақат тергов ҳаракатларида мутахассиснинг иштироки (масалан, мурдани кўздан кечиришда суд-тиббиёт эксперти, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эксперт-криминалист ҳамда компьютер техникаларини кўздан кечиришда дастурчи (IT)-мутахассис ва бошқ.) билан таъминланиши мумкин деб хулоса қилиш мумкин. Терговга қадар текширув доирасида махсус билимларни қўллашнинг бошқа шакллари эса ушбу жараёнларини қонун нуқтаи-назаридан такомиллаштирилишини талаб қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори // www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 67-м. – Т., 2019. / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 240-м. – Тошкент: Адолат, 2022. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/20/658/1670-сон; 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон; 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон.

4. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари: / 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси мутахассислиги бўйича юрид. фан. д-ри (DSc) дис. автореф. – Т., 2018. – 75 б.

Xamidov G'aybilla Saypillayevich
Aslonov Norqul Rabbonayevich
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари
Тел: +998977329958 E-mail: *naslonov1986@mail.ru*

ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ (*Тошкент шаҳрида*)

Аннотация: *Ушбу мақолада жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, метрополитен тармоғини кенгайтириш, замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ҳамда намунавий лойиҳалар асосида автобус бекатларини ташкил этиш, жамоат транспорти ҳаракатига устуворлик бериш учун чорраҳа ва кўчаларни қайта лойиҳалаштириш, ташувчиларни молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали соҳа корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳамда хусусий сектор улушини икки баробарга ошириш тўғрисида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *Жамоат транспорти, йўловчи, чорраҳа, тизим, инфратузилма, автобус, пиёда, метрополитен, хавфсиз транспорт, моторсиз транспорт.*

Аннотация: *В данной статье идет речь о развитие инфраструктуры общественного транспорта, расширение сети метрополитена, создание современных транспортных развязок и автобусных остановок на основе типовых проектов, перепланировка перекрестков и улиц с приоритетом общественного транспорта, система финансирования перевозчиков и совершенствование тарифной политики предприятий отрасли, реабилитации и удвоении доли частного сектора.*

Ключевые слова: *общественный транспорт, пассажирский, перекресток, система, инфраструктура, автобус, пешеход, метро, безопасный транспорт, немоторизованный транспорт.*

Abstract: *This article deals with the development of public transport infrastructure, the expansion of the metro network, the creation of modern transport interchanges and bus stops based on standard projects, the redevelopment of intersections and streets with the priority of public transport, the system of financing carriers and improving the tariff policy of industry enterprises, rehabilitation and doubling the share of the private sector.*

Key words: *public transport, passenger, crossroads, system, infrastructure, bus, pedestrian, subway, safe transport, non-motorized transport.*

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бугунги кунда Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, шаҳримиз меҳмонларига, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ҳаракат таркибини барча қулайликларга эга бўлган замонавий автобуслар билан янгилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пиёдаларга қулай ҳаракатланиш муҳитини яратиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари[27]:

- жамоат транспорти тизимини унинг барча турларини узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантириш, аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражасини камида икки баробарга ошириш;

- жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, метрополитен тармоғини кенгайтириш, замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ҳамда намунавий лойиҳалар асосида автобус бекатларини ташкил этиш, жамоат транспорти ҳаракатига устуворлик бериш учун чорраҳа ва кўчаларни қайта лойиҳалаштириш;

- ташувчиларни молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали соҳа корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳамда хусусий сектор улушини икки баробарга ошириш;

- велосипед ва бошқа моторсиз транспорт турларини ривожлантириш, жумладан, пиёдалар ва велотранспорт учун қулай ҳаракатланиш йўлакларини, велосипедларни ижарага бериш ва улар учун махсус турар жойларни ташкил этиш;

- рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда транспорт воситалари ҳаракатини бошқаришнинг интеллектуал («ақлли чорраҳа», «ақлли автобус» ва «ақлли бекат») тизимларини жорий этиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-111 сонли Қарори

- жамоат транспорти ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза автобуслар, жумладан электробуслар билан янгилаш.

Жамоат транспортида жорий этилиши кутилаётган вақтга бириктирилган дифференциал тариф режалари

Бу ҳақда АОКАда Автомобил ва дарё транспортини ривожлантириш департаменти бошлиғи Руслан Рузметов, Тошкент шаҳар транспорт ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Анвар Жўраев, Транспорт вазирлиги Лойиҳа офиси раҳбари Мурод Обидов, Транспорт вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Наврўз Ашурматов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди:

✔ Бугунги кунда демографик ўсиш, ёшларнинг активлиги (кунлик ўқиш ва ишларга), аҳоли ҳаракатчанлиги каби кўрсаткичларнинг ошиб бориши натижасида йўловчи ташишга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжни сифатли, қулай ва хавфсиз жамоат транспорти хизматлари таклиф этиш орқали тўлиқ қондириш йўлларда транспорт сонини кескин ошиб кетишининг олдини оладиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ушбу йўналишда жамоат транспорти жозибадорлигини ошириш иккита асосий кўрсаткич: **вақт ва нарх бўйича** жозибадорлик аҳоли танловида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шахсий транспорт ёки таксида манзилга этиб борадиган аҳоли учун барқарор жамоат транспортида ижтимоий тарифлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш орқали жамоат транспортининг устуворлиги таъминланади.

Бунда вақт кўрсаткичи бўйича устуворлик ҳамда жамоат транспорти барқарорлигини таъминлаш, **автобусларга алоҳида йўлак** орқали тўсиқсиз ҳаракатланиш имконини беришдан бошлаб, чорраҳаларда ҳаракатни ташкил этишда автобус йўлаклари учун **алоҳида фазалар**, автобусларга алоҳида йўлак ажратиш имконияти мавжуд бўлмаган чорраҳаларда автобусларнинг ҳаракат жадвалига мувофиқ **яшил чироқ тамойилини** жорий этиш, шунингдек, аҳоли гавжум объектларга пиёда кириш учун энг **қулай жойларда бекатларни жойлаштириш** каби тадбирлар тизимли равишда амалга оширилади.



Шу билан бирга жамоат транспорти тизимида мавжуд муаммолар, автобусларнинг эскирганлиги, этишмаслиги, йўналишлардаги пойгалар йўловчи учун курашда белгиланган жадвалларга риоя қилмаслик омиллари хозирги ташувларни молияташтириш модели билан боғлиқ бўлиб, унда **йўналишдан тушадиган тушумлар** асосий мезон сифатида ишлаб келмоқда.

Қарор билан белгилаб берилган **“Брутто контракт”** тизимини жорий этилиши орқали ташувчилар йўлкира ҳаққи тушумлари бўйича жавобгарликдан халос бўлган ҳолда, янги критериялар, яъни ташувлар **сифати** ва **ҳажми** бўйича баҳоланадиган ва молиялаштириладиган тизимга ўтилади.



Бунда, ташувчи билан ҳисоб китоблар шартнома шартлари асосида амалга оширилган қатновлар, ҳаракат таркиби сони, мунтазамлик,

белгиланган интервалларга риоя этилиши каби шартлар бажарилганлиги бўйича баҳоланган ҳолда амалга оширилади.

Шартлар қисман бажарилган ёки бузулган холатларида ташувчига тўланадиган маблағлар белгиланган шкала асосида камайтириб тўланади.

Ҳужжатга мувофиқ ҳар бир автобус йўналиши бўйича ташувчилар электрон тендер натижалари бўйича аниқланади. Тендер савдоларига чиқариладиган йўналиш қийматининг бошланғич нархи ҳар бир автобус йўналиши бўйича йўловчи ташиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда рентабелликнинг 10% миқдори инобатга олинган ҳолда, ҳар бир километр босиб ўтиладиган масофа учун шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари қошида ташувчилар томонидан йўналиш кўрсаткичлари бажарилишини мониторинг қилиш, бажарилган иш ҳажми ва сифатини аниқлаш ҳамда баҳолаш, йўлкира ҳақи тўланишини ва кўрсатилган хизматлар сифатини назорат қилиш учун **автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви** ва **назорат тизими** ташкил этилади.



✔ Жамоат транспортининг жозибадорлигини таъминлаш, йўналишларда барқарор ҳаракат тезлигини таъминлаш, аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида **вақтга бриктирилган дифференциал тариф** режаларини жорий этиш.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бунда:

— бир соат ичида автобусдан автобусга биринчи марта ўтиш **70 фоизгача** арзонлашади;

— иккинчи ва кейинги ўтишлар йўловчи учун **бепул бўлади**;

— автобусдан метрога ёки метродан автобусга ўтишда тариф **30 фоизгача арзонлашади.**

Шу билан бирга жамоат транспортидан кунлик актив фойдаланувчилар учун бир кунлик лимитсиз тарифлар жорий этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қо‘шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-111 сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон 2022 йил 28 январдаги Фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июл кунидаги 2022-2026 йиллар давомида Республика ҳудудида амалга оширилиши мўллжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастур “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 14 июл, № 149 (8211).

4. “Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 май кунидаги 408-сонли Қарори.

5. 2018 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сонли қарори, 2018. – 1-8 б.

Xamidov G‘aybilla Saypillayevich
Irisov Xusniddin Doniyorovich
O‘zbekiston REspublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
Тел: +998974476001 E-mail: husniddin_bek@mail.ru

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH UCHUN JAMOAT TRANSPORTIDA VIDEO KUZATUV TIZIMININING AHAMIYATI

ANNOTATSIA. Maqolada jamoat xavfsizligini ta’minlash, yo‘lovchilarga sifatli va xavfsiz transport xizmatlarini ko‘rsatish uchun raqamli texnologiyalar va innovatsion yondashuvlarni keng qo‘llagan holda transport vositalari harakatini boshqarishning intellektual tizimlarini joriy etishga oid takliflar keltirilgan.

Kalit so‘zlar. Xavfsizlik, jamoat transporti, raqamli texnologiyalar, innovatsion yondashuv, video kuzatuv.

Аннотация. *В статье изучена и анализированы состояние вопроса дорожно-транспортных происшествий на сегодняшный день и рассмотрены мероприятия по их предотвращению.*

Ключевые слова: *дорожно-транспортное происшествие; безопасность; общественный транспорт; безопасность движения; закон.*

Annotation. *The article concludes that scientific literature there is no common understanding of operatively-technical support of operatively-search activity. The author identifies operatively-technical support of operatively-search activity in a broad and narrow sense. The article defines the characteristic features of these concepts.*

Keywords: *operatively-search activity; bodies carrying out o operatively-search activity; operatively-technical means; operatively-technical support of operatively-search activity.*

АННОТАЦИЯ. В статье представлены предложения по внедрению интеллектуальных систем управления движением транспортных средств с широким использованием цифровых технологий и инновационных подходов для обеспечения общественной безопасности, комплексного развития системы общественного транспорта, предоставления качественных и безопасных транспортных услуг пассажирам.

Ключевые слова. Безопасность, общественный транспорт, цифровые технологии, инновационный подход, видеонаблюдение.

ANNOTATION. The article presents proposals for the introduction of intelligent systems of vehicle traffic management with the wide use of digital technologies and innovative approaches to ensure public safety,

comprehensive development of the public transport system, and provide high-quality and safe transport services to passengers.

Keywords. Security, public transport, digital technologies, innovative approach, video surveillance.

Hozirgi kunda Toshkent shahrida 1 mln. 300 ming yo‘lovchi jamoat transportidan foydalanmoqda. Kun sayin shahar aholisining ortib borishi, shahrimizga kelayotgan xorijiy mehmonlar, turistlarining qiziqishlari, shu o‘rinda moliyaviy resurslarning keskin etishmasligi xizmat ko‘rsatish sifatiga salbiy ta’sir qilib, shahar jamoat transportlariga bo‘lgan talab va ehtiyojning oshishiga sabab bo‘lmoqda. Bu esa jamoat transporti tizimini kompleks rivojlantirish, shahrimiz mehmonlariga, yo‘lovchilarga sifatli va xavfsiz transport xizmatlarini ko‘rsatish, transport infratuzilmasini yaxshilash, harakat tarkibini barcha qulayliklarga ega bo‘lgan zamonaviy avtobuslar bilan yangilash, yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash hamda piyodalarga qulay harakatlanish muhitini yaratish kerakli bo‘yicha vazifalarni belgilaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 2 fevraldagi PQ-111 sonli “Toshkent shahar jamoat transporti tizimini yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi va 2023-yil 16- fevraldagi PQ-59-sonli “Jamoat transporti tizimini isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi Qarorlari ushbu vazifalarni bajarishda asos bo‘lib xizmat qiladi.

Yuqoridagi vazifalardan kelib chiqqan holda hozirgi kunda Toshkent shahrida faoliyat olib borayotgan avtotransportlarga xizmat ko‘rsatish sifati, avtotransportlarni raqamli texnologiyalar va innovatsion yondashuvlar asosida jihozlash, vedio kuzatuv tizimini joriy qilish muhim ahamiyatga ega.

Toshkent shahar jamoat transporti tizimini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlaridan raqamli texnologiyalar va innovatsion yondashuvlarni keng qo‘llagan holda transport vositalari harakatini boshqarishning intellektual («aqlli chorraha», «aqlli avtobus» va «aqlli bekat») tizimlarini joriy etish hamda yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash, jamoat transporti harakat tarkibini zamonaviy, ekologik toza avtobuslar, jumladan elektrobuslar bilan yangilash zarur hisoblanadi.

Har qanday transport, ayniqsa jamoat transporti xavflik darajasi yuqori guruhga kiradi. Transportda doimiy ravishda odamlar hayotini xavf ostiga qo‘yadigan vaziyatlar yaratilishidan tashqari, hozirda ularga terrorchilik harakati ehtimoli ham qo‘shilmoqda. Faqatgina shahar transportida har yili bezorilik, buzg'unchilik harakatlari natijasida yetkaziladigan millionlab so‘m zararni nazardan qochirmaslik kerak. Quyida transport vositalari harakatini

boshqarishning intellektual («aqlli avtobus») tizimi joriy etilgan zamonaviy, ekologik toza jamoat transportining umumiy ko‘rinishi keltirilgan (1-rasm).



1-rasm. Transport vositalari harakatini boshqarishning intellektual («aqlli avtobus») tizimi joriy etilgan zamonaviy, ekologik toza jamoat transportining umumiy ko‘rinishi

TIZIMNI ASOSIY ISHLASH FAOLIYATI:

- jamoat transportining tezlik rejimini nazorat qilish;
- yonilg‘i sarfini nazorat qilish;
- avtobus saloni va yo‘lning holatini real vaqt rejimida nazorat qilish;
- yo‘lovchilar oqimini (sonini) real vaqt rejimida kuzatib turish;
- haydovchining holati va o‘zini tutishini nazorat qilish;
- transport vositasidagi saloni va bekatdagi tashvish tugmasi;
- haydovchi va konduktorning ishlagan vaqtining hisoboti;
- transport vositasi haydovchisi va dispetcher bilan ovozli aloqa;
- transport vositasida ro‘y beradigan favqulodda holatlarni avtomatik uzatish;
- transport vositalarining asosiy uzellaring ishlashi-yoqilg‘i miqdori, moy bosimi va akkumulyator zaryadi haqida ma’lumot;
- ransport vositasining ta’mirlash va xizmat ko‘rsatish bo‘yicha rejalashtirish
- transport vositasiga TXK rejalashtirish va ta’mirlashlarni hisoblash.

TIZIMNI AFZALLIKLARI:

- ushbu tizim jamoat transportini samarali, xavfsiz boshqarish, yo‘lovchilarga yuqori sifatli xizmat ko‘rsatish va shahar yo‘llarida xavfli vaziyatlar yuzaga kelishini oldini oladi;

- avtobus saroylarida jamoat transportini boshqarish va nazorat qilishni soddalagii;

- transport vositalarining texnik holatini nazoart qilib borish marshrutlarda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan uzilishlarni oldini oladi.

Avtobuslar, qatnovchi taksilar va boshqa jamoat transportida videokuzatuv tizimlarining o‘rnatilishi konduktor va haydovchining ishini baholash imkonini beradi; yo‘lovchilar va mol-mulk xavfsizligini ta’minlashga yordam beradi; mulkka zarar yetkazilishining, ekstremistik va terrorchilik harakatlarining oldini oladi.

Majmua har qanday yorug‘lik sharoitida yo‘lovchilar, konduktor va haydovchining avtomobil salonidagi harakatlarini kuzatish uchun IQ yoritgichli bir nechta kameralardan iborat. Transportdagi barcha suhbatlar mikrofon orqali ham yozib olinadi. Majmua orqa kuzatuv kamerasi bilan jihozlangan bo‘lib, u transport orqasidagi va ko‘rinmas hududdagi holatni nazorat qiladi. Shuningdek, harakatlanish yo‘nalishidagi yo‘lning va transport vositasining to‘xtash joyidagi vaziyatini qayd etuvchi yo‘nalish kamerasi o‘rnatilgan. Bu ayniqsa, bugungi transport tirbandligida qo‘l keladi. Qayd etilgan ma’lumotlarni videoregistrator turidan kelib chiqib, xotira hajmi 256 GB SD-kartalarda yoki 2 TB gacha qattiq diskda saqlanishi mumkin. Haydovchi kabinasiga monitor o‘rnatish imkoniyati mavjud, u transport vositasi salonidagi va tashki videokameralardan kelayotgan tasvirlar aks ettiradi. Bu haydovchiga salonda va yo‘lda sodir bo‘layotgan voqealarni to‘liq nazorat qilish imkonini beradi. Transportdagi videokuzatuv tizimi real vaqt rejimida mobil tarmoqlar orqali ham, avtobus parkga qaytganida Wi-Fi orqali ham ma’lumotlarni uzatishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni // https://lex.uz/docs/5841063.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-111 сонли “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 16- fevraldagi PQ-59-sonli “Jamoat transporti tizimini isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi Qarori.

4. Musajonov M.Z. Avtotransport tarmog‘i korxonalarini loyihalash. 2-nashri.- T.: A. Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2011. – 320 b.

5. Gulyamov N.Sh. Avtomobillarni boshqarish. O‘quv qo‘llanma. T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2020. 311 b.

Бекмуродов Илҳомжон Рахматиллоевич
Жамоат хавфсизлик университети "Бронетанк ва автомобиль техникаси" кафедраси ўқитувчиси

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИНГ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРОИТИ ВА ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ. *Мамлакатимизда аҳоли ўртасида енгил автомобилга бўлган талаб кундан-кун сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида йўловчи ташувчи жамоат транспортларига йўловчиларни манзилларига етказишда ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Мазкур мақолада жамоат транспортларининг аҳолига хизмат кўрсатиш шароити ва ҳолатининг таҳлили ўрганилган ва чет эл тажрибалари билан солиштирилган.*

АННОТАЦИЯ. *Потребность в легковом автомобиле у населения в нашей стране растет день ото дня. Это создает неудобноства для общественного транспорта пассажиров по доставке пассасиров к месту назначения.В данной статье проводится анализ условий и состояния обслуживания населения общественноым транспортом и проводится сравнение с зарубежным опытом.*

ANNOTATION. *The need for car among the population in our country is growing day by day. This creates inconvenience for public transport passengers to deliver passengers to their destination. This article analyzes the conditions and state of service of the population by public transport and compares it with foreign experience.*

Калит сўзлар: *жамоат транспорти, ақлли бекат, ҳаракат жадаллиги, ҳаракат хавфсизлиги, автобус йўлаклари, транспорт ўтиш боғламалари.*

Ключевые слова:*общественный транспорт, умная остановка, скорость движения, автобусные полосы, транспортные развязки****.***

Key words: *Public transport, smart stop, traffic speed, traffic safety, bus lanes, interchanges.*

Йўналишларни ташкил этиш, шу жумладан янги йўналишлар очиш ва ишлаб турганларини ўзгартириш, бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини жойлаштириш ерини аниқлаш шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларида аҳолига хизматлар кўрсатиш объектлари жойлаштирилиши мумкин. Бунда йўловчиларнинг

ҳаёти ва хавфсизлиги ҳамда транспорт ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши керак.

Бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзиллари мазкур турдаги иншоотларга қўйиладиган санитария ва техника талабларига мос, замонавий кўринишга эга бўлиши лозим. [1]

Кейинги беш йилликда Тошкент шаҳри аҳоли сони 300 минг нафарга кўпайган ва шаҳарсозлик бўйича олиб борилган инфратузулма натижасида шаҳар ҳудуди ҳам бирмунча кенгайгани кўришимиз мумкин. Соҳани ўрганишлар натижасида олиб борилган изланишларга асосан ҳар куни бир миллиондан ортиқ одам Тошкент шаҳрига келиб кетади. Лекин йўловчи ташувчи жамоат транспорт тизими пойтахтдаги бошқа соҳадаги ўзгаришлардан ортда қолмоқда. Мисол тариқасида мавжуд автобуслардан 350 таснинг фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган, 393 та автобус етишмайди. Йўлдаги тартибсизликлар натижасида келиб чиққан тирбандликлар оқибатида автобуслар орасидаги интервал тиғиз пайтда 30 – 35 дақиқагача етмокда.

Бунинг натижасида жамоат транспортидан фойдаланувчи фуқороларнинг кўпчилиги бу каби хизматдан норози бўлиб, шахсий транспортдан фойдаланишга ўтиб кетмоқда. Охир оқибат Тошкент шаҳрида шахсий автомобиллардан фойдаланувчилар кўрсаткичи қарийиб 78 фоизни, жамоат транспортидан фойдаланиш даражаси эса 22 фоизни ташкил этмокда.

Тошкент шаҳрида аҳолини манзилларига етиб боришларида асосан жамоат транспортларидан автобус, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар хизмат кўрсатади.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида мулкчиликнинг турли шаклларидаги 468 та ташувчи томонидан йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатилмокда, шундан 13 та (8 та давлат улуши бўлган) корхона автобус йўналишларида, 55 та корхона йўналишли такси йўналишларида ва 400 та корхона йўналишсиз таксиларда хизмат кўрсатилмокда.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар тасарруфида жами 1 168 та шаҳар йўловчи автобуси мавжуд бўлиб, 30 фоизи 10 йилдан ортиқ тасарруф этилмокда. Автобусларнинг ўртача тасарруф этиш муддати 7,4 йилни ташкил этмоқда. «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси балансида 264 та метро вагони мавжуд бўлиб, уларнинг 60 фоизи 30 йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланилмоқда. 2 306 та автобус оралиқ бекати мавжуд бўлиб,

улардан 1021 таси белгиланган талабларга жавоб бермайди. Велосипед транспорти фойдаланувчилари учун 12 та кўчада 100 км узунликдаги велосипед йўлаклари мавжуд. Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 59,5 километр ва унда метро бекатлари сони 43 тадан иборат 4 та йўналиш мавжуд бўлиб, бир кунда ўртача 420 минг нафар йўловчи ташилмоқда. Шаҳарда 4 мингдан ортиқ кўча мавжуд бўлиб, уларнинг узунлиги 5 900 км, шундан автомагистраллар 462 км, асосий кўчалар — 445 км, шох кўчалар — 464 км, халқа кўчалар 1 481 км, ишлаб чиқариш худудларидаги кўчалар — 145 км ва маҳаллий аҳамиятдаги кўчалар — 2 896 километрни ташкил этади.[6]

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясига асосан:

Тошкент шаҳрида 16 та қулай ва замонавий транспорт-ўтиш боғламалари ер усти жамоат транспорти ва метрополитен йўналишлари кесишувчи, вилоятлардан келадиган транспортлар ва шаҳар маркази билан боғловчи, аҳоли зич жойлашган яшаш массивлари ва аҳоли гавжум нуқталарда ташкил этилади;

Транспорт-ўтиш боғламаларида барча тоифадаги йўловчилар учун тенг шароитлар яратилади, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чораларини куриш, табақалаштирилган тарифлар ҳамда йўловчи ва ҳайдовчилар учун дам олиш масканларини назарда тутади.

Транспорт-ўтиш боғламалари қуйидаги асосий талабларга мувофиқ ташкил этилади:

йўловчилар ўртача 10 дақиқа ичида бир транспорт туридан иккинчи транспорт тури ёки бошқа транспорт йўналишига қулай ўтиш имконияти;

шаҳарнинг исталган ҳудудига янги автобус йуналишлари тармоғи жорий этилиши ҳисобига кафолатланган вақт оралиғида етиб олиш;

транспорт-ўтиш боғламаларида автотураргохларни яратиш.[2]

Шуни такидлаб ўтиш керакки, автомобиллар сонининг ўсиши кўпгина салбий оқибатларнинг юзага келишига маълум бир даражада сабаб бўлмокда. Бу ўз навбатида жамоат транспорта воситаларининг тўғри чизикли йўлларга хавфсиз ҳаракатланиши учун имтиёз йўқлигини келтириб чикармокда.

Асосан жамоат транспортидан фойдаланишга эътибор қаратган мамлакатларда (Швеция, АҚШ, Япония, Москва ва ҳоказо) якка транспорт воситаларидан кўп фойдаланадиган ривожланган мамлакатларга нисбатан йўл транспорт ҳодисаларининг сони сезилари даражада

камайган. АҚШ аҳолисини 15-20% автобусдан фойдаланишни мақул кўрарди. Маълумотларга кўра ҳозирги кунга келиб АҚШ штатларида жамоат транспортидан фойдаланиши 35-40% га етганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.[4]

Ривожланган давлатларнинг тажрибаларига назар соладиган бўлсак йўлларда жамоат транспортлари ҳаракатланиши учун ажратилган махсус бўлаклар мавжуд бўлиб, улар ҳаракатланиш вақтида соатига 120-200 автобусларни ўтказади, агар бекатлар бевосита бўлакнинг ўзида жихозланган бўлса. А.Римкуснинг ахборотига кўра, ҳаракат микдори асосида бўлаклар соатига 139 та автобус ва троллейбусларни ўтказиши зарур. Агар бўлаклардан соатига 50-60 та автобуслар ўтса, бекатларни оралиғини узайтириш керак бўлади. Аммо назарий хисоб-китоб кўрсатадики, агар бекат бўлакдан ташқарида бўлса бўлакнинг ўтказиш кобилияти 600 автобусга етади, бу эса соатига 30 000 йўловчи ташишга олиб келади. Автобус бўлагининг энг кам юкланганлиги бир тарафда соатига 6-8 автобус тўғри келади.[5]

Ҳозирги кунда ҳаракат хавфсизлигига бериладиган бахо умумий йўлнинг узунлигига нисбатан олинади. Бахоланиш қоидасига асосан йул-транспорт ҳодисаларининг сонига ёки турли коиффициентига қараб рўй беради. Швейцария, Норвегия, Швеция, Англия, АҚШ мамлакатларида киритилган балл тизими ҳаракат шароитини, йўлнинг транспорт-эксплуатацион сифатини ва ундаги ЙТХ лар хисобга олиниб бахоланади. Бундан ташқари ҳаракат хавфсизлигининг кўрсаткичлари инобатга олинади.

Ижобий тажрибалар бир қанча мамлакатларнинг шаҳарларида амалга оширилган. Бунда Эдинбург, Опорто, Будапешт, Стокгольм, Гетеборг, Цюрих, Лилли шаҳарларида, Парижнинг ўзида 70 км автобус бўлаклари қурилган бўлиб, янгилари режалаштирилган. Кўп ҳолларда рельссиз жамоат транспорти ҳаракати кўпайиб кетадики, магистрал кўчалардаги битта бўлакда 90-95% фақат у билан банд булади. Бундай ҳолатда бир томонга соатига 110-120 та автобус ва троллейбус ҳаракатланади. Узун автобус бўлаклари Канаданинг Торонто, Рочестер, Даллас, Канзас-Сити (АҚШ) каби катта шаҳарларда ҳам ташкил этилганини кузатиш мумкин.

Аҳолини жамоат транспортларидан кенг фойдаланишга жалб этишнинг яна бир ечими бу жамоат транспорти йўналишларида ақилли бекатларни барпо этишдир. Бекатларни тўғри жойга ва аҳоли учун қулай ва замонавий талаблардан келиб чиқиб жихозлаш, жамоат

транспортларидан фойдаланувчиларни сонини янада кенггайишига олиб келиши мумкин. Аллбатда бекат ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Жамоат транспортидан фойдаланувчи фуқоро бекатда кутиш вақтини беҳуда ва зерикарли ўтказмаслиги лозим. Бекатни замонавий тарзда жихозлаш ҳозирги кунда инсонларнинг ижтимоий хуқуқи десак муболаға бўлмайди. Ривожланган давлатларда жамоат транспортларидан фойдаланувчи аҳоли бекатда 10-12 дақиқа кейинги транспорт воситаси келгунгача бекатда жорий этилган бепул интернетдан фойдаланиши, қандайдир электрон тўловни амалга ошириши, савдо қилиши, шунингдек автобуслар йўналиши бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва ҳ.к. билан шуғулланиши мумкин.

Хулоса

Чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирда Республикани барча ҳудудида жамоат транспортлари учун алоҳида йўлак ажратилиб, “А” ётиқ чизиғини чизиш ва ушбу йўлакда фақат жамоат транспортлари ҳаракатланишини таъминлаш зарур бўлади. Йўловчи ташувчи жамоат транспортлари учун бўлакларнинг фойдали томони шундаки, унда кетаётган йўловчилар учун вақт тежалади. Инсоният учун вақтдан ютиш энг асосий омил ҳисобланади. Жамоат транспорти учун ажратилган бўлаклар енгил автомобиллар ҳаракатини янада қийинлаштиради. Автобус йўлаклари одатда чет ўнг кисмни банд қилса, нафақат автомобиллар ҳаракатига, балки, бекатларда тўхташ жойларида ҳам шароит ёмонлашади.

Ушбу комплекс чора-тадбирлардан келиб чиқиб, жамоат транспорти ҳаракати 15-25% га ошади, йўлдаги транспорт қатнови билан боғлиқ тирбандликлар кескин камаяди, ҳаракат доимийлиги ортади, йўллардаги йўл-транспорт ҳодисалари камаяди; катта ишонч ва қулайликлар туфайли жамоат транспортида йўловчилар сони ортиб боради, пировардида янги Ўзбекистонда фуқоролар яратилган шароитлардан мингдан-минг рози бўлишар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “***Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида***”.

2. ПҚ-111 02.02.2022 “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида.

3. https://mintrans.uz

4. https://www.gorodtransport.ru.

5. Доцюк А.М. Шершунович А.С. “Внедрение системы приоритетного проезда общественного транспорта в санк-Петрбурге // Организация и безопасность дорожного движения в крупных городах”. Сборник докладов Седьмой международной ноучно-практической конференции.

6. М. Дарабов. Тошкент давлат транспорт университети доценти. “Шаҳар йўловчи транспортининг ҳаракатланиш шароити ва ҳолатининг таҳлили” мавзусидаги мақоласи.

Xamidov G‘.S.
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, texnika fanlari nomzodi, professor
Aslanov N.R.
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Rustamova Sh.Sh.
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 132-guruh kursanti

SODIR ETILAYOTGAN YO‘L-TRANSPORT HODISALARINING TAHLILI

Annotatsiya. *Maqolada hozirgi kunda sodir etilayotgan yo‘l transport hodisalarining holati o‘rganilib tahlil qilingan va ularni oldini olish bo‘yicha amalga oshirilishi lozim bo‘lgan tadbirlar ko‘rib chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *yo‘l transport hodisasi; xavfsizlik; jamoat transporti; harakat xavfsizligi, qonun.*

Аннотация. *В статье изучена и анализированы состояние вопроса дорожно-транспортных происшествий на сегодняшный день и рассмотрены мероприятия по их предотвращению.*

Ключевые слова: *дорожно-транспортное происшествие; безопасность; общественный транспорт; безопасность движения; закон.*

Annotation. Annotatsiya *In this article, the current situation of road traffic accidents is studied and analyzed, and measures to be taken to prevent them are considered.*

Keywords: *Traffic accident, safety, public transport, traffic safety, law.*

Bugungi kunda yo‘l-transport hodisasi butun dunyoda global muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. Jahon sog‘liqni saqlash tashkilotining ma’lumotlariga ko‘ra, bir yilda sayyoramizda 1,35 million kishi yo‘l-transport hodisasi (YTH) qurboni bo‘lmoqda. 50 millionga yaqin inson turli darajadagi tan-jarohatlarini olishmoqda. Inson o‘limining sababi bo‘yicha yo‘l-transport hodisalari sakkizinchi o‘rinda, 15-29 yoshdagi insonlar o‘limida esa birinchi o‘rinda bormoqda.

Respublikamizda o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisalari viloyatlar kesimida turlicha. Toshkent viloyatida har yuz ming nafar aholiga 21 ta, Jizzax viloyatida – 16 ta, Sirdaryo viloyatida – 15 ta, Navoiy va Samarqand viloyatlarida – 14 tadan, Qashqadaryo va Namangan viloyatlarida – 13 tani tashkil etadi.

Hozirgi kunga jahonda yo‘l-transport hodisalarining oldini olishga alohida e’tibor qaratilib, yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha ishlarni samarali tashkil qilish bo‘yicha bir qator ishlar bajarilmoqda. Jumladan, soha qonunchiligi zamon talablari asosida izchil takomillashtirib borilmoqda.

Xalqaro ekspertlar tomonidan bildirilayotgan fikrlarga ko‘ra, bugungi kunda og‘ir oqibatli yo‘l-transport hodisalari sonining ko‘payib borayotganligi jahon ham jamiyatini tashvishga solmoqda.

Tahliliy ma’lumotlardan ko‘rish mumkinki, o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisalari sonining ortib borishi davlatlarning iqtisodiy imkoniyatlari bilan bevosita bog‘liq bo‘lib, ularning 90 foizi o‘rta va past daromadli iqtisodiy ko‘rsatgichlarga ega davlatlar hissasiga to‘g‘ri keladi. Soha ekspertlarining xulosasiga ko‘ra, barcha davlatlarning transport sohasidagi siyosatlarini takomillashtirilishi muhim deb hisoblaydi. Chunki, o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisaning 23 foizi mototsiklchilar ishtirokida, 22 foizi piyodalar, 4 foizi velosipedchilar va qolgan qismi transport vositalarining o‘zaro to‘qnashuvlariga to‘g‘ri keladi. Bu esa, dunyo bo‘yicha yo‘l-transport hodisalarda vafot etayotganlarning deyarli yarmini aynan piyodalar, velosipedchilar va mototsiklchilar tashkil etayotganligini ko‘rsatmoqda.

Ularning fikricha, asosiy va mahalliy yo‘llarni modernizatsiya qilish, bunda barcha joylarda piyodalar yo‘laklarini va himoya to‘siqlari holatini doimiy yaxshilab borish, velosipedchilar uchun alohida yo‘llar barpo etish, yo‘llarning chetki qismlarini ham to‘liq asfaltlash choralarini ko‘rish odamlarning jarohat olishi yoki o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisalari sonini keskin qisqarishiga sabab bo‘ladi. Shu bilan birga, joylarda piyodalar va velosipedchilar uchun yaratilgan alohida yo‘llarning mavjudligi avvalo ekologiya sofligini ta’minlashga, odamlarni jismoniy faol va sog‘lom turmush tarziga yo‘naltirishdagi asosiy qadamlardan bo‘lib xizmat qiladi.

Bu borada shu narsaga e’tibor qaratish lozimki, avvalo davlatlar barcha mavjud yo‘llarning holatini yaxshilash, yo‘l-transport hodisalari o‘choqlarini aniqlash va bartaraf etish, ushbu noxush hodisalarning oldini olish borasida turli ijtimoiy tuzilmalar, transport tizimi, yo‘l qurilish tashkilotlari, huquqni muhofaza etuvchi organlar va boshqa idoralar bilan o‘zaro hamkorlikni jadallashtirish, fuqarolarda haydovchilik madaniyatini yuksaltirish, ushbu sohada qonunchilik targ‘ibotini kuchaytirish kabi bir qator dolzarb vazifalarni amalga oshirish kerakligini aytilmoqda.

Ekspertlar tomonidan mazkur sohada olib borilayotgan tahlillar natijalariga ko‘ra, yo‘l-transport hodisalari kelib chiqishiga ta’sir etuvchi salbiy omillar sifatida – texnik nosoz avtomobillardan foydalanish, yomon tabiiy

sharoit, haydovchining charchaganlik holati, haydovchilik huquqisiz yoki zaruriy tajribaga ega bo‘lmagan shaxslar tomonidan boshqarilishi, boshqaruv jarayonida chekish yoki ovqatlanish, baland ovozda musiqa eshitish, begona elektron qurilmalardan foydalanish kabilarni kiritish mumkin.

Shu bilan birga, tezlik me’yorlariga amal qilmaslik avariya oqibatlarining og‘irlik darajasiga bevosita bog‘liq bo‘lib, avtomobilni o‘rtacha tezlikdan har 1 km/soat tezlikka oshirib borish – yo‘l-transport hodisalarida tan jarohati olinishi holatini 3 foizga, o‘lim bilan bog‘liq hodisalar kelib chiqishini 5 foizga oshishiga sabab bo‘ladi. 50 km/soat tezlikda harakatlanayotgan avtomobil tomonidan urib yuborilgan katta yoshdagi piyodaning vafot etish ehtimoli 20 foizni, 80 km/soat tezlikda esa 60 foizni tashkil etadi. Shuningdek, transport vositasini spirtli ichimlik yoki tarkibida psixofaol moddalar mavjud preparatlar yoki giyohvandlik vositalari iste’moli ta’sirida boshqarish hollari og‘ir oqibatli yo‘l-transport hodisalari sonini 5 barobarga ko‘payishi xavfini keltirib chiqaradi.

Boshqaruv paytida uyali aloqa vositalaridan foydalanuvchi haydovchilarning avariya holatlariga uchrashi boshqalarga nisbatan 4 barobarga ko‘pni tashkil etadi. Aloqa vositalari orqali yozishmalarni amalga oshirish esa, ushbu ko‘rsatgichni yanada ikki barobarga oshishiga sabab bo‘ladi. Chunki, ushbu vositalardan foydalanayotgan vaqtda avvalo haydovchi chalg‘iydi, hushyorligi yo‘qoladi, yo‘l belgilariga va boshqa haydovchilar tomonidan amalga oshirilayotgan harakatlarga nisbatan e’tiborsiz bo‘ladi, oraliq masofa saqlanmaydi, o‘z yo‘nalishi bo‘yicha harakatlanishni nazorat qila olmaydi va oqibatida yo‘l-transport hodisalari kelib chiqadi.

Ekspertlar xulosalariga ko‘ra, mototsiklchilar tomonidan tegishli shlemlardan to‘g‘ri foydalanish o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisa xavfini 40 foizga, ularda jarohatlar olish bilan bog‘liq holatlarni 70 foizga qisqartiradi. Avtomobilning old qismida o‘tirgan yo‘lovchi uchun xavfsizlik kamaridan foydalanish o‘lim bilan bog‘liq yo‘l-transport hodisa xavfini 40-50 foizga, orqa o‘rindiqdagi foydalanuvchilar uchun esa 70-75 foizga kamayishiga, shuningdek, yosh bolalar uchun maxsus o‘rindiqlardan to‘g‘ri foydalanilishi bu kabi noxush holatlarni 75-80 foizga kamayishiga sabab bo‘ladi.

Bugungi kunga kelib jahonning ko‘plab mamlakatlarida transport vositalaridan foydalanishda umummajburiy qonun normalari amalga kiritilgan. Jumladan, 105 ta davlatda haydovchilarga va yo‘lovchilarga ham birdek amal qiluvchi xavfsizlik kamarlaridan majburiy ravishda foydalanishni nazarda tutuvchi, 53 davlatda yosh bolalar uchun maxsus o‘rindiqlardan majburiy foydalanishni belgilovchi, 47 ta davlatda shahar joylarida soatiga

50 km tezlikdan oshmaydigan tartibni nazarda tutuvchi, 44 ta davlatda ruxsat etilgan maxsus shlemlardan majburiy ravishda foydalanishni talab qiluvchi, 23 ta davlatda 100 ballik tizimda qo‘llanilgan jarimalar hisobini baholab boruvchi qonunlar mavjud bo‘lib, ushbu qoidalarga amal qilmagan haydovchilarga nisbatan ma’muriy tartibda qat’iy choralar ko‘rib borish amaliyoti keng joriy qilingan.

BMT tomonidan 2017 yilda tayyorlangan global miqyosdagi yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha “Tezlik me’yori nazorati” deb nomlanuvchi ma’ruzada keltirilishicha, so‘nggi o‘n yillikda rivojlangan mamlakatlarda yo‘l-transport hodisalari soni kamayishiga erishishda yagona yondashuvdan keng foydalanilgan.

Bu o‘rinda, yo‘llarga barcha zamonaviy texnika yutuqlarini joriy etish, ularni zamonaviy piyodalar yo‘lakchalari, velosipedchilar trassalari, xavfsiz o‘tish joylari va boshqa transport vositalari harakatlarini sekinlashtiruvchi vositalar bilan jihozlanishi yo‘l harakati ishtirokchilarining xavfsizligini ta’minlaydi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash tizimini takomillashtirish sohasida keng qamrovli tashkiliy-amaliy ishlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, ko‘rilayotgan chora-tadbirlarga qaramasdan, insonlar o‘limga olib kelgan yo‘l-transport hodisalarining soni hali ham yuqori bo‘lib, avtomobil yo‘llarida xavfsizlikni ta’minlash tizimini tubdan isloh qilish zarurligini ko‘rsatmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev raisligida 2022 yil 11-fevral kuni “Xavfsiz va ravon yo‘l” tamoyili asosida yo‘llarda inson xavfsizligini ta’minlash borasidagi ishlarni yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishida 2021 yilda 10 mingdan ortiq yo‘l-transport hodisasi sodir etilib, ularda 9 mingdan ortiq fuqaro jarohatlanganligini, eng achinarlisi, 2,5 mingga yaqin odam, shu jumladan
263 nafar bola halok bo‘lganini ta’kidlab o‘tildi.

Prezident tomonidan belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash hamda 2022-2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasiga muvofiq, shuningdek, Yangi O‘zbekiston sharoitida avtomobil yo‘llarida inson hayoti va sog‘lig‘ini har qanday hodisalardan kafolatli himoya qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 4 apreldagi “Avtomobil yo‘llarida inson xavfsizligini ishonchli ta’minlash va o‘lim holatlarini keskin kamaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-190-sonli Qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar

Mahkamasining 2022 yil 12 apreldagi “Yo‘l harakati qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi VM-172-sonli Qarori va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 20 iyuldagi “Avtomototransport vositalarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish hamda ularni imtihondan o‘tkazish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi VM-393-sonli Qarori ishlab chiqildi.

Qarorlarning asosiy maqsadi yo‘l harakatini va transport oqimini tartibga solish, yo‘l transport hodisalarini oldini olish, yo‘l harakati qoidalarini xalqaro talablar asosida qayta ishlab chiqish, haydovchilarni o‘qitish va qayta tayyorlash mexanizmini takomillashtirishga qaratilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak barcha yo‘l-transport hodisalarini kelib chiqishiga ta’sir etuvchi salbiy omillarga nisbatan huquqiy tartibotni qo‘llashda milliy va xalqaro darajadagi qonunchilikni muvofiqlashtirish va muntazam yangilab borish, o‘zaro tajriba almashish va mustahkam hamkorlik o‘rnatish orqali kutilgan natijalar samarasiga erishish mumkin bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 4 apreldagi “Avtomobil yo‘llarida inson xavfsizligini ishonchli ta’minlash va o‘lim holatlarini keskin kamaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-190-sonli Qarori,
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 12 apreldagi “Yo‘l harakati qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi VM-172-sonli Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 20 iyuldagi “Avtomototransport vositalarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish hamda ularni imtihondan o‘tkazish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi VM-393-sonli Qarori.
4. http:G‘G‘ lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.

Усманова Муборак Акмалджановна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори

ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ МЕҲНАТ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Инсон ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳар бир жамият учун долзарб масала бўлиб, у давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва барқарорлигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда илмий-техник тараққиёт келтириб чиқарган хавфсизлик муаммоларининг ечими жамиятнинг барча аъзоларининг фаол иштирокини, юқори фуқаролик онгини, айрим ҳолларда жамият, келажак авлод манфаати учун, шахсий манфаатлардан кечишини талаб қилади. Бу эса жамият аъзоларидан юксак маданиятли ва кучли маънавиятликни талаб қилади.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни, бу – хавфсиз, соғлом ва муносиб меҳнат шароитларини тарғиб қилишга қаратилган йиллик халқаро компаниядир. Ушбу кун бутун дунёда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олишга ҳисса қўшишга қаратилган бўлиб, у иш жойларидаги хавфсизликни ва шароитларни қандай яхшилаш мумкинлиги ҳамда иш жойларидаги соғлиқни сақлашнинг сиёсий аҳамиятини қандай тарғиб қилиш ҳақида хабардорликни оширишнинг муҳим воситасидир.

Меҳнат инсоннинг ташқи дунё предметларига таъсир ўтказиш воситаси сифатида ҳар бир кишининг фаолиятида намоён бўлади.[28]

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Чунки айнан бу каби масалаларнинг тартибга солиниши туфайли халқимиз фаровонлиги таъминланади. Зеро, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: “Янги Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилганлигидан далолатдир.”.[29]

XXI аср фан ва технологиялар асри, инсон учун энг қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратилиш имкониятлари таъминланган аср эканлиги билан диққатга сазовордир. Ўтган XX аср давомида фанда юз берган инқилобий ўзгаришлар бугунги юксак технологиялар ҳамда

[28] А.А.Иноятов. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 2002. – Б.6.

[29] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. www.xs.uz расмий сайти. 20.12.2022.

уларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши, табиат кучларидан инсон манфаатлари йўлида кенг фойдаланиш учун чексиз имкониятлар яратиб берди. Бунинг натижасида моддий ишлаб чиқариш соҳасида қўл меҳнатининг ҳиссаси кескин пасайди, оғир ва инсон учун зарарли ишлаб чиқариш операциялари автоматлар ҳамда робот технологиялари зиммасига юклана бошлади. Буларнинг барчаси инсон меҳнатини қулай ва хавфсиз бўлишига, унинг турмуш шароитлари тубдан яхшиланишига олиб келди, ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун деган гуманистик ғояни рўёбга чиқарилиши учун зарур шароитлар яратди.

Бироқ, илмий техника тараққиётининг инсон ҳаётини яхшиловчи ютуқлари учун инсониятдан ҳақ тўлаш талаб қилинмоқда ва бу ҳақ атроф-муҳитни ифлосланиши, глобал миқёсларда об-ҳавонинг исиши, инсон ҳаёт шароитини белгиловчи табиий омилларнинг, инсонни ўраб турган табиий муҳитни ёмонлашуви, аввал инсониятга маълум бўлмаган янги касалликларни тарқалиши каби объектив воқелик кўринишларида намоён бўлмоқда. Жаҳоннинг ҳар бир минтақаси, ҳар бир мамлакат ушбу муммоларни юмшатишга, унинг зарарли оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил ҳамда тўла ҳажмда амалга оширсагина муайян самарага эришиш мумкин бўлади. Биз ушбу глобал миқёсдаги муаммонинг фақат бир жиҳатига - ишлаб чиқаришда ходимлар учун хавфсиз ҳамда қулай иш шароитлари яратилиши билан боғлиқ бўлган томонларигагина эътибор қаратмоқчимиз.

Меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар[30], шунингдек Ўзбекистоннинг миллий меҳнат қонунчилиги тизими ҳам[31] ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнат шароитлари улар ҳаёти ҳамда саломатликларига хавф солмаслигига алоҳида эътибор қаратади.

Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг устувор конвенцияларидан бири ҳисобланган 1981 йилдаги “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 155-сонли ҳамда 2006 йилги “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида”ги 187-сонли конвенциялари бир-бирини тўлдириб, хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини таъминлаш учун тегишли тамойиллар, мажбуриятлар ва ҳуқуқларни акс эттирган асосий халқаро ҳужжатдир.

Зероки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек: “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган

[30] БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси.

[31] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа қонунлари.

қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши кафолатланган".

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 2-моддасига кўра: "Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат". Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра: "Иш берувчилар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини таъминлаши шарт. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Дунёда жиноий жазоларни либераллаштириш, айбсиз шахсларни жавобгарликка тортмаслик ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, инсон шаъни ва қадр-қимматини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнларда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ҳарбий хизмат билан боғлиқ жиноят ишларида жавобгарликка тортмасдан туриб тарбиялаш, жиноят йўлига адашиб кириб қолган шахсларни тарбиялашнинг инсонпарвар принциплари доирасидаги ҳуқуқий нормаларни жорий этиш ва бу борада тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича иш юритишни рад этиш ёки тугатишда уларнинг вафоти билан боғлиқ ҳолларда хам жиноят процессуал муаммолар мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, амалдаги ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ, башарти, айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса, унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал этилмай жиноят иши тугатилиши белгиланган. Амалиётда мазкур ҳолатлар кўплаб учраши сабабли, бу борадаги муаммолар ҳам ўзига ҳосликни касб этмоқда. Ҳусусан, ИИВ Тергов Департаменти ва унинг қуйи бўлинмалари томонидан 2017-2021 йиллар давомида жами **1 829 та** жиноят ишлари айбланувчиларнинг вафот этганлиги сабабли тугатилган.[1] Бу кўрсаткич судларда **269 та** жиноят ишлари ва уларда жами **343 нафар**

вафот этган судланувчиларга нисбатан тугатилган жиноят ишларини ташкил этади.[2] Бироқ амалиётда гумон қилинувчи ёки терговга қадар текширув давомида вафот этган шахслар билан боғлиқ ҳолатлар яна катта рақамларни ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида мазкур масалаларда қонунчиликни такомиллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

С.Махмудов [3] ва Б.Муродовлар [4]нинг таъкидлашича, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 3-бандида айбланувчи ва судланувчидан ташқари гумон қилинувчининг ҳам қайд этилмаганлиги амалиётда турли тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Ҳар икки тадқиқотчилар Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида “айбланувчи” ва “судланувчи” билан бир қаторда, “гумон қилинувчи”ни ҳам қайд этишни лозим, деб ҳисоблайдилар.

Юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ҳақиқаттан ҳам амалиётдаги ҳолатлар бевосита вазиятдан келиб чиқиб, қарор қабул қилишни талаб этганлиги боис, кўп ҳолларда жиноят-процессуал қонунчиликка мутаносиб бўлавермаслиги, жиноят-процессуал кодексининг қонунийлик принципига зиддир. Бироқ юқоридаги олимлар фикрларида жиноят иши қўзғатилгач, ишни юритиш давомида гумонланувчининг вафот этганлиги ҳолати назарда тутилмоқда ҳолос. Аммо, терговга қадар текширув давомида ҳам жиноят субьекти сифатида жалб этилиши лозим бўлган шахснинг ўз жонига қасд қилганлиги ёхуд бошқа сабабларга кўра (йўл-транспорт ҳодисаси вақтида ва ҳк.) вафот этган вазиятларда, терговга қадар текширув юзасидан қарор қабул қилиш лозим бўлганида, ҳеч қандай мақомга эга бўлмаган шахсга нисбатан жиноят ишини айблилик масаласини ҳал этмай туриб тугатиш учун қарор қабул қилиниши албатта жиноят-процессуал қонунчилигига зиддир.

Бу борада Б.Муродов хам 84-модда биринчи қисмининг 3-бандида нафақат “гумон қилинувчи”ни балки “ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс”ни ҳам акс эттириш лозимлигини таъкидлаган.[4]

Албатта терговга қадар текширув – процессуал нуқтаи назардан жиноят иши қўзғатилиши билан якунланувчи босқич бўлганлиги сабабли, бунда шахснинг бирор-бир мақомда эътироф этишнинг имкони бўлмайди. Шундай бўлсада, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини ҳам давом эттиришлик ҳам тергов юзасидан мақсадга мувофиқ бўлмайди. Башарти терговга қадар текширув вақтида келгусида айбланувчи тариқасида жалб этилиши лозим бўлган шахс вафот этган

тақдирда, унинг мазкур мақомини ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандида мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бунда мазкур шахснинг айби тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатлари билан ўз исботини топиши хам муҳим саналади, чунки марҳумнинг қариндошлари томонидан иш рад этилиши ёки тугатилиши устидан шикоят қилиш ҳуқуқи сақланганлиги билан бир қаторда, суриштирувчи ва терговчилар учун ишни оссонгина ҳал этиш борасида омил сифатида хизмат қилмаслиги керак.

Шу билан бирга мазкур нормалар ўртасида коллизион тафоввут борилигини хам кузатишимиз мумкин бўлади. Чунончи, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 3-бандида фақатгина айбланувчи ва судланувчи вафот этган тақдирдагина ишни айблилик масаласини ҳал этмай туриб тугатиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. ЖПКнинг 333-моддасида, 84-моддаси биринчи қисмининг 1,3–8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқариши лозимлиги белгиланган. Мантиқий нуқтаи назардан юқорида келтириб ўтганимиздек терговга қадар текширув вақтида мазкур вафот этган шахснинг бирор мақоми белгиланмайди, бунинг имкони ҳам мавжуд эмас. Яъни ЖПК талабларида шахсни фақатгина жиноят иши доирасидагина гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида ишга жалб этиш мумкин, терговга қадар текширув вақтида эса унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигини ва келгусида жиноят иши қўзғатилганидан сўнг айбланувчи тариқасида ишга жалб этилишини мантиқан англасакда, ушбу шахсга ҳеч бир мақомда бўлмаганлиги сабабидан процессуал чоралар кўрилмайди. ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандида фақатгина айбланувчи ва судланувчи мақомидаги шахснинг вафот этганлиги ҳолати ишни тугатишга асос сифатида белгилаб қўйилган, терговга қадар текширув натижаси бўйича эса бундай шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этишнинг имкони мавжуд бўлмайди, қолаверса ЖПКнинг 333-моддасида жиноят иши қўзғатишни рад этиш борасидаги ҳолатлар терговга қадар текширув натижаси учун назарда тутилгандир.

Ф.Ю.Васильев, ўзининг тадқиқотларида Россия қонунчилиги нуқтаи назаридан реабилитация этилмайдиган асосларга кўра жиноят ишини қўзғатишни рад этиш борасида, гумон қилинувчи ва айбланувчини вафот этганлиги ҳолати бошқа норма билан ҳудди шундай

шахсларнинг терговга қадар текширув давомида вафотини акс эттириши лозимлигини, бунда уларнинг яқин қариндошлари қарор ва ҳужжатлар билан таништирилиши ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозимлигини, бироқ уларнинг қарордан розилигини олиш шарти бўлиши мақсадга номувофиқлигини билдириб ўтган[5]. Мазкур фикрларга қўшилиш мумкин, чунончи яқин қариндошларнинг бу борадаги ҳуқуқлари тушунтирилиши етарлидир, уларнинг розилигини олиш шарт қилиб белгиланиши суриштирув ва тергов жараёнида қийинчиликларни ва процессуал муддатларнинг чўзилишига олиб келади.

С.Перетокин эса бундай шахсларнинг вафот этганида, уларга нисбатан реабилитация этилмайдиган асосларга кўра ишни тугатишда уларнинг яқин қариндошлари розиликларини олишни мажбурий тартиби белгилаб қўйилиши лозимлигини билдирган[6].

С.Перетокиннинг фикрларига қўшилишнинг имкони йўқ, сабаби бу жараёнда вафот этган шахснинг яқин қариндошлари унинг “пок номи”ни сақлаб қолиш мотивида бўлиши табиийдир ва бу сунъий равишда ишнинг чўзилиб кетишига олиб келади. Вафот этган шахснинг яқин қариношларига шундай қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши ва кейинги ҳаракатлар механизми қонунчилик билан белгиланиши албатта кифоя қилади деган фикрдамиз.

Бу борада суриштирув ва тергов идораларида хизмат олиб борувчи респондентлар ўртасида ўтказилган анкета сўровнома натижаларига кўра ҳам кўпчилик респондентлар томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб этилиши лозим бўлган шахс вафот этганда, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин мазкур вафот этган шахснинг яқин қариндошларидан розилик олиш бўйича бирор ҳужжат расмийлаштирмасликларини билдириб ўтдилар[7].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 36-моддасида “Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан

эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.”[8] дея белгилаб қўйилган.

Мазкур фуқаровий суд томонидан шахсни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорнинг жиноят-процессуал қонунчиликда акс этмаганлиги бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳуқуқ назариясига кўра ва амалиёт нуқтаи назаридан “қонунда нимаики тақиқланмаган бўлса, руҳсат берилиши”[9] тамойилига кўра иш юритилганлиги боис фуқаролик ва фуқаролик процессуал қонунчиликдаги шахсни вафот этган деб эълон қилиш билан боғлиқ муносабатлар жиноят процессуал қонунчилигига тадбиқ этилмоқда. Бироқ шахснинг фуқаровий суд томонидан вафот этган деб эълон қилиши унинг вафотини фактик эканлигини англатмайди ва бу баъзи шахсларнинг осонгина жиноий таъқибдан қутилиб кетишига имкон беради.

Илғор хорижий давлатларнинг процессуал қонунчиликларида бу борада белгиланган қоидаларига назар ташласак, Россия Федерацияси ЖПКнинг 24-моддаси 1-қисми 4-бандида гумон қилинувчи ва айбланувчи вафот этган тақдирда унга нисбатан юритилган терговга қадар текширув ва жиноят иши хамда жиноий таъқиб тугатилиши белгиланган бўлиб, истисно тариқасида вафот этган шахснинг реабилитация қилиниши лозим бўлган ҳолларда бундай ишларни тугатилишига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай мурожаатларни, вафот этганнинг яқин қариндошлари, қариндошлари ёки унга яқин бўлган бошқа шахслар бериши мумкинлиги белгиланган[10].

Россия Федерацияси ЖПКнинг юқорида назарда тутилган нормасида фақатгина терговга қадар текширув, жиноий таъқиб ва жиноят иши тугатилиши борасида ваколат беришини инобатга олган ҳолда судланувчи мақомини киритмаган деб ўйлаймиз, бироқ мазкур ЖПК суд ишини тугатилишини алоҳида асосларини назарда тутмаганлиги боис бу бўшлиқ тушунарсиздир.

Озарбайжон давлатининг ЖПК 39-моддаси 39.1.5-бандида жиноят қонунчилигида назарда тутилган қилмишни содир этган шахс мазкур қилмишни содир этганидан сўнг вафот этса барча жиноий таъқиб, терговга қадар текширув ва жиноят иши тугатилиши белгиланган. Бунда

вафот этган шахснинг реабилитация қилиниши лозим бўлган ҳолларда қўлланилмаслиги истисно тариқасида белгилаб қўйилган[11].

Озарбайжон давлатининг ЖПКда бошқа давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига қараганда ўзгачароқ услубда мазкур масала ҳал этилганлигини кўришимиз мумкин, яъни бунда шахсни бирор мақоми кўрсатилмаганлиги, янада аниқроқ айтганда жиноий қилмишни содир этган шахс вафот этса бундай ишларни рад этиши ёки тугатилиши белгиланган. Албатта норманинг бундай содда ва тушунарли белгиланиши суд ва тергов амалиёти учун хам қулайликлар беради.

Озарбайжон каби Арманистон Республикаси ЖПКнинг 35-моддаси 1-қисми 10-бандида хам худди шу каби вафот этган шахсни гумонланувчи ёки судланувчи мақоми белгиланмаган. Бироқ Арманистон Республикаси ЖПКда Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шахсни вафот этган деб топилган ҳолларида бу қоидага риоя этилмаслиги яъни иш юритилиши рад этилмаслиги ёки тугатилмаслиги, бундай ҳолларда фақат Бош прокурор қарор қилишга ваколатли эканлигини белгилаб қўйилган[12].

Грузия давлати ЖПКнинг 105-моддасида 2-қисми “в” бандида[13], Япония ЖПКнинг 339-моддаси 4-бандида[14], Бирлашган Араб Амирликлари ЖПК 20-моддаси 1-қисмида[15], Саудия Арабистони ЖПК 22-моддаси 1-қисми 4-бандида[16], фақатгина айбланувчи вафот этган тақдирда жиноий таъқиб ва жиноят иши тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Жанубий Кореяда[17] ва Эстония[18] давлатларида бу борада ўзгачароқ тажриба шаклланган бўлиб, унга кўра Корея ЖПКнинг 328-моддаси 1-қисми 2-бандида жавобгарнинг вафот этиши ва Эстония ЖПКнинг 199-моддасида 1-қисми 4-бандида гумонланувчи ва айбланувчининг вафот этиш ҳамда хар икки давлатда юридик шахснинг тугатилиши жиноий таъқибни бекор қилинишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда бу борадаги масалаларни Жанубий Корея, Озарбайжон ёки Арманистон Республикаларининг ЖПКларида белгиланганлиги каби жавобгарнинг ёки қилмишни содир этган шахснинг вафоти муносабати билан юритилган терговга қадар текширув ёки жиноят ишини тугатиш борасида қоидалар миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда акс этиши қуйидаги натижаларни бериши мумкинлиги билан изоҳланади.

Биринчидан, бугунги кунда ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 3-бандида фақатгина айбланувчи ва судланувчининг вафот этганлиги

сабаблигина жиноят ишини тугатиш мумкин ва бу ўз ўрнида жиноят ишларига қараганда бир неча баробарга кўп бўлган терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларни қонуний асос билан таъминлайди. Яъни ЖПКнинг 84-моддасига мазкур терговга қадар текширувда жиноий жавобгар бўлиши лозим бўлган шахснинг вафот этганлиги асосини қўшилиши сабабли, шу бандга кўра жиноят иши қўзғатишни рад этиш имконини беради. Шу билан бирга бугунги кунда ЖПКнинг 333-моддаси ва 84-моддаси ўртасида вужудга келаётан мантиқий-коллизион ҳолатни хам бартараф этади.

Иккинчидан, суриштирув-тергов амалиётига мувофиқ, одатда жиноят иши қўзғатилгач, жавобгар бўлиши лозим бўлган шахслар мансабдор шахслар томонидан гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб этилади ва барча далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топмагунига қадар шахсга айб эълон қилинмайди. Бу даврда гумон қилинувчининг вафот этиши суриштирувчи ва терговчиларга процессуал қийинчиликлар туғдиради, бундай вазиятдан чиқиш учун эса сунъий равишда процессуал қарорлар яъни сиртдан айб эълон қилиш ёхуд гумон қилинувчига нисбатан ишни тугатиш ҳақидаги қарор асосида хатоларга йўл қўйилиши ҳолатлари олди олинади.

Учинчидан, одатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг вафоти унинг яқин қариндошлари учун қайғули кечаётган бир вақтда, унга нисбатан айб эълон қилиш учун далиллар тўплаш мақсадида ушбу ҳолатга қайта ва қайта урғу берилиши ёки яқин қариндошлардан тушунтиришлар олиш учун ҲМҚОларга чақиртирилиши уларнинг давлат олиб бораётган ҳуқуқий сиёсатга бўлган ишончини сусайиши ҳолатларини олдини олади.

Тўртинчидан, ЖПКнинг мазкур айбланувчи ва судланувчи мақомидаги шахсларнинг вафот этганлиги фуқаровий судлар томонидан эълон қилиниши масаласи ҳам ёритилмаганлиги сабабли ЖПКда фуқаровий судлар томонидан шахсни вафот этган деб топилган қарорларнинг тан олиниши ёки олинмаслининг белгиланиши мазкур масаладаги ҳуқуқий бўшлиқни олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Департаментининг 21.03.2022 йилдаги 18/2509-сонли маълумотномаси кириш рақами № 1645. 28.03.2022 йил ХДФУ;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 11.05.2022 йилдаги 07/13-4853-150-сонли маълумотномаси кириш рақами № 2922. 15.05.2022 йил ХДФУ;

3. Махмудов С.А. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг. Айрим жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 110-115

4. Б. Б. Муродов. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент – 2015. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси. 86-бет

5. Васильев Фёдор Юрьевич. Институт отказа в возбуждении уголовного дела автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Санкт-Петербург 2016. Ст. 15-16,20.

6. С.Н.Перетокин, “Охрана прав и свобод человека и гражданина при прекращении уголовного дела” автореферат на соискание ученой степени кандидата юридических наук Москва – 2006 ст. 13,24

7. Тадқиқот иши доирасида олиб борилган суриштирувчи, терговчи, амалиётчи ва ҳуқуқшунослардан иборат респондентлар жамоаси ўртасидаги сўров натижалари

8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. 21.12.1995 йил Тошкент https://lex.uz/docs/111189 мурожаат санаси 11.05.2022 йил

9. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. Мухаммадиев Аюб Абдурахманович. Тошкент 2010. 193 бет.

10. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (от 18 декабря 2001 года); Уголовно-процессуальный кодекс КНР (от 17 марта 1996 года) ст.24

11. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ. Статья 39

12. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года №ЗР-248 ст. 35.

13. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии Общая часть Раздел I Уголовно-процессуальное законодательство и принципы Тбилиси 9 октября 2009 года № 1772-IIс рм ст.105

14. Япония жиноят-процессуал кодекси (Кэйдзи-сошё-хо). Қонун № 131. 10.07.1948 й. 339-моддаси

15. Уголовно-процессуальное право ОАЭ. Основные положения статья 20

16. Уголовно-процессуальное право - Саудовская Аравия Уголовно-процессуальный закон Королевский указ № (M / 39) 28 раджаба 1422 г. - 16 октября 2001 г. статья 22

17. Уголовно-процессуальный акт Южной Корее (Хёнса-сосон-беоп) Закон № 341 от 23 сентября 1954 ст 328

18. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. Принят 12.02.2003 RT I 2003, 27, 166 Вступил в законную силу 01.07.2004. Статья 199. Обстоятельства, исключающие уголовное производство

Soatov Sanjar Sarvarovich
Fiskal instituti mustaqil izlanuvchisi, Bojxona instituti katta o‘qituvchisi,
sanjarbek.89.ss@gmail.com

O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA TARIF TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

Аннотация: *Ушбу мақолада oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda tashqi savdo omili tahlil qilingan holda mavjud muammolar aniqlangan. Shuningdek, ushbu muammolarni bartaraf etishda xorijiy davlatlar tajribasi o‘rganilgan va tashqi savdoni tartibga solishning tarif tizimini takomillashtirish bo‘yicha takliflar berilgan.*

Калит сўзлар: *Ташқи савдо айланмаси, тариф квотаси, Oziq-ovqat xavfsizligi, Erga omnes, Doktrina.*

Аннотация: *В данной статье анализируется фактор внешней торговли в обеспечении безопасности пищевых продуктов и выявляются существующие проблемы. Также был изучен опыт зарубежных стран в решении этих проблем и внесены предложения по совершенствованию тарифной системы регулирования внешней торговли.*

Ключевые слова: *Внешнеторговый оборот, тарифная квота, продовольственная безопасность, Erga omnes, Доктрина.*

Abstract: *This article analyzes the foreign trade factor in ensuring food safety and identifies existing problems. Also, the experience of foreign countries in solving these problems was studied and suggestions were made for improving the tariff system of foreign trade regulation.*

Key words: *Foreign trade turnover, tariff quota, Food security, Erga omnes, Doctrine.*

Ma’lumki, oziq-ovqat xavfsizligi – milliy xavfsizlikning muhim tarkibiy qismlaridan biridir. Chunki u aholi ehtiyoji uchun zarur bo‘lgan asosiy mahsulotlarni barqaror ishlab chiqarishni hamda xarid qobiliyatini ta’minlaydi. O‘z navbatida, oziq-ovqat xavfsizligining ta’minlanganligi jamiyatda barqaror ijtimoiy muhitni shakllanishiga imkon beradi. U yoki bu hududda zaruriy zaxiralarning yo‘qligi yoki aholining ayrim qatlamlarida hayot uchun zarur oziq-ovqat mahsulotlarini xarid qilish imkonini yo‘qligi jamiyatda kuchli norozilikni keltirib chiqaradi. Bu esa oziq-ovqat muammosini mamlakat milliy xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan siyosatining muhim yo‘nalishi ekanligini ko‘rsatadi.

Ta’kidlash joizki, bu vazifa dunyoning turli davlatlarida o‘ziga xos ravishda amalga oshirilyapti. Rivojlangan mamlakatlarda oziq-ovqat mahsulotlari aholi ehtiyojidan bir necha barobar ko‘p ishlab chiqarilayotgan bo‘lsa, rivojlanmagan davlatlarda esa aholi ochlikka duchor bo‘lmoqda. BMT ma’lumotlariga ko‘ra, bugungi kunda dunyo aholisining har yettinchisi ochlikda hayot kechirmoqda va yiliga ochlikdan 40 mln.ga yaqin kishi vafot etmoqda. O‘z navbatida, oziq ovqat yetishmovchiligini yanada rivojlanishida jahonda yuz berayotgan urush va tartibsizliklar hamda koronavirus pandemiyasi o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatmoqda. Shunga ko‘ra, O‘zbekistonda ham samarali tashqi savdo siyosati orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash bugungi kunda dolzarb ahamiyat ega hisoblanadi.

Oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan samarali tashqi savdo siyosati esa, tayyor oziq-ovqat mahsulotlari importiga bog‘liqlikni kamaytirgan holda, asosan xomashyo olib kirish choralarini ko‘rishni taqozo qiladi.

Biroq, tahlillarga ko‘ra O‘zbekiston Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqi mamlakatlaridan bir qator oziq-ovqat mahsulotlari, jumladan bug‘doy va kungaboqar yog‘ini xarid qilishga yuqori darajada ***bog‘lanib*** qolgan.

Xususan, 2022-yil 1-yanvar — 17-dekabr davr oralig‘ida jami 2,8 mlrd dollarlik oziq-ovqat (shu jumladan bug‘doy) mahsulotlari import qilingan bo‘lib, Shundan 42 foizi yoki 1,2 mlrd dollar oziq-ovqat mahsulotlari Qozog‘istondan import qilingan bo‘lsa, 28 foizi yoki 0,799 mlrd dollar qismi esa Rossiyadan import qilingan. Ya’ni, Respublikaga jami import qilingan oziq ovqat mahsulotlarining deyarli 70 foizi ikta davlat hisobiga to‘g‘ri kelmoqda. [57]

Mazkur tovarlarning asosiy qismini Yevrosiyo iqtisodiy ittifoqi mamlakatlari hududidan xarid qilinishi oqibatida savdo-iqtisodiy munosabatlarda yuqori darajada **bog‘liqlik**likni keltirib chiqarib, O‘zbekistonga iqtisodiy xavflarni paydo qiladi hamda ushbu mamlakatlar tomonidan siyosiy bosim o‘tkazish ehtimoli ham ortadi.

Shu munosabat bilan, O‘zbekistonga mazkur turdagi tovarlar importini ayrim mamlakatlar bilan yuqori darajada bog‘liqligini qisqartirish maqsadida geografik jihatdan differensiyalashuvini amalga oshirish talab etiladi.

Shu bilan birga, oziq-ovqat tovarlarning importiga nisbatan ma’lum bir muddatgacha bojxona imtiyozlarining belgilanishi, ushbu tovarlar importini keskin ko‘payishiga zamin yaratmoqda. Buni shakar mahsuloti misolida ko‘rish mumkin. Xususan, 2017-yil 26 mln. AQSH dollarlik shakar import qilingan va O‘zbekistonda ishlab chiqarilgan shakar orqali aholining minimal talabini 74,2 foizi qondirilgan. 2018-yilga kelib, shakar importiga bojxona imtiyozlari

[57] Iqtisodiyot va Moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi ma’lumotlari

berilganligi hisobiga, mazkur yilda shakar importi 304,8 mln. AQSH dollarni tashkil etib, 2017-yilga nisbatan 12 barobarga ko‘paydi. Natijada, mamlakatda ishlab chiqarilgan shakar mahsuloti esa, aholining minimal talabini 10,4 foizga qondirildi. 2019-yilda shakar importiga nisbatan bojxona imtiyozlari bekor qilinganligi sababli mazkur yilda import hajmi kamayib, 72,6 mln. AQSH dollarini tashkil etdi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, tovarlar importini optimallashtirish uchun bojxona to‘lovlaridan imtiyozlarni ma’lum bir davr oralig‘i uchun emas, balki aholining oziq-ovqatga nisbatan minimal ehtiyojidan kelib chiqib, tarif kvotasini o‘rnatish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda Yevropa Ittifoqi tajribasi. Yevropa Ittifoqi uchinchi davlatlar uchun tarif kvotasi[58] (tarif imtiyozlari)dan keng foydalanadi. Ushbu imtiyoz mamlakatda yetarli darajada ishlab chiqarilmaydigan xomashyolar, yarim tayyor mahsulotlar va talab yuqori bo‘lgan asosiy oziq-ovqatlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan ittifoqqa a’zo bo‘lmagan davlatlar (“Erga omnes”[59] mamlakatlari) bilan tuzilgan shartnoma asosida taqdim etiladi. Ya’ni, embargo choralari belgilanmagan barcha suveren davlatlarga umumiy tartibda tarif imtiyozlari belgilanadi. Tayyor mahsulotlar uchun tarif kvotasi taqdim etilmaydi.

Yuqoridagilarni tasdig‘i sifatida, baliq go‘shtiga tarif kvotasi qo‘llash to‘g‘risida Yevropa Ittifoqining tartibi ishlab chiqilgan, unga ko‘ra, 2016-yildan 2018-yilgacha baliq mahsulotlariga tarif imtiyozlari belgilangan (1 – jadval).

1-jadval. Yevropa ittifoqi tomonidan belgilangan ta’rif kvotasining namunasi[60]

Buyurtma raqami	TIF tn kod	Baliq turlari (nomi)	Yillik tarif kvotasi miqdori	Kvota boji	Kvota davri

[58] Tarif kvotasi — tashqi savdo siyosatini tarif orqali boshqarish usuli bo‘lib, bunda qonunchilik bilan belgilangan miyor doirasida bojxona bojidan ozod etilgan holda import yoki eksport qilishni anglatadi.

[59] Erga omnes (lotin tilidan hammaga taalluqli) – xalqaro huquq tushunchasi bo‘lib, xalqaro aloqalar ishtirokchisi sifatida har qanday suveren davlatning jahon hamjamiyatidagi biror majburiyatni bajarishini anglatadi.

[60] Yevropa Ittifoqi rasmiy sayti – URL: https://ec.europa.eu/taxation_customs/dds2/taric/quota_consultation.jsp?Lang=en&Origin=&Code=092759&Critical=&Status=&Year=2023&Expand=true

092759	0302 51 10	Bregmacerotidae, Euclichthyidae, Gadidae, Macrouridae, Melanonidae, Merlucciidae, Moridae, Muraenolepididae	93908 tonna	0%	01.01.2023 - 31.12.2023

Tariff quota consultation

Last tariff QUOTA update: 19-04-2023



Yevropa Ittifoqida yuqorida keltirilgan tovarlarga kvotalar doirasida “0” foizli boj stavkasi o‘rnatilgan bo‘lib, agar import hajmi tasdiqlangan kvotadan oshsa, bojxona boji umum belgilangan boj stavkasi bo‘yicha undiriladi.

Tarif imtiyozlarini Yevropa Ittifoqiga a’zo mamlakatlar doirasida nazorat qilish shaffof tarzda ittifoqning rasmiy sayti orqali nazorat qilinadi.

Rossiya tajribasi. 2010-yil Rossiya Federatsiyasi Prezidentining qarori bilan “Oziq-ovqat xavfsizligi” doktrinasi qabul qilindi. Unga ko‘ra, mamlakat o‘zini-o‘zi oziq-ovqat mahsulotlari bilan to‘liq ta’minlay olishi oziq-ovqat xavfsizligi sifatida baholangan. Har qanday ichki va tashqi tahdidlardan qat’iy nazar o‘zini-o‘zi oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash — doktrinaning bosh maqsadi hisoblanadi. Doktrinada oziq-ovqat xavfsizligiga erishish bo‘yicha maqsad va vazifalar hamda ularni ***baholovchi mezonlar*** keltirilgan. Mamlakatning asosiy oziq-ovqat bilan ta’minlaganlik darajasining minimal miqdorlari belgilangan bo‘lib, ular quyidagicha: don mahsulotlari bilan - kamida 95 %, shakar — kamida 90 %, o‘simlik yog‘i — kamida 90%, go‘sht va go‘sht mahsulotlari – kamida 85%, sut va sut mahsulotlari — kamida 90%, meva va sabzavotlar – kamida 70%ni tashkil etishi lozim. Bugungi kunda Rossiyaning tashqi savdosiga nisbatan Yevropa Ittifoqi tomonidan sanksiya belgilanganligiga qaramasdan, oziq-ovqat va qishloq

xo‘jaligi sohasida amalga oshirilgan islohotlar natijasida ishlab chiqarish sohasida yuqori o‘sish sur’atlariga erishilgan (2-jadval).

2-jadval. Rossiya Federatsiyasida ishlab chiqarilgan asosiy oziq-ovqat mahsulotlari bo‘yicha ma’lumot[61] (*ming tonna*)

Mahsulot nomi	2010 y.	2017 y.	Farq (%)
Don mahsulotlari	13339	39425	295,6
Shakar lavlagi	2419	6032	249,4
Kungaboqar	1413	3299	233,5
Kartoshka	1175	2510	213,6
Sabzavotlar	1388	5296	381,6
Go‘sht va go‘sht mahsulotlari	210	301	143,3

Rossiyada “Oziq-ovqat xavfsizligi” doktrinasining qabul qilinishi va undagi ustuvor vazifalarning samarali amalga oshirilishi natijasida ayrim tovarlar importiga **qaramlik darajasi**ni kamaytirishga erishilgan.

O‘zbekistonda importini ko‘payishiga ta’sir etuvchi omillarni tahlil etish natijasida aniqlangan muammolarni hal etish hamda xorijiy davlatlar tajribasidan foydalanish orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha quyidagilar taklif etiladi:

1. Bugungi kunda oziq-ovqat mahsulotiga nisbatan ma’lum bir davrga bojxona to‘lovlaridan imtiyozlar berish tajribasi mavjud. Buning natijasida, import hajmini aholining ratsion bo‘yicha ehtiyojlariga qaraganda keskin ko‘payishiga, talab va taklif muvozanatini buzilishiga, ichki ishlab chiqarish hajmini pasayishiga olib kelmoqda.

Misol uchun, O‘zbekistonda 2020-yil 500 ming tonna shakar ishlab chiqarilgan. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi Sanitariya bosh boshqarmasi tomonidan belgilangan ratsion me’yorlari bo‘yicha kunlik shakar iste’mol miqdori 1 kishi uchun o‘rtacha 53,1 grammni tashkil qiladi. Ushbu ratsion me’yorlari asosida O‘zbekiston aholisining bir yillik shakar iste’molining miqdori quyidagicha hisoblanadi:

0,053 kg (kunlik ratsion) * 365 kun *35 000 000 (aholi soni) = 677 075 tonna. Ya’ni, O‘zbekiston aholisining bir yillik shakar iste’molining miqdori 677 075 tonnani tashkil etadi.

Faraz qilaylik, O‘zbekistonda jami 500 000 tonna shakar ishlab chiqarilgan. Ichki iste’mol uchun 177 075 tonna shakar yetishmaydi**.**

Ushbu muammoli holatni yechimi sifatida, Yevropa Ittifoqi tajribasidan foydalanib O‘zbekistonda oziq-ovqat tovarlari importiga nisbatan boj tarif kvotasini joriy qilish mumkin.

[61] Россия в цифрах. 2018: Крат.стат.сб./Росстат- М., Р76 2018 — 522 с.

Ya’ni, bozordagi ehtiyojni qondirish uchun taklifning yetishmaydigan qismiga (*misol uchun 177 075 tonna*) nisbatan **tarif kvotasini joriy etish** maqsadga muvofiq.

2. O‘zbekistonning zaruriy oziq-ovqat mahsulotlari importi bo‘yicha muayyan davlatlarga bog‘lanib qolish darajasini pasaytirish maqsadida, **“Oziq-ovqat xavfsizligi” konsepsiyasini ishlab chiqish** va unda oziq-ovqat mahsulotlari bilan aholining ehtiyojlarini ta’minlashning minimal chegaraviy miqdorini belgilash va ushbu miqdorga erishish uchun amalga oshirish zarur bo‘lgan chora-tadbirlarni belgilash.

Yuqorida berilgan takliflarni amaliyotga joriy etish orqali O‘zbekiston importi tarkibini yanada optimallashtirish, mahalliy ishlab chiqarish imkoniyatlarini kengaytirish, bojxona imtiyozlaridan maqsadli foydalanish darajasini oshirish hamda bojxona to‘lovlari tushumini oshirishga erishish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATl

1. Iqtisodiyot va Moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi ma’lumotlari

2. Yevropa Ittifoqi rasmiy sayti – URL: https://ec.europa.eu/taxation_customs/dds2/taric/quota_consultation.jsp?Lang=en&Origin=&Code=092759&Critical=&Status=&Year=2023&Expand=true

3. Россия в цифрах. 2018: Крат.стат.сб./Росстат- М., Р76 2018 — 522 с.

Ibraximov Ulugbek Abidjanovich
O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona Qo‘mitasining Bojxona instituti, katta o‘qituvch
+998946425206
u75@bk.ru,

JAMOAT XAVSIZLIGINI TA’MINLASH MAQSADIDA BOJXONA CHEGARASIDA BOJXONA ORGANLARI TOMONDAN RADIATSION NAZORAT YO‘NALISHIDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR

Maqolada bojxona chegarasida bojxona organlari tomondan radiatsion nazorat jarayonida, xususan radiatsiyaviy materiallar aniqlangan xollarda boshqa vakolatli organlar bilan hamkorlik qilish borasida yuzaga keladigan muammo va uning yechimlari to‘g‘risida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: Jamoat xavfsizligini; radiatsion nazorat; bojxona chegarasi; vakolatli organlar hamkorligi, radioaktiv ifloslanish, yadroviy material.

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В НАПРАВЛЕНИИ РАДИАЦИОННОГО КОНТРОЛЯ СО СТОРОНЫ ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ НА ТАМОЖЕННОЙ ГРАНИЦЕ В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

В статье упоминается о проблеме и ее решениях, возникающих в процессе радиационного контроля со стороны таможенных органов на таможенной границе, в частности о взаимодействии с другими уполномоченными органами в случаях обнаружения радиационных материалов.

Ключевые слова: общественная безопасность; радиационный контроль; таможенная граница; сотрудничество компетентных органов, радиоактивное загрязнение, ядерный материал.

PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE DIRECTION OF RADIATION CONTROL BY CUSTOMS AUTHORITIES AT THE CUSTOMS BORDER IN ORDER TO ENSURE PUBLIC SAFETY

The article mentions the problem and its solutions arising in the process of radiation control by customs authorities at the customs border, in particular, interaction with other authorized bodies in cases of detection of radiation materials.

Keywords: public safety; radiation control; customs border; cooperation of competent authorities, radioactive contamination, nuclear material.

O‘zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021-yil 29-noyabrdagi farmoni bilan “O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasi” tasdiqlandi. Unda qayd etilishicha, jamoat xavfsizligi konsepsiyasi milliy xavfsizlikning asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblangan jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi davlat siyosatini belgilovchi muhim hujjat hisoblanadi.

Konsepsiyada jamoat xavfsizligi sohasidagi asosiy tushunchalarga izoh berib o‘tilgan. Jumladan, **jamoat xavfsizligi** — jamiyatning qonunga xilof tajovuzlar, ijtimoiy va millatlararo nizolar, favqulodda vaziyatlar va boshqa tahdidlardan himoyalanganlik holati bo‘lib, u jamiyatning barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi hamda insonning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari ro‘yobga chiqarilishini ta’minlashi ta’kidlangan.[62]

Jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlari, jumladan, quyidagilardan iborat:

- har qanday ko‘rinishdagi terroristik va ekstremistik faoliyatni aniqlash va unga chek qo‘yish, korrupsiya, giyohvand va psixotrop moddalar, qurol, o‘q-dori, portlovchi moddalar, noqonuniy migratsiya va odam savdosi hamda inson huquq va erkinliklariga qarshi qaratilgan jinoyat va huquqbuzarliklarga qarshi kurashish;
- ijtimoiy infratuzilmaning, shu jumladan turizm obyektlarining uzluksiz va xavfsiz faoliyat ko‘rsatishini ta’minlash;
- transport infratuzilmasini, transport vositalarining xavfsizlik standartlarini va yo‘l harakati qoidalarini takomillashtirish orqali yo‘l-transport hodisalari oqibatida yetkaziladigan zarar va o‘lim bilan bog‘liq holatlarning oldini olish;
- jinoyat sodir etishga moyil, ma’muriy va probatsiya nazoratiga olingan hamda yot bo‘lgan g‘oyalar ta’siriga tushib adashgan shaxslarning ijtimoiylashuvi, shu jumladan ularni kasb-hunarga o‘qitish va tadbirkorlikka keng jalb qilish orqali ushbu toifadagi fuqarolar tomonidan qayta jinoyat sodir etilishiga yo‘l qo‘ymaslik;
- aholi va hududlarni tabiiy va texnogen xususiyati favqulodda vaziyatlardan himoya qilish, fuqaro muhofazasi, yong‘in xavfsizligini ta’minlashda aholining ko‘nikmalarini shakllantirish va doimiy takomillashtirib borish va boshqalar.

Konsepsiyani amalga oshirishning pirovard natijasida jamoat xavfsizligini, aholining tinchligi va osoyishlariligini ta’minlashning sifat

[62] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrdagi PF-27-son Farmoni bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi Konsepsiyasi

jihatdan yangi tizimini samarali tatbiq etish, shaxs, jamiyat va davlat xavfsizligini ta’minlashning ishonchli va samarali mexanizmlarini joriy etish hisoblanadi, deyiladi konsepsiyada.

Konsepsiyada, jamoat xavfsizligini ta’minlovchi subyektlar O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Bosh prokuratura, Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi, Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Sog‘liqni saqlash vazirligi, mahalliy davlat hokimiyati organlaridan iborat ekanligi belgilab qo‘yilgan. O‘zbekiston **Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati jamoat xavfsizligiga tahdid solishi mumkin bo‘lgan shaxslar, muomalada bo‘lishi cheklangan yoki taqiqlangan ashyolar hamda moddalarning davlat chegarasidan noqonuniy olib o‘tilishining oldini oladi, aniqlaydi va ularga barham berish choralarini ko‘rish yuklatilgan**. Aytaylik, bu radioaktiv yoki radioaktiv ifloslangan tovarlar, predmetlar, moddalar bo‘lsin. Bu turdagi nazorat obyektlarini O‘zbekiston Respublikasida muomalada bo‘lishi cheklangan.

Xalqaro shartnomalarga muvofiq, barcha radioaktiv moddalarning davlatlararo harakati va davlatlar ichkarisida harakatlanishi qat’iy tartibga solinishi, ma’muriy, xavfsizlik bilan bog‘liq va muhandislik texnik nazorati ostida amalga oshirilishi kerak, nazoratning maqsadi bunday harakatlarning ishonchliligi va xavfsizligini ta’minlashdir. Yadro materiallari bo‘lsa, jismoniy himoya va hisobi bo‘yicha qo‘shimcha talablar qo‘yiladi, bu yadroviy moddalarni tarqalish tahdidlaridan va har qanday buzg‘unchilik urinishlariga qarshi kafolatni ta’minlash kafolat berishi talab etiladi.

Dunyoning turli nuqtalarida sodir bo‘layotgan hodisalar radioaktiv materiallarning tartibga soluvchi va qonuniy foydalanishi mumkin bo‘lgan tuzilmalardan tashqarida harakatlanishi davom etmoqda. Bunday harakatlar qasddan yoki o‘zi bilmagan xolda amalga oshirilishi mumkin.

Radioaktiv materiallarni, shu jumladan yadroviy materiallarni terroristik, siyosiy maqsadlarda yoki noqonuniy foyda olish uchun qasddan, noqonuniy tarzda chegara orqali olib o‘tish, odatda, noqonuniy savdo sifatida qaraladi. Ko‘pincha, tartibga solish nazorati doirasidan tashqaridagi harakatlar ko‘p xollarda bexosdan o‘zi bilmagan xolda amalga oshirilishi xam mumkin. Nazorat ostidan chiqib ketgan radioaktiv manba bilan birgalikda eritilgan metall natijada ifloslangan metall mahsulotlarini tashish tasodifiy harakatga misol bo‘lishi mumkin. Bunday yuk tegishli xodimlarning, shuningdek, umumiy aholining salomatligi va xavfsizligiga tahdid solishi mumkin.

O‘zbekiston Respublikasining 2000-yilda qabul qilingan “Radiatsiyaviy xavfsizlik to‘g‘risida”gi qonuniga ko‘ra radiatsiyaviy xavfsizlikni ta’minlash sohasidagi davlat nazorati O‘zbekiston Respublikasi Sanoat xavfsizligi davlat qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi va O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi tomonidan amalga oshiriladi.[63] Mazkur Qonunga ko‘ra, chegarada tovar va transport vositalarini radiatsiyaviy nazoratini Bojxona organlari o‘z vakolati doirasida amalga oshirishi nazarda tutilgan.

Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 15-oktyabrdagi 869-son qarori bilan O‘zbekiston Respublikasida radiatsiyaviy avariyalarni prognoz qilish, barvaqt aniqlash va harakat qilish hamda radiatsiyaviy vaziyatni monitoring qilish yagona davlat tizimi to‘g‘risidagi nizom va Sanksiyalanmagan (egasiz) ionlashtiruvchi nurlanishning manbalari aniqlanganda nazorat qiluvchi organlar va harbiylashgan tuzilmalarning o‘zaro hamkorlik qilish Tartibi tasdiqlandi. Sanksiyalanmagan (egasiz) ionlashtiruvchi nurlanish manbalari aniqlanganda nazorat qiluvchi organlar va harbiylashgan tuzilmalarning o‘zaro hamkorlik qilish Tartibining 3- bobida vakolatli tashkilotlar va harbiylashgan tuzilmalarning funksiyalari belgilab berilgan.

Jumladan, **Davlat bojxona qo‘mitasi**:[64]

radioaktiv materiallarni respublika hududi orqali olib kirish/ olib chiqish/tranziti bo‘yicha radiatsiyaviy nazoratni amalga oshirish davomida sanksiyalanmagan INM (Ionlashtiruvchi Nurlanish Manbalari) aniqlangan (topilgan) holatlarda vakolatli tashkilotlarni xabardor qiladi;

aniqlangan (topilgan) sanksiyalanmagan INMni dastlabki radiometriyadan o‘tkazish va identifikatsiyalashni ta’minlaydi;

xodimlarni va aholini INMning zararli ta’siridan muhofaza qilish tadbirlarini tashkil etadi va amalga oshiradi;

aniqlangan (topilgan) sanksiyalanmagan INMning olib kirilishi yoki tranzitiga (jo‘natuvchiga qaytarilishiga), shuningdek, noqonuniy olib chiqilishiga yo‘l qo‘ymaslik tartibotini belgilangan tartibda o‘tkazishni ta’minlaydi;

aniqlangan (topilgan) sanksiyalanmagan INMning identifikatsiyalash va olib ketish tadbirlari yakunlanguniga qadar daxlsizligini ta’minlaydi;

[63] O‘zbekiston Respublikasining 31.08.2000-y. N 120-II-son “Radiatsiyaviy xavfsizlik to‘g‘risida”gi Qonuni

[64] Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 15-oktyabrdagi 869-son qaroribilan tasdiqlangan Sanksiyalanmagan (egasiz) ionlashtiruvchi nurlanish manbalari aniqlanganda nazorat qiluvchi organlar va harbiylashgan tuzilmalarning o‘zaro hamkorlik qilish Tartibi.

aniqlangan (topilgan) sanksiyalanmagan INMni identifikatsiyalash va zararsizlantirish tadbirlarining o‘tkazilishiga har tomonlama ko‘maklashadi;

Айтайлик, юқори фонли радиацияга эга товар ёки радиациявий ифлосланган товар, ядровий модда аниқланишига қараб турли ваколатли органларни жалб қилиш, хамда улар билан хамкорлик қилиш талаб этилади. Biroq, yuqoridagi vazifalar belgilab berilgan bo‘lishiga qarmay Sanksiyalanmagan INMlar aniqlanganda vakolatli tashkilotlar va harbiylashgan tuzilmalarning hamkorlik qilish sxemasi Bojxona qo‘mitasi mavjud emas.

Sanksiyalanmagan INMlar aniqlanganda vakolatli tashkilotlar va harbiylashgan tuzilmalarning hamkorlik qilish

SXEMASI



Bugungi kunda bojxona organlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasi bojxona chegarasini kesib o‘tayotgan barcha turdagi tovar va transport vositalari ustidan radiatsiyaviy nazorat amalga oshiriladi. Radioaktiv moddalarni aniqlash jarayonining o‘ziga xos jihati bu-turdagi moddalarni inson sezgi a’zolari orqali aniqlash imkoni mavjud emas. Shuning uchun barcha chegara bojxona postlari yo‘lovchilar, transport vositalari uchun va temir yo‘l vagonlari uchun mo‘ljallangan radiatsion portal monitorlar tizimi bilan jihozlangan. Radiatsiyaviy moddalar aniqlangan xollarda vakolatli tashkilotlar va harbiylashgan tuzilmalarning hamkorlik qilish tartibi va mexanizmlarini mukammal tarzda ishlashi sodir etilishi mumkin bo‘lgan xavfli holatlarni oldini

olish imkonini beradi. Biroq, yuqorida keltirilgan kabi hujjatlardagi nomuvofiqlar, yagona uzluksiz zanjir shaklidagi mexanizmning mukammal ishlashini kafolatlamaydi. Yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagilarni xulosa qilish mumkin bo‘ladi: — Jamoat xavfsizligiga tahdid solishi mumkin muomalada bo‘lishi cheklangan yoki taqiqlangan ashyolar hamda moddalarning bojxona chegarasidan noqonuniy olib o‘tilishining oldini olish, aniqlash va ularga barham berish yo‘nalishida bojxona organlari bilan vakolatli organlar hamkorlik mexanizmlarini takomillashtirish;

- Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 15-oktyabrdagi 869-son qarori bilan Sanksiyalanmagan (egasiz) ionlashtiruvchi nurlanishning manbalari aniqlanganda nazorat qiluvchi organlar va harbiylashgan tuzilmalarning o‘zaro hamkorlik qilish Tartibida bojxona organlari tomonidan bojxona chegarasi orqali tovar va transport vositalarini kesib o‘tish vaqtida aniqlangan radiatsiyaviy moddalar va materiallar aniqlanganda boshqa vakolatli organlar bilan hamkorlik qilish mexanizmlari va tamoyillari o‘z ifodasini topishi maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Shu orqali bojxona organlari nafaqat O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiy xavfsizligini ta’minlash, Jamoat xavfsizligini ta’minlash borasidagi faoliyatini xam yana bir pog‘ona yuqori darajaga ko‘tarish imkoni yuzaga keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasining 31.08.2000-y. N 120-II-son “Radiatsiyaviy xavfsizlik to‘g‘risida”gi Qonuni.
2. Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 15-oktyabrdagi 869-son qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrdagi PF-27-son Farmoni bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi Konsepsiyasi.

Юсупова Дилдора Дилшатовна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

БАҒРИКЕНГЛИК ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақола диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, эътиқод эркинлиги масалаларига бағишланган. Мақолада ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда келтирилган диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, биродарлик ҳақидаги оятлар ҳақида фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Калит сўзлар: бағрикенглик, диний бағрикенглик, эътиқод, конфессия, ҳамжиҳатлик, тотувлик.

Аннотация. Настоящая статья посвящена вопросам толерантности, единства и свободы вероисповедания. В статье приведены аяты священного источника исламской религии Корана о толерантности, единстве, братстве.

Ключевые слова: толерантность, религиозная толерантность, вера, конфессия, единство, согласие.

Abstract. This article focuses on issues of tolerance, unity and freedom of religion. The article presents the verses of the sacred source of the Islamic Koran religion about tolerance, unity, fraternity.

Key words: tolerance, religious tolerance, faith, confession, unity, harmony.

Бугунги глобаллашув даврида диний низолар авж олиб, жаҳон ҳамжамияти учун муаммо келтириб чиқараётган бир пайтда дунёда диний бағрикенгликни таъминлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда ҳам бу хусусда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, бир замин, бир ватанда ўзга миллат ва дин вакиллари билан дўст-биродар, тинч-тотувликда яшашга ундаб келиниши ҳам бежиз эмас.

Маълумки, Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат ҳисобланади. У ўзининг узоқ тарихий даври давомида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби ғояларни олий қадрият даражасига кўтарган замин сифатида эътироф этилишида динимизнинг ўрни беқиёсдир. Хусусан, ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда диний бағрикенглик масаласи бир қатор сураларда ўз ифодасини топганлигини қуйидаги оятлар исботлайди:

“Динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатлиларни севар”[65];

“Динда зўрлаш йўқ”[66];

“... бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни адолатсизлик қилишга ундамасин! Одил бўлингиз!”[67].

Ислом дини бағрикенглик динидир. Дарҳақиқат, ислом дини тинчлик ва ҳамжиҳатликка ундовчи дин эканлигини юқоридаги оятлар ҳам кўрсатиб турибди. Аллоҳ юқоридаги оятларда бошқа дин вакилларини ҳурмат қилиш, уларга бағрикенглик муносабатида бўлиш, ҳеч қайси дин вакилларини беҳурмат қилмаслик, уларга озор етказмаслик ва адолатни шиор қилиш ҳақида огоҳлантиради.

Шунингдек, бу оятларда ислом динига мажбуран киритиш, унга даъват қилиш, ўзга миллат ёки дин вакилларини менсимаслик ёхуд ёқтирмаслик уларга қарши адолатсизлик қилишга ундамаслк лозимлиги уқтирилади.

Бағрикенглик хусусида сўз борганда, бутун инсониятга ўзининг олийҳимматлилиги, меҳрибонлиги билан ўрнак бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг бир ҳадисларини эслаб ўтиш жоиздир: “Оиша розияллоҳу анҳо: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг иккита қўшним бор, уларнинг қай бирига ҳадя берай?” дедим. У зот: “Эшиги сенга яқинроғига”, дедилар”[68]. Ушбу ҳадисдан маълумки, Расули акрамнинг мана шу фикрлари ҳам у инсоннинг бағрикенг инсон сифатида ислом умматигагина эмас, балки бутун инсониятга ибрат эканликларини кўрсатади.

Юнус сурасининг 99-оятида : “Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи) даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!”[69] деб таърифланганида ҳам турли диний эътиқод вакилларини ислом дини

[65] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Мумтаҳана сураси, 8-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 550.

[66] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Бақара сураси, 256-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 42.

[67] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Моида сураси, 8-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 108.

[68] Олтин силсила: 3-жуз. Саҳиҳул Бухорий. / Қўшниланинг қайсиниси яқинроқ? / 2259. – Тошкент: “Hilol-nashr”, 2020. – Б. 222.

[69] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Юнус сураси, 99-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 220.

байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмаслиги талқин қилинади.

Маълумки, ислом дини ҳар доим инсонларни ўзини-ўзи назорат қилишга, ҳар куни, ҳар дақиқада яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаб, оғир кунларга бардош беришга, яхши кунларга интилиб яшашга даъват қилиб келади. Ислом дини халқимиз учун ҳамиша имон, ахлоқ-одоб, илм ва маърифат дини бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу маърифат инсонларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларига, бошқа дин вакиллари билан аҳил-иноқ яшашларига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъий назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”[70].

Қаердаки тинчлик бўлса, у ерда ўсиш, ривожланиш ва эртанги кунга ишонч бўлади. Ана шу ҳолатларни таъминлашда бағрикенглик омили муҳим хусусият касб этади .

Қуръони Каримда “Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!..”[71] – деб марҳамат қилинади. Дарҳақиқат, ислом динимиз бутун инсониятга эзгулик, мурувват қўлларини чўзишни, ҳатто бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарғиб қилиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, диний бағрикенглик миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув даврида ташқи дунё билан ҳар соҳада алоқалар ривожланиб бораётган бугунги кунда, айниқса толерантлик муносабатида юксак маданият даражасига эришиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Турли конфессия вакиллари билан ягона ҳудудда мақсадлар муштараклигида маънавий-ахлоқий қадриятларга содиқ бўлиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик мамлакатимиз тинчлиги ва

[70] Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз./ Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 31.

[71] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Моида сураси, 2-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 106.

хавфсизлигининг гаровидир. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилни “Халқаро бағрикенглик йили” ва 16 ноябрь “Халқаро бағрикенглик куни” деб эълон қилинганлиги ҳам дунёда тинчлик-тотувлик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. // Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.

2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз./ Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

3. Олтин силсила: 3-жуз. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: “Hilol-nashr”, 2020.

Муҳаммадалиев Минҳожидин Қурбонали ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим факультети докторантура докторанти

КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ.

Аннотация. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, ушбу институтнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати ёритилган.

Калит сўзлар: Кўрсатув, мустаҳкамлаб қўйиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, суд, гувоҳ, жабрланувчи, ҳуқуқ ва эркинлик.

Аннотация. Проведено обсуждение содержания и значения института предварительного закрепления показаний, освещена социально-правовая необходимость данного института.

Ключевые слова: Показания, закрепление, предварительное закрепление показаний, суд, свидетель, потерпевший, право и свобода.

Abstract: The discussion of the content and significance of the institute of preliminary confirmation of testimony was conducted, the socio-legal necessity of this institute was highlighted.

Keywords: Testimony, consolidation, preliminary consolidation of testimony, court, witness, victim, right and freedom.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, мавжуд жиноят-процессуал қонунчилик халқаро тажрибалар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро нормалар асосида такомиллашиб бормоқда. Мисол учун, суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 август кунидаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатловчи нормалар жорий қилиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сон «Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ва

айбга иқрорлик тўғрисида келишув институтлари жорий қилиш ҳамда мазкур институтлар орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада ҳимоя қилиниши белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 12^1-боби (кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш) киритилиб, ушбу бобнинг 122^1-моддасига кўра, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига биноан гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш кўрсатиб ўтилди.

Бироқ, ҳозирда жиноят процесси иштрокчилари томонидан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англамаганлиги сабабли шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса, мазкур институтни чуқур ўрганишни ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Юридик адабиётларда ҳамда мамалакатимиздаги олимлар томонидан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасига аниқ таъриф берилмаганлиги сабабли ушбу тушунчага аниқлик киритишимиз мақсадга мувофиқ. Бунда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш сўз бирикмасини ҳар бир сўзларига алоҳида ёндашишимизни талаб қилади.

Шунга кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтидаги ҳар бир сўзни луғавий маъносини билиб олишимиз лозим бўлиб, уларга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, “Кўрсатув” сўзининг луғайий маъноси суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳал қилинаётган ишга оид бирор аҳамиятли ҳолатни аниқлаш учун шахснинг сўроқда берган тушунтиришидир. Кўрсатув ишдаги фактик маълумотларни изохлаш, таҳлил қилиш, бирор воқеага ва унинг иштирокчиларига алоқадор фикр-мулоҳаза, важ, тахмин ва илтимос тарзида ҳам бўлиши мумкин. Жиноят ишлари бўйича эса — гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи, баъзан мутахассис ҳамда бошқа шахслардан сўроқ қилиш орқали кўрсатув олинади[72].

Бироқ айрим манбаларда ва амалиёт ходимлари ўртасида кўрсатув тушунчаси билан биргаликда кўрсатма тушунчаси ҳам ишлатилади. Бу икки тушунчалар айни бир маънони ифодалайдими ёки бир биридан маъно жиҳатдан фарқ қиладими?

[72] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. – Б.882. // http://n.ziyouz.com.

“Кўрсатма” сўзининг луғавий маъноси қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ, қўлланма маъносида ҳам ишлатилади. Бундан ташқари иккинчи маъно сифатида тергов-суд жараёнида бирор аҳамиятли ҳолат бўйича шахснинг берган маълумотидир[73]. Юқоридагиларга кўра, бу икки тушунчалар морфологик жиҳатдан синоним сўзлар деб баҳолашимиз мумкин. Бироқ бизнинг жиноят-процессуал қонунчилигимизда шахснинг берган тушунтириши сифатида фақатгина “кўрсатув” тушунчаси ишлатилган бўлиб, “кўрсатма” тушунчаси эса юқори турувчи органнинг бажарилиши лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ сифатида ишлатилган. Шу сабабли бу икки тушунчани ўз ўрнида ишлатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, жиноят ишида гувох ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортиши мумкин эмас бўлиб, уларнинг ҳаққоний кўрсатув бериши фуқаролик бурчи ҳисобланади (ЖПК 55 ва 65-м). Гумон қилинувчи ва айбланувчи эса кўрсатув бериш, кўрсатув беришдан бош тортиш, шунингдек, кўрсатувларидан жиноят ишида ўзига нисбатан далил сифатида фойдаланиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига ҳам эга (ЖПК 46 ва 48-м). Кўрсатув бериш уларнинг мажбурияти эмас, балки ўзини ҳимоя қилиш йўлидир. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувох ва жабрланувчи тариқасида фақатгина ўзларининг розилиги билан кўрсатув бериши мумкин (ЖПК 116-м)[74].

Иштрокчилардан сўроқ қилиш давомида кўрсатув олишда алдаш, қийнаш, руҳий ва жизмоний тазйиқлар, кўрсатувларни шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган йўллар билан олиниши қонун билан тақиқланади ҳамда тегишли тартибда жиноий жавогарликка сабаб бўлади(ЖК 235-м)[75]. “Олдиндан” сўзининг луғавий маъноси “Бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй бермасдан илгари” маъносида тушунилиши назарда тутилган[76]. “Мустаҳкамлаб қўйиш” сўзининг луғавий маъноси эса мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ маъноларида тушунилиши қайд этилган[77].

[73] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 471. // http://n.ziyouz.com.

[74] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// https://lex.uz/docs/111460 (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

[75] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси// https://lex.uz/docs/111453 (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

[76] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 110.// http://n.ziyouz.com.

[77] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 652.// http://n.ziyouz.com.

Хорижий давлатлар қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўрсатувларни суд депозитига қўйиш маъносида акс этган. Шу орқали гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувлари олдиндан сақлаб ва мустаҳкамлаб қўйилади.

Шунингдек, “депозит” сўзи (лот. depositum — омонат, асраб қўйилган) банкка қўйилган омонатлар, кредит муассасаларига саклаш учун топширилган қимматли коғозлар (акция ва облигациялар) ҳамда пул воситалари маъносида акс этган[78].

Инглиз тилининг изоҳли ҳуқуқий луғатида эса “Депозит” тушунчаси суд мажлиси бошланишидан олдин гувоҳни ёки томонларни жиноий, фуқаролик судларида сўроқ қилиш сифатида талқин қилинади. Депозит кўрсаткичлари оғзаки равишда амалга оширилади ва ушбу вақтда депонентга (сўроқ қилиниувчи) саволлар берилади. Сўроқ қилиш жараёни аудио ва видеоёзувга ёзиб борилади[79].

Суд ҳукмни суд муҳокамасида текширилган ва баҳоланган далилларга асосланиб чиқаришини инобатга олиб, гувоҳ ва жабрланувчини кўрсатувларини суд муҳокамасида текшириб, уларга баҳо бериш муҳим ҳисобланади. Бироқ ҳозирда жабрланувчи ва гувоҳларни суд муҳокамасига жалб қилишга тўсқинликлар вужудга келмоқда.

Бунда гувоҳ ва жабрланувчини судга келишида тўсқинлик қиладиган сабабларни қуйидагича кўрсатиш мумкин, яъни:

- республика ҳудудидан хизмат сафари ёки бошқа сабабларга кўра чет эл мамлакатларига чиқиб кетганлиги;

- мамлакатда доимий яшаш жойи йўқлиги ва бу билан суд муҳокамасига таъминлашнинг имкони йўқлиги;

- чет эл фуқароси бўлганлиги ва бу билан суд муҳокамаси вақтига келиб чет эл давлатига чиқиб кетиши сабабли уни суд жараёнига таъминлашнинг имкони йўқлиги;

- соғлиғи ёмонлиги сабабли суд муҳокамаси даврида кўрсатув бера олмаслиги;

Юқоридаги ҳолатларни тез-тез учраб туриши суд муҳокамасини адолатли кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиши билан бирга, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини ижтимоий-ҳуқуқий зарурлигини янада кўрсатиб беради.

---

[78] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. – Б.201. // http://n.ziyouz.com

[79] The free dictionary by Farlex Source. URL: http://legal-dictionary.thefreedictionary.com/deposition (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.02.2023).

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг қонуний кафолати бўлиб, жиноят ишида исботлаш жараёнида ҳамда иш якуни бўйича қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишида *ижтимоий-сиёсий , жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал* жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг *ижтимоий-сиёсий* аҳамияти қуйидагиларда яъни:

- кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш натижасида жиноят- процесси иштрокчилари яъни гувоҳ, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланиши янада мустаҳкамланади;

- жиноят иши бўйича суд муҳокамаси даврида далиллар тўлиқ текширилиб, баҳоланишига ҳамда иш якуни бўйича қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига эришилади;

- жиноят иши бўйича фуқароларнинг қонунчиликка нисбатан ишончи ошишига ҳамда ҳуқуқий онги юксалишига кўмаклашади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг *жиноят-ҳуқуқий* аҳамияти эса мустаҳкамланган далиллар орқали суд муҳокамасида даврида жиноятни квалификация қилишнинг асосий белгиларини ва шахснинг айнан эълон қилинган айби бўйича айбли ёки абсизлигини янада аниқлашни белгилаб беради.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг *жиноят-процессуал* аҳамияти эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш орқали тўпланган барча далиллар чуқур таҳлил қилиниб, уларга баҳо берилиши ҳамда баҳо берилган далиллар асосида адолатли қарор қабул қилиниши;

- қонунчилик талабларига кўра, суд томонидан хукм чиқаришда айнан суд томонидан суд муҳокамасида текширилган далилларга асосланган ҳолда қонуний хулосага келиниши;

- фуқароларнинг ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва жазо тайинланмасликлари учун процессуал кафолатлар яратилиши;

- ҳимоячиларга далилларни тўплашда иштирок етиш ҳуқуқидан фойдаланишга имкон бериши;

- жиноят иши доирасида жиноят-процесси иштрокчиларининг текширилиши керак бўлган далиллар юзасидан берган фикрлари

ўрганилади ва текширилган кўрсатувларидан исботлаш жараёнида адолатли қарор қабулинишга хизмат қилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга асосан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш гувоҳ, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритиш давомида иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси вақтида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилади. Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш суд томонидан амалга оширилиб, сўроқ қилишдан иборат бўлади.

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, асосан гувоҳ ва жабрланувчиларни кўрсатувлари мустаҳкамлаб қўйилади. Бироқ айрим ҳолларда фуқаровий даъвогарнинг ҳам кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бўйича гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда ҳимоячи мурожаат қилади.

Жахонда дунё мамлакатлари ривожланиб бораётганлиги сабабли давлатлараро ҳамкорликлар ҳам кун сайин кучайиб бормоқда. Бундан ташқари фуқароларнинг ҳам чет эл давлатларига турли мақсадларда чиқиб кетиши (ишлаш, саёхат, яшаш, бизнес ва ҳ.к лар мақсадида) жуда кўпаймоқда. Шу сабабли жиноят иши доирасида иш учун кўрсатувлари жуда муҳим бўлган гувоҳ ва жабрланувчилар ишни судга қадар юритиш босқичида бошқа мамлакатларга чиқиб кетиши, натижада суд жараёнида қатнашмаслиги сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтини ижтимоий-ҳуқуқий зарурлигини янада ифодалаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашда, ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят ишини тўлиқ, адолатли ва обьектив кўриб чиқилишда, жиноят содир қилган шахсларни айбдорлигини исбот қилишда, умуман олганда адолат қарор топишида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти муҳим ўрин тутади.

Ахмедова Манзура Авазжон қизи
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ПЕДАГОГ ВА ПСИХОЛОГ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: Мазкур мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида педагог ва психолог иштирокини таъминлашда хорижий давлатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ишни судга қадар юритишда педагог ва психолог иштирокинин такомиллаштириш ҳамда тергов фаолияти самарадорлигини янада мустахкамлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларни амалга татбиқ этиш самарали натижа беришига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Педагог, психолог, тергов ҳаракати, сўроқ қилиш, Хабеас Корпус акти, терговчи, гувоҳ, жабрланувчи, вояга етмаган шахс.

Аннотация: В данной статье анализируется опыт зарубежных стран по обеспечению участия педагогов и психологов на стадии доведения дела до суда. Кроме того, исходя из опыта развитых стран, было указано, что улучшение участия педагогов и психологов в доведении дела до суда, усиление эффективности следственной деятельности, внедрение в этом отношении соответствующих нормативно-правовых документов даст эффективные результаты.

Ключевые слова: Педагог, Психолог, следственное действие, допрос, Акт Хобеас корпус, следователь, свидетель, потерпевший, несовершеннолетний.

Abstract: This article analyzes the experiences of foreign countries in ensuring the participation of pedagogues and psychologists at the stage of bringing the case to court. In addition, based on the experience of developed countries, it was pointed out that improving the participation of pedagogues and psychologists in bringing the case to court, strengthening the effectiveness of investigative activities, and implementing relevant normative legal documents in this regard will give effective results.

Key words: Teacher, Psychologist, Investigative Action, Interrogation, Habeas Corpus Act, Investigator, Witness, Victim, Juvenile.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида устувор вазифа этиб Ўзбекистонда олиб борилаётган

давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни белгилаб берди, Шундай экан, ушбу устувор вазифани ижросини таъминлаш мақсадида хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда тахлил қилишимиз муҳим хисобланади. Давлатимиз рахбари таъкидлаганларидек, бу борада биз ҳар дақиқа изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибалрни чуқур ўрганиб, хаётимизни, иш услубимизни янгилашга харакат қилишимиз лозим.

Ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш ушбу давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва маълумот олиш мобайнида миллий қонунчилигмизда ҳам амалиётга татбиқ қилиш мумкин бўлган нормаларни аниқлаш имкониятини беради.

Бугунги кундаги суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг инсон манфаатига қаратилганлиги ҳамда бу ислохатлар негизида қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби принциплар пойдевор қилиб белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Кўпгина давлатлар жиноят қонунчилигида тергов фаолиятинии янада мустахкамлаш ҳамда самарадорлигини ошириш учун қулай шароит ва имконитларнинг яратилганлиги махсус нормаларда ўз аксини топган бўлиб, айнан педагог ва психолог иштирокининг мустахкамланганлиги ушбу сохада қулайликларни яратилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, “романо-герман” (Франция, Германия, Испания, Финландия, Туркия, Япония, Россия Федерацияси) ҳамда “англо-саксон” (АҚШ, Буюк Британия, Сингапур) ҳуқуқ оилаларига крувчи хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганган ҳолда, тергов харакатларини олиб бориш жараёнида педагог ва психолог иштирокининг ахамиятини таҳлил қилдик. Англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқ оилалари бир-биридан параллел равишда ривожланган бўлиб, бунга кўра, улардаги педагог ва психолог иштирокининг ҳуқуқий моҳияти турлича акс этган.

Жумладан, ҳуқуқ тизими асосан “англо-саксон” ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган АҚШ давлатларида психологларнинг жиноят ишларини олиб боришда гумонланувчилар билан сухбат ўтказишнинг ўзига хос узоқ тарихи мавжуд бўлиб, шахсларнинг ҳавфлилик даражаси, судга лаёқатлилиги, руҳий холатини бахолаш ва қамоққа олинган шахсларнинг рухияти билан боғлиқ равишда ўз фаолиятларини олиб боришади. АҚШнинг мутахассис психологлари ёлғонни аниқлаш, сўроқ пайтида ҳамда бошқа тергов харакатларини олиб боришда кўплаб ижтимоий

психологик жиҳатлари бўйича ўз фаолиятларини олиб борадилар. Бугунги кундаги АҚШ полиция сохасида

мутахассис психологлар фаолияти мавжуд бўлиб, психологларнинг мақсади аввало, полицияга, уларнинг хизматига ва ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида юзага келадиган айрим муаммоларни хал қилишда психологик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Полициядаги психологлар рахбариятнинг топшириғига биноан: тергов гипнози, кетма-кет содир этилган қотилликнинг психологик тасвири, серияли зўрловчи-маняк, жинсий жиноятларнинг субъектив томонини таҳлил қилиш, жиноятга алоқадорлик юзасидан психологик экспертиза, сўроқ қилиш жараёни юзасидан маслахат бериш ҳамда гаровга олиш ва террористик харакатлар қилиш таҳдиди билан боғлиқ вазиятларда, полиграфия текшируви, шунингдек психологлар тергов ва бошқа тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал қилишда бевосита иштирок этишлари мумкин.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз жоизки, Калифорния штатида 2023 йил март холатига кўра жиноят сохасида фаолият олиб бораётган психологларнинг ўртача йиллик маоши йилига 93 318 $ ни ташкил қилади. Агар оддий иш хақи хисобида келтирадиган бўлсак, 7,776 $ бўлиб, ушбу кўрсаткичлар психологларнинг маҳорат даражаси, жойлашуви ва йиллик тажрибасига қараб кўтарилиши мумкин.

Фикримизча бизнинг мамлакатимизда ҳам психологларнинг иштирокини такомиллаштиришда молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлашимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида ишни судга қадар юритишда педагог ва психологни жалб қилиш масалаларини янада ойдинлаштиришга туртки бўлиб хизмат қилади.

Шу жумладан, “романо-герман” ҳуқуқ оиласига мансуб Россия Федерацияси қонунчилигини тахлил қилган ҳолда шуни такидлашмиз мумкинки, тергов харакатларининг барча босқичларида боланинг манфааатларини таъминлашга эътибор бериш муҳимдир. Бола ўзининг жисмоний ва ақлий етуклиги туфайли алоҳида ҳимоя ва ғамхўрликка, жумладан, тегишли ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир.

Дарҳақиқат, болалар ҳуқуқи нафақат Россияда, балки бутун дунёда энг ҳимояланган ҳуқуқлардан бири бўлиб, унга риоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий тузилмалари вакилларини ҳимоя қилишга чақиради. Бундай ҳолларда, болалар психологини келтиришимиз жоиз, унинг иштирокисиз ушбу турдаги жиноятларни,

фожеаларни, фалокатларни қурбони бўлган болалар бўлган бирорта ҳам тергов харакатини тасаввур қилиб бўлмайди.

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида 2015 йил 1 январдан бошлаб Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 191-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар критилди. Унга мувофиқ вояга етмаган жабрланувчи ва гувохларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, шахсини аниқлаш ва кўрсатувларни текшириш педагог ва психолог иштирокида ўтказилиши мажбурий этиб белгиланди. Педагог ва психологнинг мутахассис сифатида тергов харакатларида иштирок этиши Россия Федерацияси қонунлари билан белгилаб қўйилган.

XX асрдан бошлаб вояга етмаганларга нисбатан тергов ишларини олиб боришда, психологларни янада кенгроқ жалб қилиш масаласини кўтариш зарурлиги қайд этилган. Жумладан, Россиялик олим О.Х. Галимов 1960 йилда амалда бўлган РСФСР Жиноят-процессуал кодексида “педагог” атамаси ўрнида “педагогика ва психология сохасига доир мутахассис” атамаси билан алмаштирилиши лозимлигини қайд этган эди.

Мутахассис сифатида психологларнинг тергов харакатларини олиб боришдаги касбий фаолияти бир тарафдан, қийин ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган жабрланувчи ва гувохнинг психологик ҳолатини яхшилашга кўмак берса, иккинчи тарафдан, терговчи ва вояга етмаган шахсларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳиссий ва когнитив тўсиқларини бартараф этишга хизмат қилиш хисобланади.

Кўплаб илмий адабиётларда кўришимиз мумкинки, сўроқ қилиш тергов харакатини олиб боришда педагог эмас айнан психологни жалб қилиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Сабаби, психолог аниқ идивидуал психологик хусусиятларни инобатг олган холда ҳамда психологик техникаларни қўллаган холда ўз фаолиятини олиб боради ва терговчи учун бирмунча қулайликлар яратади.

А.Экмекчининг фикрларига кўра, ўқитувчидан психологик хусусиятларни мукаммал билишини ҳамда вояга етмаган айбланувчи, жабрланувчи ёки гувохлар иштирокида ўтказиладиган тергов харакатларида юзага келадиган психологик муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиб бўлмаслигини ҳамда холат юзаидан келиб чиққан ҳолда шахс вояга етгунига қадар педагог ва психолог иштироки мажбурийлигини назарда тутади. Россиялик олима Э.Б.Мельникова эса, айнан вояга

етмаган шахсларни сўроқ қилиш жараёнида педагог эмас, балки, психолог маълумотларидан фойдаланиш ўринли деб хисоблайди.

Фикримизча, вояга етмаган шахслар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда педагог-психолог яъни: педагогик фаолиятини олиб боришидан қатъи назар махсус психологик билимларга эга ҳамда ушбу билимларни чуқур ўзлаштирган педагог иштирокидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Юқоридагиларга кўра айтишимиз мумкинки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ишни судга қадар юритишда педагог ва психолог иштирокинин такомиллаштириш ҳамда тергов фаолияти самарадорлигини янада мустахкамлашимиз, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларни амалга татбиқ этиш самарали натижа беради.

Жиноят процсессининг жахон андозаларига назар ташлаб, кўплаб давлатлар қонунчилигини тахлил қиладиган бўлсак, педагог ва психологнинг иштирокини таъминлаш анча такомиллашган бўлиб, жумладан, айрим МДҲ давлатлари, хусусан, Қозоғистон Республикаси ЖПК 538-моддаси, Тожикистон Республикаси ЖПК 430-моддаси, Туркманистон Республикаси (ЖПК 514-моддаси), Беларусь Республикаси (ЖПК 435-модда) Жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишида ўқитувчи ва психолог иштирок этиши шартлиги ва шу билан бирга педагог ва психологининг процесснинг бошқа иштирокчилари сифатида ҳуқуқий мақоми белгилаб берилганлигини кузатиш мумкин.

Умуман олганда, ушбу жихатларнинг амалда жорий этилиши, яъни, педагог ва психолог хуқуқий мақомини тегишли нормаларда белгиланиши ҳамда иштирокининг мажбурийлиги жиноят ишларини юритишда, айниқса, вояга етмаган шахслар билан боғлиқ бўлган жиноятларни олиб боришда кенг имкониятларни яратади. Зеро ушбу ёндошувлар тергов фаолиятида хам бирмунча қулайликлар юзага келиши билан бирга, жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликларини янада мустахкамлашда ўз тасдиғини топади.

Дархақиқат, халқаро хамжамиятда эътироф этилган ёки норматив-хуқуқий хужжатларда ўз аксини топгани учунгина педагог ва психолог иштирокидан фойдаланиш яъни, белгиланган тартиб қоида асосида номигагина уларни жалб қилиш буткул самарасиз хисобланади. Аввало хар бир тергов органи ходими ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг виждонан ва масъулятни ҳис этган холда ўз

вазифаларини бажаришлари энг мухим жихатлардан бири саналади. Қонунчиликда ушбу иштирокчиларнинг мутахассис сифатида иштирок этиши таъминлансаю, тергов органи ходимлари томонидан уларнинг иштирокидан шунчаки юзаки фойдаланиш холатлари кузатилса, такомиллаштиришга бўлган барча харакатларнинг бари бекор бўлади. Шундай экан юқорида келтирилган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ва ижобий жихатларини ўрганиш, хам тергов фаолияти ходимлари учун хам, жиноят процесси иштирокчилари учун кенг имкониятларни яратади деб ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси https://president.uz/uz/lists/view/5774
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020 (мурожаат қилинган сана:19.04.2023)
3. Конституцияда алоҳида қайд этилиши режалаштирилаётган “Хабеас корпус”. Бу қандай норма? https://aniq.uz/yangiliklar/konstitusiyada-alohida-qayd-etilishi-rejalashtirilayotgan-xabeas-korpus-bu-qanday-norma
4. Interrogation Ethics and the American Psychological Association: A Critique of Politics and Process https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.b960c027-643fc285-8f1fdf2a-74722d776562/https/peh-med.biomedcentral.com/articles/10.1186/1747-5341-3-3 (мурожаат қилинган сана:19.04.2023)
5. Организация психологического обеспечения полиций англоязычных стран.http://yurpsy.com/files/xrest/9/059.htm (мурожаат қилинган сана:19.04.2023)
6. Criminal Psychologist Salary in California Comparison by Location https://www.ziprecruiter.com/Salaries/Criminal-Psychologist-Salary--in-California#Weekly
7. Уголовно-процессуальный кодекс Российский Федерации (УК РФ) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
8. Галимов О.Х. Малолетние лица в уголовном судопроизводстве. СПб., 2001. С. 139, 170.

9. См., например: Мифтахова Л.А. Проблемы участия психолога в уголовном процессе: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. Уфа, 2001

10. Экмекчи А. О судебно-психологической экспертизе // Советская юстиция. 1968. N 6. С. 11.

11. Ларин А.М., Мельникова Э.Б., Савицкий В.М. Уголовный процесс России: Лекции-очерки. М., 1997. С. 248; Мельникова Э., Ветрова Г. Российская модель ювенальной юстиции (теоретическая концепция) // Правозащитник.

Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти

ОИВ КАСАЛЛИГИ /ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ОИВ касаллиги/ОИТС тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Олимларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳазалари ўрганилиб, мазкур тушунча билан боғлиқ масалаларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ОИВ касаллиги/ОИТС, жиноят, жазо, жавобгарлик.

Аннотация: В данной статье анализируется понятие ВИЧ/СПИД и его уголовно-правовые аспекты. Были изучены мнения и замечания ученых по этому поводу, даны предложения и рекомендации по совершенствованию вопросов, связанных с данной концепцией.

Ключевые слова: ВИЧ-инфекция/СПИД, преступление, наказание, ответственность.

Abstract: This article analyzes the concept of HIV/AIDS and its criminal-legal aspects. The opinions and comments of scientists in this regard were studied, and suggestions and recommendations were given for the improvement of issues related to this concept.

Keywords: HIV/AIDS, crime, punishment, responsibility.

ОИВ ва ОИТС оқибатида келиб чиққан касаллик бугунги кунда барча мамлакатларда жиддий муаммога айланди. Бу касаллик мамлакатнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. У аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмига зарар етказиши, ОИВ касаллигига чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти юзага келиши ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиши билан иқтисодий тараққиётга хавф туғдириб, ушбу касалликка чалинганларнинг камситишларга учраши мумкинлиги туфайли ва аҳолининг соғлом, бехавотир турмуш кечиришига хавф туғдириши орқали миллий тараққиёт ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади[80].

[80] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикасида одам иммунитет танқислиги вируси инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича ёшлар фаоллигида олиб бориладиган тизимли тарғибот тадбирлари концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2022 йил 21

Ўрганилган манбаларимиз таҳлилига кўра XX аср охирида инсоният дуч келган энг катта ва муҳим ижтимоий муаммолардан бири бу ОИВ/ОИТС касаллиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда ОИВ/ОИТС билан касалланган 50 миллиондан ортиқ одамлар расман рўйхатига олинган[81]. Афсуски, бу касалликлар юртдошларимиз орасида ҳам аниқланмоқда. 2022 йилнинг 1 январь холатига кўра Ўзбекистонда ОИВ билан касалланганлар сони 45 мингни ташкил қилмоқда[82]. Бундай ҳолатда бепарволикка берилиб бўлмайди. Миллат генофонди, фарзандлар келажагини ушбу офатдан асраш нафақат тиббиёт ходимлари, балки бутун жамиятнинг вазифасидир.

Илк бор беморларда ОИТС ташхиси қўйилганига 40 йилдан ортиқ вақт ўтганлигига қарамасдан (1981) бугунги кунга келиб касаллик бутун дунё мамлакатлари ҳудудига кириб борди, инсонларни миллатидан, динидан, ирқдан қатъий назар ушбу касаллик билан хасталанишга мажбур этмоқда, натижада ОИТС билан касалланган беморлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда[83].

Одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) чақирадиган инфекция ОИВ-инфекцияси деб аталади. Ушбу инфекция узоқ давом этадиган (сурункали) инфекциялар тоифасига кириб, клиник жиҳатдан 4 босқичдан иборат ва унинг охирги босқичида орттирилган иммун танқислик синдроми (ОИТС) ривожланади. ОИВ-инфекцияси одам иммун тизмни фаолиятининг, асосан Т-лимфоцитларни ишдан чиқаради. Бу эса, организм иммун тизмнинг пасайиб кетишига олиб келади[84].

Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) асосан жинсий йўл билан юқадиган, сурункали кечадиган, инфекцион табиатга эга касаллик бўлиб, касалликнинг ўзига хос томони шундаки, вақт ўтиши билан беморларда иммун кучларининг пасайиши ва иммун танқислиги ҳолати вужудга келади, натижада касалликнинг клиник кўринишлари босқичма-босқич намоён бўлади[85]. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги

февралдаги ВМ-84-сон қарори [Элекрон манба]. Кириш йўли: https://lex.uz/ru/docs/5870549 (мурожаат қилинган сана: 14.02.2023).

[81] [Элекрон манба]. https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/hiv-aids (мурожаат қилинган сана: 20.04.2023й).

[82] [Элекрон манба]. https://t.me/ssvuz/11540 (мурожаат қилинган сана: 20.04.2023й).

[83] Болалар тери ва таносил касалликлари: Дарслик/ Маннанов А.М., Хаитов Қ.Н.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент педиатрия тиббиёт институти; Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016. 385 б.

[84] ОИВ-инфекцияси бўйича назарий ва амалий асослар:ўрта тиббиёт ходимлари учун ўқув-қўлланма / ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббий таълимни ривожлантириш маркази. Тошкент : Меҳри дарё, 2012, 2-Б.

[85] Болалар тери ва таносил касалликлари: Дарслик/ Маннанов А.М., Хаитов Қ.Н.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент педиатрия тиббиёт институти; Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016. 385 б.

кунга келиб, касалликка олиб келувчи сабаб ва касалликнинг табиати яхши ўрганилганлигига қарамасдан, касалликнинг давоси шу кунга қадар топилмай қолмоқда. Бу шуни англатадики бу касалликни юқтирган бемор инсонлар доимий равишда шифокор кўригида бўлиб, белгиланган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида ёши катта инсон ўртача 10-12 йил, болалар ўртача 8-9 йил умр кўриши тиббиёт томонидан исботланди. Бу жуда ачинарли ҳолат бу касалликка қарши курашиш нафақат тиббиёт ҳодимларининг вазифаси қолаверса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳам вазифаси ҳисобланади. Мазкур ОИВ/ОИТС касаллигига чалинган бемор томонидан соғлом инсонларга ўзида ушбу касаллик борлигини била туриб юқтирганлик учун ЎзРес Жиноят кодексининг 113-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳуқуқшунос олим М.Х. Рустамбаев ушбу жиноятнинг объектини қўйидагича таъриф берган “шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” дея изоҳ берган[86]. Ҳуқуқшунос олим А.Н. Бурдинская ҳам ушбу жиноят объектини “инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлашни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар” дея изоҳ келтирган[87].

В.А.Казакова эса ушбу жиноятнинг объекти иккига бўлиб асосий объект инсон соғлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар қўшимча объект жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар дея тариф берган.

Юқоридаги олимлар томонидан ушбу жиноят объектига берилган таърифларни таҳлил қилишимиз натижасида М.Х. Рустамбаев ва А.Н. Бурдинскаялар томонидан берилган таъриф ушбу жиноят объектини мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилишда ижобий самара беради.

Мазкур мавзуни ёритар эканмиз Ушбу жиноятнинг субъектив томонига асосий эътиборни қаратмоқчимиз. Ҳуқуқ назариясига мурожаат қилганимизда бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан ушбу жиноят субъектив томонига таъриф беришган Жумладан, М.Х. Рустамбаев берган таърифга кўра ЖК 113-моддасининг 1-4 қисимларида назарда тутилган жиноятлар *тўғри* ва *эгри* қасд билан содир этилади.Чунки айбдор ўзида таносил ҳамда ОИВ/ОИТС касаллигини

[86] Рустамбаев М.Х. Ўзбекистор Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Махсус қисим. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизлигига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган –Т.: Ўзбекистор Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-теника институти, 2018. Б-166.

[87] Бурдинская А.Н. Преступное инфицирование вирусом иммунодефицита человека: уголовно-правовая и криминологическая оценка: дис. … канд. юрид. наук, Владивосток, 2017. 239 с.

ўзида борлигини била туриб, уни жабрланувчига юқиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этади ва бундай оқибатлар келиб чиқишини хоҳлайди ёки бунга йўл қўяди. Мазкур модданинг 5-қисмидаги жиноятнинг субъектив томони эҳтиётсизликдан содир этилади дея тариф берилган. Е.Н. Москалева эса ушбу жиноят субъектив томононини қўйгадича таърифлайди "жиноят содир этган шахс ўзи юқтирган одамни ўлимига турлича муносабатда бўлиши мумкин. Лекин асосан бу жиноят фақат қасдан содир этилади чунки бу бу жиноятни содир этган шахс ўзида ушбу касалликни борлигини аниқ билиб содир этади" дея таъриф берган[88]. Мазкур жиноятнинг субъектив томонига ҳуқуқшунос олимлар берган тарифларни таҳлил қилишимиз ва суд-тергов амалиётида ушбу жиноятга тўғри ҳуқуқий баҳо беришда субъект ва субъектив томон билан боғлиқ ноаниқликлар юзага келмоқда. Жумладан,

Биринчидан, аввало, ЖК 113-моддаси жиноятнинг қасддан содир этилишини кўзда тутса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳар доим эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Бу, ўз навбатида, ушбу модда бўйича қилмиш субъектив томонини баҳолашда чалкашликларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ЖК 113-моддаси барча қисмларида қасддан содир этиладиган жиноятлар тўғрисида сўз борсада, унинг бешинчи оғирлаштирувчи қисмида эҳтиётсизлик орқасидан қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, бизнингча, мантиққа зиддир.

Иккинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик махсус субъект томонидан содир қилинади. Бунинг учун жавобгарлик ЖК 116-моддасида назарда тутилган.

Шуни инобатга олиб холда, ушбу моддани қўллашдаги ноаниқликни бартараф этиш мақсадида ЖК 113-моддаси бешинчи қисмини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бундай ҳолатларда, яъни шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади. Шуларни инобатга олиб, бизнинг фикрмизча, янги таҳрирдаги ЖК 116-моддасига иккинчи қисми сифатида "шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши" ҳамда учинчи қисми "б" банди сифатида "шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим

[88] https://iiste.org/Journals/index.php/RHSS

даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши” деб берилиши мақсадга мувофиқ. Қонун нормасига мазкур таҳрирда ўзгартиш ва қўшимчанинг киритилиши юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Гулноза Мирхалилова
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада давлат-хусусий шериклик соҳаси хорижий давлатлар мисолида таҳлил қилинган. ДХШни жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимига тадбиқ этишнинг айрим жиҳатлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: давлат-хусусий шериклик, давлат хусусий шериклик соҳасидаги қонунчилик, жамоат хавфсизлиги тизими, жамоат хавфсизлигини таъминлаш.

Аннотация: В статье анализируется сфера государственно-частного партнерства на примере зарубежных стран. Описаны некоторые аспекты реализации ГЧП в системе общественной безопасности.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, законодательство в сфере государственно-частного партнерства, система общественной безопасности, обеспечение общественной безопасности.

Annotation: *The article analyzes the sphere of Public Private Partnership on the example of foreign countries. Some aspects of the implementation of the PPPs in the public security system are described.*

Key words: *public-private partnership, legislation in the field of Public Private Partnership, public security system, ensuring public security.*

Бугунги шиддат билан илгарилаётган замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) мамлакат ва ҳудудий миқёсдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг самарали воситаси бўлиб, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратни ушлаб туриш ва хусусий сектор билан самарли иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш ва амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Бугун шуни кўришимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш, мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади. Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида ДХШ

институти кенг қўлланилаётган бўлса-да, амалиётда ва илмий майдонда унинг якдил таърифи мавжуд эмас.

Масалан, В.Г. Варнавский томонидан тақдим этилган таъриф диққатга сазовордир: "ДХШ - бу хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва бизнес ўртасидаги стратегик, институционал ҳамкорлик"[89] деб тарифлайди.

Ҳуқуқшунос олим А.В.Белицкая “давлат-хусусий шериклик фаолиятини давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри давлат манфаатлари ва назорати соҳасидаги объектларга нисбатан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиниши”[90] деб ҳисоблайди. К.А.Антонова эса “ДХШни – давлат ва тадбиркорлик субъектларининг шартнома асосида ҳамкорлик қилиши”[91] деб таърифлайди. Е.В.Горчакова эса “ДХШ – бу, давлат идоралари ва хусусий бизнеснинг иттифоқи бўлиб, ижтимоий ахамиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик”[92], деб бошқаларга қараганда соддароқ мазмундаги фикрни айтади. Чунки, Е.В.Горчакова таъкидлаганидек, ДХШ фақат хизмат кўрсатиш соҳасида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

П.Снельсон эса “ДХШ – бу, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида келадиган фойдани давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик натижасида тақсимлаш”[93] деса, А.Семченков ўз тадқиқотларида “ДХШ – давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўрта ёки узоқ муддатли ҳамкорлик бўлиб, бир неча тармоқларнинг манфатли ҳамкорлиги”[94], эканлигини уқтиради.

М.Паздников эса “ДХШ – давлат ва бизнес шерик бўлган ғарбий бозор иқтисодиётининг маҳаллий воситаси сифатида намоён бўлади.

---

[89] *Варнавский В. Г.* Государственно-частное партнерство в России: проблемй становления. // https://strana-oz.ru/2004/6/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-v-rossii-problemy-stanovleniya

[90] *Белицкая А. В.* Правовое определение государственно-частного партнерства.// https://cyberleninka.ru/article/n/2013-01-030-belitskaya-a-v-pravovoe-regulirovanie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-m-statut-2012-190-s/viewer

[91] *Кабашкин В.А.* Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации. // https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-v-rossiyskoy-federatsii/viewer

[92] *Горчакова Е.В.* Государственно-частное партнерство – новая парадигма России. // https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-novaya-paradigma-rossii/viewer

[93] *Снельсон П.* Государственно-частные партнерства в странах с переходной экономикой. *// URL: http://www.ebrd.com.*

[94] *Семченков А.С.* Государственно-частное партнерство. // https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo/viewer

Бундан ташқари, шериклар тенгдирлар. Шунинг учун “Давлат-хусусий шериклик” атамаси қўлланилади”[95] деб таърифлайди.

Хусусан, миллий тадқиқотчиларимиздан У.И.Джуманиязов “ДХШ – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир” [96]деб таърифлайди.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар қонунчилигига кўра давлат-хусусий шерикликка қуйидаги ҳуқуқий таърифлар берилганлигини кўриш мумкин. Масалан, инглиз олими Geddes. R.R АҚШда чоп этилган илмий ишида давлат-хусусий шериклик - давлат ва хусусий компания ўртасида келишилган шаклда давлат мулкида иштирок этиш ва давлат ҳокимияти органларининг зиммасида бўлган функцияларни бажаришга имкон берадиган шартнома тури"[97] деб қайд қилган. Бундай шартнома одатда ҳукумат ва хусусий компания ўртасидаги келишувни назарда тутади, унинг предмети давлат объектини реконструкция қилиш, қуриш, уни ишлатиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлади. Ушбу объектга нисбатан асосий мулкий ҳуқуқлар ўзгармайди ва объект хусусий компанияга топширилгандан кейин ҳам давлат мулкдор бўлиб қолади. Давлат-хусусий шериклик атамаси хусусий компания маълум бир хавфларни ўз зиммасига оладиган шартномалардан тортиб, объектларни қуриш, модернизация қилиш, ишлатиш ва бошқариш билан боғлиқ мураккаб, техник жиҳатдан мураккаб лойиҳаларга қадар бўлган кенг кўламли муносабатларни белгилайди.

Европа Иттифоқида ДХШ атамасига "давлат органларининг молиялаштириш, қурилиш, модернизация қилиш, бошқариш, инфратузилмаларни самарали ишлатиш ёки хизматларни тақдим этишга

---

[95] *Паздников М.* Государственно-частное партнерство: суть и понятие. //URL: http://politmanagement.ru.

[96] *Джуманиязов У.И.* Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарийуслубий масалалари. // http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/32_U_Djumaniyazov.pdf

[97] *Geddes R.R. Wagner B.L.* (2013) Why do U.S. states adopt public-private partnership enabling legislation? // https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0094119013000442

хизмат қиладиган давлат органлари билан корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик шакли "[98] сифатида қаралади.

Германияда ДХШ кўп ҳолларда “бир томондан давлат органлари ва иқтисодиётнинг хусусий сектори ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорлиги, иккинчи томондан ўзаро манфаат учун зарур бўлган ресурслар (масалан, ноу – хау, ишлаб чиқариш воситалари, капитал, кадрлар ва бошқалар) ”[99] деб тушунилади.

Хусусан, мамлакатимизда ҳам бу тушунчани таснифлайдиган ҳуқуқий асос мавжуд. 2019 йил 10 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида “Давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги”[100], деб белгиланган.

Р.Ж Тохиров бугунги кунда давлат-хусусий шериклик амалга оширилаётган тармоқларни қуйидаги турларга бўлган: 1. электроэнергия; 2. шамол энергияси; 3. автомобил йўллари; 4. логистика; 5. таълим; 6. соғлиқни сақлаш; 7. уй-жой коммунал хўжалиги; 8. қишлоқ хўжалиги; 9. спорт; 10. жамоат транспорти; 11. темирйўл транспорти; 12. авиация; 13. туризм; 14. маданият; 15. чиқиндиларни қайта ишлаш.[101]

Хозирги даврда ДХШ энг долзарб институт ҳисобланади. Ҳар бир соҳада ДХШни тадбиқ қилиш учун умумий принциплар мавжуд. Аммо, ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, муайян соҳага ДХШ тадбиқ этиш учун қатъий белгиланган махсус принциплар зарур бўлади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонунида ДХШнинг асосий принциплари ҳам қайд этилган. Бунга асосан ДХШ аосий принциплари қуйидагилардан иборат: давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги; давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;

---

[98] *User Guidebook.* // https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/library/user-guidebook-implementing-public-private-partnerships-transportation-infrastructure-projects-united-states

[99] The Governance of Public–Private Partnerships A Comparative Analysis.// https://publications.iadb.org/publications/english/document/The_Governance_of_Public-Private_Partnerships_A_Comparative_Analysis.pdf

[100] Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни // https://lex.uz/docs/4329270

[101] *Тохиров.Ж.Р.* Давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг принциплари ва уларнинг таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятлари // http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Tokhirov.pdf

хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик; камситишга йўл қўймаслик; коррупцияга йўл қўймаслик.

Ушбу принциплар ДХШдан манфаатдор субъектлар (инвесторлар ва тадбиркорлар)га фойда олиш имкониятини ҳам яратади. Хусусан, аҳоли иш билан таъминланади, жамиятда бандлик ошиб, камбағалликнинг қисқариши эвазига фуқароларнинг фаровонлиги ошиб боради, давлатнинг иқтисодиёти ривожланади ва бюджетга қўшимча тушумлар тушади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг стратегик вазифаси ҳисобланади. Жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таьминлаш тушунчасидан олдин "жамоат хавфсизлиги тизими" ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур.

Ҳуқуқшунос олимларимиздан М.Х.Баратов ва Н.А.Кулдашев: "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш яхлит тизим саналиб, у давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган, доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олади"[102], деган таърифни берадилар.

Рус олими А. А. Кармолицкий "жамоат хавфсизлигини муносабатлар тизими сифатида хисоблайди ва у инсониятнинг ҳаёт ва соғлигига бўлган таҳдидларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш жараёнида ривожланади"[103] деб таъкидлайди.

А.А.Николаев эса Россия маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексига – "жамоат тинчлиги, шахснинг дахлсизлиги, мулкнинг яхлитлиги сақланадиган давлатда барча муносабатлар соғлом бўлади" деган фикрни киритади[104]

Хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак жамоат хавфсизлигининг турли соҳаларида давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Англия давлатида полиция томонидан жиноятларни тергов қилишда самарадорликка эришиш учун давлат-хусусий шерикликка асосланган "кенгайтирилган полиция

[102] *М.Баратов, Н.Кулдашев.* Жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлаш истиқболлари // https://uza.uz/uz/posts/jamoat-xavfsizligini-davlat-xususiy-sheriklik-asosida-taminlash-istiqbollari_349465

[103] Административное право России. // http://www.law.vsu.ru/structure/admlaw/books/adm_pravo_2016-part1.pdf

[104] Кодекс Российской федерации об административных правонарушениях. // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

оиласи” деб номланган метод жорий қилинган.[105] Яъни, мазкур метод жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат ва фуқароларнинг хамкорликдаги фаолиятини англатади. Ушбу метод кейинчалик 1998 йилда Англиянинг “Жиноятчилик ва тартибсизликни назорат қилиш тўғрисидаги” Қонунини қабул қилинишига ҳамда мамлакатда жамоат хавфсизлигини таьминлашнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилди.

Адабиётларда ДХШнинг ривожланиш тенденциялари бўйича турли фикрлар бор. Баъзи илмий адабиётларда ДХШ институтининг вужудга келиш тарихи қадимги Римга бориб тақалиши хақида маълумотлар мавжуд. Масалан, Н.В Рубцова ўз тадқиқотларида “ДХШ прототипи дастлаб концессия институти орқали пайдо бўлганлигини, дастлаб Қадимги Римда бозорлар, ҳаммомлар ва бошқа шунга ўхшаш ўзини-ўзи бошқарадиган соҳалар концессия келишуви асосида ташкил қилинганлигини”[106] айтса, С.А.Черемухин эса “Рим ҳуқуқида аҳолини тоза сув билан таъминлаш соҳасини хусусий шахсларга бериш назарда тутилганлигини”[107] таъкидлайди.

Давлат хусусий шериклик институти Буюк Британияда энг катта ривожланишни бошлади ва “хусусий молиявий ташаббуслар” дастури қабул қилинди. “Хусусий молиявий ташаббуслар” дастури лойиҳаларни биргаликда амалга оширишни ўз ичига олган давлат ва хусусий шериклик концепцияси доирасида амалга оширилади. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ташкилотининг маълумотларига кўра, давлат мулкини бошқариш соҳасида давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги муносабатларнинг шериклик шакллари буюк Британияга давлат харажатларининг 15-20 фоизини тежашга имкон берган.[108]

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатмизда жамоат хавфсизлиги тизимини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлашни тўғри ташкил этиш ушбу сохани сифатли ва юқори даражада амалга оширишнинг энг самарали усули хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

[105] International report crime prevention and community safety: trends and perspectives. // https://cipc-icpc.org/wp-content/uploads/2019/08/International_Report_on_Crime_Prevention_and_Community_Safety_ANG.pdf

[106] *Рубцова Н. В.* Государственно-частное партнерство в контексте устойчивого развития. // https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/48296/1/rrfp_2016_1_099.pdf

[107] *С.А.Черемухин.* Государственно-частное партнерства: тенденции развития // https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-tendentsii-razvitiya/viewer

[108] *Лихачев Н.А.* Зарубежный опыт частно-государственного партнерства и Проблемы его адаптации в РФ https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-chastno-gosudarstvennogo-partnerstva-i-problemy-ego-adaptatsii-v-rf

1. *Варнавский В. Г.* Государственно-частное партнерство в России: проблемй становления. // https://strana-oz.ru/2004/6/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-v-rossii-problemy-stanovleniya

2. *Белицкая А. В.* Правовое определение государственно-частного партнерства. // https://cyberleninka.ru/article/n/2013-01-030-belitskaya-a-v-pravovoe-regulirovanie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-m-statut-2012-190-s/viewer

3. *Кабашкин В.А.* Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации. //

https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-gosudarstvenno-chastnogo-partnerstva-v-rossiyskoy-federatsii/viewer

4. *Горчакова Е.В.* Государственно-частное партнерство – новая парадигма России. //

https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-novaya-paradigma-rossii/viewer

5. *Снельсон П.* Государственно-частные партнерства в странах с переходной экономикой. // URL: http://www.ebrd.com.;

6. *Семченков А.С.* Государственно-частное партнерство. // https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo/viewer

7. *Паздников М.* Государственно-частное партнерство: суть и понятие. // URL: http://politmanagement.ru

8. *Джуманиязов У.И.* Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарийуслубий масалалари. // http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/32_U_Djumaniyazov.pdf

9. Geddes R.R. Wagner B.L. (2013) Why do U.S. states adopt public-private partnership enabling legislation? //

https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0094119013000442

10. User Guidebook. // https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/library/user-guidebook-implementing-public-private-partnerships-transportation-infrastructure-projects-united-states

11. The Governance of Public–Private Partnerships A Comparative Analysis. //

https://publications.iadb.org/publications/english/document/The_Governance_of_Public-Private_Partnerships_A_Comparative_Analysis.pdf

12. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни // *https://lex.uz/docs/4329270*

13. *Тохиров.Ж.Р.* Давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг принциплари ва уларнинг таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятлари // *http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Tokhirov.pdf*

14. *М.Баратов, Н.Кулдашев.* Жамоат хавфсизлигини давлат-хусусий шериклик асосида таъминлаш истиқболлари // https://uza.uz/uz/posts/jamoat-xavfsizligini-davlat-xususiy-sheriklik-asosida-taminlash-istiqbollari_349465

15. Административное право России. // http://www.law.vsu.ru/structure/admlaw/books/adm_pravo_2016-part1.pdf

16. Кодекс Российской федерации об административных правонарушениях. // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661

17. International report crime prevention and community safety: trends and perspectives. // https://cipcicpc.org/wpcontent/uploads/2019/08/International_Report_on_Crime_Prevention_and_Community_Safety_ANG.pdf

18. *Рубцова Н. В*. Государственно-частное партнерство в контексте устойчивого развития. //https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/48296/1/rrfp_2016_1_099.pdf

19. *С.А.Черемухин*. Государственно-частное партнерства: тенденции развития // https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnerstvo-tendentsii-razvitiya/viewer

20. *Лихачев Н.А*. Зарубежный опыт частно-государственного партнерства и Проблемы его адаптации в РФ https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-chastno-gosudarstvennogo-partnerstva-i-problemy-ego-adaptatsii-v-rf

Отаев Ўткирбек Матёқубович
Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник
+99833 007 83 02

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланишининг назарий ва амалий жихатларига илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: Конституция, Суд, Ички ишлар органлари, Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Экспертиза, Жазо, Даволаш.

Роль принудительного медицинского мера в обеспечении общественной безопасности.

Аннотация: В данной статье даны научно обоснованные предложения и рекомендации по теоретическим и практическим аспектам применения принудительных медицинских мер в Республике Узбекистан для обеспечения общественной безопасности.

Ключевые слова: Конституция, суд, органы внутренних дел, уголовный кодекс, уголовно-процессуальный кодекс, экспертиза, наказание, лечение.

The role of medical enforcement measures in ensuring public safety.

Annotation: In this article, scientifically based proposals and recommendations are given on the theoretical and practical aspects of the use of coercive medical measures in the Republic of Uzbekistan to ensure public safety.

Key words: Constitution, Court, Internal affairs bodies, Criminal Code, Criminal Procedural Code, Expertise, Punishment, Treatment

Давлатимиз томонидан «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлида ақли нораса шахсларни жамият хаётига қайтариш, уларни даволаш ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишини олдини олиш эътибордан четда қолмаслиги керак ва ушбу институтни қўллаш тартибини такомиллаштириш лозим. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат

органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган: Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси қабул қилинди.

жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди[109].

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари бу- бошқа тарздаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси сифатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ва руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан давлат мажбурлови кўриниши ҳисобланади. Бундай чоралар фақат шахс у томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ўзининг руҳий ҳолатига кўра жамият учун хавфли бўлган ҳоллардагина қўлланилади. Шахс жамият учун хавфлилиги ва у тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига муҳтожлиги, суд-психиатрия экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда ҳал қилинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан мақсад - шахсни даволаш ҳисобланади. Мажбурлов чоралари жазолаш мақсадини кўзламайди ва жиноий жазо чораси ҳисобланмайди.

ЖКнинг 91-моддаси. Мажбурлов чораларининг мақсадлари	
Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари **руҳий ҳолати бузилган**, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир	Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари **алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган** шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга

109 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон

этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.	кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин.
Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нафақат ақли норасо шахсларга, балки **алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга** ҳам тайинланиши мумкин.	

Жиноят қонунига кўра, жиноий жавобгарликка фақат ақли расо,яъни жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс тортилади. Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Руҳий ҳолатнинг бузилиши — шахс руҳий ҳолатининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Халқаро касалликлар таснифига мувофиқ тан олинган ўзгаришидир[110].

Шахс	Қуйидаги ҳолатлардан бирортаси сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса, у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилади.			
	руҳий ҳолати сурункали бузилганлиги	руҳий ҳолати вақтинчалик бузилганлиги	ақли заифлиги	руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги

Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят иши жиноят белгилари таркибига кирувчи элемент **— субъект йўқлиги туфайли тугатилади[111].**

[110] Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонуни. 1-бет

[111] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли қарори. 2-бет

Ақли норасо ҳолатда жиноят содир этган шахсга ёки жиноят содир этгандан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, фақат, иши кўрилаётган шахс томонидан муайян жиноят белгилари мавжуд ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги исботланган, шунингдек суд-психиатрия экспертизасининг шахс ўзининг руҳий ҳолати ва у томонидан содир этилган қилмишнинг хусусиятига кўра жамият учун хавфли эканлиги ҳамда унга нисбатан у ёки бу турдаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилишига муҳтожлиги тўғрисида ЖПК 568-моддаси талабларига жавоб берадиган хулосаси мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказишда қуйидаги масалалар аниқланиши лозим:

1) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда руҳий ҳолати ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада сурункали ёки вақтинча бузилганлик, ақли заифлик ёки руҳий ҳолатининг бошқача тарзда бузилиши ҳолатида бўлганлиги;

2) ҳозирги вақтда шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги оқибатида ҳукм қилиш ва жазолашнинг унга ахлоқ тузатиш жиҳатидан таъсир кўрсата олиши ёки кўрсата олмаслиги;

3) ушбу руҳий ҳолатнинг бузилиши сурункалими ёки шахс муайян муддат мобайнида тузалиши мумкинми;

4) шахс дучор бўлган руҳий ҳолатнинг бузилиши янги ижтимоий хавфли қилмишни келтириб чиқариши ёки бунга сабаб бўлиши мумкинми;

5) шахс ўзининг руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатув беришга, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш ва бошқа тергов ҳамда суд ҳаракатларида иштирок этишга қодирми;

6) ҳозирги вақтда шахснинг ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий ҳолати бузилганми ва улар нималардан иборат.

Ақли норасо ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, шунингдек жиноят содир этилганидан кейин руҳий ҳолати бузилганлиги аниқланган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб

ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади[112]. Ақли норасолик, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, шифохона турини белгилаш, шунингдек шахсни соғлиқни сақлаш органларига умумий асосларда даволаш ёки руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш учун бериш тўғрисидаги масалалар бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш ваколати судга тегишлидир.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорлари турларига ЖКнинг 93 моддасига кўра қуйидагилар киради

1) яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;

2) яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;

3) умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;

4) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

5) жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш

Руҳий ҳолати бузилган, касаллигининг зўрайиши аломатлари бўлмаган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан касаллик қайтарилишининг ва улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш учун яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш тайинланиши мумкин.

Яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш бу- ижтимоий хавфлилиги умумий асосларда амалга оширилиши мумкин бўлган даволашни талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

[112] Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 571- моддаси

Умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш бу- ижтимоий хавфлилиги кўпроқ ихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин бўлмаган реабилитация чоралари кўрилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш бу- ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқ-атворида умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида зарур даволаш ва реабилитация чораларини амалга ошириш имконини бермайдиган қоидабузарликларга йўл қўядиган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади. Жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган, жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тайинланган, руҳий ҳолати бузилган шахсларни шифокорлар комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан текширувдан ўтказиш олти ойда камида бир марта амалга оширилади.Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёхуд руҳий ҳолати бузилган шахс соғлиғининг ҳолати у суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хилдаги тиббий чорага муҳтож бўладиган ёхуд бундай хилдаги чораларга муҳтож бўлмайдиган тарзда ўзгарган тақдирда, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тугатади ёки ўзгартиради.

Руҳий ҳолати бузилган шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга муҳтож бўлмаган ҳолларда, шунингдек бу чораларни қўллаш тугатилганда суд бундай шахсни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасасига юбориш тўғрисидаги

масалани ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин[113].



Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахснинг яқин қариндошлари илтимосномасига кўра бундай чораларни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи ҳал қилинаётганда судлар **«яқин қариндошлар»** тушунчасига кирадиган шахслар доираси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида қайд этилганлигига эътибор беришлари лозим. Бунинг учун судлар амалга оширилган даволаш натижаларини ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари бекор қилингандан сўнг бу шахс учун яратиладиган шарт-шароитни, шунингдек келгусида тиббий кузатув ва даволашга зарурат бор-йўқлигини аниқлашлари керак. Бундай мақсадларда суд мажлисига тиббиёт муассасалари вакилларини, шахснинг қонуний вакиллари ёки яқин қариндошларини чақириш зарур.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш:

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган

[113] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 95- моддаси

шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим. Ушбу шахслар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволашни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосда тиббий муассасаларда даволанади. Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади. Ақли норасо ҳолатида ижтимоий хавфли ҳаракат содир этган ёки жиноят содир этилганидан кейин руҳий ҳолати бузилган шахс томонидан моддий зарар етказилган ҳолда, зарарни ундириш масаласи фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозим бўлиб, бу ҳақда суднинг ажримида кўрсатилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди[114]. Аммо Жиноят қонунчилигига асосан ушбу тамойил яъни давлат ташқарисида Ўзбекистон республикаси манфатларига, Ўзбекистон фуқароларига нисбатан жиноят содир этишда айбдор бўлган чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон худудидан ташқарида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан жиной жавобгарлик масаласи қамраб олинмаган. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 12-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноят учун ўша давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасалар**,** ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортиладилар” деб белгиланган. Бундай холатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноят учун ўша давлат судининг ҳукми билан жазоланган бўлмасаларда, ушбу давлатнинг қонунчилиги билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса, ушбу шахс Ўзбекистон худудига

[114] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси

қайтиб келганда назарий жихатдан жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинади. Агар Жиноят қонунига назар ташласак, Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси бу жазо эмас, демак чет давлат худудида содир этган жинояти учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс ўша давлат судининг ҳукми билан жазоланмаган хисобланади ва бизнинг Жиноят қонунига асосан жавобгарлик масаласи қайтадан кўриб чиқилиши керак. Бундай холларда шахснинг айнан битта харакат учун икки марта жавобгар бўлмаслиги халқаро ва миллий қонунчилигимизда хам белгиб қўйилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб ЖКнинг 12-модда 1-қисмидаги “судининг ҳукми билан жазоланган” деган жумлани “қонунчилиги билан жиноий жавобгарликка тортилган” сўзлар билан ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз, чунки жиноят учун жавобгарлик жазо тушунчасидан кенгроқдир, яъни шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Mirzaraimov Sardor Taxirovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

BEZORILIK BILAN BOG‘LIQ JINOYATLARNING HUQUQIY TAHLILI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada mamlakatimizda bezorilik jinoyatlarining sodir etilish tendensiyasi, dinamikasi va o‘ziga hos jihatlari statistik ma’lumotlar asosida tahlil qilingan bo‘lib, unda bezorilik harakatlariga huquqiy baho berishda jamoat joyi tushunchasining jinoiy-huuqiy asoslari, kriminalistik jihatlari, shu bilan birga mazkur jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda vujudga kelayotgan muammolar va mazkur masalalarning huquqiy tartibga solish jihatlari tadqiq etilgan.*

Kalit so‘zlar: *bezorilik, jamoat joyi, tan jarohati**,** jinoyat ishi, sud, moddiy zarar, jamiyatda o‘rnatilgan yurish-turish qoidalari.*

Dunyoda jamoat xavfsizligi va jamoat tartibiga tajovuz qiluvchi turli ko‘rinishdagi harakatlar va axborot urushi avj olib bormoqda. Bunda jamiyatda o‘rnatilgan yurish-turish qoidalarini mensimaslikda ifodalangan bezorilik jinoyatlarining yangi turlari ommalashib borayotganligini mazkur jinoyatlar bo‘yicha surishtiruv va dastlabki tergov o‘tkazish taktikasini yanada takomillashtirish masalalarini tadqiq qilish lozimligini anglatadi.

Mamlakatimizda so‘nggi yillarda sud-huquq sohasidagi islohotlarga alohida e’tibor qaratilayotganligi, hususan ayrim jinoyatlarni dekriminallashtirish, ma’muriy priyuditsa ishlarini rivojlantirish zarurati ushbu islohotlarning alohida muhim qismini tashkil etmoqda.

Mamlakatimizda inson huquqlari va manfaatlarini ta’minlash, ijtimoiy xavfli qilmish sodir etgan shaxslarni javobgarlikka tortishda inson qadrini ta’minlash bo‘yicha keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, “2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi”ning 14-maqsadida, «**Qonun ustuvorligi va konstitutsiyaviy qonuniylikni ta’minlash hamda inson qadrini ushbu jarayonning bosh mezoni sifatida belgilash»**[1] ko‘rsatib o‘tilgan**.**

O‘zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor ma’lumotlar boshqarmasi tomonidan taqdim qilingan ma’lumotlarga ko‘ra, **2021** yilda bezorilik fakti bo‘yicha qo‘zg‘atilgan va hisobga qo‘yilgan jinoyatlar soni jami **3 024 ta** bo‘lib, ushbu ko‘rsatkich 2020 yilda **1 565** tani tashkil etgan va o‘sish sur’ati **1 459 taga** yoki **93,2 foizga** oshib ketgan. Ushbu ko‘rsatkich eng ko‘p Toshkent shaxar (728 ta), Namangan viloyati (455 ta), Toshkent viloyati (395

ta) va Surxondaryo viloyati (383 ta)da qayd etilgan[2]. Bugungi kunda mazkur jinoyatlarning tahlili, 2021 yilda Respublika bo‘yicha har 100 ming aholiga 8,8 tani tashkil etmoqda.

Yuqoridagi statistik ma’lumotlar, bezorilik jinoyatlarini ortib borayotganligi, yillar kesimida keskin ortganiga va aholi ulushiga nisbatan ko‘rsatkichning yuqoriligicha qolayotganligini bildiradi.

Shuningdek, bezorilik jinoyatlarini fosh etilishi ko‘rsatkichlari bo‘yicha tahlillarga e’tibor qaratsak, jumladan, 2021 yilning 12 oyi davomida Respublika bo‘yicha jami **48** ta bezorilik bo‘yicha qo‘zg‘atilgan jinoyat ishlari bo‘yicha ayblanuvchi tariqasida ishda jalb etilishi lozim bo‘lgan shaxslar aniqlanmasdan qolgan. Eng ko‘p fosh etilmagan bezorilik jinoyatlari ulushi Toshkent viloyatiga to‘g‘ri keladi **13 ta**, keyingi o‘rinda Toshkent shaxri **11 ta** va Namangan viloyatida **7 tani** tashkil etmoqda.

Mazkur tahlillar asosan bezorilik jinoyatlari qayd etilishi bo‘yicha yetakchi bo‘lgan mazkur viloyatlarda bezorilik jinoyatlarining fosh etilish darajasi ham tushib ketganligini ko‘rsatadi.

Bezorilik jinoyatlarini tergov qilishda avvalo bezorilik qilmishini jinoiy-huquqiy kvalifikatsiya qilishni talab etadi va mazkur normaning tahlili mavzuni yoritishda birlamchi ahamiyat kasb etadi.

Bezorilik harakatlari o‘zining ijtimoiy xavfliligi nuqtai nazaridan javobgarlikning ma’muriy va jinoiy turi bilan farqlanadi. Shu bois dastavval, O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksning 183-moddasida nazarda tutilgan mayda bezorilik huquqbuzarligini yoritish lozim bo‘ladi. Normaga ko‘ra, jamoat joylarida uyatli so‘zlar bilan so‘kinish, fuqarolarga haqoratomuz shilqimlik qilish hamda jamoat tartibini va fuqarolarning osoyishtaligini buzuvchi shu kabi boshqa xatti-harakatlarda ifodalangan jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik – mayda bezorilik huquqbuzariligi tarkibini tashkil qiladi .

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi dipozitsiyasida bezorilik, ya’ni jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do‘pposlash, badanga yengil shikast yetkazish yoki o‘zganing mulkiga shikast yetkazish yoxud nobud qilish ancha zarar yetkazish bilan bog‘liq holda sodir etilsa deya belgilangan .

Yuqoridagi normalarning huquqiy tahlili mazkur qilmishlarni qay biri huquqbuzarlik va qay biri jinoiy qilmish ekanligi borasidagi aniq chegarani belgilashga xizmat qiladi. Bugungi kunda amaliyotchilarni bezorilik harakatlariga huquqiy baho berishda mavjud eng katta muammo sifatida mazkur aniq tahlilning mavjud emasligidir. Sababi mayda bezorilik

huquqbuzarligi va bezorilik jinoyatlari o‘zaro o‘xshash harakatlarni nazarda tutadi hamda qilmishga huquqiy baho berishda mazkur o‘xshashlik kvalifikatsion adashishlarni keltirib chiqaradi.

Bezorilik jinoyatlarini tergov qilishda avvalo bezorilik harakatlari bevosita jamoat joylarida sodir etilishi bilan bog‘liq bo‘lganligi va qasd avvalo jamoat tartibi hamda jamiyatda o‘rnatilgan yurish-turish qoidalari sanalganligi bois jamoat joyi va jamiyatda o‘rnatilgan yurish turish qoidalariga qo‘shimcha tushintirishlar berish maqsadga muvofiq. Mazkur tushuntirishlar huquqni qo‘llovchilar orasida keng tarqalishi yoki Oliy sud Plenumi qarori sifatida mustahkamlanishi albatta bu borada ishlarni to‘g‘ri hal etilishiga xizmat qiladi deb o‘ylaymiz.

2021 yilda qayd etilgan bezorilik jinoyatlarining **1 856** tasi jamoat joylarida sodir etilgan bo‘lib, shundan **767 tasi** ko‘cha, maydon va istirohat bog‘larida sodir etilgan[2].

Yuqoridagi tahlillardan ma’lum bo‘ladiki, huquqni qo‘llovchi subyektlar tomonidan jamoat joyida sodir etilgan aksariyat tan jarohati yetkazish bilan bog‘liq jinoyatlar bezorilik jinoyati sifatida kvalifikatsiya qilinmoqda. Bu esa o‘z navbatida mazkur turdagi jinoyatlarni sonini ortib ketishiga olib kelmoqda.

M.X.Rustambayev bezorilik jinoyatlarini kvalifikatsiya qilishning eng muxim sharti sifatida jinoyatning subyektiv tomonida ekanligini bildirib, bunda qasd aynan jamiyatdan o‘rnatilgan yurish-turish qoidalariga xurmatsiz munosabatda bo‘lish ekanligini bildiradi[3].

Yuqoridagi fikrlar juda o‘rinli ekanligini bildirib, yanada aniqroq tushunish maqsadida jamiyatda o‘rnatilgan yurish-turish qoidalari sifatida aynan qanday me’zonlar tushunilishi borasida olimlarning fikrlari tahlil qilinadi.

M.X.Rustambayev “Jamiyatda yurish-turish qoidalarini mensimaslik deganda, qonunlarga, axloq-odob normalirag, jamiyatda mavjud bo‘lgan urf-odat va an’analarga hurmatsizlik tushuniladi”, – deb ta’kidlaydi[3].

O‘z navbatida jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik, urish-do‘pposlash, yengil tan jarohati yetkazish yoki mulkka ancha miqdorda shikast yetkazish yoxud nobud qilish deganda nimani tushunish lozimligini bilib olishimiz zarur.

Jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan mensimaslik deganda, normativ-huquqiy hujjatlar, odob va axloq normalari, urf-odat, an’analar bilan belgilangan jamoat tartibini (odamlararo munosabatlar, yurish-turish qoidalari, shakllangan ijtimoiy turmush tarzini) qo‘pol tarzda buzish tushuniladi.

A.A.Xudoyberdiyevning fikriga koʻra, Jamiyatda yurish-turish qoidalarini mensimaslik bilan bogʻliq harakatlarning batafsil va qatʼiy roʻyxatini berish mushkul boʻlib, bu ishning xususiyatidan kelib chiqib baholashni talab etadigan jarayon hisoblanadi[4].

Urish-doʻpposlash deganda, aybdor tomonidan jamiyatda yurish-turish qoidalarini qasddan buzib, shaxsning badaniga shikast yetkazmagan holda bir necha zarba berish tushuniladi.

Mazkur turdagi jinoyatlarni kvalifikatsiya qilishda eng koʻp duch kelinayotgan xatolardan biri – bu amaliyotchilar nuqtai nazarida mayda bezorilik huquqbuzarligida ham shaxs urish-doʻpposlash kabi harakatlarini sodir etishi mumkin degan tushunchaning mavjudligidir.

Bu borada qonunchilik aniq taʼrifni nazarda tutmaganligi sababli amaliyotchilar oʻrtasidagi turli xildagi baxs-munozaralarga va subyektiv kvalifikatsiyalarga sabab boʻlmoqda.

Bezorilik jinoyatlariga huquqiy baho berishda yana bir eʼtibor berish lozim boʻlgan jihat mavjud. Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi uchinchi qism “g” bandida bezorilik: jamoat tartibini saqlash vazifasini bajarib turgan hokimiyat vakili yoki jamoatchilik vakiliga yoxud bezorilik harakatlarining oldini olish chorasini koʻrgan boshqa fuqarolarga qarshilik koʻrsatib sodir etilgan boʻlsa uch yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi nazarda tutilgan.

Amaliyotda bezorilik jinoyatlarini tergov qilish jarayonida holatga yuqoridagi band bilan huquqiy baho berish kelib chiqayotgan bir qator xatoliklar uchraydi.

Jumladan: Sirdaryo viloyati Yangiyer shaxar A.Jomiy MFY A.Jomiy koʻchasida joylashgan doʻkondan A. ismli shaxs bir baklashka pivo olib doʻkon egasiga pulini toʻlamasdan doʻkonni tark etishga harakat qiladi va unga qarshilik qilgan B. ismli sotuvchiga hech bir sababsiz qoʻllari bilan bir necha zarba beradi. Bu vaqtda doʻkonda boʻlgan V. ismli shaxs ularni ajratishga harakat qiladi, biroq A.ismli shaxs V. ismli shaxsga hech qanday tan jarohati yetkazmasdan B. ismli sotuvchiga yana bir necha zarba berib voqea joyidan yashirinadi. Shunday boʻlsada, Yangiyer shaxar IIB huzuridagi tergov guruhi tergovchisi mazkur holatni Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 277-moddasi uchinchi qism “g” bandi bilan malakalaydi[5].

“Bezorilikka oid ishlar boʻyicha sud amaliyoti haqida”gi Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining Qarori 10-bandida Bezorilik harakatlari davomida aybdor jamoat tartibini saqlash vazifasini bajarib turgan hokimiyat

yoki jamoatchilik vakiliga yoxud bezorilik harakatlarining oldini olish (to‘xtatish) chorasini ko‘rgan boshqa fuqarolarga faol qarshilik ko‘rsatsa, shu jumladan, ularga nisbatan o‘rtacha og‘ir shikast yetkazish darajasida zo‘rlik ishlatsa, bunday qilmish Jinoyat kodeksi 277-moddasi 3-qismining «g» bandi bilan to‘liq qamrab olinadi va Jinoyat kodeksining boshqa moddalari bilan qo‘shimcha kvalifikatsiya qilishni talab etmaydi.” deya belgilangan[6].

M.X.Rustambayev bu borada “Hokimiyat vakiliga qarshilik ko‘rsatish – qasddan urish, yengil yoki og‘ir tan jarohati, jismoniy og‘riq yetkazishda ifodalanadigan faol harakatlardir.

Jamoat tartibini qo‘riqlash vazifasini bajaruvchi hokimiyat vakili yoki jamoatchilik yoxud bezorilik harakatiga qarshilik qilgan fuqaro badaniga o‘rtacha shikast yetkazishni keltirib chiqargan qarshilik ko‘rsatish bilan bog‘liq bo‘lishi lozim.” deb ta’kidlaydi[7].

2021 yilda bezorilik fakti bilan qo‘zg‘atilgan jinoyat ishlarining **2 076 tasida** mazkur jinoyatlarni sodir etgan shaxslar aniq bo‘lgan va bu bo‘yicha tergov va surishtiruv yakunlanib, tegishli sudlarga yuborilgan, biroq 2021 yilda jami **191 ta** bezorilik jinoyatlari shaxsi noma’lum holatida surishtiruv va dastlabki tergovga kirishilgan bo‘lib, shundan 48 tasi fosh etilmasdan qolgan va bu jami qayd etilgan jinoyatlarning 1.77 % ulushiga to‘g‘ri keladi.

2021 yilda qayd etilgan **3 024 ta** bezorilik jinoyatlari bo‘yicha jami **3 893 nafar** shaxs javobgarlikka tortilgan[2].

2002 yil 14 iyundagi “Bezorilikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti haqida”gi O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 9-son Qaroriga muvofiq, mayda bezorilik harakatlari davom etib, aybdorning keyingi harakatlari shaxsni urish-do‘pposlash, unga yengil tan jarohati yetkazish yoki mulkka ancha miqdorda shikast yetkazish yoxud nobud qilish bilan sodir etilgan bo‘lsa, shaxs ma’muriy javobgarlikka tortilmasdan, faqat jinoiy javobgarlikka tortiladi deb belgilab qo‘yilgan[8].

Ya’ni, Oliy sud shaxs bezorilik harakatlarini sodir eta turib, jabrlanuvchining badaniga sud tibbiy nuqtai nazardan baxolanishi mumkin bo‘lgan aynan qanday tan jarohatini yetkazishi javobgarlikni keltirib chiqarishi borasida tushuntirish bermagan.

Bu esa o‘z navbatida huquqni qo‘llovchi amaliyotchilar o‘rtasida turli xildagi tushunmovchiliklarga sabab bo‘lmoqda. Bu borada o‘tkazilgan so‘rovnomalar davomida, respondentlarning ko‘pchiligi (44%) bunday hollarda jabrlanuvchiga sog‘liqning qisqa muddatga yomonlashuviga yoki mehnat qobiliyatining uncha uzoq bo‘lmagan muddatga yo‘qolishiga olib kelgan qasddan badanga yengil shikast yetkazgan hollardagina bezorilik

jinoyatini tarkibini berishini bildirgan bo‘lsa, 29 % respondentlar bunda og‘irlik darjasidan qat’iy nazar yetkazilgan tan jarohati bilan bog‘liq hollarda qilmishni bezorilik sifatida kvalifikatsiya qilinishi lozimligini bildirishdi[9].

Yuqoridagi so‘rovnoma natijalaridan ham ma’lum bo‘lmoqdaki, amaliyotchilar bu borada yakdil fikrga ega emas.

Shu sababli, Sudlar mayda bezorilik hisoblangan ma’muriy huquqbuzarlikni bezorilik jinoyatidan farqlovchi Plenum qarori qayta qabul qilishi va bu borada barcha nazariya va amaliyotda mavjud muammolar bo‘yicha tushuntirishlar berib o‘tishlari maqsadga muvofiq. Qolaversa “Bezorilikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti haqida”gi O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 9-son Qarori 2002 yil 14 iyundan buyon amalda ekanligi va o‘tkan davr mobaynida mazkur holatlarga oid ijtimoiy munosabatlar o‘zgarganligi hamda yangicha vaziyatlar bu borada ilmiy tadqiqotlarni oli borishni taqozo etishini unutmaslik lozim.

2021 yilda bezorilik jinoyatlarini sodir etgan shaxslarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, ushbu davr oralig‘ida qayd etilgan jami **3 024 ta** jinoyatlarda 173 nafar **voyaga yetmagan** shaxslar (2020 yilda – 87 nafar), 253 nafar **muqaddam sudlangan** shaxslar tomonidan (2020 yilda – 154 nafar), 202 nafar **ayollar** tomonidan (2020 yilda – 99 nafar), 674 tasi **guruh tarkibida** (2020 yilda – 341 nafar), 374 tasi **spirtli ichimlik yoki giyoxvand modda ta’siri ostidagi shaxslar** tomonidan (2020 yilda – 265 nafar) va 510 nafari **ish va mashg‘ulot turiga ega bo‘lmagan shaxslar** tomonidan (2020 yilda – 198 nafar) sodir etilgan[2].

Yuqoridagi tahlillarga xulosa o‘laroq, huquqbuzarlik va jinoyat o‘rtasidagi kvalifikatsion chegarani aniq qayd etish va bu borada izlanishlarni davom ettirish muhim hisoblanadi. Chunki mamlakatimiz jinoiy-huquqiy sohada bir necha yillardan buyon ilg‘or islohotlar yo‘lidan bormoqda, bu esa bugungi kun talabi bo‘lgan – inson qadrini ulug‘lash va mazkur jarayonning bosh mezoni sifatida aynan inson qadrini belgilash kabi vazifalarni bajarishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni //www.lex.uz. murojaat sanasi 22.02.2022 yil

2. O‘zbekiston Respublikasi IIV huquqiy statistika va tezkor-hisobot ma’lumotlar markazining 2017-2021 yillardagi jinoyatchilik dinamikasi bo‘yicha ma’lumotnomasi. Kirish raqami № 2531.

3. M.X.Rustambaev O‘zbekiston Respublikasi jinoyat-huquq kursi V tom Maxsus qism // Darslik. – T.,– 2018 B.207-209

4. Xudayberdiyev Abdurashid Abdirasulovich Jamoat joylarida sodir etiladigan bezorilik huquqbuzarliklarining kriminologik tavsifi // Development of pedagogical technologies in modern sciences International scientific-online conference – T.,– 2022

5. Jinoyat ishlari bo‘yicha sud amaliyoti obzori. Jinoyatni kvalifikatsiya qilish masalalari. 5-348-18- sonli ajrim https://sud.uz/ murojaat sanasi 25.12.2022 yil

6. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining Qarori Bezorilikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti haqida 2002 yil 14 iyun, 9-son

7. Rustambaev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 2. Jazo haqida ta’limot. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan. – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 272 bet

8. “Bezorilikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti haqida”gi O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 9-son Qarori 2002 yil 14 iyun Toshkent shaxri

9. Tadqiqot ishi dorasida amaliyotchilar o‘rtasida o‘tkazilgan so‘rovnoma natijalari.

Н.Н. Шукуров
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил тадқиқотчи

ЭКСТРЕМИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД

Аннотация: Ушбу мақолада экстремизм ва терроризмга оид бўлган жиноятларни содир этган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгиланган жавобгарлик турлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Экстремизм, терроризм, жиноят, жавобгарлик, террористик ташкилот, экстремизмни молиялаштириш, терроризмни молиялаштириш.

Аннотация: В данной статье сравниваются виды ответственности, установленные законодательством Республики Узбекистан и зарубежных стран для лиц, совершивших преступления, связанные с экстремизмом и терроризмом.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, преступление, ответственность, террористическая организация, финансирование экстремизма, финансирование терроризма.

Abstract: This article compares the types of liability established by the legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries for persons who have committed crimes related to extremism and terrorism.

Key words: extremism, terrorism, crime, responsibility, terrorist organization, financing of extremism, financing of terrorism.

Ўзбекистон Республикаси (ЎР) Жиноят кодексида (ЖК) экстремизмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлиги ва “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши жиноят қонунчилигини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Бу борада хорижий мамлакатларда экстремизмни молиялаштириш учун алоҳида жавобгарликни институти жорий этилган бўлса, бошқа давлатларда экстремизмни молиялаштирган шахслар терроризмни молиялаштириш жинояти бўйича умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги [1] қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Хусусан, ушбу қонунга мувофиқ экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёхуд экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият экстремизмни молиялаштириш ҳисобланади.

Шунингдек, қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, ЎР ҳудудида экстремизмни молиялаштиришни тақъқилаш экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирларидан бири ҳисобланади ва ушбу фаолият билан шуғулланиш тақиқланади.

Амалдаги Жиноят кодексида экстремизмни молиялаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмаган ва ушбу ҳаракатлар терроризмни молиялаштириш сифатида баҳоланади. Шу билан бирга муқаддам терроризм хусусиятидаги ёки терроризмни келтириб чиқариши мумкин бўлган (оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган) жиноятларни содир этган шахслар томонидан содир этилиши учун оғирлаштирувчи норма киритилмаган.

Хусусан, ЖК [2]да терроризмни молиялаштириш (155[3]-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолиятни амалга оширган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу билан бирга, муқаддам терроризм ҳусусиятидаги ёки терроризмни келтириб чиқариши мумкин бўлган жиноятларни содир этган шахслар томонидан терроризмни молиялаштириш учун жавобгарлик белгилангмаган бўлсада, лекин ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

Айтиш керакки, ушбу норма экстремизмни молиялаштиришни тўлиқ қамраб олмайди. Чунки, терроризмни молиялаштиришнинг мақсади террочилик ташкилотига ва террорчи шахсларнинг фаолият юритишига қаратилган. Экстремизмга алоқадор ҳаракатларнинг барчаси ҳам терроризмни мавжуд бўлишига ёки фаолият юритишига қаратилмаган.

Бундан ташқари, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан терроризмга алоқадор жиноятлар ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳисобланса, экстремизмга оид қилмишлар унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳисобланади.

Шунингдек, ЖКнинг 8-моддасида (Одиллик принципи) жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Шу сабабли, экстремизмни молиялаштиришган шахсни ЖК 155^3-моддаси билан жавобгарликка тортиш одиллик принципини бузилишига олиб келади.

Бу борада, ЖКнинг 244^1-моддаси 3-қисм “в” бандида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни (шу жумладан диний экстремизмни тарғиб қилувчи) тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш ҳаракатлари “диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб” содир этилганлиги учун оғирлаштирувчи таркибда жавобгарлик белгиланган бўлсада, ушбу жиноятни молиялаштирганлик учун жавобгарликни белгиланмаган.

Хориж мамлакатларининг жиноят қонунчилиги таҳлилига кўра, айрим давлатларда экстремизмни молиялаштириш учун алоҳида жавобгарлик институти жорий этилган.

Хусусан, Россия Федерацияси ЖКнинг 282-3 моддасига кўра, экстремистик ҳаамжамият ёки такилотнинг фаолият юритиши учун, ёки экстремистик йўналишдаги бирор бир жиноятни содир этиш учун ёки тайёрлаш учун молиявий маблағларни тўплаш ёки хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида экстремизм ва терроризмни молиялаштириш ягона ҳуқуқий институт сифатида баҳоланади. Жумладан, ЖКнинг 258-моддасида террористик

ёки экстремистик фаолиятни молиялаштириш ёҳудтерроризм ёки экстремизмга бошқача ёрдам кўрсатиш учун жавобгарлик белгиланган.

Айрим хорижий давлатларда экстремизмни молиялаштирган шахслар терроризмни молиялаштириш жинояти бўйича жавобгарликка тортилади.

Хусусан, Беларусь Республикасининг 2007 йил 4 январдаги "Экстремизмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунида экстремизмни молиялаштириш таъқиқланиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳаракатлар ЖКнинг 290[1]-моддаси (Террористик фаолиятни молиялаштириш) бўйича умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, ушбу модданинг 2-қисмида ушбу ҳаракатлар такроран ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд мансабдор шахснинг мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда содир этиши ёки хорижий давлат вакилига нисбатан террорчилик акти содир этиш (124 м.), халқаро ҳимояга олинган муассасага ҳужум қилиш (125 м), халқаро терроризм (126 м.), геноцид (127 м.), экоцид (131 м.), ноқонуний қуролли тузилма ташкил этиш (287 м.), терроризм (289 м.), бинони қурол билан гаровга олиш (292 м.), террористик акт (359 м.), қўпорувчилик (360м.) каби жиноятларни содир этган шахслар томонидан амалга оширилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Бу борада, Қирғиз Республикасида террористик фаолиятни молиялаштириш (ЖК 240 м.) учун жавобгарлик белгиланган. Шу билан бирга экстремистик материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш(ЖК 315м. 2қ.) жиноятлари чет эл жамоат бирлашмаси, чет эл диний ташкилоти ёки фуқароларининг молиявий ёрдами билан содир этилиши учун алоҳида жиноий жавобгарлик киритилган.

Бундан ташқари, Арманистон (ЖК 217-1 м.) ва Озарбайжон (ЖК 214-1 м.) Республикаларида экстремизмни молиялаштириши учун алоҳида норма киртилгмаган ва ушбу ҳолат терроризмни молиялаштириш сифатида баҳоланиб, терроризмни молиялаштириш учун белгиланган нормалар бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

"Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу қонуннинг талабларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарликни такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Хусусан, ушбу қонуннинг 12-моддасида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар экстремизмни молиялаштиришга йўл қўймаслик мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар назоратини,

ички назоратни амалга ошириш ҳамда тегишли тарзда текшириш чораларини кўриши белгиланган.

Шунга қарамасдан амалдаги қонунчиликда экстремизмни молиялаштирига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик белгиланмаган.

Бу борада терроризмни молиялаштириш учун “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда шу мазмундаги норма белгиланган бўлиб, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун МЖтКда [3] (179^3-моддаси) маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагилардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва унда экстремизмни молиялаштириш таъқиқланиши тўғрисидаги норманинг ўрнатилиши, бу борада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

2. Терроризмни молиялаштириш учун белгиланган жиноий жавобгарлик экстремизмни молиялаштириш жиноятини тўлиқ қамраб олмайди.

3. Амалдаги қонунчиликда экстремизмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ЎР ЖКга экстремизмни молиялаштириш учун жавобгарликни киритиш ва уни қуйилдагича баён этиш:

244^3-модда. Экстремизмни молиялаштириш

Экстремизмни молиялаштириш, яъни экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёхуд экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият—

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан;

г) муқаддам ушбу кодекснинг 153,155-156, 159, 161, 216, 216^1, 242, 244^1, 244^2, 251, 251^1,252, 255^1 моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса —

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экстремизмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

ЖК 244^3 ва 244^4-моддаларини тегишлича 244^4 ва 244^5-моддаларига ўзгартириш.

иккинчидан, ЖКнинг 155^3-моддасига 2 қисмини “муқаддам ушбу кодекснинг 153, 156, 159, 161, 216, 216^1, 242, 244^1, 244^2, 251, 251^1,252, 255^1 моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса” деган мазмундаги г банди билан тўлдириш.

учинчидан, МЖтКнинг 179^3-моддасини “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ёки экстремизмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номлаш ва экстремизмни молиялаштиришга оид қонун нормаларини бузиш учун жавобгарликни ўрнатиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Экстремизмга қарши кураш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. https://lex.uz/docs/3841957

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. https://lex.uz/acts/111453

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. https://lex.uz/docs/97664

Пахратдинова Арухан Керимбердиевна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ ХУЛҚ-АТВОРНИ КЕЛТИРУВЧИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ҲОДИСАЛАР

Калит сўзлар: жамоадан ташқари ҳулқ-атвор, ижтимоий-психологик ходиса, миш-миш гаплар, ноаниқ маълумотлар, психологик ҳодисалар

Ключевые слова: внегрупповые поведение, социально-психологические феномены, слухи, неоднозначная информация, психологические феномены

Key words: out-of-group behavior, socio-psychological phenomena, rumors, ambiguous information, psychological phenomena

Аннотация: Мақолада жамоадан ташқари ҳулқ атвор, миш-миш гаплар таъсиридаги психологик ўзгаришлар, ноаниқ маълумотлардан сақланиш бўйича фикр билдирилган.

Аннотация: В статье высказывается мнение об избегании расплывчатой информации о психологических изменениях под влиянием поведения вне коллектива

Annotation: The article expresses an opinion about the avoidance of vague information about psychological changes under the influence of behavior outside the team

Инсоннинг жамоадан ташқари хаттиҳаракатлари доираси кенг бўлиб, шундан миш-миш гаплар ва оломон психологиясига тўхтаб ўтамиз. Турли жамоаларни ҳаракатга келтирувчи омилларидан бўлмиш миш-миш гаплар хамда оломон доимо ҳуқуқшунослар, психологлар ва социологлар дикқат-эътиборида бўлган. Француз психологи Ле Бон Гюставнинг фикрига кўра, «инсоннинг маълум бир гуруҳ ёки жамоа орасида ўзига бўлган ишончи, иродавий кучининг ортиши ва интеллектуал онгнинг сусайишини кузатамиз. Аксарият ҳолларда оломондаги одамда ўз хатти-ҳаракатига нисбатан назоратнинг йўқолганлигини кўриш мумкин». [1.]

Миш-миш гаплар одатда асосга эга бўлмаган ахборотдир. Улар мазмун жиҳатдан матбуот, радио, телевидение орқали тарқатиладиган ахборотга нисбатан ниҳоятда саёздир. Аммо фақат шу асосда уларга эътиборсиз муносабатда бўлиш мумкин, мажозий қилиб айтганда, бола чўмилтирилган тоғорадаги сувни бола билан бирга ташлаб юборишини

англатади. Гап шундаки, миш-миш гаплар мантиқсизлигига қармай, аҳолининг муайян табақалари онги ва хатти-ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда, афсуски, миш-миш гаплар хатти-ҳаракатининг расмий ахборотга қараганда кучлироқ детерминанти (омили) бўлади.

Шу маънода, миш-миш гап психологик тузилишига кўра ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб махсус ўрганиб келинмоқда. Бунинг сабаби ўша йиллардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий аҳвол ва аҳолининг саводсизлиги бўлиб, бундан кўпгина шахслар ғаразли ниятларда шахслар инсонлардаги ҳаяжонни қўйиб, воқеаларга янада кўпроқ ҳиссий тус беришга интиладилар.

Баъзан миш-миш гапларнинг кучи ҳақиқий ахборотдан ҳам таъсирли бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда миш-миш гаплар ҳудуддаги оператив вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, нарх-навонинг кўтарилиши, қора бозорда валютанинг ошиб бориши борасидаги миш-миш гаплар инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатади ва бу кўпчилик ҳолларда одамларнинг ҳиссий зўриқишига сабаб бўлади, натижада улар хатти-ҳаракатларининг издан чиқишига олиб келади. Кўпинча миш-миш гапларнинг тарқалиши ва эътирозли ҳолатларнинг пайдо бўлишига манфаатдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва хабарлари сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда ички ишлар органлари ходимлари маълум вақтгача хабарнинг илдизини топишга қийналишади, пировардида шаҳарда кучайтирилган оператив вазият юзага келади.

Демак, миш-миш гап бир киши бошқасига етказадиган муайян бир воқеа-ҳодиса ҳақидаги оғзаки хабар бўлиб, баъзи швхслар томонидан уйлаб топилган бўлиши ҳам мумкин.

Миш-миш гапларни қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

1) Ҳодисаларни тасвирлаш; 2) эмоционал тон (тус) бериш, изоҳлаш; 3) миш-миш гапларнинг таъсир кучидан фойдаланиш. Миш-миш гаплар ўз маъно-моҳиятига кўра уч турга бўлинади: - умуман ҳақиқатга тўғри келмайдиган миш-миш гаплар; - маълум маънода тасдиқланган (ҳақиқат бор) миш-миш гаплар; - тўлиқ маънода ҳақиқатга эга бўлган миш-миш гаплар.

Умуман, миш-миш гаплар ўз характерига кўра тўғри, айнан ҳақиқатнинг ўзини ташкил қилмайди, сабаби миш-миш гаплар бир шахсдан иккинчи шахсга ёки бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтишда қандайдир қўшимча ўзгариш бўлади, яъни «миш» қўшилади.

Одамлар орасида тарқатиладиган ҳилма-ҳил миш-миш гапларнинг барчасини бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Акс эттирилаётган воқеа адекватлигига кўра, мутлақо ишончсиз, ҳақиқатга яқин унсурлари бўлган ишончсиз, ҳақиқатга ўхшаш ҳамда ҳақиқатга ўхшамайдиган элементлари бўлган ишончли миш-миш гапларга ажратилади.

Миш-миш гап тарқатувчининг сўзларидан аниқланадиган позицияларига кўра қуйидагиларга ажратилади: истак миш-миш – бунда хабар амалга ошмаган истак туфайли умидсизлик келтириб чиқариш ва одамларни тушкунликга тушириш мақсадига эга бўлади, қўрқитувчи миш-миш гаплар – ташвиш, қўрқув ва ишончсизлик кайфияти устунлик қиладиган одамлар орасида энг самарали тур; тажавузкор миш-миш гаплар, у муайян шахслар ёки одамлар гуруҳларига нисбатан адоват (нафрат) уруғини сочади; ажратувчи миш-миш гаплар, булар одамларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжал келтириб чиқаради, улар ўртасида шубҳа, ишончсизлик кабиларини юзага келтириб одатий ижтимоий алоқаларни бузади. [2.]

Миш-миш гаплар келиб чиқишига кўра, тартибсиз равишда юзага келадиган ёки атайин ўйлаб топиладиган миш-мишлар бўлади. Шу билан бирга, унинг оралиқ турлари ҳам бўлиши мумкин. Баъзан миш-миш гаплар ўз-ўзидан юзага келади, аммо муайяан замнга тушгач, ахборотни ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришга тайёр, унинг тарқалишидан айрим шахслр манфаатдор бўлади. Дастлаб миш-миш гаплар атайлаб тарқатилган, аммо стихияли равишда амал қилувчи ижтимоий-психологик механизмларга тушиб, улар туфайли кўп бора кучайган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Одамлар онгига таъсир этишткучига кўра миш-миш гаплар қуйидаги турларга бўлинади: ижтимоий фикрни қўзғатувчи, аммо аниқ кўриниб турган ғайри ижтимоий ҳулқ соҳасига кирмайдиган миш-миш гаплар; аҳолининг муайян қисмда ғайриижтимоий ҳулқни келтириб чиқарадиган миш-миш гаплар; одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни бузувчи ва жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишга (масалан, стадионлардаги тартибсизликлар, табиий офат шароитидаги саросималар ва бошқаларга) айланувчи миш-миш гаплар мавжуд.

Миш-миш гаплар жамиятда турли ижтимоий-психологик муаммоларни келтириб чиқаради. Улар баъзан ҳақиқий ахборотдан ҳам кучли бўиши мумкин.

Масалан:

- миш-миш гаплар ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида, йўл-патрул хизмати ходимларининг фаолиятини қийинлаштириб, жамоатчилик онгига салбий таъсир кўрсатади;

- миш-миш гапларнинг тарқалиши жамиятга зид оммавий хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради;

- миш-миш гаплар жамиятда, давлатда ва кишиларнинг онги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий қарашларида кескин вазиятларни юзага келтириш мумкин.

Миш-миш гапларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг сабаби, одамларда ахборот, маълумотларнинг етишмаслигидир. Бу ҳолда кишиларнинг маълум муаммо, воқеа-ҳодисага бўлган вақтинчалик талаб ва эҳтиёжлари қондирилмайди. Шунга кўра миш-миш гапларнинг: умуман ҳақиқатга тўғри келмайдиган, маълум даражада ҳақиқатга тўғри келадиган ва тўлиқ маънода ҳақиқатга тўғри келадиган турлари ажратилади. Умуман, миш-миш гаплар ўз мазмун-моҳиятига кўра, хабарларнинг тарқалишида унга эмоционал тус бериш, бўрттириш ва бойитиш натижасида содир бўлади. Албатта, миш-миш гаплар маълум мақсад ва манфаатларга қаратилиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший йўналишларда намоён бўлади. Улар баъзан ижобий мақсадда ёки ғаразли ниятларда тарқатилади.

Жамиятда оммавий миш-миш хабарларнинг тарқалиши ижтимоий муносабатлар тизимини издан чиқариши, иқтисодий ва сиёсий тангликни вужудга келтириши мумкин.

Миш-миш гаплар агрессив (тажавузкор) бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда одамлар ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қоладилар. Бундай ҳолат айниқса кичик-кичик гуруҳлардаги одамлар орасида кўп учрайди.

Миш-миш гаплар ўз ҳусусиятига кўра ташкил этилади ва бирдан юзага келиши мумкин.

Махсус ташкил этилган миш-миш гаплардан кўзланган мақсад яширин мотивлар, ғаразли ниятлар билан амалга оширилади.

Миш-миш гаплар шахслар онгига қуйидагича таъсир кўрсатади:

- шу муаммо буйича онгда маълум тасаввур пайдо бўлади;

- аҳоли орасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб, жамиятдаги мавжуд тартибни бузиш юзага келади.

Шунингдек, ер қимирлаши, табиий офатлар, иқтисодий соҳадаги, террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги миш-миш гаплар одамлар онгида қўрқув ҳиссини келтириб чиқаради.

Миш-миш гапларга қарши курашиш учун:

- оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш ва миш-мишлар ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

- Миш-мишларнинг тарқалиш ҳудудидни кузатиш ва ўша ҳудудда профилактик ишларни ташкил этиш;

- жамоатчиликга миш-мишлар билан боғлиқ масалаларни тўғри тушунтириш ва аниқ ахборот бериш;

- миш-мишларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда жамоатчидлик кучларидан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ле Бон Гюстав. Психология масс и народов. – М., 2000. С 56.
2. Социальная психология: Краткий очерк / Под общ.ред. Г. П. Предвечного и Ю.А. Шерковина. – М., 1995. – С. 168-190.

Казаков А. А.
Старший преподаватель кафедры Военной и физической подготовки таможенного института Государственного Таможенного комитета Республики Узбекистан

ЦЕННОВОЙ АСПЕКТ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР КАК ФАКТОР ПОДДЕРЖАНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ

В современных условиях вопросы обеспечения продовольственной безопасности приобретают исключительное значения. Так, к примеру, в октябре 2022 года Продовольственная и сельскохозяйственная организация (ФАО) на момент октября 2022 года понизила свой прогноз по объемам производства зерновых в мире, который теперь на 5,9 млн тонн ниже сентябрьского прогноза и составляет 2 768 млн тонн, что на 1,7 процента ниже общего объема производства в 2021 году.[115]

Снижение общего прогнозного показателя в этом месяце обусловлено главным образом предполагаемым уменьшением производства фуражных зерновых в мире, поскольку сохраняющиеся неблагоприятные погодные условия негативно отражаются на видах на урожай в основных странах-производителях. Объем мирового производства фуражных зерновых в 2022 году ожидается на уровне 1 468 млн тонн, что на 14,3 млн тонн ниже прогноза за прошлый месяц и на 2,8 процента ниже прошлогоднего показателя.[116]

Снижение (в октябре 2022 году) является главным образом результатом ухудшающихся видов на урожай кукурузы в Соединенных Штатах Америки, поскольку в условиях дефицита осадков вновь снижены прогнозы урожайности кукурузы, и ожидается некоторое сокращение посевных площадей. Прогнозы производства кукурузы в Европейском союзе и Республике Молдова также снижены – хотя и в меньшей степени – в связи с дальнейшим ухудшением видов на урожай из-за более засушливых, чем обычно, условий в текущем сельхоз сезоне. По Бразилии прогнозы производства кукурузы были также несколько снижены, исходя их опубликованных недавно официальных данных; однако валовой объем производства в стране по-прежнему остается на рекордном уровне. Эта корректировка в сторону понижения была частично компенсирована повышением прогнозов мирового производства ячменя на 2,5 млн тонн – главным образом в связи с

[115] https://eadaily.com/ru/news
[116] https://rossaprimavera.ru/news/f002838e

улучшением видов на урожай в Российской Федерации; теперь ожидается, что будет произведено порядка 147,9 млн тонн или на 1,7 процента больше по сравнению с прошлым годом. По Украине прогноз производства фуражных зерновых остается без изменений по сравнению с прогнозом прошлого месяца, который обозначен на уровне 33,1 млн тонн, что на 38 процентов ниже уровня прошлого года. После снижения прогноза по сравнению с сентябрьским уровнем на 1,7 млн тонн, теперь производство риса в мире в 2022 году ожидается на уровне порядка 512,8 млн тонн (в пересчете на обрушенное зерно), что на 2,4 процента ниже рекордного уровня 2021 года, но все же выше среднего для этой культуры показателя. Этот пересмотр обусловлен в первую очередь более консервативными прогнозами производства по Китаю, где культуры в бассейне реки Янцзы пострадали от затянувшейся летней засухи и высоких температур, а также по Пакистану – в связи с недавними сильными наводнениями. В сочетании с менее значительным пересмотром в сторону понижения по другим странам, это снижение прогнозов значительно превышает повышение прогнозов по Исламской Республике Иран, Таиланду и нескольким странам-производителям Западной Африки. [117]

В отличие от прогнозов по фуражным зерновым и рису, прогноз мирового производства пшеницы на 2022 год был увеличен по сравнению с сентябрьским прогнозом на 10,2 млн тонн и сейчас предполагается на новом рекордном уровне в 787,2 млн тонн или на 1,0 процента выше показателя прошлого года. Основная доля повышения прогноза в этом месяце связана с более высоким, чем ожидалось, урожаем в Европейском союзе – главным образом в связи с увеличением урожая мягких сортов пшеницы, и в Российской Федерации – в связи с благоприятными погодными условиями. Хорошее насыщение почвы влагой в период посевной и благоприятные прогнозы осадков способствовали повышению ожидаемого объема производства в Австралии – в 2022 году ожидается почти рекордный урожай пшеницы, который немногим ниже рекордного уровня 2021 года. Эти пересмотренные показатели с избытком перекрывают незначительное уменьшение прогнозов производства пшеницы по Аргентине, где в результате уменьшения осадков несколько ухудшилось состояние культур, что может привести к снижению урожая. По Украине прогноз урожая пшеницы в этом месяце остается без изменений на уровне

[117] https://eadaily.com/ru/news

20 млн тонн, что также на 38 процентов меньше показателя прошлого года. [118]

Прогнозируемый объем потребления зерновых в мире в сезоне 2022–2023 годов составляет 2 784 млн тонн, что на 8,7 млн тонн ниже по сравнению с прогнозом сентября и на 0,5 процента ниже показателя сезона 2021–2022 годов. В связи со снижением прогнозов по объемам производства, главным фактором пересмотра запасов в сторону понижения в этом месяце стало понижение ожидаемых объемов потребления фуражных зерновых на 6,4 млн тонн, которое в настоящее время предполагается на уровне 1 491 млн тонн; это на 0,6 процента ниже уровня прошлого сельхоз сезона, что почти полностью обусловлено ожидаемым сокращением потребления на корма.

В заключении хотелось бы добавить, что ожидается сокращение потребления кукурузы на корма, особенно в Европейском союзе и Соединенных Штатах Америки, где предполагается снижение предложения в связи с уменьшением урожая в этих странах, а также в Канаде в связи с сокращением запасов по сравнению с прошлым годом как следствие восполнения дефицита поставок других видов зерновых.

Литература

1. https://eadaily.com/ru/news
2. https://rossaprimavera.ru/news/f002838e

[118] https://eadaily.com/ru/news

Мусурмонов Шодиер Фахридинович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети магистратураси тингловчиси.
Телефон рақами +99888 437-27-77

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ АУТСОРСИНГНИ САМАРАДОРЛИГИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Аутсорсинг ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг барча жабҳаларидаги замонавий ривожланишнинг муҳим тенденциясига айланиб, кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва маҳаллий ҳамда халқаро меҳнат тақсимотидаги ташкилий силжишларни белгилаб берувчи муҳим жараён бўлиб бормоқда.

Замонавий глобализация шароитида аутсорсинг жараёнлари маҳаллий хўжалик фаолиятигагина хос бўлмасдан, балки ундан ташқарига ҳам чиқмоқда.

Замонавий иқтисодиётда аутсорсинг фаолияти асосан хизмат кўрсатиш соҳасини ўз ичига олиб, иқтисодиётдаги ривожаланиш тенденциялари янги тезланиш билан истиқболда бу соҳанинг жадал ривожланиши кутилмоқда.

Аутсорсингнинг асосий хусусияти – бу барча куч ва воситаларини муҳим бўлган ихтисослик йўналишига қаратиб, тегишли ташкилот вазифавий фаолиятини мувофиқлаштиришга эришади.

Агар биз аутсорсингни давлат ташкилотларидаги тадбиқи ва уни амалга оширилиши ҳақида умумий қилиб айтадиган бўлсак, аутсорсинг – бу давлат ташкилотининг тегишли вазифаларини (хўжалик ва маъмурий-бошқарув) ташқи ижрочига топширилишидир Аутсорсингни амалга оширишнинг имкони йўқлигини исботловчи далил – бу тегишли таклифнинг келиб тушмаслигидир. Бошқача қилиб айтганда, аутсорсинг тамойили бу борадаги хизмат кўрсатувчилар рақобати шарт-шароити бўлганда амалга оширилади.

Шу билан бирга бир қатор тадқиқотларда аутсорсинг шароитида ушбу жараёнларга катта миқдорда таъсир этмайдиган омиллар, яъни томонлар ўртасидаги ахборот алмашинуви, ушбу муносабатлардаги ўзаро бошқарув характери, шунингдек ушбу жараёнларнинг қамрови, тўлиқлиги, тезкорлиги ва бўлиши мумкин бўлган чекловлар алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.[119]

[119] Батаева П. В. Публичные услуги и функции государственного управления // Под ред. А. Е. Шаститко; Авт. коллектив: Н. С. Батаева, П. В. Крючкова, М. С. Потапенко, В. Л. Тамбовцев, А. Е. Шаститко. Бюро экон. анализа. – М.: ТЕИС, 2002. – 160 с.

Яна шундай ҳолатлар мавжудки, бунда аутсорсерлар кундалик фаолитини кузатиш, назорат ва мониторинг қилишнинг имкони мавжуд эмас, ҳамда уни амалга ошириш катта сарф-ҳаражатларни талаб этади.

Агар аутсорсингга топширилган жараёнларнинг характери мураккаб бўлса ва улар ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш механизми ҳам етарли даражада мураккаб бўлса, у ҳолда маъмурий сарф-ҳаражатлар устувор ўрин эгаллайди.[120]

Умуман олганда, аутсорсинг жараёнларини боришида, талабгор томонидан аутсорсерни доимий назоратга олиш ва мониторинг олиб бориши, улар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш, қолаверса, назорат ҳажмини ва қамровини кенгайтириш мақсадида қўшимча ресурсларнинг ортиб кетиши, ташкилотнинг аутсорсингга топширган иш ва хизматларни ўз куч ва воситалари орқали амалга ошириши қарорига келишига сабабчи омил ва туртки бўлиб қолади.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, тегишли жараёнлар (иш ва хизматлар)нинг ташқи секторга аутсорсинг тамойили асносида берилиши имконияти қуйидаги талаблар бажарилган тақдирда мавжуд бўлади:

- рақобат муҳитининг мавжудлигида;
- шартномаларда хизматларни амалга ошириш юзасидан аниқ талаблар кўрсатилган бўлиши лозим (релевантлик (боғлиқлик), иқтисодий оқланганлик (мувофиқлик), адекватлик, текшириш имкониятиниг мавжудлиги);
- тегишли молиявий манбааларнинг мавжудлиги;
- турли вазиятлар бўйича жараёнларни амалга оширишни кўзда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;
- шартнома талабларини бажаришдаги мажбурият ва назорат.

Ҳозирги вақтда аутсорсинг тамойилининг самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувларнинг икки тури мавжуд бўлиб, улардан бири – бу бир мезонли, иккинчиси эса кўпмезонли баҳолаш турларидир.

Биринчи, яъни, аутсорсингни жорий этиш самарадорлигини баҳолашдаги бир мезонли ёндашувда талабгорнинг бюджетдан иқтисодий тежамкорликка эришганлиги кўрсаткичи билан аниқланади.

Кўпмезонли баҳолаш ёндашувида эса, аутсорсингнинг тегишли ҳарбий қисм турли соҳаларига таъсири, масалан, жанговар тайёргарлик,

[120] Якобсон Л.И. Государственный сектор экономики: экономическая теория и политика / Л.И. Якобсон. – М.: ГУ-ВШЭ, 2000. – 295 с.

сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек, ҳарбий қисмни ушлаб туриш умумий ҳаражатлари миқдори ва бошқаларга таъсирини ҳам инобатга олиб кўриб чиқилади.

Бир мезонли баҳолаш усулига кўра, иқтисодий тежамкорликни аниқлаш учун қуйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқилади:

$Ф = (С_{ўзи} – С_{аут}) + Н + Б$

Бу ерда, Ф – моддий таъминотни аутсорсинг тизимига ўтказилиши муносабати билан эришилган бюджет сарфлари тежамкорлиги (зарари);

$С_{ўзи}$ – ҳарбий ташкилотнинг моддий таъминотни ўз куч ва воситалари билан амалга оширгандаги сарф-ҳаражатлари миқдори;

$С_{аут}$ – ҳарбий ташкилотнинг аутсорсинг тизимига ўтилгандан кейинги тўғридан-тўғри сарф-ҳаражатлари;

Н – аутсорсернинг давлатга топшираётган даромад солиғи;

Б – ҳарбий ташкилотнинг аутсорсинг тизимига ўтганлиги муносабати билан қисқарган айрим хўжалик лавозимларининг умумий бюджети (ойлик маош ва бошқа сарф-ҳаражатлар) ҳисоби.

Формуладаги қийматларга берилган изоҳлардан кўриниб турибдики, моддий таъминотни аутсорсингга ўтказилиши муносабати билан ҳарбий қисм таъминот бўлинмаларида аввал шу вазифаларни бажарган лавозимларнинг қисқариши натижасида ташкилий тузилишида ўзгаришлар юз беради.

Юқорида батафсил кўриб чиқилган ҳисоботлардан, шунингдек томонидан тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қўшинларни овқатлантиришнинг аутсорсинг тизими орқали ташкиллаштиришда бюджет ҳаражатларининг кескин равишда ошиши ҳолатини кузатишимиз мумкин. Лекин, бир қараганда ушбу рақамлар биз томонимиздан аутсорсинг тизимига нисбатан салбий хулосалар келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, аутсорсинг тизими иқтисодий жараёнларини синчковлик билан бирма-бир ўрганиб чиқадиган бўлсак, ушбу рақамнинг макроиқтисодиёт нуқтаи-назаридан Республика миқёсида ташкил этилган 2 500 га яқин ишчи ўринларини, шунингдек аутсорсер корхоналар томонидан маҳаллий бозорлардан харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва умумий нархи ҳамда бозордаги пул айланмалари натижасида макроиқтисодиётда ижобий ўзгаришлар юзага келиб, юқорида келиб чиққан салбий сальдони зарурий даражада камайтиришини ҳам инобатга олиш лозим.

Шу билан бирга, аутсорсинг тамойилидан кўзланган энг асосий мақсад–бу ҳарбий хизматчиларни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод

этиб барча куч ва воситаларини ўзининг ҳарбий ва махсус тайёргарлигига йўналтириб, жанговар тайёргарликни оширишдир. Бунга мос равишда ҳозирги вақтда аутсорсинг тизими жорий этилиши натижасида жанговар бўлинмалар ҳарбий хизматчиларининг жанговар тайёргарлик учун вақтлари икки баробарга кўпайган.

Юқоридаги таҳлиллар ва келтириб ўтилган статистик маълумотларга асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси моддий таъминотини амалга оширишда замонавий таъминот турларига ўтилиши армияда амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришлар ва ислоҳотларга мос равишда жорий этилишини назарда тутмоқда. Бунда асосий эътибор моддий таъминотни амалга ошириш жараёни сарф-ҳаражатларини қисқартириб сифатни ошириш, шу билан бирга ҳар бир ҳарбий хизматчиларни юқори профессионал тайёргарлигини ошириш мақсадида уларни турли ишлардан озод этиш масалалари кўзланган жанговар ва махсус тайёргарликка қаратилган.

Адабиётлар :

1. А.В. Сорокин. Соискатель Московского пограничного института Федеральной службы безопасности Российской Федерации, подполковник юстиции. “Особенности применения аутсорсинга военными организациями” // Право в Вооружённых Силах Российской Федерации.-2013 г., № 4, С. 15-19.;

2. Михайлов Д. М. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса: Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2006. – 256 с.;

3. Аутсорсинг бизнес-процессов. Советы финансового директора // Под общ. ред. В.В. Голда; пер. с англ. Н.И. Кобзаревой. – М.: Вершина, 2006.– 140 с.;

4. Шаститко А.Е. Выбор механизмов управления контрактными отношениями в условиях реформы регулирования экономики. Дерегулирование экономики и устранение административных барьеров, Российская Федерация А.Е. Шаститко // (EUROPEAID/114008/C/SV/RU). – М.: ТЕИС, 2004. – С. 50-51.;

5. Батаева П. В. Публичные услуги и функции государственного управления // Под ред. А. Е. Шаститко; Авт. коллектив: Н. С. Батаева, П. В. Крючкова, М. С. Потапенко, В. Л. Тамбовцев, А. Е. Шаститко. Бюро экон. анализа. – М.: ТЕИС, 2002. – 160 с.;

6. Якобсон Л.И. Государственный сектор экономики: экономическая теория и политика / Л.И. Якобсон. – М.: ГУ-ВШЭ, 2000. – 295 с.;

7. Уразбахтин Ю. Г., Базаров Ю. А. Анализ системы материально-технического обеспечения ВС РФ на условиях аутсорсинга // Экономика, управление, финансы: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Пермь, апрель 2015 г.). - Пермь: Зебра, 2015. - С. 44-48. https://moluch.ru/conf/econ/archive/133/7387/.;

Абдухолиқов С.
фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси профессори

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 1-МОДДАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАВФСИЗЛИККА АСОСЛАНГАН ДАВЛАТЧИЛИГИ ИФОДАСИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон –суверен демократик республика”, дейилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг бугунги лойиҳасисининг 1-моддасида эса “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик , ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деб ўзгартирилган. Бу терминалогик масалани ойдинлаштириш учун **Биз - мустақил Ўзбекистон халқи** қаёққа қараб кетаётганимизни аниқлаб олишимиз керак.

1991-йил 31-август куни Биз – Ўзбекистон халқи ўз тақдиримизни Кремль эмас, балки ўзимиз белгилаш ҳуқуқини қўлга киритдик. Мустақилликка эришдик. Мустақиллигимиз ҳеч кимга хавф туғдирган эмас. Аммо Биз қайси йўлдан кетамиз деган масала турар эди: социалистик йўлдан-ми ёки бозор муносабатларига асосланган йўлдан-ми? Илгари СССР даврида ижтимоий тараққиётнинг социалистик йўли – коммунистик формаси сари кетган эдик, бу ўзини оқламади. Лекин бугунги кунда социалистик йўлдан кетаётган бироз бозор муносабатларига ихтисослашган мамлакатлар бор: Хитой, Корея, Куба, Веътнам, Лаос. Уларда кичик ва ўрта бизнес учун шароит яратилган.

Биз ижтимоий тараққиётнинг бозор муносабатларига асосланган демократик фуқаролик жамияти формасини танладик. Демократия – бу манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилишидир. Манфаат ҳар бир инсон ва халқнинг ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрни – мақомини топа билишидир. Манфаатлар уйғунлигида кўпчилик норизо бўлмаслиги учун ҳокимият халқ ҳокимиятчилиги бўлиши керак. Чунки инсон ҳуқуқлари ҳокимият орқали амалга ошади. Шундай экан, демократия мулклар хилма-хиллигини ҳам тақозо этади. Мулклар хилма-хиллиги Конституциямиз лойиҳасининг 65-моддасида ўз ифодасини топган.

Бу иқтисодий демократиядир. Сиёсий демократия Конституциямизнинг 12-моддасида акс этган: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”. Демак, манфаатлар одилона бўлиши учун инсон ҳуқуқларига зид келмаслиги ва халқаро майдонда ҳеч кимга хавф туғдирмаслиги керак. Шундай экан, демократиянинг пировард негизида ҳуқуқ ётибди.

Ҳуқуқ – бу ижтимоий муносабат моментларидир, унинг ижозат ва таъқиқдан иборат чегараларидир. Агар ижтимоий муносабатлардаги тенглик, адолат ва эркинлик моментлари ўзининг кафолатланишларини тақозо этса, улар ҳуқуқ ҳисобланади. Бу -ҳуқуқий мазмундир. Уларни англаб ҳуқуқ нормаларида акс эттириш ҳуқуқ ижодкорлигидир. Бу –ҳуқуқий шаклдир. Шакл мазмунга мувофиқ келиши керак, яъни юридик нормалар ҳуқуққа мос келиши керак. Шунда ҳуқуқий муносабатларда ўз-ўзини ташкиллаштиришдан иборат синергетик жараёнлар бошланади. Ҳуқуқий тартибсизликдар ҳуқуқий тартиблиликка, ҳуқуқий беқарорликдан ҳуқуқий барқарорликка ўтилади. Хаосга барҳам берилади. Демак, ҳуқуқ хавфсизликнинг асоси ҳамдир.

Конституция тенглик, адолат ва эркинликнинг умумий томонлари, яъни барча-барчага оид умумий манфаатларни ифодалайди. Конституция тармоқ манфаатларни тартибга солишнинг умумий расмий манбаи ҳисобланади. Тармоқ манфаатларни тармоқ қонунлар акс эттиради. Ҳуқуқ ҳокимият орқали амалга ошар экан, асосий эътибор инсон ҳуқуқларидан кейин давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги ва давлат ҳуқуқига қаратилади.

Ҳуқуқ ҳокимият орқали амалга ошар экан, у мустақил, яъни суверен бўлиши керак. Тарихда суверен, лекин демократик бўлмаган ва бошқа мамлакатларга хавф солган давлатлар ҳам мавжуд бўлиб келди. Шунинг учун бу суверен ҳокимият эса халқ ҳақ-ҳуқуқларидан келиб чиқиши керак. Чунки муайян миқдор ва сифат бирлигига эга бўлган халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига ҳақ-ҳуқуқи бор. Бу ҳолат, яъни халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши эса

уларнинг номидан суверен давлати ҳокимияти олиб боришини тақозо этади. Шундагина бундай давлатга суверен демократик давлат, деймиз. Шундагина бундай давлатга ҳуқуқий давлат, деймиз. Бу давлат ҳуқуқий экан, ўз-ўзидан, биринчидан, унинг ижтимоий, яъни социал давлат эканлиги ҳам келиб чиқади. Чунки бу давлат барчанинг, жумладан, етим ва ночорларнинг ҳам давлатидир. Бу давлат ҳуқуқий экан, ўз-ўзидан, иккинчидан, унинг дунёвий давлат эканлиги ҳам келиб чиқади. Дунёвий давлат атеистик ҳам эмас, диний ҳам эмас, балки мавжуд умуминсоний ва миллий, диний ва илмий қадриятларга асосланган давлатдир. Дунёвий давлат диндорлар ва диндор бўлмаганлар давлатидир. Одатда бундай давлатлар халқаро миқёсда хавфсизлик таянчи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам лойиҳада янада тушунарли бўлиши учун 1-модданинг биринчи бандида давлатимизнинг сифат белгиларини ифодалаган “суверен”, “демократик”, “ҳуқуқий”, “ижтимоий” ва “дунёвий” давлат иборалари ҳам киритилган. Давлатнинг бу сифат белгилари барча-барчаси ижтимоийдир, яъни табиатга эмас, балки жамиятга хосдир. Шунинг учун “ижтимоий” ибораси ўрнига “социал” иборасини қўллаш мантиқан тўғридир. Бу иборалар бир-бирларини тўлдириб келади ва давлатимизнинг моҳиятини билишда муҳим аҳамиятга эгадир. Хавфсизликни таъминлаш бундай давлатларнинг характерли хусусиятига айланади.

Г.Т. Хакимов
кандидат юридических наук, доцент Университета общественной безопасности Республики Узбекистан
Б.Т. Исхаков
майор, заместитель начальника отдела кадров Университета общественной безопасности Республики Узбекистан.

О НЕОБХОДИМОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ЮВЕНАЛЬНОЙ ЮСТИЦИИ В СТРУКТУРУ ДЕЙСТВУЮЩИХ СУДОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЩЕЙ ЮРИСДИКЦИИ

Аннотация. Статья посвящена вопросам необходимости внедрения некоторых элементов ювенальной юстиции в структуру действующих судов Республики Узбекистан общей юрисдикции. В ходе изучения национальной практики и передового опыта иностранных государств, в целях повышения уровня защиты прав несовершеннолетних и создания предпосылок для профилактики правонарушений и преступлений, предлагается внесение некоторых изменений в процесс судебного разбирательства, а также сторон, затрагивающие ее организационно-техническую сторону.

Ключевые слова: несовершеннолетние лица, административная ответственность, административное правонарушение, ювенальная юстиция.

В Республики Узбекистан обеспечение законных прав и интересов детей и молодежи является приоритетом государственной политики и всегда находится в центре его особого внимания. Принятие Концепции развития государственной молодежной политики в Узбекистане до 2025 года, образование Агентства по делам молодежи, учреждение в Законодательной палате Олий Мажлиса института Уполномоченного Олий Мажлиса по правам ребенка (Детский омбудсман), создание Национальных комиссий по вопросам детей, учреждение государственной премии «Мард ўғлон», медали «Келажак бунёдкори», а также праздника «Дня молодежи», лишь часть тех широкомасштабных государственных реформ недавнего прошлого, которые имеют своей главной целью обеспечения счастливого и безопасного будущего для подрастающего поколения страны.

Выделение в качестве одной из целей Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы вопроса по формированию системы ювенальной юстиции и кодификации законодательства по правам

ребенка[121], говорит о необходимости нового подхода к решению вопросов обеспечения верховенства закона и совершенствования превентивных механизмов по предупреждению подростковой преступности.

Несомненно, предупреждение преступности среди несовершеннолетних является важнейшим аспектом предупреждения преступности в обществе. Участвуя в законной, социально полезной деятельности и вырабатывая гуманистический взгляд на общество и жизнь, молодежь может быть воспитана на принципах, не допускающих преступную деятельность[122].

Известно, что несовершеннолетние лица в силу своего незрелого возраста, традиционно считаются незащищенной категорией населения, на сознание которых оказывают свое влияние множество внешних факторов, преимущественно негативного характера. Кроме того, ситуация осложняется деформацией семейных ценностей и давних традиций, которая выступает главной причиной увеличения числа неполных семей. Все это, а также другие негативные социальные явления, оказывая отрицательное воздействие на мировоззрение и воспитание подростков, способствует совершению ими противоправных поступков.

Помимо этого, происходящие явления и процессы глобализации на мировой арене, влияние негативных сторон массовой культуры на сознания людей, истощение природных ресурсов, экологические проблемы, существующие внешние угрозы безопасности со стороны отрицательно настроенных субъектов, рост уровня правонарушений и преступности, а также ряд других причин и составляют ту объективную сторону необходимости поиска новых решений для сохранения мира и стабильности в обществе.

Совершенствование законодательной базы государства, внедрение в правоприменительную практику эффективных, отвечающих требованиям международных стандартов норм и правил, либерализация или же ужесточение ответственности за отдельные виды

[121] Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60, цель 14. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://lex.uz/docs/5841063.

[122] Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы), принятые резолюцией
45/112 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года, статья 1. [Электронный ресурс]. – Режим доступа:
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml.

противоправных деяний, является объективным, жизненно важным и постоянным процессом, который имеет своей главной целью обеспечение в обществе верховенства закона, уважение и соблюдение гражданами установленных государством правил, обеспечение общественной безопасности, а также профилактику и предупреждение совершения правонарушений и преступлений.

Известно, что внесение изменений или дополнений в действующее законодательство или же принятие совершенно нового правового документа, процедура сложная и длительная. Любой нормативно-правовой акт, принимаемый уполномоченными органами государства, имеет главным своим предназначением обеспечение законных прав человека и гражданина, вследствие чего, он должен быть действительно жизненно необходимым, научно обоснованным и основываться на социальных экспериментах.

Прежде всего, исходя из намеченных целей Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы, одним из которых является **обеспечении верховенства закона и конституционной законности, путем** формирования в стране системы ювенальной юстиции и кодификации законодательства по правам ребенка, с учетом передового опыта ряда зарубежных стран и в целях реализации руководящих принципов международных стандартов в области обеспечения законных прав и интересов ребенка, гуманизации системы правосудия в отношении несовершеннолетних, а также достижения наиболее эффективных результатов профилактики правонарушений и исправления несовершеннолетних правонарушителей, предлагается внедрение отдельных элементов (технологий) ювенальной юстиции в структуру действующих судов общей юрисдикции Республики Узбекистан, уполномоченных рассматривать административные и уголовные дела в отношении несовершеннолетних.

Следует отметить, что общие закономерности необходимости внедрения отдельных элементов ювенальной юстиции в национальную правоприменительную практику судебных органов, мы видим в следующем:

- юридическая незащищенность лиц несовершеннолетнего возраста перед лицом суда и других правоохранительных органов в административном или уголовном преследовании;

- потребность сокращения неблагоприятного влияния на детей и подростков последствий судебного разбирательства и строгости мер взысканий;

- усиление внимания на изучении личности несовершеннолетнего правонарушителя или потерпевшего и обращение с ним как с нуждающимся в защите, поддержке и руководстве;

- достижение минимизации уровня повторных правонарушений и преступлений, путем уменьшения воздействия на психическое и эмоциональное состояние несовершеннолетних лиц, акцентируя все свои силы и средства на его перевоспитание.

В ходе изучения национальной практики и передового опыта иностранных государств в осуществлении судебного разбирательства в отношении лиц, не достигших совершеннолетия, нам представляется возможным, что достичь намеченных целей в области снижения рецидивной правонарушаемости и перевоспитания подростков, можно без существенных преобразований судебной системы республики и минимального расхода государственного бюджета.

Важно понимать, что предупреждение и предотвращение противоправных деяний, совершаемых несовершеннолетними, требуют меньших затрат, чем деятельность, направленная на ликвидацию их последствий. Эффективная реализация профилактических программ предупреждения преступлений даёт положительные результаты[123].

Реализацию запланированных выше целей мы видим во внесении некоторых изменений в процесс судебного разбирательства, затрагивающие ее организационно-техническую сторону, а именно в следующем:

I. Требования, предъявляемые судье, привлеченному к работе с несовершеннолетними, а также процессу рассмотрения дела:

- судья, участвующий в процессе, по рассмотрению уголовного или административного дела в отношении несовершеннолетних, должен быть не только квалифицированным юристом, но и специалистом, имеющим опыт воспитательной работы и иметь, по меньшей мере, минимальный уровень подготовки в области психологии, педагогики, криминологии и наук о поведении всех представителей органов правосудия, занимающихся делами несовершеннолетних;

[123] Борисевич, Г.Я. Реализация идей концепции ювенальной юстиции в деятельности судов / Г.Я. Борисевич, К.В. Мартиросян // Вестник Пермского университета. - 2009. - №3 (5). – 19 с.

Данное требование к судье следует достичь путем обучения и повышения квалификации по вышеуказанным наукам, после чего оценка уровня специальных познаний будет определяться в специальных программах по квалификационным экзаменам.

- при рассмотрении дела, судья, который работает с несовершеннолетним, должен стремиться не только разрешить и принять законные меры в отношении виновного лица, но и стараться реконструировать, восстанавливать взаимоотношения между вовлеченными в конфликт сторонами;

- принимая во внимание, что успешная экспериментальная работа ряда зарубежных стран по внедрению ювенальных технологий базируется именно на выделении в судах специализированных судей по делам несовершеннолетних, рассмотрение дел несовершеннолетних на уровне районных, городских и областных судов целесообразно поручать специально закрепленным судьям на основании внутренних приказов (распоряжений) председателей судов;

В случае необходимости, в некоторых судах эти полномочия могут взять на себя председатели судов или их заместители, либо дела распределяются между судьями, обладающими наибольшим жизненным опытом и стажем работы.

- в целях владения необходимой информацией о личности несовершеннолетнего, условий его жизни и воспитания, выяснения обстоятельств, способствовавших совершению правонарушения, в качестве вспомогательных органов, в суд могут вызываться сотрудники территориальных комиссий по делам несовершеннолетних, которые готовят справки-характеристики для предоставления информации о несовершеннолетнем;

- во время судебного разбирательства участники процесса размещаются за одним столом (как правило, за круглым или полукруглым) на одном уровне, что будет подчеркивать общность тех задач, которые им предстоит решить с помощью судьи и соответствующих вспомогательных органов;

- не будет лишним использовать такой язык при общении, который будет соответствовать возрасту и уровню понимания несовершеннолетнего. Кроме того, судебные заседания целесообразно подстроить под темп и объем внимания несовершеннолетнего, с периодическими перерывами, когда это будет необходимо;

- рекомендуется, чтобы судьи не были облачены в специальные мантии и чтобы прокуроры не носили форменной одежды во время судебных слушаний с участием несовершеннолетнего.

II. Требования к помещению, в котором будет находиться несовершеннолетний, в процессе судебного разбирательства:

- на основе требований международных стандартов, помимо специализации судьи, необходимо выделение отдельного помещения, в котором будет проходить судебное разбирательство дела, исключительно в отношении несовершеннолетних лиц, а также выделение помещения для содержания под стражей;

- в таких помещениях нужно создать необходимые условия для учета всех тех требований, которые выработаны в международной практике по осуществлению правосудия в отношении несовершеннолетних.

Так, в помещении, где будет проходить судебное разбирательство, не должно быть привычных атрибутов для судебных залов (металлические клетки и решетки), отделяющий подростка от остального мира. Можно создать и другие условия в помещении (освещение, шторы, наличие картин, мягкой мебели, растительности и т.п.), что исключает официальную предрасположенность, где несовершеннолетний смог бы почувствовать себя более свободным и доверился бы собеседнику. Помимо этого, предлагается оборудовать помещения содержания под стражей несовершеннолетних согласно принципу семейного типа.

При невозможности обеспечения судов такими помещениями, можно использовать зарубежный опыт проведения судебных заседаний по делам несовершеннолетних в общем помещении суда, но в отдельные дни или часы.

Обосновывая еще раз целесообразность рекомендаций о внедрении отдельных элементов института ювенальной юстиции в национальное законодательство, считаем уместным вспомнить слова французского ученого и философа Эдуарда Жюлье, который отмечал: «Смотреть на стоящего перед судом провинившегося ребенка, как на больного, требующего врача, а не как на преступника, заслужившего наказания; иметь для детей судей-специалистов, как существуют врачи специалисты; заставить судей изучать больше характер ребенка и его нравственное «Я», чем его проступок, заниматься терпеливо и методично лечением нравственной болезни ребенка, наконец, заинтересовать и

родителей в выздоровлении – вот основание, на котором зиждутся суды для малолетних»[124].

В заключении хотелось бы отметить, что на наш взгляд, учёт вышеперечисленных предложений и рекомендаций при внесении изменений в законодательство Республики Узбекистана, позволил бы решить ряд теоретических и практических проблем привлечения к административной ответственности несовершеннолетних, повысить уровень защиты прав несовершеннолетних и создать предпосылки для профилактики правонарушений и преступлений.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Всеобщая декларация прав человека, принятая Генеральной Ассамблеей ООН от 10 декабря 1948 года. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml;

2. Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы), принятые резолюцией 45/112 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года, статья 1. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml.

3. Конституция Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.02.2021 г.). [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://lex.uz/docs/35869;

4. Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности от 22 сентября 1994 года № 2015-XII (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.06.2022 г.). [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://lex.uz/docs/97661;

5. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения гарантий прав ребенка» от 9 августа 2021 года № УП-6275 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.06.2022 г.). [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://lex.uz/ru/docs/5570494;

6. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 года № УП-60. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://lex.uz/docs/5841063;

[124] Мельникова, Э.Б. Правосудие по делам несовершеннолетних: история и современность / Э.Б. Мельникова. – Москва. - 1990.

7. Борисевич, Г.Я. Реализация идей концепции ювенальной юстиции в деятельности судов / Г.Я. Борисевич, К.В. Мартиросян // Вестник Пермского университета. - 2009. - №3 (5). – 19 с.;

8. Мельникова, Э.Б. Правосудие по делам несовершеннолетних: история и современность / Э.Б. Мельникова. – Москва. - 1990.

Ҳусанов Қобилжон Мухидинович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети магистратураси тингловчилари
Мусурмонов Шодиер Фахридинович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети магистратураси тингловчилари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ АУТСОРСИНГЛАРГА ДАВЛАТ ХАРИДАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЗИҚ ОВҚАТЛАР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ҳозирги вақтда моддий таъминотини амалга оширишда аутсорсерларни саралаш ва танлаб олиш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилган лекин аутсорсинг белгиланган мезонларни бажарилмаганлиги (кўрсатилган хизматнинг сифат даражаси пастлиги ёки курсатилмаган хизматлар учун тўланган пул маблағларни қайтариш, қўшимча хизмат курсатиш шартлари тўлик бажариш шартлари) назарда тутилмаган. Фақатгина озиқ-овқат таъминоти бўйича аутсорсерларни саралаш ва танлаб олиш тизимига тўхталиб ўтган тақдиримизда ҳам улардан келиб чиққан хулосалар қолган барча моддий таъминот турлари учун ҳам бирдай тегишли умумаҳамият касб этувчи кўрсаткичлардир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хариди юзасидан нарх шакллантириш механизми пухта ишлаб чиқилмаганлиги натижасида кўрсатилган хизматлар учун тўловларда давлат бюджетидан сарф-ҳаражатлар миқдорининг ошиб кетиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Жумладан, аутсорсерларга Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 ноябрдаги 942-сонли Қарорига кўра, шунингдек, 2019 йил 1 мартдаги 189-сонли Қарорига кўра ҳудудий тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги махсус ҳайъат таркиби томонидан ҳокимлар раислиги остида ҳар ойда тақдим этиб бориладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўртача бозор нарх-навоси таъминлаш меъёрлари ва шахсий таркиб сонига нисбатан ҳисобланиб, қўшимча равишда хизматлар учун 20 % (солиқ тўловлари - 10 %, транспорт ҳаражатлари ва иш ҳаққи учун тўловлар - 10 %) миқдорида устама нархи қўшилиб тўлов амалга оширилмоқда.

Лекин, кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга оширишда, аутсорсерларнинг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг

бевосита, Миллий гвардия томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш Қўмитаси омборхоналаридан ташиб келтирилгани, шунингдек тегишли шарт-шароитларда сақлангани ўзаро ҳисоб-китобларда инобатга олинмаган. Ваҳоланки, тегишли базаларда юқоридаги ишларни ташкиллаштириш мақсадида моддий ва жисмоний сарф-ҳаражатлар амалга оширилган.

Шунингдек, аутсорсерлар озиқ-овқат маҳсулотларини нисбий афзаллиги бўйича турли ҳудудлардан (турли сифат даражаларида) оммавий равишда харид қилишади. Якунда эса, расмий ҳужжатларда ҳокимият томонидан тақдим этилган нархларда акс эттириб, амалда арзон нархларда харидни амалга оширишади.

Шу билан бирга,Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида ва бошқа вазирликларга аутсорсинг тадбиқи ва унинг бориши жараёни бўйича тегишли вазирлик ва идоралар тақдим этган маълумотларга қараганда, охирги вақтларда тадбиркорлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш Қўмитасидан ташиб келтирилаётган асосий турдаги маҳсулотларни олишдан бош тортиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Тадбиркорлар томонидан айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳарбий қисмга олиб келиниши жараёнида, айнан маҳсулотларнинг сифат жиҳатидан арзон бўлган маҳсулотни харид қилиб, сохта ҳужжатлар асосида бирламчи ҳужжатларни қонунийлаштирган ҳолда тақдим этилмоқда (масалан, гўшт маҳсулоти). Якунда эса, ҳокимликлар томонидан ҳар ой тақдим этиладиган нархлар рўйхатида кўрсатилган баланд нархларда тўлов амалга оширилади. Бу эса, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаб беради лекин ҳарбий хизматчилар учун тайёрланадиган таомлар сифатига жиддий таъсир етади.

Маҳсулотлар асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш Қўмитасидан стратегик заҳираларни янгилаб туриш тартибида олинган.Аутсорсинг тизими жорий қилингандан сўнг аутсорсерлар асосий турдаги маҳсулотларни қисман маҳаллий бозорлардан харид қилишмоқда ёки ўзларида мавжуд бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни олиб келишмоқда.

Сифатли арзон озиқ овқат махсулотлари билан ўз вақтида барқарор таъминлашни ташкилаштиришнинг қўлайликларидан бири бу барқарор етказиб берувчининг мавжудлиги, Ўзбекистон

Республикасининг 2021 йил 22 апрель кунида тасдиқланган 684-сонли “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ хизмат кўрсатувчи ғолиб корхона (ташкилот) талабгор томонидан қатъий белгиланган мезонлар орқали энг яхши тижорат таклифи асосида конкурс (тендер) савдоларида аниқланиши лозим.

Маълум бир турдаги махсулотни ҳудудлардаги кичик корхоналар билан давлат харидлари орқали озиқ овқатларни етказиб бериш учун тендир ва ауксионлар орқали амалга оширилса мисол тариқасида (нон махсулотлари, сут маҳсулотлари) ҳудудлардаги фермир хўжаликлари билан қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузилса барқарор озиқ овқат етказиб бериш кафолатланган холда амалга оширилса фавқулотда ҳолатларда, маълум бир вақтда бир худудда тадбирларда йиғилган бўлинмаларни тезда сифатли арзон озиқ овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлашда катта рол уйнайди қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг январ ойида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлардан кўришимиз мумкинки аутсорсинг ташкилоталарига, етарли миқдорда озиқ овқат заҳирлари мавжуд емаслиги каби ҳолатларни тўлиқ ўрганилмаганли. озиқ овқат махсулотларини етказиб беришда хизмат кўрсатиш сохасидаги камчиликларидан бири ҳисобланади

Бўлинмаларга тегишли таъминлаш меъёрлари бўйича қуруқ паёклар, шу билан бирга, қисқа муддатли чиқишларда бир марталик озиқ овқат махсулотлари билан таъминлаш муаммолари мавжуд.

Адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрель кунидаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кунидаги 670-I-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни

3. А.В. Сорокин. Соискатель Московского пограничного института Федеральной службы безопасности Российской Федерации, подполковник юстиции. “Особенности применения аутсорсинга военными организациями” // Право в Вооружённых Силах Российской Федерации.-2013 г., № 4, С. 15-19.;

4. Михайлов Д. М. Аутсорсинг. Новая система организации бизнеса: Учебное пособие. М.: КНОРУС, 2006. – 256 с.;

5. Аутсорсинг бизнес-процессов. Советы финансового директора // Под общ. ред. В.В. Голда; пер. с англ. Н.И. Кобзаревой. – М.: Вершина, 2006.– 140 с.;

6. Шаститко А.Е. Выбор механизмов управления контрактными отношениями в условиях реформы регулирования экономики. Дерегулирование экономики и устранение административных барьеров, Российская Федерация А.Е. Шаститко // (EUROPEAID/114008/C/SV/RU). – М.: ТЕИС, 2004. – С. 50-51.;

7. Батаева П. В. Публичные услуги и функции государственного управления // Под ред. А. Е. Шаститко; Авт. коллектив: Н. С. Батаева, П. В. Крючкова, М. С. Потапенко, В. Л. Тамбовцев, А. Е. Шаститко. Бюро экон. анализа. – М.: ТЕИС, 2002. – 160 с.;

8. Якобсон Л.И. Государственный сектор экономики: экономическая теория и политика / Л.И. Якобсон. – М.: ГУ-ВШЭ, 2000. – 295 с.;

9. Уразбахтин Ю. Г., Базаров Ю. А. Анализ системы материально-технического обеспечения ВС РФ на условиях аутсорсинга // Экономика, управление, финансы: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Пермь, апрель 2015 г.). - Пермь: Зебра, 2015. - С. 44-48. https://moluch.ru/conf/econ/archive/133/7387/.;

Ҳайдаров Алишер Усмон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Ижтимоий – гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ “ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ” ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Жамият хавфсизлигини таъминлаш давлат мавжудлигининг барқарор, муҳим ва мажбурий элементларидан биридир[125]. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Жамият хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос миллий тизими шаклланди. Мамлакатимизда Жамият хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни **“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”** тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг Жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди[126].

Президентимизнинг касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табрикларида “Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барча яхши англашини, шу боисдан кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга устувор эътибор қаратилаётганлигини”[127] айтиб, ўтдилар.

Бу борада барча ҳудудларимизда хавфсиз шароит яратиш, тинчлик ва осойишталикка қарши таҳдидларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжатларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизмлари ва вазифалари белгилаб берилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини

[125] Боер В.М., Шамрай В.Н. Теоретико-правовое обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в современных условиях // Бизнес в законе. – 2012. – №3. – С. 161.

[126] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

[127] Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан. https://kun.uz/news/2022/10/25/prezidentichki-ishlar-xodimlarini-tabriklab-ulardan-bir-guruhini-mukofotladi

сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган замонавий иш услублари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилган ислоҳотлар доирасида ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташининг йўлга қўйилганлиги, кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар (“Смарт”) тизимларининг жорий этилаётганлиги, ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг электрон тизимли планшетлар билан таъминланганлиги, бундан ташқари “Хавфсиз пойтахт”, “Равон ва хавфсиз йўл” концепциялари, “Хавфсиз хонадон” “Хавфсиз ҳовли” тизимлари, “Смарт маҳалла” ахборот ҳамда “Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий комплекслари асосида фаолиятни ташкил этишда янгича иш усулларидан фойдаланиш кўплаб қулайликлар яратишини исботлади[128].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ижросини таъминлаш **натижасида** жорий этилган самарали ишлар билан бир қаторда, ушбу ҳужжатлар билан фаолиятда учраб турган айрим муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган яъни **истиқбол**даги устувор йўналишлар ҳам белгиланди. Хусусан, ***биринчидан*, Жамият хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бўйича,** бугунги кунда Жамият хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳисобланган қонунлар ушбу фаолиятни бевосита тартибга солишга хизмат қилмасдан, балки бу борадаги айрим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмоқда. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида эса мазкур фаолиятнинг умумий қоидалари, асосий йўналишлари ва вазифалари ҳамда субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Фаолиятни таъминлашнинг аксарият механизмлари эса идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган, холос. Бу эса, фаолиятни самарали ташкил этиш жараёнида бир қатор муаммо ва зиддиятларни келтириб чиқармоқда. 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида – Жамият хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали ушбу соҳага масъул бўлган ваколатли органларнинг

[128] Шарипов С.С. Ички ишлар органларида геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жамоат тартиби сақлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш// Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – №3. – 2022. – Б. 20.

200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжат нормаларини ва қоидаларини бирлаштириш вазифаси орқали ушбу муаммони ҳал қилиш белгиланган.

Бундан ташқари, 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаларининг белгиланганлиги, Жамият хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. ***иккинчидан*, Жамият хавфсизлигини таъминлашнинг услубий асосларини ривожлантириш бўйича,** маълумки, бугунги кунда Жамият тартибини сақлаш ва хавфсизлиги таъминлаш фаолияти нафақат ички ишлар органлари балки, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳам амалга оширилиш механизмлари яратилган, бироқ мазкур куч ва воситаларни **ягона бошқарув тизими масаласининг** очиқ қолаётгани, ҳудудларда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш бўйича маълум бир тушунмовчиликларни келтириб чиқараётган эди[129].

Ёки бўлмасам, бугунги кунда маъмурий ҳудудларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бораётганлиги натижасида унинг катта кўчалари ва бошқа аҳоли гавжум жойларида Жамият тартибини самарали сақлаш зарурати юзага келаётганлиги муносабати билан, патруль-пост хизмати ташкил этилмаган бундай ҳудуд профилактика инспекторларига ортиқча юкламаларнинг юзага келтираётганлиги ҳич кимга сир эмас.

Шу билан бирга, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ходимлари маълумки, ИИОнинг бошқа соҳавий хизматларидан фарқли равишда хизмат ўташи доимий равишда кўчалар ва Жамоат жойларида амалга оширилади. Бироқ бугунги кунда ушбу ходимларнинг формали кийим-боши сифати ва кўриниш жиҳатдан замон талабларига жавоб бермаётганлиги кўзга ташланмоқда. 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини

[129] Ибрагимов Ш.Ш., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари” //. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Тошкент 2022.Б-220-224.

ривожлантириш стратегиясида “Жамият хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини ташкил этиш, ички ишлар органлари таркибида туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда хизмат вазифаларини бажаришда қулайликлар яратишни ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Жамият хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун янги формали кийим-бош намунасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларни сифатли ва мос ўлчамдаги формали кийим-бош билан таъминлаш” каби чора-тадбирларнинг белгиланиши, бу борадаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. ***учинчидан*, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича,** йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг кескин ошиб кетаётганлиги ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш йўли сифатида, 2022-2025 йилларда Жамият хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида, йўл ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам равишда қасддан бузувчиларга, оғир оқибатларга олиб келган йўлтранспорт ҳодисаларини содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан узоқ муддатга маҳрум қилиш тарзидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чорасини жорий қилиш, қониқарсиз ҳолати йўл-транспорт ҳодисасига, айниқса, ўлимга олиб келган йўл ёки муҳандисликкоммуникация инфратузилмаси объектлари тасарруфида бўлган ташкилотлар ёки орган раҳбарларидан моддий зарарни ундириш тартибини жорий этиш ҳамда уларнинг жавобгарлигини белгилаш, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этиладиган “йўлда безорилик” ҳолатлари билан ифодаланадиган хаттиҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш, пиёдаларни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш вазифалари белгиланди. ***тўртинчидан*,** патруль-пост хизматининг ходимлари томонидан шубҳа уйғотган шахсларни текшириш учун ички ишлар органларига олиб келиниши ва бу билан уларнинг ортиқча оворагарчилигига сабаб бўлаётганлиги каби эскича иш услубида хизмат олиб борилаётганлиги, фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келган[130]. Бу борада, 2022-2025 йилларда

[130] Ибрагимов Ш.Ш., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари” //. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Тошкент 2022.Б-220-224.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясида Жамоат жойлардаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида, Жамият тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш – асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш механизми сифатида, – “Е-патруль” тизими жорий этилиб, текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечиш ва барча маълумотларни жойида текширишни йўлга қўйиш; – ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятини “бодикамера” ёрдамида назорат қилишни йўлга қўйиш; – патруль хизматини босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказиш орқали нарядларнинг мобиллигини ва ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Ушбу замонавий иш усулларининг жорий қилиниши фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар масалалари бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш, куч ва воситаларни тезкор бошқариш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига тезда муносабат билдириш имконини беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Жамият хавфсизлиги концепцияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамиятда тинчлик ва осойишталикни самарали таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қолаверса давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар органларининг роли ва мавқеининг юксалишига, фуқароларимизнинг тизимга нисбатан ишончи ва ҳурмати ошишига хизмат қилди.

Амонов Феруз Салимович
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Марказий девони бўлим катта офицери, Жамоат хавфсизлиги университети тадқиқотчиси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

Замонавий давлат бошқарувида ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини аниқ механизмини ташкил этиш ва олиб бориш фуқаролик жамиятининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Давлат бошқарув органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жамиятда муаммоларнинг ортиб бориши фуқароларни фаол, янада дадил бўлишга ундайди, шахсий муаммоларини умумхалқ аҳамиятидаги масалаларга эътибор қаратишга ўзгартиради.

Давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олиш бу фақатгина мансабдорларнинг эмас, балки, мамалакатнинг келажаги учун дахлдор инсонларнинг бурчи ҳисобланади. Яъни, жамият ва давлат идоралари бу борада якдил ҳаракат қилса натижа бўлади. Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек, “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун, ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”[131].

Бир қатор тадқиқотчилар ўз изланишларида коррупцияга қарши курашиш тушунчасига изоҳ бериб ўтганлар. Жумладан, О.Эгамбердиев коррупцияга қарши курашни ташкиллаштириш тушунчасига коррупцияга фаол қаршилик кўрсатиш, бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш (вужудга келтириш, яратиш) деган таъриф берган[132].

[131] Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иш ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: 3-жилд, 2019. 65-бет.

[132] Эгамбердиев О.П. Марказий Осиё мамлакатларида коррупцияга қарши курашни ташкиллаштиришнинг ўзига хослиги: маг.дисс.-Т.: 2012.-Б.11.

Рус олимлари А.Епифанов ва А.Симон коррупцияга қарши курашиш механизмлари тушунчаси моҳиятини очиш баробарида коррупцияга қарши курашиш тушунчасига ҳам тўхталиб ўтади. Хусусан, уларнинг фикрига кўра, коррупцияга қарши курашда қулай муҳитни яратиш мақсадида ташкилий-ҳуқуқий шакллар ва ҳуқуқий воситалар мажмуини яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар коррупцияга қарши курашишнинг мазмунини ташкил этади[133].

Олиб борилган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокисиз якка тарзда жамиятда коррупция даражасини пасайтира олмайди ва бунинг деярли имкони йўқ[134]. Айнан фуқаролик жамияти институтлари барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик манфаатларининг бир хилда идрок этилиши ва амалга оширилишини таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга чиқиши мумкин[135].

П.А.Кабанов ўз илмий ишларида, коррупцияга қарши курашиш – бу жуда мураккаб вазифа эканлигини ҳамда бу иллатга қарши курашишда турли ваколатларга эга бўлган жамиятнинг барча аъзолари – халқаро ташкилотлар, давлат ҳокимияти органларидан тортиб, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларгача иштирок этиши шартлигини таъкидлаган[136]. Худди шундай мазмундаги фикрни Е.Д. Шиндяпина, Е.В. Черепанова, Э.Д. Дымберова, О.В. Белоусовалар ҳам билдиришган «коррупцияга қарши кураш – сиёсий ҳокимият даражалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий ҳамжамият, хуллас, барчанинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилади»[137].

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати институтларини жалб этиш кенг тарқалган. Хусусан, жамоатчилик назорати шаклларари турли шаклларда намоён бўлиши мумкин, масалан,

---

[133] Епифанов А.Е., Симон А.Л. Теоретические основы механизма противодействия коррупции в отчественном праве // вестник ВГУ.- В: Изд-во ВолГУ, 2013.№ 4 (21).-С.124.

[134] Купреев С.С. Административное право и защита прав и свобод человека и гражданина в современный период // Административное право и процесс. 2011. Н9. С.16-18.

[135] Колова Н.М. Гражданское общество и государство в борьбе с коррупцией / Н.М.Колоосва, О.А.Шванюк // Следователь.-2013.№5- с. 59-64.

[136] Кабанов П.А. Некоторые формы взаимодействия институтов гражданского общества с органами местного самоуправления в области противодействия коррупции // Административное и муниципальное право. – 2012. – № 5. – С. 5–8.

[137] Совершенствование правовых и институциональных основ противодействия коррупции в субъектах Российской Федерации / Е.Д. Шиндяпина, Е.В. Черепанова, Э.Д. Дымберова, О.В. Белоусова // Журнал российского права. – 2013. – № 4. – С. 100–112.

ўзаро маълумот алмашиш, фуқароларни ўқитиш, муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш ва аниқ ечимларни ишлаб чиқиш, дастурларни комплекс ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, профилактика тадбирларида биргаликда иштирок этиш, услубий маслаҳат ва ташкилий ёрдам[138], жамоат ва маслаҳат кенгашлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик томонидан кўриб чиқиш, ишчи гуруҳлар йиғилишлари, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, музокаралар, тадқиқот, мониторинг, бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар[139].

А.А.Гончаров жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий шакллари сифатида фуқароларнинг умумий йиғилиши, жамоат палаталари, оммавий фуқаровий фаоллик, медианазорат мурожаати[140]ни киритган бўлса, О.С.Забралова жамоатчилик муҳокамаси, маслаҳат органлари ташкил этиш, давлат органлари билан ҳамкорликда конференция ва семинар ўтказиш, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, турли давтурларни баҳолаш, давлат органлари қарорлари, дастурларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш[141] каби шкалларни санаб ўтган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари сифатида қуйидагилар келтирилган:

а) шаффофликни ошириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига аҳолини жалб этишни соддалаштириш;

б) аҳолининг ахборотдан самарали фойдаланишини таъминлаш;

в) коррупцияга қарши муросасизлик муҳитини шакллантиришга, шунингдек, халқ таълими дастурларини, шу жумладан мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқув дастурларини амалга оширишга ҳисса қўшадиган тарғибот тадбирларини ўтказиш;

---

[138] Fedorova I.V. (2015) Formy i metody vzaimodeistviya politsii s institutami grazhdanskogo obshchestva [Forms and methods of police interaction with civil society institutions]. Vestnik moskovskogo universiteta MVD Rossii [Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia], 2, pp. 185-186.

[139] Киричек Е.В. Взаимодействие полиции и институтов гражданского общества в Российской Федерации: понятие, цели, принципы, типы и формы // LEX RUSSICA. 2014. Т. XCVI. № 9. С. 1093-1103.

[140] Гончаров А.А. Гражданский контроль над органами власти. – М.: Весь Мир, 2010. – С. 75-94.

[141] Забралова О.С. Общественные контроль в Российской Федерации. – М.: Навигатор, 2011. – С.24.

д) коррупция тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, нашр этиш ва тарқатиш эркинлигини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш[142].

Бугунги кунда турли давлатларда жамоатчилик назоратининг қуйидаги шакллари мавжуд[143]:

- фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олиш ҳуқуқининг таъминланганлиги;

- давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ҳокимият органларига якка тартибда ёки жамоавий мурожаат қилиш;

- журналистик суриштируви (текшируви);

- жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ва ҳукмрон элитага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган илмий-тадқиқот, публистик ва бадиий ишлар;

- фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали, шунингдек, йиғилишлар, фуқаролар йиғинлари ва жамоатчилик тингловлари жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиши;

- қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

- қонун лойиҳалари ҳамда давлат ҳаётига оид муҳим масалаларнинг жамоавий муҳокамасини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида жамоатчилик назоратининг давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш[144] каби шакллари мустаҳкамланган.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўрганишлар якунлари жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шаклларидан фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришиш ишлари қониқарли

---

[142] БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, 13-модда //Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы (un.org)

[143] Позднякова Лина Игоревна, магистрант кафедры государственного и муниципального управления, Курского государственного университета e-mail: igorliont@mail.ru СРАВНЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО И РОССИЙСКОГО ОПЫТА ОРГАНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ ЗА ОРГАНАМИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ - file:///C:/Users/1111/Desktop/sravnenie-zarubezhnogo-i-rossiyskogo-opyta-organizatsii-obschestvennogo-kontrolya-za-organami-gosudarstvennoy-vlasti.pdf

[144] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни, 6-модда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*

эмаслигидан далолат бермоқда. Айниқса, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этил-маяпти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган[145]. Бу борада, Ш.А.Холиқова мазкур моддаларни таҳлил қилар экан, "уларда ҳаволаки нормалар жуда ҳам кўпчиликни ташкил қилади"[146] деган хулосага келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги "Фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси тўғрисида Намунавий низом"[147]ига асосан, жамоатчилик назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- "фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш тўғрисида, зарур ҳолларда, маълумотларни жойига бориб ўрганиш ҳақида фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш;
- фаолият йўналишига оид у ёки бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорларини фуқаролар йиғини кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;
- оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклиф киритиш;
- давлат органлари ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан жамоатчилик аҳамиятига эга бўлган сўровномаларни юбориш ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига таклиф киритиш;
- ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

---

[145] Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмл-арини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. "Lesson press". 2020. –4 б.

[146] Холиқова Ш.А. Жамоатчилик назорати шакллари ва уларни янада такомиллаштириш муаммолариҲуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований // Journal of Law Research., 2019. №2. 52-60 http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-7

[147] "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 14 октябрь, 41-сон, 549-модда

- ушбу Низомда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғинига таклифлар киритиш”[148].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга кўра, коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакли сифатида:

- давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш;

- уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш;

- унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш”[149].

Аҳолининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг тўртта асосий шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали;

- фуқаролар томонидан давлат органлари фаолияти тўғрисида ҳукм ва фикр билдириш ва тарқатиш орқали;

- давлат органлари фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ижодкорлигида фуқароларнинг иштироки орқали;

- фуқаролик ташаббуслари ва фуқаролар томонидан давлат органларининг жорий фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

О.Э.Ҳайдаров ва С.М. Қорабоевларнинг фикрича жамоатчилик назоратининг энг кенг қўлланиладиган шакли сифатида жамоатчилик тинглови дея таъкидлашган ҳамда жамоатчилик тинглови қуйидаги мақсадларни кўзлаб ўтказилишини билдирган:

---

[148] "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 14 октябрь, 41-сон, 549-модда

[149] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 5 июль

- ижтимоий яҳамиятга молик бўлган муаммоларни аниқлаш ва муҳокама қилиш;

- мазкур муаммони ҳал қилишдан манфаатдор бўлган томонларни аниқлаш;

- манфаатдор томонларнинг мазкур муаммо бўйича мавқеини қайд қилиш ва барча томонлар учун мақбул бўладиган қарор вариантини ишлаб чиқиш[150].

Л.К.Бзегежева жамоатчилик назоратининг жамоатчилик ташаббуси, овоз бериш, жамоатчилик экспертизаси, журналистик тергови, петиция ва жамоатчилик муҳокамаси каби шаклларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтган. Шунингдек, унинг фикрича, сайлов ва референдумларни ҳам жамоатчилик назорати шакллари сифатида келтириш мумкин[151].

Ш.А.Холиқова амалдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда белгиланган жамоатчилик назорати шаклларидан ташқари, қуйидаги шаклларни ҳам алоҳида санаб ўтган:

“ҳужжатни муҳокама қилиш, унга таклиф киритиш, тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; маъмурий ёки суд тартибида қарорларни бекор қилиш, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлаш, айбдор шахсларни жавобарликка тортишни талаб қилиш; етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш;

давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

қонунчилик талаблари бузилишларининг олдини олиш ва уларни аниқлаш ҳамда давлат буюртмачиларини, ваколатли давлат органларини аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш; қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш; давлат фаолияти самарадорлигини, уларни қонун талабларига мувофиқлигини баҳолаш; текширув тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан давлат органларига мурожаат қилиш; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш;

жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

---

[150] Haydarov O. E., Qoraboyev S. M. Jamoatchilik tinglovi – jamoatchilik nazoratini amalga oshirish shakli sifatida // "Перспективные задачи разработки и внедрения инновационных технологий в ветеринарии и животноводстве" международная научно-практическая конференция 14-15 октября. 1174-1176 б.

[151] Бзегежева Л.К. Проблемы и перспективы развития системы общественного контроля в Российской Федерации // http://lib.mkgtu.ru/images/stories/journal-vmgtu/2016-01/015.pdf

давлат назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш;

давлат органлари фаолиятига кирувчи масалалар бўйича сўровлар юбориш;

журналист текшируви”[152].

Республикамизда давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари устидан жамоатчилик назорати шартли равишда икки йўналишда олиб борилмоқда дейишимиз мумкин. Биринчидан, давлат ўзининг баъзи функцияларини, ваколатларини, ҳуқуқ ва ресурсларни фуқаролик жамияти институтларига ўтказмоқда. Бу билан, давлат ўзининг бош бошқарув мақомини ҳам сақлагаб қолиб, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни ўрнатмоқда. Иккинчидан, жамоат ташкилотлари ўз салоҳиятини кенгайтириш орқали мамлакатни бошқаришда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ички ишлар органлари фаолияти устида амалга оширилаётган жамоатчилик назорати (ҳисоботларини эшитиш орқали), коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга ёрдам кўрсатмоқда.

Таҳлиллар асосида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати шакллари ва уларни амалга ошириш механизмларини қуйидаги йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқ: *сиёсий-мафкуравий йўналиш; ҳуқуқий йўналиш ва ташкилий йўналиш*.

Коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг **сиёсий-мафкуравий** йўналиши жамиятда коррупциявий хулқ-атворга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, ҳокимият ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг фуқароларни коррупцияга қарши ўқитиш ва улар билан тарбиявий ишлар бўйича ўзаро ҳамкорлигига қаратилган.

Мазкур йўналишнинг амалга ошириш механизми – коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида фуқаролар билан таълим-тарбия ишларини ташкил этиш (масалан, “жамоатчилик назорати ойлиги” оммавий тадбирни ташкил этиш).

Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратининг **ҳуқуқий йўналиши** фуқаролик жамияти институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари)нинг

[152] Холиқова Ш.А. Жамоатчилик назорати шакллари ва уларни янада такомиллаштириш муаммолари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований // Journal of Law Research., 2019. №2. 52-60 http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-2-7

коррупцияга қарши мустақил экспертизасини амалга ошириш жараёнида иштирок этишидир.

Жамоатчилик назоратининг **ташкилий,** биринчидан, коррупцияга қарши назорат ва мониторинг соҳасида фаолият юритувчи ихтисослаштирилган давлат органларини яратишни, иккинчидан, коррупция фактлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштиришни таъминлайди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида қуйидагилар амалга ошириш лозим:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши мустақил экспертиза институтини такомиллаштириш;

– мунтазам равишда социологик тадқиқотлар ўтказиш (мониторинг);

– сўровлар ва фокус-гуруҳлардан, ҳуқуқ, сиёсат, иқтисод ва коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ бошқа соҳалар мутахассислари билан суҳбатлар ўтказиш, олиб борилаётган коррупцияга қарши сиёсат самарадорлигини баҳолаш;

– олиб борилаётган социологик тадқиқотлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

- давлат хизматининг асосий лавозимларига тайинлашда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ва жамоатчилик маслаҳатларини ўтказиш амалиётига жорий этиш (мутахассислар рейтингини яратиш).

Alimov Muhammadjon Islomiddin o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti kafedra dotsenti, yu.f.b.f.d. (PhD) dotsent

HARBIY JINOYAT PROTSESSUAL HUQUQIDA ISh YURITUVNING O‘ZIGA XOSLIGI

Harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar yuzasidan sudga qadar ish yurituvning huquqiy asosi sifatida JPKning to‘qqizinchi bo‘limida, shuningdek, harbiy xizmatchining jamiyatdagi ijtimoiy maqomi va uning huquqlarini ijtimoiy ximoyasi O‘zbekiston Respublikasining 2002 yil 12 dekabr kunidagi “Umumharbiy majburiyat va harbiy xizmat to‘g‘risida”gi qonun va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 12 sentyabr kunidagi “O‘zbekiston Respublikasi fukarolari tomonidan xarbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizom”ni tasdiqlash to‘g‘risidagi PP-4447-sonli qaror bilan tartibga solingan.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi normalarida inson huquqlari va erkinliklarini ro‘yobga chiqarish, jamiyatda qonun ustuvorligini ta’minlashga qaratilgan qoidalar o‘z ifodasini topgan bo‘lib, uning 44-moddasida “Har bir shaxsga o‘z huquq va erkinliklarini sud orqali himoya qilish, davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalarining g‘ayriqonuniy xatti-harakatlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqining kafolatlanganligi” alohida huquqiy me’yor sifatida belgilangan.

Mazkur normativ huquqiy hujjatlar harbiy xizmatchilarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini samarali himoya qilishning eng muhim kafolati sifatida tergov organlari va sud hokimiyatining ochiq va shaffofligini ta’minlash, ularning insonparvar demokratik huquqiy davlat va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etishdagi rolini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Harbiy jinoyatlarni tergov qilish va amaldagi JPKning 34, 36, 38^1, 39^2 – moddasiga asosan harbiy xizmatchilar tomonidan jinoyat sodir etilganida sudga qadar ish yurituvchi organlarning vazifalari, hamda ularning protsessual harakatlarni amalga oshirish huquqlari tartibga solingan. Yuqoridagi normativ huquqiy hujjatlar va Respublika Prezidenti tomonidan olib borilayotgan oqilona siyosat hozirgi kunda harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar yuzasidan tergovga qadar tekshiruv, dastlabki tergovni olib boruvchi organlar, shuningdek, biz kabi ilmiy izlanuvchilar oldiga harbiy jinoyatlarni har tomonlama puxta tergov qilish shakli va usullarini ishlab chiqish, shuningdek, amaldagi prosessual tartiblarni optimallashtirish kabi talablarni qo‘ymoqda.

Umuman jinoyat protsessida (shu jumladan harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlarda ham) jinoyat subektlarining ayblilik masalasini uzil-kesil hal etish asosan dastlabki tergov bosqichida boshlanib, unda shaxsni gumon qilinuvchi yoki ayblanuvchi tariqasida jinoyat ishiga jalb etish, dalillarni qidirish, aniqlash, qayd etish, tadqiq qilish, tekshirish va baholashga qaratilgan protsessual tizim tergovchiga shaxsning huquqlarini qonun doirasida cheklash vakolatini beradi[153].

Harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyat ishlarini yuritishda tergovga qadar tekshiruv va dastlabki tergov jarayonida shaxsning huquq va erkinliklarni ta'minlash, protsessual harakatlarni amalga oshirish jarayonlari odillik va adolatlilik mezonlari asosida olib borilayotganligini tekshirish jarayonlari tahlili shuni ko'rsatdiki, hozirgi kunda ushbu faoliyatni samarali tarzda va optimal ravishda tashkillashtirishga imkon beradigan, hamda tergovga qadar tekshiruv va dastlabki tergovni sifatli va maqsadli olib borilishini ta'minlaydigan nazariya kerakligini taqozo etadi.

Harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar va ularning kriminalistik tavsifi qator xorijiy olimlar tomonidan o'raganilgan, bulardan, Lavrukov M.M., Jesterov P.V. Volchok V.G.[154] va boshqa olimlarning ilmiy ishlarini tadqiq etish orqali harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan harbiy xizmat o'tash tartibiga qarshi jinoyatlarning kriminologik tavsifi, sodir etish mexanizmi, profilaktikasi haqidagi taklif va tavsiyalarni o'rgangan holda, mazkur jinoyatlarning sodir etilishida aksariyat hollarda harbiy xizmatchilar ko'p yillar davomida moddiy javobgarlik lavozimlarida xizmat qilib kelganligi va harbiy mulkka nisbatan beparvolarcha munosabatda bo'lganligi sabab bo'lganligini ko'rishimiz mumkin.

Shuningdek, harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan boshqa turdagi jinoyatlarning kriminalistik tavsiflari o'rganilganda[155], mazkur turdagi

---

[153] *Рыжаков А.П.* Возмещение вреда, причиненного преступлением. – М., 1999. – С. 25.

[154] *Лаврукov М.М.* Квалификатsiя воинских насильственных преступлений // Автореф.дис… канд.юрид.наук. – М., 1999. – 23 с.

Жестеров П.В. Криминологическая характеристика и предупреждение дезертирства среди военнослужащих срочной службы внутренних войск // Автореф.дис…канд.юрид.наук. – М., 2006. – 14 с.

Волчок В.Г. Криминологическая характеристика и профилактика хищений огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ и взрывных устройств, совершаемых военнослужащими // Автореф.дис…канд. юрид.наук. – М., 2007. – 34 с.

[155] *Лопатин М.Ю.* Неосторожная преступность военнослужащих // Автореф.дис…канд.юрид.наук. – М., 2012. – 26 с.

Панчежко С.Л. неформальные отношения в армейской среде как фактор преступности военнослужащих// Автореф.дис…канд.юрид.наук. – Ростов-на-Дону., 2007.

jinoyatlarning sodir etilishida harbiy xizmatchilarning jamoat joylarida o‘zining jismoniy qobiliyatlarini ko‘z-ko‘z qilishga urinishi, oilaviy kelishmovchiliklar natijasida olingan stresni yengish maqsadida alkogolizmga ruju qo‘yish va oldin sodir etgan jinoyatlarini oshkor bo‘lishini oldini olish maqsadida shaxsning hayotiga qarshi jinoyatlarni sodir etganligini ko‘rishimiz mumkin.

Harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar yuzasidan mamlakatimiz qonunchiligini o‘rganganimizda, amaldagi JPKning 36-moddasi asosida harbiy prokuratura tergovchilarining vazifa va vakolatlari alohida tartibda (harbiy xizmatchi jinoyat huquqining alohida subekti ekanligi inobatga olingan holda) berilmagan. Mazkur holat shuni ko‘rsatadiki, harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar yuzasidan dastlabki tergovni odilona olib borishda amaldagi JPK talablari asosida barcha turdagi tergov harakatlarini amalga oshirishda harbiy prokuratura tergovchilarining alohida vazifa va vakolatlari tartibga solinmaganligini ko‘rishimiz mumkin.

Shu sabali amaldagi JPKning 36-moddasi (Tergovchining vakolatlari)da harbiy prokuratura tergovchilariga harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilishda harbiy xizmatchilarning ayrim huquqlarini cheklashda harbiy xizmatchilarning harbiy va davlat sirlaridan xabardorligi, ularning jinoyat huquqining alohida sub’ekti ekanligini, shuningdek, harbiy xizmatchining xizmat o‘tash joyining alohida yoki toifalangan obektlar sirasiga kirishini hisobga olgan holda alohida vakolatlar belgilash maqsadga muvofiq.

Shu bilan birga, JPKning 36-moddasi asosida tergovchining dastlabki tergovdagi harakatlari umumiy asosda tartibga solingan. Lekin, hozirgi kunda Qurolli Kuchlarimizning barcha harbiy bo‘linmalarida harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan jinoyatlar yuzasidan, dastlabki tergovga qadar bajarilishi lozim bo‘lgan protsessual harakatlar harbiy bo‘linmalarda kimlar tomonidan bajarilishi va qaysi turdagi protsessual isbotlash tergov harakatlarini o‘tkazish vakolatlari JPKning 39^2-moddasi (Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ boshlig‘ining va uning mansabdor shaxsining vakolatlari)da tartibga solinmagan. Aksariyat hollarda JPKning 329-moddasida tartibida harbiy qism va bo‘linmalarda jinoyatlar sodir etilganda jinoyat ishini qo‘zg‘atish to‘g‘risidagi qaror tuzishgacha bo‘lgan davrda bir qator isbotlash tergov harakatlari (qo‘shimcha hujjatlar, tushuntirishlar talab qilib olish, shaxsni ushlab turish, shaxsiy tintuv va olib qo‘yish, hodisa sodir

Рывкин С.Ю. Особенности расследования и предупреждения убийств, совершенных военнослужащими // Автореф.дис… канд.юрид.наук. – Волгоград., 2005. – 27 с.

bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirish, ekspertiza o‘tkazish, taftish tayinlash va h.k) o‘tkaziladi.

Shuningdek, JPKning 381^{12}-moddasida surishtiruv organlari ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan va uncha og‘ir bo‘lmagan jinoyatlar bo‘yicha ayblov dalolatnomasi tuzishi belgilangan. Bir qarashda mazkur holat umumiylik asosida tartibga solib qo‘yilgandek. Lekin, hozirgi kunda amaliyotda joylardagi harbiy tuzilmalarda tergovga qadar tekshiruv olib boruvchi mansabdor shaxslar tomonidan harbiy xizmatchilar o‘rtasida sodir etilgan ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan va uncha og‘ir bo‘lmagan jinoyatlar bo‘yicha ayblov dalolatnomasi JPKning 38^{1}-moddasi tartibida qaysi surishtiruv organlari surishtiruvchilari tomonidan chiqarilishi qonunchilikda ochiq qolmoqda va ushbu masala amaliyotdagi tergovga qadar tekshiruv olib boruvchi mansabdor shaxslarning haqli e’tiroziga sabab bo‘lmoqda.

Shu sabali amaldagi JPKning 38-moddasi (Surishtiruv)ga organi sifatida harbiy xizmatchilar ishtirokida sodir etilgan ijtimoiy xavfi katta bo‘lmagan va uncha og‘ir bo‘lmagan jinoyatlar yuzasidan surishtiruvni olib boradigan “Harbiy surishtiruvchi” nomli yangi surishtiruv organini kiritish maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining harbiy qism va muassasalarida tergovga qadar tekshiruv O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-prosessual kodeksiga muvofiq va O‘zbekistan Respublikasi Bosh prokuraturasi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Favkulodda vaziyatlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Davlat bojxona qo‘mitasi, Milliy gvardiyasining «Jinoyat va xodisalarga oid ariza, xabar va boshka ma'lumotlarni qabul qilish, ro‘yxatga olish va ko‘rib chiqish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiklash haqida»gi 2020 yil 2 noyabrdagi 27-sonli qo‘shma qarori[7] hamda O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2021 yil 19 apreldagi 94-son «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasida tergovga qadar tekshiruv faoliyatini tartibga solish to‘g‘risida»gi buyrug‘i[8] asosida olib boriladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs zimmasiga JPK talablariga rioya qilgan holda sodir etilgan holatning barcha jihatlarini sinchkovlik bilan, to‘la va har tomonlama aniqlanishi choralarini ko‘rish, jinoyat alomatlari, jinoyat sodir etgan shaxslarni topish, dalillarni aniqlash va rasmiylashtirish vazifalari yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs sifatida harakat qila turib, tergovga qadar tekshiruvni boshlashga yoki o‘ziga bo‘ysunuvchi boshqa mansabdor shaxsga uni yuritishni topshirishga, jinoyat ishini qo‘zg‘atishga yoki jinoyat ishi qo‘zg‘atishni rad etishga yoxud arizani, xabarni tergovga tegishliligiga ko‘ra o‘tkazishga haqlidir.

Harbiy qism komandiri yoki muassasa boshlig‘ining o‘rinbosari tomonidan sodir etilgan holat yuzasidan tergovga qadar tekshiruv mazkur harbiy qism komandiri yoki muassasa boshlig‘i tomonidan o‘tkaziladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish harbiy qism komandirlari va muassasa boshliqlarining buyrug‘i bilan, bir kalendarь yiliga, tajribali (oliy yuridik ma'lumotga ega) ofitserlar zimmasiga yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxslarning xizmat joyi o‘zgarganda, xizmatdan bo‘shatilganda, uzoq muddatga xizmat safariga yoki davolanishga ketganda va boshqa hollarda, tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish boshqa ofiserlarning zimmasiga yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish zimmasiga yuklatilmagan boshqa shaxslar tomonidan mazkur vazifalarni bajarilishi man etiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish zimmasiga yuklatilgan mansabdor shaxslar o‘rtasida ishlarni taqsimlash harbiy qism komandiri tomonidan hal etiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organning mansabdor shaxslari soni:

a) harbiy qism va muassasalarda –5–7 nafardan;

b) alohida vzvod va shaxsiy tarkibi 50 nafardan oshmaydigan alohida harbiy bo‘linmalarda – 1–2 nafardan iborat bo‘ladi.

Harbiy qism va muassasa boshliqlari tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxslar tarkibiga maxfiy ma'lumotlar bilan ishlashga ruxsati bo‘lgan harbiy xizmatchilarni kiritish masalasiga alohida e'tibor qaratishlari lozim.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tergovga qadar tekshiruvni olib borish va boshqa prosessual harakatlarni bajarish davomida harbiy qism komandiri(muassasa boshlig‘i)ning ko‘rsatmasiga asosan asosiy xizmat vazifalarini bajarishdan vaqtinchalik ozod

etilishi mumkin va zarur hollarda xizmat avtomashinasi, aloqa vositasi bilan ta'minlanadi, shuningdek, prosessual harakatlarni amalga oshirishda sarflangan xarajatlari belgilangan tartibda qoplanadi.

Jinoyat yoki boshqa favquloddagi holat yuz berganda, harbiy qism komandiri bu haqda darhol tegishli nazorat qiluvchi harbiy prokurorga xabar qilishi va vakolatli shaxs kelguniga qadar hodisa sodir bo‘lgan joyni qo‘riqlashga qaratilgan choralarni ko‘rishi shart.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs jinoyatning oldini olish yoki uni sodir etilishiga yo‘l qo‘ymaslik, dalillarni to‘plash va saqlash, jinoyat sodir etishda gumon qilinganlarni ushlash va yashiringan gumon qilinuvchilarni qidirib topish hamda jinoyat tufayli yetkazilgan mulkiy zararning o‘rni qoplanishini ta'minlash uchun zarur bo‘lgan, kechiktirib bo‘lmaydigan barcha harakatlarni amalga oshirishi shart.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs zimmasiga prokuror, tergovchi, surishtiruvchi yuritayotgan ish bo‘yicha ayrim prosessual harakatlarni o‘tkazish to‘g‘risidagi topshiriqlarni bajarish hamda prokurorga, tergovchiga, surishtiruvchiga prosessual harakatlarni bajarishda ko‘maklashish majburiyati ham yuklatiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirayotganda, xuddi shuningdek prokurorning, tergovchining, surishtiruvchining topshirig‘ini bajarayotganda, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat–prosessual kodeksida belgilangan qoidalarga amal qilgan holda prosessual harakatlarni amalga oshiradi va qarorlar qabul qiladi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tergovga qadar tekshiruv davomida O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat–prosessual kodeksida belgilangan qoidalarga amal qilgan holda qo‘shimcha hujjatlar, tushuntirishlar talab qilib olish, shaxsni ushlab turish, shaxsiy tintuv va olib qo‘yish, hodisa sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirish, ekspertiza o‘tkazish, taftish tayinlash, tezkor-qidiruv tadbirlarini o‘tkazish haqida topshiriqlar berish kabi prosessual harakatlarni amalga oshiradi.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxsning qarorlari harbiy qism komandiri tomonidan tasdiqlanishi lozim. Harbiy qism komandirining yozma ko‘rsatmalari ularni bajarishni to‘xtatmay turib, ushbu ko‘rsatmalar ustidan nazorat qiluvchi harbiy prokurorga shikoyat qilishga haqli bo‘lgan unga bo‘ysunuvchi mansabdor shaxs uchun majburiydir.

Harbiy prokurorning yozma ko‘rsatmalari tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs va uning boshlig‘i uchun majburiydir. Ular

harbiy prokurorning koʻrsatmalaridan norozi boʻlgan taqdirda, koʻrsatmalarni bajarishni toʻxtatmay turib, yuqori turuvchi harbiy prokurorga ularning ustidan shikoyat qilishga haqlidir.

Tergovga qadar tekshiruv harakatlari yoki ularning ayrimlarini harbiy qism va muassasa joylashgan hududdan tashqarida oʻtkazish zarurati boʻlganda, tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ boshligʻi yoki mansabdor shaxsi xizmat safari doirasida ushbu hududga borib, tergovga qadar tekshiruv harakatlari oʻtkazadi yohud ushbu harakatlarni oʻtkazish yuzasidan Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tizimidagi harbiy qism va muassasalarga topshiriqlar joʻnatadi.

Harbiy qism va muassasa joylashgan hududdan tashqarida bunday harakatlarni oʻtkazishga Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tizimiga kirmaydigan davlat organlari, muassasa va boshqa tuzilmalari vakolatli boʻlsa, Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi markaziy devoni orqali ushbu davlat organlari, muassasa va boshqa tuzilmalariga murojaat qilinadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tizimidagi harbiy qism va muassasalariga topshiriq kelib tushgach, harbiy qism komandiri topshiriqda koʻrsatilgan harakatlarni Oʻzbekiston Respublikasi Jinoyat-prosessual kodeksi va ichki idoraviy hujjatlar talablari asosida bajarilishini ta'minlaydi.

Topshiriqni bajarish muddati topshiriqning oʻzida koʻrsatib qoʻyiladi. Agar topshiriqni belgilangan muddatda bajarishning imkoni boʻlmasa, topshiriqni yuborgan tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxsga bu haqda xabar beriladi.

Harbiy qism komandiri huquqbuzarlik sodir etilgan hollarda (tekshiruvda omborda kamomad aniqlanishi, harbiy xizmatchilarning bir-birini haqorat qilishi, tan jarohati yetkazishi, harbiy mulkning yoʻqolishi, talon-toroj qilinishi, shikastlanishi va h.k.) jinoyat alomatlari bor-yoʻqligini aniqlash uchun tergovga qadar tekshiruv oʻtkazish va qonuniy qaror qabul qilish choralarini koʻradi. Shu maqsadda, huquqbuzarlik sodir etilgani haqidagi ariza, xabar, bildirgi, fuqaroning murojaati va boshqa ma'lumotlar yuzasidan shaxsan oʻzi tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirishga kirishadi yoki tergovga qadar tekshiruv harakatlarini amalga oshiruvchi mansabdor shaxsni oʻzining ustxati bilan yozma ravishda belgilaydi hamda ushbu xabar, ariza va ma'lumotni harbiy qismda 1-shaklda yuritiladigan “Jinoyatlar haqidagi ariza, xabar va boshqa ma'lumotlarni roʻyxatga olish kitobi” da roʻyxatga olish va hal qilish choralarini koʻrishga majbur.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs oʻziga topshirilgan jinoyat haqidagi ariza, xabar va boshqa ma'lumotni yoki tekshirish

hujjatlarini qabul qilib olganidan so‘ng, darhol tergovga qadar tekshiruv harakatlarini o‘tkazishga kirishishi lozim.

Tergovga qadar tekshiruv davomida JPKning 82-84-moddalarida[5] ko‘rsatilgan barcha holatlar sinchkovlik bilan, har tomonlama, to‘la va xolisona tekshirib chiqilishi shart. Tergovga qadar tekshiruvni o‘tkazishda yuzaga keladigan har qanday masalani hal qilishda shaxsning aybli yoki aybsizligini ko‘rsatadigan, shuningdek, uning javobgarligini ham yengillashtiradigan, ham og‘irlashtiradigan holatlar aniqlanishi va hisobga olinishi lozim.

Tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirishda harbiy qism komandiri qonun buzilishining sabablari va uning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni aniqlashi hamda ularni bartaraf qilish choralarini ko‘rishi shart.

Jinoyatga oid arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlar darhol, jinoyat ishini qo‘zg‘atish uchun sabab qonuniyligini va asoslar yetarli ekanligini tekshirish zarurati bo‘lgan taqdirda esa, o‘n sutkadan kechiktirmasdan hal qilinishi lozim. Ushbu muddat jinoyatga oid arizalar, xabarlar va boshqa ma'lumotlar olingan paytdan boshlab hamda to ishni qo‘zg‘atish yoki qo‘zg‘atishni rad qilish to‘g‘risida qaror chiqarilguniga qadar yoxud tergovga qadar tekshiruv materiallari O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-prosessual kodeksining 587-moddasiga muvofiq prokurorga yuborilguniga qadar bo‘lgan vaqtni o‘z ichiga oladi[5].

Ushbu muddat ichida tergovga qadar tekshiruv o‘tkazilib, uning davomida qo‘shimcha hujjatlar, tushuntirishlar talab qilib olish, shuningdek shaxsni ushlab turish, JPK 162-moddasining ikkinchi qismiga[5] muvofiq shaxsiy tintuv va olib qo‘yish, hodisa sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirish, ekspertiza o‘tkazish, taftish tayinlash mumkin. Tergovga qadar tekshiruv vaqtida boshqa tergov harakatlarini o‘tkazish man qilinadi.

Alohida hollarda, tergovga qadar tekshiruv muddati quyidagi holatlardan biri mavjud bo‘lgan taqdirda, tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxsning asoslantirilgan qaroriga ko‘ra nazorat qiluvchi harbiy prokuror tomonidan bir oygacha uzaytirilishi mumkin:

1) o‘tkazish uchun ko‘p vaqt talab qiladigan ekspertiza, xizmat tekshiruvi, taftish yoki boshqa tekshiruv tayinlangan bo‘lsa;

2) olis joylarda bo‘lgan yoki chaqiruvga binoan hozir bo‘lishdan bo‘yin tovlayotgan shaxslardan tushuntirishlar talab qilib olish zarur bo‘lsa;

3) yangi holatlar aniqlanib, ularni qo‘shimcha tarzda tekshirmasdan turib qaror qabul qilishning imkoni bo‘lmasa;

4) yetkazilgan moddiy zararning o‘rnini ixtiyoriy ravishda qoplash va (yoki) jinoyat oqibatlarini bartaraf etish uchun O‘zbekiston Respublikasi

Jinoyat kodeksi Maxsus qismining tegishli moddasida belgilangan muddat o‘tmagan bo‘lsa[5].

Bunday holatda tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi mansabdor shaxs tomonidan belgilangan muddat tugashidan kamida bir sutka oldin nazorat qiluvchi harbiy prokurorga asoslantirilgan qaror bilan birga to‘plangan hujjatlar taqdim etilishi lozim.

Jinoyatga oid ma'lumotlar olingan yoki bunday ma'lumotlar bevosita aniqlangan har bir holda quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

1) jinoyat ishini qo‘zg‘atish haqida;

2) jinoyat ishini qo‘zg‘atishni rad qilish haqida;

3) ariza yoki xabarni tergovga tegishliligiga qarab yuborish haqida[5].

Qabul qilingan qaror yuzasidan tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organning mansabdor shaxsi, jinoyat sodir etilganligi to‘g‘risida xabar bergan fuqaro, korxona, muassasa, tashkilot, jamoat birlashmasi yoki mansabdor shaxsni bu haqda xabardor qiladi. Bunda ularga qaror ustidan shikoyat qilish huquqi va tartibi tushuntirilishi lozim.

Xulosa qilib aytganda, tergovga qadar tekshiruvdan ko‘zlangan maqsad bu jinoyat ishini yuritishga ma'sul bo‘lgan davlat organlari hamda mansabdor shaxslar jinoyat-prosessual normalarga rioya qilib, jinoyatdan jabr chekan shaxslarning huquq va qonuniy manfaatlarini ta'minlash maqsadida kelgan ariza yoki xabarda jinoyat alomatlarining mavjud yoki mavjud emasligini aniqlash va shu orqali shaxsning xuquqlarini muhofaza qilishdan hamda jinoyat-prosessual qonunchiligida mustahkamlangan vazifalarni amalga oshirishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 10 avgustdagi PF-6041-son “Sud-tergov faoliyatida shaxsning huquq va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. http:www.lex.uz.

2. Mirazov D.M. Dastlabki tergov idoralari faoliyati ustidan kontrolь va nazoratni takomillashtirishning nazariy, tashkiliy va prosessual jihatlari: Yurid. fan. d-ri. dis. ... avtoref. – T., 2016. – B 128.

3. Fayziyev Sh.F. Surishtiruv organlari faoliyatini modernizasiyalash: Yurid. fan. dokt. ... diss. avtoref. - Toshkent, 2019. – B 20.

4. Botaev M.Dj. Tergovga qadar tekshiruv institutini takomillashtirish // Yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya ishi – T. 2020 y. B 22-23.

5. O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-prosessual kodeksi // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. http:www.lex.uz.

6. O‘zbekiston Respublikasining 2020 yil 18 noyabrdagi O‘RQ-647-son «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risida»gi Qonuni // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. http:www.lex.uz.

7. O‘zbekistan Respublikasi Bosh prokuraturasi, Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Favkulodda vaziyatlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Davlat bojxona qo‘mitasi, Milliy gvardiyasining «Jinoyat va xodisalarga oid ariza, xabar va boshka ma'lumotlarni qabul qilish, ro‘yxatga olish va ko‘rib chiqish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiklash haqida»gi 2020 yil 2 noyabrdagi 27-son qo‘shma qarori.

8. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondonining 2021 yil 19 apreldagi 94-son «O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasida tergovga qadar tekshiruv faoliyatini tartibga solish to‘g‘risida»gi buyrug‘i.

Н.Н. Шукуров
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил тадқиқотчи

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ҳозирги кунда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича давлат ва нодавлат органларнинг фаолиятини такомиллаштириш хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Хорижий давлатларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда ўзига хос усул ва воситалардан кенг фойдаланилади.

Чет давлатларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва профилактика қилишда полиция органлари муҳим ўрин тутади.

АҚШнинг юқори урбанизациялашган шаҳарлари қаторида учинчи ўринни эгалловчи Виржиния-Бич шаҳрида полиция департаменти асосий эътиборни вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш муаммосига қаратади. Ёш авлодни тарбиялашга бўлган эътибор учта махсус ишлаб чиқилган дастурда ўзининг аксини топган. Улардан биринчиси бошланғич мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув курси бўлиб, унда болалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан, шунингдек, шахсий ва коллектив хавфсизликни таъминлаш чоралари билан таништирилади. Курс 4-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўзида қонун ва жиноятчилик, яшаш жойининг хавфсизлиги, маиший ўғирликлар, вандализм ва шахсий хавфсизлик мавзуларини ўз ичига олган. Курс охирида ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирилганлиги текширилади ва барча болаларга махсус гувоҳнома ва кўкрак нишонлари тақдим этилади. Ўқув курси 45 дақиқадан давом этадиган 6 машғулотдан иборат. Машғулотлар 3 ҳафта давомида педагогик маҳоратга эга бўлган полиция ходимлари томонидан олиб борилади. Полиция ходимлари дарс машғулотларида албатта хизмат кийимида бўлишлари шарт. Бу, албатта ижобий аҳлоқий-руҳий таъсир кўрсатишга муҳим шароит яратади. Чунки, айнан бошланғич синф ўқувчиларида ноодатий равишда таъсирчанликнинг юқорилиги ва мустақил бўлишга интилиш кузатилади. Ўқув материали ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, ўқитиш жараёнида ўйинлардан ва қисқа метражли фильмлардан кенг фойдаланилади. Дастур яратувчиларининг фикрича, болани ёшлигидан

бошлаб ижтимоий ҳодисаларни тўғри тушунтириш орқали тарбиялаш, полицияга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ҳамда эҳтимолий ва хавфли вазиятлардан ўзини сақлашни ўргатиш зарур. Таъкидлаб ўтиладики, курсни ўтаган болада келгусида жиноятчи ёки жабрланувчи бўлиш имкониятлари камаяди[190].

Флорида штатининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда кўплаб мамлакатларнинг давлат ва хусусий мактабларда жорий этилган ҳуқуқий тарбиялаш дастури эътиборга сазовордир. Дастур 7 – 8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унинг асосий вазифалари вояга етмаганларни жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизими, жиноят ҳуқуқи асослари, фуқароларнинг мажбуриятлари билан таништириш ҳамда уларда ҳуқуқбузарни доимо жазо кутаётганлиги тўғрисида тасаввурни шакллантириш ҳисобланади.

Савол-жавоб усули таъсир қилиш учун қулай бўлганлиги сабабли дастур ўқувчиларни мародёрлик, дайдилик, урф-одатларни бузиш, вандализм, ноқонуний равишда қуролга эгалик қилиш, маиший ўғирликлар, автомашина ўғирлаш, қирғин қилиш, ўт ёқиш, алкоголь мастлиги, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний истеъмоли ва қотиллик каби жиноятларга алоқадор бўлган нормалар билан таништирилади. Алоҳида равишда жиноий фаолиятнинг оқибатлари, шунингдек, жамият учун қонунларнинг муҳимлиги ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилувчи органлар фаолиятининг зарурлиги муҳокама қилинади.

Дастурни амалга оширишга таъсир кўрсатувчи омил – уни бевосита ижрочиларини – полиция ходимларини танлаб олишдир. Бу ходимлар уларнинг шахсий сифатларига, ўсмирлар психологиясини билишига, жиноят муҳитига яқинлигига, ўзининг васийлигидаги шахслар билан алоқа ўрната олиш қобилиятига эгалиги борасида қаттиқ талаблар бўйича ихтиёрийлик асосида олинади. Иккинчи муҳим эленменти эса мазкур экспериментда иштирок этувчи, ҳали жиноий жавобгарликка жалб қилинмаган, бироқ жиноят содир этиш чегарасида турган ўсмирларни танлаб олишнинг аниқлиги билан ифодаланади.

Ўсмирларнинг ота-оналари дастурнинг мазмуни ва мақсади билан танишиб, фарзандларининг иштироки учун ёзма розилик беришади. Дастур якунида қайта ўтказилган суҳбат давомида улар фарзандларининг дастурда назарда тутилган муассасага ташриф

[190] Гусейнов А.Б. Профилактика правонарушенийнесовершеннолетних за рубежом // Теория и практика общественного развития, 2010. №3. – С. 186

буюришидан олган таассуротлари, хулосалари, ўсмирнинг қайта тарбиялашда унга педагогик таъсир кўрсатишнинг тавсия этилган методлари билан танишишади.

АҚШда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг учта модели ташкил қилинган: 1) жамоат ташкилотларининг модели; 2) индивид хавфсизлиги модели; 3) атроф-муҳит орқали таъсир кўрсатиш модели. Жиноятларнинг олдини олиш дастури федерал ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Айрим штатларда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг иштироки талончилик жинояти сонини 30 фоизга камайишига ёрдам берган. Тезкор-профилактик аҳамиятдаги маълумотларни етказганлик учун мукофотлаш усулидан фойдаланилади[191].

Шунингдек, **Германияда** вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича полиция тажрибасини ҳам намуна сифатида келтириш мумкин.

Германияда вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши кураш стратегияси қуйидаги қоидалар асосига қурилган: ўсмирларнинг қонунга хилоф ҳаракатларни содир этишга берилувчанлиги шахс шаклланиш жараёни тугалланганидан сўнг жуда кўп вазиятларда бирор-бир ташқи таъсирларсиз йўқолади; давлат органлари томонидан қўлланиладиган жазо чоралари кўплаб салбий оқибатларга олиб келади.

Шимолий Рейн-Вестфалия ҳудудидаги барча йирик полиция бошқармаларида гиёҳвандлик, жинсий жиноятларни, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш бўйича махсус комиссариатлар ташкил қилинган. Комиссариатларга айнан айбдор, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида ўсмирлар иштирок этган ишларни кўриб чиқиш топширилган. Ўсмирлар билан ишлашнинг назорати ва умумий координацияси полиция бошқармасининг раҳбари томонидан амалга оширилади. Полиция бошқармаси маълумотлар тизимида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги махсус маълумотлар базаси тузилган. Унга киритилган маълумотлар асосида ўсмирлар жиноятчилиги ривожланишининг ҳарактерли хусусиятлари ва сабаблари таҳлил қилинади. Бундай тадқиқот натижаларидан полиция ходимларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашда фойдаланилади.

[191] Воронин Ю.А. Предупреждение преступности в зарубежных странах // Вестник Челябинского государственного университета, 2012. № 27 (281). – С. 88.

Баден-Вюртемберг ҳудудидаги йирик полиция бўлимлари қошида вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ишлари бўйича бўлинмалар ташкил этилган.

Бошқа хизматларда эса фақат ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари билан шуғулланувчи ходим ажратилган. Махсус бўлимлар ва ходимларнинг вазифаларига вояга етмаганлар нафақат айбланувчи сифатида, балки жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашган барча ишларни кўриб чиқиш киради.

Баварияда ҳуқуқбузар ўсмирлар борасида полиция ишини ташкил қилишнинг ягона шакли мавжуд бўлмасада, бироқ штатдаги Мюнхен полициясида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи махсус ходим мавжуд.

Қуйи Саксонияда полиция вояга етманганлар ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда бошқа ижтимоий хизматлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ишлайди. Бундай ҳамкорликдан полиция функциялари ва тегишли ижтимоий хизматларнинг мажбуриятларини аниқ қилиб ажратиш кўзланган. Шунинг учун жойлардаги жиноят полицияси ва айрим полиция участкаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ваколати юкланган янги лавозим жорий қилинган.

1978 йилдан ҳозирги кунга қадар Кёльн шаҳри полициясида ёшлар ишлар бўйича бўлинма фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, бунда асосий эътибор мактаблар билан алоқа ўрнатишга ва ўқувчиларнинг иштирокида профилактика тадбирларини ўтказишга қаратилади.

Германия Федератив Республикасида жиноятларни олдини олишнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи турлари мавжуд. Бирламчи олдини олиш жиноятларнинг асосий сабаби бўлган ижтимоий қийинчиликларни бартараф қилишга ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган. Иккиламчи олдини олиш полиция органлари томонидан амалга оширилади ва жиноятдан сақлаб қолишнинг ҳуқуқий воситалари билан боғлиқ. Учламчи олдини олиш – бу профилактик чоралардир.

Шунингдек бошқа европа давлатлари полиция хизматларининг тажрибаси ҳам қизиқарли.

1971 йилда **Буюк Британия** Ички ишлар вазирлиги барча полиция раҳбарларига топшириқ бериб, унда полиция бошқармаларида жамоатчиликни жалб қилиш бўйича бўлим (бўлинма)лар ташкил этишни тавсия қилган. Бундай бўлим (бўлинма)лар штати полиция кучларининг 2 фоизини ташкил этиши белгиланган.

Полициянинг бошқа хизматларида ташкил этилаётган бу бўлим (бўлинма)ларнинг умумий вазифаларига қуйидагилар киритилган: болаларнинг тарбияси ва ҳулқи устидан назорат қилиш мақсадида ота-оналар ва жамоатчиликни жалб қилиш бўйича ҳаракат қилиш; квартирани ижарага олганлар, черков ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ёшлар билан алоқа ўрнатиш; мактабларда суҳбатлар ўтказиш; полициянинг вазифалари, функциялари ва фаолияти ҳақида вояга етмаганлар ва бошқа аҳоли вакиллари билан тушунтириш ишларини олиб бориш; полиция ишига ёшларни жалб қилган ҳолда полиция кадрларини саралаб бориш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жамоатчиликни ва вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда —махсус полиция кучларининг ишини яхшилаб бориш.

Буюк Британияда криминал хавфсизликнинг минимал стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полиция билан ҳамкорликка жалб қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда (патруллик қилиш, жиноят кўпроқ бўлган туманларда навбатчилик ва бошқ.). Жамоат вакиллари учун полиция хизмат кийимлари, фарқловчи белгилар ва хизмат хусусиятларисиз бепул берилмоқда. Бундан ташқари, радиоалоқа воситалари, резина таёқлар, қўл кишанлари, ҳатто полиция автомашиналарида —жанговар патруллик учун қуроллар ҳам тақдим қилинмоқда. Бу фаолият давлат ва жамиятдан руҳий ва моддий кўмак олмоқда.

Франция полиция департаментларида болалар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича бўлинмалар ташкил қилинган бўлиб, барча хизматларнинг ҳаракатларида миллий жандармерия кучлари ва префектура полицияси томонидан назорат қилинувчи ижтимоий олдини олиш устувор касб этади.

1982 йил май ойида Франция Бош вазири Пьер Моруанинг ташаббуси билан шаҳарларда хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқувчи комиссия ташкил этилган. Комиссия таркибига турли сиёсий партиялар (шу жумладан мухолифатни ҳам) манфаатларини ўзига акс эттирувчи мерлар киритилган.

1983 йил июнда Франция Бош вазирининг декрети билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича Миллий кенгаш тузилган. Мазкур декрет қоидаларига мувофиқ Миллий кенгаш таркибига Бош вазир қарори билан тайинланадиган 68 нафар аъзо кирган. Уларнинг 5 нафарини уч йил муддатга тайинланадиган парламент вакиллари (3

нафар депутат қуйи палатадан ва 2 нафари сенатор), 35 нафарини мерлар ва 28 нафарини профилактика тадбирларини ўтказилишидан манфаатдор турли ташкилотларнинг мансабдор шахслари ташкил қилган.

Европа Иттифоқи давлатларида жиноятларнинг олдини олишнинг иккита даражаси ажратилади: ижтимоий ва вазиятли. Ижтимоий олдини олиш жиноятчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи салбий шароитларни ўзгартиришга қаратилган. Ҳар қандай жиноий ҳаракатлар муайян бир ҳолатда, вақтда ва жойда содир этилади. Вазиятнинг ўзи маълум бир жиноят турларини ривожлантиради ва содир этилишига туртки беради. Масалан, кинотеатр ва кўнгил ёзиш маскалари олдидаги кўча жанглари, боғ, ҳиёбонлардаги номусга тегиш ва ҳ.к. Бундай тушунча жиноятларни бартараф қилиш ва олдини олиш тушунчаларига тўғри келади.

Японияда 1980 йилдан полиция бош бошқармаси таркибига кирувчи 7 та вояга етмаганлар ишлари бўйича марказлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу каби ўхшаш марказлар жойларда ҳам тузилган бўлиб, полиция органлари томонидан раҳбарлик қилинади. Бундан ташқари, 1978 йилда шаҳарларда, аҳоли пунктларида ва қишлоқларда вояга етмаганлар ишлари бўйича 548 та марказ ташкил этилган.

АҚШ тажрибасини (махсус ўқув курслари ташкил этиш) ўрганиб чиқиш натижасида вояга етмаганларга нисбатан ўзига хос таъсир этиш усули алоҳида диққатга сазоворлигини таъкидлаш лозим. Бизда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончини ошириш мақсадида мактаб давридан бошлаб ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан (улар албатта хизмат кийимларида бўлишлари шарт) учрашувлар, маърузалар ташкил қилиш лозим. Бу албатта, вояга етмаганларнинг жиноят йўлига киришлари ёки жиноят қурбонига айланиш эҳтимолларини камайтиришга хизмат қилади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир давлатда мазкур фаолиятни амалга оширишнинг моделлари, усуллари, шакллари ва воситалари ҳар-хил бўлиб, мазкур фаолиятнинг самарали ишлаши учун давлат ва жамиятнинг барча субъектларини тўла ҳолатида иштирок этиши талаб қилинади.

Маматов Акрам Баходиржон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси, подполковник
Зойиров Абдувохид Зокир ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси, лейтенант

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРДА ЮЗАГА КЕЛГАН ФАВҚУЛОТДА ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАР ТАКТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган нутқида "Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда."[3] дея давлат ва ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлари олдига фуқароларнинг хавфсизлигини, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлигини таминлашда маъсулият юклаш билан бир қаторда замонавий хавф ва таҳдидларни олдини олиш учун пухта тайёргарлик кўриш кераклигини англатмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг зиммасига давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва инсоний қадр-қиммати, конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифалари юклатилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизмат фаолияти давлат Конституцияси ва Қонунлари, давлат бошқарув, қонун чиқарувчи органларнинг қарорлари ва фармойишлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошлиқларининг буйруқлари ҳамда кўрсатмалари, шунингдек, бошқа ҳукукий- меъёрий ҳужжатлар асосида ташқил этилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, оммавий тадбирларни ўтказиш даврида тадбир иштирокчилари (фуқаролар) томонидан турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиш эҳтимоли мавжуд.

«Ҳукукбузарлик» деганда, жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бошқа манбаларда эса жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш деб, ҳуқуқбузарликка таъриф берилган. Ушбу

таърифлардан келиб чиққан ҳолда хуқуқбузарликлар асосан фуқаровий, интизомий, маъмурий ва жиноий турларга ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан, жазо қўллаш таҳдиди билан айбли деб топилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб топилади.

Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида турли хуқуқбузарлик ва жиноятда ўзини акс этувчи фавқулодда вазиятлар содир этилиши мумкин **“Фавқулодда вазият”** тушунчаси фалокат, хавфли табиий ходиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган, одамлар қурбон бўлишига, кишиларнинг соғлиги, ёки атроф табиий муҳитида зарар етказишига, катта моддий йўқолишлар ва одамлар ҳаёт фаолиятининг шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолат сифатида талқин этилади.

Ички ишлар органлари оммавий тадбирларда юзага келган фавқулодда ҳолатлардан муҳофаза қилишда инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги, ошкоралик, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши каби принципларга амал қиладилар.

Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида фавқулодда вазият юзага келган ИИО нарядларининг қўйидаги вазифаларини бажаради;

Оммавий тадбирлар вақтида томошабинларнинг тажовузкорлиги кучайган ҳолатларда:

- жамоат тартибини сақлашга жалб этилган куч ва техник воситаларни юзага келган вазиятни инобатга олиб, улар сонининг кўп қисмини жамиятга қарши йўналтирилган ҳаракатлар содир этишга мойил бўлган томошабинлар тўпланган жойга яқинлаштиради;

- жамоат тартибини бузишга мойил бўлган гуруҳларнинг хулқ-атворига, вазиятга баҳо бериш мақсадида уларнинг кайфиятини кузатади;

- томошабинларнинг ҳаракатлари фото-видео тасвирга тушириб борилади;

- томошабинлар саҳнага, майдонга қарата предметларни улоқтиришни бошлаганларида, тадбир ўтказилаётган объектда мавжуд бўлган радиоэшиттириш тармоқлари орқали турли эълонлар берилишини таъминлайди. Зарурати билан эълон бир неча маротаба қайтарилади.

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида фуқаролар зинапояларда

ва бошқа ўтиш жойларида йиқилганда томошабинлар оқими тиқилиб, бир-бирини жароҳатлаш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида:

зинапоянинг юқори қисмидан келаётган томошабинларнинг ҳаракатини тўхтатади, пастки қисмидагиларини эса бошқа чиқиш эшигига ёки ўтиш жойларига йўналтиради;

- алоқа воситаси орқали ҳудуд, сектор бошлиғига, тезкор штабга вазият тўғрисида ахборот берилади, зарур ҳолларда ёрдам сўралади;

- жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади;

- фуқароларни хотиржамликка, тартиб сақлашга ва хавфсизликни таъминлашга, жалб этилган нарядларни ёрдам кўрсатишга чақирган ҳолда жабрланганларни эвакуация қилиш ишларини ташкил этади;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзини бошқара олмайдиган даражада мастлик ҳолатида бўлган шахслар аниқланганда:

фуқароларга ҳуқуқбузарлик содир этаётганлиги эслатилиб, улардан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатиш талаб қилинади, шахсини аниқлаш мақсадида ҳужжатлари текширилади ва ушланганлар ички ишлар органлари ёки таянч пунктларига олиб келинади;

- нарядларнинг хатти-ҳаракатларига томошабинларнинг муносабати салбий бўлса, ҳуқуқбузарларни олиб кетиш масаласи вазият енгиллашган ҳолатда ёки фуқаролик кийимидаги хавфсизликни таъминлашга жалб этилган нарядлар томонидан бошқа важлар кўрсатилган ҳолда амалга оширилади;

- ўзини бошқара олмайдиган даражада мастлик ҳолатидаги шахслар аниқланганда уларни оммавий тадбир ўтказилаётган иншоотдан олиб чиқиш чоралари кўрилади. Бу ҳолатда ҳам томошабинларнинг хавфсизликни таъминлашга жалб этилган нарядларга нисбатан муносабати эътиборга олинади. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳалқа, ҳудуд, сектор, участка бошлиғига ахборот берилади.

Безорилик ҳолатлари аниқланганда:

Зудлик билан бу ҳақида, тезкор штаб бошлиғига аҳборот берилади ва безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чоралари кўрилади;

ИИО нарядлари ҳуқуқбузарларга одамларни ёрдамга чақиришига йўл қуймасдан, босиқлик ва чидам билан улардан ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилади, жабрланганлар, гувоҳларни аниқлайди ва уларнинг ёрдамида безориларни ҳудудий ИИБ га олиб

келади;

ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш учун томошабинлар кам бўлган жойларда текширилади;

агар томошабинлар ҳукуқбузариинг ёнини олаётган бўлса, ички ходимлари вазиятни оғирлаштирмаслик учун хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаштириб ва уни огоҳлантириш билаи чекланишлари, уни ушлаш танаффус пайтида ёки тадбир тугаганидан сўнг амалга оширилиши лозим:

жабрланганлар ва гувоҳлар билан алоқа танаффус пайтида ёки *тадбир* тугаганидан сўнг ўрнатилиши мумкин;

безориларни минбарда ёки секторда колдириб бўлмайдиган ҳолатларда уларни бу жойдан олиб кетиш, ИИБга олиб бориш чоралари кўрилади, зарур ҳолларда ёрдамга қўшимча куч сўралади;

зарурат туғилганда безорилик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида яқин атрофдаги постларга хизматга жалб этилган ИИО нарядлари зудлик билан ёрдам бериш учун воқеа жойига боришлари лозим;

оммавий безорилик ҳаракатлари содир этилаётганлиги тўғрисидаги хабарни этишган наряд бошлиқлари бу ҳақида зудлик билан тезкор штаб раҳбарига ахборот беради;

тезкор штаб раҳбари вазиятни баҳолайди, нарялларга тегишли кўрсатмалар беради, ИИВ (ИИББ, ИИБ) раҳбарларига хабар килади ва томошабинлар гуруҳлари ўртасидаги безорилик ҳаракатларини олдини олиш бу хатти-ҳаракатлар ташкилотчиларини, уларнинг келиб чиқши сабабларини аниқлайди;

безорилик ҳаракатларининг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик, томошабинларнинг келишларини чеклаш мақсадида воқеа жойи (безорилик ҳаракатларининг ва объектнинг ҳажмидаи келиб чиққан ҳолда) биринчи халқа ёрдамида ўраб олади. Тезкор вазият оғирлашганда воқеа жойи иккинчи ҳалқа билан ўраб олиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда ҳалқаларга тадбир ўтказилаётган жойнинг атроф-ҳудудларида хизматга жалб этилган шахсий таркиб, заҳира кучлари ҳамда келаётган кўшимча кучлар жалб этилади

Оломоннинг агрессивлиги кўчайган ҳолатларда:

юзага келган вазиятни инобатга олиб, жамоат тартибини сақлашга жалб этилган куч ва техник воситаларнинг асосий қисмини жамиятга қарши йўналтирилган ҳаракатлар содир этишга мойил бўлган томошабинлар тўпланган жойга яқинлаштирилади;

жамоат тартибини бузишга мойил бўлган гуруҳларнинг хулқ-атворига, вазиятга баҳо бериш мақсадида уларнинг руҳий кайфиятини кузатилади;

томошабинларнинг ҳаракатлари фото-видео тасвирга тушириб борилади.

томошабинлар сахнага, майдонга карата шишалар ва бошқа буюмларни улоқтира бошлаганларида, тадбир ўтказилаётган объектда мавжуд бўлган радиоэшиттириш тармоқлари орқали турли эълонлар берилишини таъминлайди.

Оммавий тадбирлар даврида юзага келган фавқулодда ҳолатларни бартараф этишда қўлланиладиган тактик усуллар

Оммавий тадбирлар ўтказилаётган объектларда вазият мураккаблашган пайтларда ИИО томонндан куйидаги тактик усуллар қўлланиши мумкин:

Ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия ва жамоатчилик кучларини умумлаштирган ҳолда фойдаланиш. Бу тактика шахсий таркиб асосий қисмини хавфли йўиалишларига жалб этиш билаи боғлик. Агар бу ҳолатда кучлар камчилик бўлса ва уларни бир пайтнииг ўзида тадбир ўтказилаётган объектнинг барча жойларида бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаса, мавжуд куч ва техник воситалар тадбир ўтказилаётгаи объект бўйича тенг таксимланган ҳолда эмас, балки муҳим ва тезкор вазият оғир бўлган участкаларда умумлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

ИИОнинг куч ва воситаларидан комплекс фойдаланиш:

биринчидан, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва оммавий тадбир иштирокчилари, томошабинларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларни келишилган ҳолда бажариш;

иккинчидан, ушбу хизмат ходимлари томонидан қўлланилаётган маъмурий-ҳуқуқий, тезкор-қидирув, ошкора ва хуфёна, режим тадбирлари бўйича иш турлари, усуллари ва услубларини бирига олиб боришдан иборат.

Бундай ҳолатда ИИО нарядлари олдига қўйилган вазифаларни кам куч сарф қилган ҳолда бажариши, тезкор штаб томонидан хизматга жалб этилган куч ва техник воситаларнинг ягона бошқарувини таъминлаш йўли билан эришилади.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилган ИИО нарядларининг фаоллиги - хизматга жалб этилган

ходимларнинг ташаббускорлиги, тезкор вазиятни доимий равишда кузатишлари ва жамоат тартибининг бузилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўрилиши билан белгиланади.

Ҳукукбузарлик аниқланганда ички ишлар ходимлари уни бартараф этиш, олдини олиш бўйича зарурий чораларни кўришади, фуқаролардан белгиланган қонуний талабларнинг бажарилишини таъминлашни талаб қилган ҳолда қатъий ва талабчанлик билан ҳаракат қилишади.

Кучни намойиш қилиш - бирор жойда тезкор вазият оғирлашган ҳолларда кўлланилади. Воқеа жойига кўп миқдордаги ИИОнинг кучлари (заҳира ва ташки ўраб олиш гуруҳидагилар ҳисобидан) тўпланади ва намойишкорона бир неча маротаба томошабинлар олдида бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатлантирилади. Хавфли вазият юзага келган секторда Ички ишлар ва Миллий гвардия нарядларининг сони кўпайтирилади. Қўшимча жалб этилган кучлар воқеа жойига катта-катта гурухлар бўлиб келишади. Вазият енгиллашгандан сўнг нарядларнинг бир қисми кўзга ташланмаган ҳолда воқеа жойидан олинади.

Вақти, жойи, йўли ва усули бўйича кучларни беҳосдан ишлатиш ИИОга ўз фикрларини амалга оширишда бир қатор устунликлар яратади, яъни ҳуқуқбузарлар ҳаракатининг бузилишига олиб келади, уларни саросимага солади. Куч ва техник воситаларни кутилмаганда ишлатиш тайёргарлик тадбирларининг яшириш равишда олиб борилиши билан таъминланади.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлик таъминлашда профилактик йўналтирилган тадбирлар - куч ва техник воситаларнинг,кўнгилсиз ходисалар аниқланган заҳоти уларнинг кўчайиб кетишинииг олдини олишга қаратилган ҳаракатларидан иборат. ИИО нарядлари хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгаи тактик харакатлардан фойдаланган ҳолда тартиббузарликларнинг бошланғич. давридаёқ уларга эътиборни қаратиб, салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

Куч ва воситаларни манёвр қилиш **-** оммавий тадбирнинг асосий қисми ўтказилаётган жойларда ИИО нарядларини кўчайтиришдан иборат. Манёвр нарядларнинг мобиллаштирилганлиги, уларнинг зудлик билан ҳаракатга келтириш мумкин бўлган жойга жамланганлиги билан изоҳланади.

Хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш

тадбирларини яширин ҳолда амалга ошириш **-** ИИО нарядларининг ўта фаол ҳаракатлари билан, айниқса мажбурий таъсир кўрсатиш билан боғлик ҳолларда, иштирокчилар ва томошабинларнинг байрамона кайфиятларини бузмаслик мақсадида қўлланилади. Олдиндан ҳуқуқбузарларни объектдан олиб кетиш учун иштирокчилар ва томошабинларнинг эътиборини жалб қилмайдиган йўллар кўзда тутилиб, ушланганларни олиб кетиш учун тегишли усуллардан фойдаланилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки оммавий тадбирларда жамоат хавфсизлигини сақлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим омил саналади, чунки оммавий тадбирлар доимо оммавий тартибсизлик келтириб чиқариши билан долзарб характердаги тадбир ҳисобланади. Шундай экан оммавий тадбирларни ўтказилишида хорижий давлатлар тажрибасидан қуйидагиларни ўрганиш мумкин:

1. Оммавий тадбирлар пайтида Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларига табдирларда фидокор ёрдамчилар тайинлаш;
2. Техник ва электрон кузатув воситаларидан, махсус воситалардан фойдаланишни кенгайтириш;
3. Оммавий тадбирлар пайтида, оммавий тадбирларда ҳуқуқбузарликларни бостириш бўйича Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари ваколатларини кенгайтириш;
4. Нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар бирлашмаларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга жалб қилишни инобатга олиниши керак деб ўйлайман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 1.3.5 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи бор Президентликка сайланганда лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори.

4. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти.

5. Оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш. дарслик,

6. Оммавий тадбирлар ва оммавий тартибсизликлар даврида жамоат хавфсизлигини таъминлаш.дарслик

7. Оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйиса Туркия Республикаси полициясининг тажрибаси.дарслик

8. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш асослари. дарслик

9. Оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари. дарслик

Нишанов Дилшод Халматович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети магистратура тингловчиси майор

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ БЎЛИНМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёйевнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, иш услубларини, аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларини, ҳамкорлик механизмларини, рақамли технологияларни жорий этиш даражасини ва шахсий таркиб билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш чораларини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Шунингдек, ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш белгиланди, ҳамда қуйидаги хужжатлар имзоланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги консепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони.

Маълумки, ҳар қандай давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички имкониятлари доирасида ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда таркибий тизимга кирувчи тармоқ хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Миллий гвардияси тўғрисида»ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонун асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларда яъни Президент фармон, қарор ва фармойиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқи ҳужжатлар ва қўшма қарорларда ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий асосларини белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган муҳим ҳужжатдир. Фармонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функсиялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини

таъминловчи моддий-техник таъминоти даражасини мустаҳкамлаш, замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди.

1999-yil 16-fevral kuni Toshkent shahrida boʻlib oʻtgan portlashlarni tashkillashtirish va amalga oshirishda faol ishtirok etgan Abdurahmanov Muhammad Abdurashidovich va uning sheriklari huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan oʻtkazilgan tezkor profilaktik tadbirlar davomida qoʻlga olingan.[4]

Yuqoridagilardan tashqari oʻtkazilgan tezkor profilaktik tadbirlar davomida diniy ekstremistik oqimlar va terroristik aktlar uyushtirishni koʻzlab yurgan bir qator norasmiy tashkilotlar aniqlanib, ularning faoliyatiga chek qoʻyildi.

Bugungi kunga kelib o‘kazilgan tezkor profilaktik tadbirlarning natijalari shuni ko‘rsatadiki turli diniy ekstremistik oqim tarafdorlari tomonidan targ‘ibot-tashviqot ishlari o‘tkazish uchun respublikamiz hududiga diniy ekstremistik mazmundagi mahsulotlarni olib kirishga qaratilgan harakat faollashayotganidan dalolat beradi. Birgina joriy yilning 1-iyuniga qadar o‘tgan davr ichida Din ishlari bo‘yicha qo‘mitaning ekspertiza bo‘limiga turli davlat idoralari tomonidan 800 dan ziyod diniy mazmundagi materiallar taqdim etildi. Ushbu materiallarning salmoqli qismini aqidaparastlik g‘oyalari yo‘g‘irilgan mahsulotlar tashkil etadi. Ularning aksariyati hozirgi kunda Iroq va Suriyada faoliyat yuritayotgan terroristik tashkilotlar safiga qo‘shilishni da’vat etuvchi chaqiriqlar va videoroliklar tashkil etadi.

Shuncha o‘tkazilgan tadbirlar natijaalariga qaramasdan bundan 2005 yil 13 may kuni O‘zbekiston Respublikasining Andijon viloyatida **“Akromiylar”** tomonidan sodir etilgan terroristik harakatlar barchamizga ma’lum. Buning natijasida rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, huquqni muhofaza qiluvchi organlarning 31 nafar vakili o‘ldirilgan, shuningdek umumiy hisobda 287 kishi, jumladan, 91 nafar tinch aholi vakillari, huquqni muhofaza qilish organlarining 49 nafar xodimi va 59 nafar harbiy xizmatchilar turli darajadagi tan jarohatlarini olishgan.[5]

Diniy ekstremizm va terrorizm kabi illatlar rivojlangan davlatlarni ham chetlab o‘tmagan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Jumladan:

2001 yil oldin 11-sentyabr kuni “Al-qoid” terroristik tashkilotining jangarilari tomonidan AQSHda sodir etilgan terrorchilik va qo‘poruvchilik harakatlari oqibatida 2977 nafar kishi halok bo‘lib, bir qator toifalangan va iqtisodiy obektlarga jiddiy zarar yetkazilganligi barchamizga ma’lum.[6]

2002-yil 23-oktybar kuni Rossiya federatsiyasi Moskva shahrida joylashgan “Nord-ost” teatrida terroristik harakatlarda jangarilar tomonidan 912 nafar inson garovga olingan. Rossiya federatsiyasi maxsus bo‘linmalari tomonidan o‘tkazilgan maxsus operatsiya natijalariga ko‘ra 36 nafar jangari yo‘q qilinib, garovdagilarning 750 nafari ozod qilingan, 67 kishi esa halok bo‘lgan. Terakt qurbonlarining umumiy soni 130 kishini tashkil qildi. Ulardan 10 nafari yosh bolalar.

Rossiya Federatsiyasi hududida 2004-yilda chechen jangarilari va ularning sheriklari tomonidan amalga oshirilgan teraktlar:

6-fevral kuni **“Avtozavodskaya” va “Paveletskaya”** stansiyalari o‘rtasida joylashgan Moskva metropoliteni poyezdining vagonida terrorchi

portlash sodir etdi. Buning natijasida 41 kishi halok bo‘ldi (terrorchini hisobga olmaganda) va 250 dan ortiq kishi jarohat olgan;

9-may kuni G‘alaba kuni Grozniy shahridagi tantanalar paytida stadion tribunasiga o‘rnatilgan bomba portlashi natijasida Chechenistоn Respublikasi Prezidenti Axmat Qodirov va Davlat kengashi raisi Xuseyn Isayev halok bo‘ldi;

21-22-iyun kunlari Shamil Basayev boshchiligidagi terrorchilar guruhi Nazran shahrida keng ko‘lamli terakt uyushtirdi, 95 kishi, shu jumladan, 25 nafar tinch aholi halok bo‘ldi;

24-avgust kuni terrorchilar tomonidan amalga oshirilgan Tula va Rostov osmonida parvoz qilayotgan Tu-154 va Tu-134 samolyotlarining portlashi oqibatida 90 kishi halok bo‘lgan;

31-avgust terrorchi ayol Rizskaya metro stansiyasi (Moskva) yaqinida portlash sodir etgan. 10 dan ortiq odam vafot etgan, 50 kishi jarohat olgan va kasalxonaga yotqizilgan;

1-sentabr kuni bir guruh qurollangan jangarilar Beslan shahridagi 1-sonli maktab binosiga kirib borgan. 1 100 dan ortiq odam – bolalar, ularning ota-onalari va qarindoshlari hamda maktab xodimlarini maktab binosida garovga olingan, terakt natijasida 333 kishi vafot etdi, ularning aksariyati garovga olinganlar, shu jumladan 186 nafari bolalar edi.[7]

Takliflar:

Mintaqamizda va dunyoda sodir bo‘layotgan mudhish xodisalar hamda tahdidlardan kelib chiqib barcha huquqni muhofaza qilish organlari bilan hamkorlikda tezkor profilaktik tadbirlarni muntazam o‘tkazish;

o‘tkazilgan tezkor profilaktik tadbirlarning natijalarini doimiy tahlil qilib borish bo‘yicha markazlar tashkil etish;

tezkor profilaktik tadbirlarni o‘tkazishga jalb etilgan shaxsiy tarkibni zamonaviy texnologiya va kuch vositalar bilan ta’minlash.

Xulosa sifatida ta’kidlash joizki, mintaqa va umuman dunyodagi vaziyatning murakkabligiga qaramay, mamlakatimizning yangi islohotlar va rivojlanish davrida Prezident Shavkat Mirziyoev rahnamoligida amalga oshirib kelinayotgan oqilona ichki va tashqi siyosat hamda xalqimizning kuchli irodasi, mehnatsevarligi, bag‘rikengligi va ma’rifatparvarligi tufayli mamlakatimizda tinchlik va barqarorlik ta’minlanib kelinmoqda.

Shunday ekan, yurtimizda hukm surayotgan tinch va osuda hayotni asrash, uning mustaqilligi va barqarorligiga munosib hissamizni qo’shish – har birimizning, shu aziz Vatanda yashayotgan turli millat va din vakillarining eng asosiy vazifalaridan bo’lmog’i lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashda O‘zbeksiton tajribasi. https://iiv.uz/news/ekstremizm-va-terrorizmga-qarsh-kurashishda-ozbekiston-tajribasi.

2. Mamlakatimizda diniy ekstremizm va xalqaro terrorizmga qarshi kurashning dolzarb yo‘nalishlari. https://relegions.uz/news/detailid=443.

3. Оперативно-профилактические мероприятия. Юлия Евгеньевна Салеева, Владимир Анатольевич Бессонов Р.: Академия МВД России, 2021. №4 (60). https://cyberleninka.ru/article /n/profilakticheskie-meropriyatiya-organov-vnutrennih-del-napravlennye-na-realizatsiyu-antinarkoti cheskoy-politiki-rossiyskoy

4. “Jihodchilar” ekstremistik oqimning vujudga kelishi, maqsad va vazifalari: Uslubiy qo‘llanma. Mualliflar: I.I.Karimov, A.A.Karimov, F.Y .Elmirzayev va boshq. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 120 b

5. Andijon voqealariga 17 yil to‘ldi. https://kun.uz/uz/news/2022/05/14/andijon-voqealariga-17-yil-toldi.

6. 11 sentyabr terakti – dunyoni titratgan fojiaga 19 yil toldi. Sunnatillo Abdullayev. 2020 yil https://qalampir.uz/uz/news/11-sentyabr-terakti-dunyoni-titratgan-fojiaga-19-yil-toldi.

7. Категория: Террористические акты, совершённые в России https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D1%82%D0%B5%D0%B3%D0%BE%D1%80%.

Xudayberganov Xasan O'ktambayevich
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti magistratura tinglovchisi, podpolkovnik

PORTLOVCHI QURILMALARNI LOKALIZATSIYA QILISH VOSITALARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDAGI O'RNI

Bugungi kunda terroristik tashkilotlar tomonidan jaxonda va O'zbekiston Respublikasi hududida sodir tomonidan sodir etilgan terroristik harakatlarni o'rganishimiz natijasida shuni ko'rishimiz mumkinki terroristik tashkilotlar terroristik harakatlarni amalga oshirishning eng keng tarqalgan usuli bu odamlar ko'p yig'iladigan yoki ko'p bo'lgan joylar bo'lib, bu kabi joylarda portlash bilan bog'liq terroristik harakatlarni amalga oshirishi jamoat xavfsizligini ta'minlashga katta taxdid soladi.

Terroristik harakatlar o'z g'arazli niyatlarinin amalga oshirishda zamonaviy ilm-fan va texnika vositalaridan keng foydalanib, terrorchilik harakatlarini aholi yig'ilish joylari va obyektlarida amalga oshirib, mazkur joylarda aholini portlash bilan bog'liq terroristik harakatlarni amalga oshirishi jamoat xavfsizligini ta'minlashni dolzarb va muhim vazifa sifatida belgilashga asos bo'lmoqda.

Bugungi kunda AQSh, Buyuk Britaniya, Norvegiya, Yaponiya, Saudiya Arabistoni, Quvayt va Janubiy Afrika kabi rivojlangan mamlakatlarning ko'p sonli odamlar yig'iladigan ob'ektlarida terroristik yo'nalishdagi portlashlar oldini olish uchun portlashni lokalizatsiya qilish vositalari bilan jihozlangan.Hozirgi vaqtda portlovchi qurilmalarni lokalizatsiya qilish vositalarining zamonaviy vositalari mavjud bo'lib, bulardan ballistik mato asosida ishlab chiqilgan ***parchalanishga qarshi yopinchiq UYUT***. Biroq parchalanishga qarshi adyollarning asosiy kamchiliklari bu yotqizishning noqulayligi, boshqariladigan portlovchi vositalarini zararsizlantirish imkoniyatini cheklanganligi.***Parchalanishga qarshi yopinchiq UYUT***, parchalanuvchi o'q-dorilar, mudofaa tipidagi qo'l granatalari (RGO) ostida portlash sodir bo'lganda, havo qatlamida parchalarning bir qismi uchib ketish ehtimoli katta bo'lib, faqat kam quvvatli portlovchi qurilmalardan himoya qila oladi (1-rasm).



1-rasm. Parchalanishga qarshi adyol UYUT.

Bundan tashqari yopiq turdagi portlashdan himoya qiluvchi kontener idishlar mavjud bo‘lib, bu kontener idishlar parchalanishga qarshi yopinchiq UYUTdan farqli o‘laroq trotil massasi 10 g dan 3 kg gacha bo'lgan portlovchi qurilmalarniportlatish paytida parchalanish ta’sirini to’liq lokalizatsiya qilish imkoniyatiga ega. Biroq bu vositlarning asosiy kamchiligi katta massa va yuqori narxga egaligi, zirhi po‘latdan yasalganligi, hamda portlovchi qurilmala zaryadining og’irligi belgilangan meyordan oshgan taqdirda idishning o‘zi parchalanish xavfi mavjudligida (2-rasm).



2-rasm. Yopiq turdagi portlashdan himoya qiluvchi kontener idishlari.

Dunyoning rivojlagan AQSh, Buyuk Britaniya, Norvegiya, Yaponiya, Saudiya Arabistoni, Quvayt kabi mamlakatlarda portlash ta’sirini lokalizatsiya qilish uchun elastik idishlar keng foydalaniladi. Odatda bunday idishlarning vazni 47 kg ni tashkil qilib ularning o‘lchamlari ichki diametri 517 mm, balandligi 900 mm va devor qalinligi 18 mm tashkil qilib, ularning korpusi jel bilan qoplangan ikki oynali oynadan qilingan bo‘lib, ushbu elastik idishlar 500 g TNT gacha bo‘lgan moddalarning zaryad portlashlarini lokalizatsiya qilish uchun mo‘ljallangan.

Bugungi kunda global terrorizm indeksi reytingi bo‘yicha yuqori o‘ntalikda turuvchi Janubiy Afrika mamlakatida portlash bilan bog’liq jamoat xavfsizligini ta’minlash maqsadida bu kabi vositalarning 10 000 dan ortiq turidan keng foydalanilmoqda(3-rasm).



3-rasm. Portlash ta’sirini lokalizatsiya qilish uchun elastik idishlar.

Rossiya Federatsiyasida esa eng keng tarqalgan portlash ta’sirini lokalizatsiya qilish **“Fontan”** ko‘chma konteynerlari bo‘lib, ushbu qurilmalarning ishlash prinsipi portlash energiyasining portlash to‘lqinini birlamchi so‘ndirishga asoslangan. Bunday holatda, zarba to‘lqinining zararli ta‘siri 10-20 baravar kamayib qo‘l granatalarini portlatish paytida parchalarini tarqalishini 10 martagacha kamaytiradi.

Shuni alohida ta‘kidlash kerakki, f-1 qo‘l granatasi 60 g og’irlikdagi TNT zaryadi bilan portlaganda, boshlang’ich tezligi 500-700 m/s bo‘lgan 300 ga yaqin parchalar hosil bo‘lib, parchalari soni ularning umumiy sonining 30-40 foizini tashkil qiladi (4-rasm)



4-rasm. “Fontan” ko‘chma konteneri.

Chet el analoglarining fikricha, portlashni lokalizasiya qilish vositalari quyidagi afzalliklarga ega:

foydalanish qulayligi; kichik massa; radio orqali boshqariladigan qurilmalarning masofadan ishga tushishini oldini olish qobiliyati; arzon narxi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlab o‘tishimiz mumkinki, terrostik tashkilotlar portlash bilan bog’liq terroristik harakatlarni amalga oshirishi jamoat xavfsizligini saqlash va ta’minlashda portlash ta’sirini lokalizatsiya qilish vositalaring o‘ziga xos xususiyatlari quyidagilardan iborat:

ko‘p sonli odamlarning ommaviy yig’ilish joylarida, masalan, metro stantsiyasilarida, avtovokzal binolarida, temir yo‘l stantsiyasilarida yoki aeroportda topilgan shubhali narsa to’g‘risida xabar kelganida, mazkur xududda xizmat olib borayotgan xavfsizlik xodimlari aniqlangan shubhali narsani portlash ta’sirini lokalizatsiya qilish vositalariga joylab mazkur huddudda jamoat xavfsizligini ta’minlanadi;

portlovchi tizimlarning lokalizatorlarini mamlakatlarning ko‘p sonli odamlar yig’iladigan ob’ektlarimizda keng miqyosda joriy etilishi aholi va hududlarning portlovchi qurilmalardan foydalangan holda terrostik tashkilotlar portlash bilan bog’liq terroristik harakatlarni amalga oshirishi

bilan bog’liq jamoat xavfsizligini saqlash va ta’minlashda darajasini sezilarli darajada oshirib, shuningdek, mamlakatning terrorchilik xavfi indeksini pasaytiradi.

Portlovchi qurilmalarni lokalizatsiya qilish vositalari mamlakatlarning ko‘p sonli odamlar yig’iladigan ob’ektlarida keng miqyosda joriy etilishi aholi va hududlarning portlovchi qurilmalardan foydalangan holda terrorchilik harakatlaridan himoya qilish darajasini sezilarli darajada oshirib, mamlakatimizda portlash bilan bog’liq terroristik harakatlarni amalga oshirishni oldini olib jamoat xavfsizligini saqlash va ta’minlashga katta xissa qo‘shishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Противоосколочное одеяло «УЮТ» [Электронный ресурс] / НПО специальных материалов. –Режим доступа: https://npo-sm.ru/sredstva_zashity_ot_vzryva/protivooskolochnoe_odeyalo_uyut/. Дата доступа: 02.10.2018.)

2. Локализаторы «ФОНТАН» [Электронный ресурс] / Спецтехнология. – Режим доступа: http://spectehnologia.ru/bronezashhita/sredstva-zashhity-ot-vzryva/lokalizatory-vzryva-fontan/. – Дата доступа: 01.10.2018.

3. Устинов, В.В. Международный опыт борьбы с терроризмом: стандарты и практика /В.В. Устинов. – М.: Юрлитинформ, 2002. – 560 с.

Alimov Muxiddin Ilxomjon o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Magistratura fakulteti tinglovchisi

FUQAROLARNING JAMOAT TARTIBINI SAQLASHDA ISHTIROKINING TARIXIY-NAZARIY AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada fuqarolarning jamoat tartibini saqlashdagi ishtirokining tarixiy ahamiyati ochib berishga qaratilgan bo’lib, unda jamiyatning tinch va farovon hayoti uchun fuqarolarimizning ishtiroki alohida ahamiyat kasb etishligi olimlar tomonidan ilmiy tahlil asosida o’rganilgan, shuningdek fuqarolarning ishtiroki boyicha xorijiy davlatlarning tarixiy tajribasi o’rganilgan.

Kalit so‘zlar: Jamoatchilik ishtiroki, xalq jangchilari, xalq mudofaasi qo‘mitalari, fuqarolik qo‘riqchisi, mutavviin, mahalla soati, mahalla patrullari.

Историко-теоретическое значение участия граждан в поддержании общественного порядка

Аннотация: Данная статья призвана раскрыть историческое значение участия граждан в поддержании общественного порядка, в которой особое значение для мирной и благополучной жизни общества приобретает участие наших граждан, изученное учеными на основе научного анализа, а также изучен исторический опыт зарубежных государств по участию граждан.

Ключевые слова: Участие общественности, народные воины, комитеты народной обороны, Гражданская гвардия, мутаввиин, районный час, районный патруль.

Historical-theoretical significance of citizens' participation in maintaining public order

Annotation: This article aims to reveal the historical significance of citizens' participation in maintaining public order, in which the participation of our citizens for the peaceful and prosperous life of society is of particular importance, studied by scientists on the basis of scientific analysis, as well as the historical experience of foreign countries in the field of citizen participation.

Keywords: Public Participation, people's fighters, people's defense committees, Civil Guard, mutavviin, neighborhood watch, neighborhood patrol.

Dunyoning barcha davlatlarida aholi turar joylarida jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurash dolzarb vazifa bo‘lib, bu borada ichki ishlar (politsiya) organlarining kuch va vositalarini bevosita aholi punktlariga yo‘naltirish va boshqarish, keng

jamoatchilik bilan hamkorligini samarali tashkil etish ushbu sohadagi dolzarb masalalardan biridir.

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda sud-huquq tizimida olib borilaètgan islohotlar natijasida ma’muriy hududlarda jamoat tartibi va xavfsizlikni, huquqbuzarliklar profilaktikasini ta’minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashni uzluksiz amalga oshirish imkoniyatiga ega bo‘lgan, xalqimizning ma’naviyati va milliy qadriyatlariga asoslangan yangi tizim – ichki ishlar organlarining tayanch punktlariga asos solindi. Tayanch punktlari faoliyatining huquqiy, tashkiliy-metodik, moddiytexnik va kadrlarga oid asoslari, ularni boshqarishning o‘ziga xos tizimi shakllandi. Buning natijasida tayanch punktlari aholi turar joylarida tinchlik va osoyishtalikni, huquq-tartibot va jamoat xavfsizligini ta’minlovchi asosiy maskanga aylanib, ularda ichki ishlar organlari sohaviy xizmatlarining o‘zaro, davlat organlari va muassasalari, jamoatchilik tuzilmalari bilan uzviy hamkorligi yo‘lga qo‘yilmoqda. Profilaktika inspektorlarini uy-joy, xizmat xonalari va avtomashinalar bilan ta’minlash masalalari hal qilib berilmoqda. Jamoat tartibini saqlash va huquqbuzarlikning barvaqt oldini olish borasidagi say-harakatlar, avvalo, keng jamoatchilikning ishtiroki bilan 2018 yilda umumiy jinoyatchilikning 36 foizga kamayishiga erishildi. 3 ming 205 ta èki 35 foizdan ziyod mahallada esa bironta ham jinoyat sodir etilmadi.[1]

Har qanday davlatda jamoat tartibi va xavfsizligining holati ko‘p jihatdan fuqarolarning jinoyat va huquqbuzarliklarga qarshi qanchalik faol bo‘lishiga bog‘liq. Bunda fuqarolarning davlat hokimiyati va boshqaruvi organlariga bo‘lgan munosabati va buning natijasida odamlarning amalga oshirilayotgan ishlarda faol ishtirok etishi, albatta, ularning istagi bilan o‘lchanadi. Hozirgi kunda huquq-tartibot sohasidagi muammolarni hal qilish samaradorligini oshirish uchun so‘nggi yillarda huquqni muhofaza qiluvchi organlarning huquqiy asoslarini mustahkamlash bo‘yicha ko‘p ishlar amalga oshirildi. Lekin bugungi kun haqiqati shuni ko‘rsatadiki, davlat huquqni muhofaza qilish tizimi fuqarolarning yordamisiz to‘g‘ri tartibni va jamoat xafvsizligini to‘liq ta’minlay olmaydilar.

Mamlakatda huquq-tartibotni ta’minlash masalalarini hal etishda fuqarolarning ishtiroki masalasi tarixini o‘rganish aholini jamoat tartibini muhofaza qilishga jalb etishning tarixiy an’analari mavjudligidan dalolat beradi.

Bu sohada izlanish olib borgan professor Ziyodullayev M.Z. O‘zbekistonda aholi turar joylarida jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash tizimlarini 3ta davrga bo‘lib o‘rgangan.

Birinchi davr Chor Rossiyasi istilosigacha bo‘lgan davrni o‘z ichiga olib, unda asosan yurtimizga arablar bosqinidan so‘ng sud-huquq tizimiga shariat ahkomlari kirib kelgani, Amir Temur davridagi saltanat boshqaruvi va xonliklar hukmronligi davrida jamoat tartibining saqlanishini hamda ushbu faoliyat bilan bevosita shug‘ullanuvchi mansabdor shaxslar to‘g‘risida ma’lumot bergan.

Ikkinchi davr Chor Rossiyasi va Sovet Ittifoqi hukmronligi davri deb nomlanib, bu davr III faoliyati yo‘lga qo‘yilishi va hududlarda uchastka inspektori lavozimi joriy etilishi bilan harakterlanadi. Professor bu davrda faoliyat olib brogan uchastka inspektorlarining vazifalarini keng yoritib bergan. Bundan tashqari jamoatchilik bilan hamkorlikda “jamoatchilik va militsiya aholi tayanch punklari” faoliyati yo‘lga qo‘yilganligini ham keltirib o‘tgan. 1974 yilda esa rus olimi E.A.Smirnov “jamoatchilik va militsiya aholi tayanch punklari”ni yagona nomda – “Huquq tartibotni saqlash tayanch punktlari” deb nomlanishi ular faoliyatini to‘liq qamrashini va mos kelishini asoslab berdi.[2] Keyinchalik huquq tartibotni saqlash tayanch punktlari faoliyati uchastka inspektorlari, ko‘ngilli xalq drujinalari va keng jamoatchilik bilan hamkorlikda olib borilgan. Bu esa jamoat tartibini saqlashda fuqarolar ishtirokining jamiyat uchun na’muniy ko‘rinishi sifatida baholangan.

Shu bilan birga, Turkistonda jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash tiziminining shakllanishi va rivojlanishi yuridik adabiyotlarda, xususan professor T.A.Jalilovning ilmiy ishlarida ham atroflicha yoritib berilganligini ko‘rishimiz mumkin.[3]

Uchinchi davrda professor Ziyodullayev Mustaqillik davridagi jamoat tartibi saqlanishiga to‘xtalib o‘tgan. Bu davrda ham asosiy urg‘u uchastka inspektorlariga qaratilgan bo‘lib, mahallalardagi fuqarolar bilan bevosita ishlarni tashkil etish va nazoratini olib borish uchastka inspektori tomonidan amalga oshirilganligi mustaqil O‘zbekiston misolida yoritib berilgan.[4]

Yuqorida aytib o‘tilgan fikrlarni inobatga hozirgi zamonamizga mos ravishda biz jamoat tartibini saqlashdagi yurtimiz tarixini 4 bosqichaga bo‘lib o‘rganish kerak deb hisoblaymiz. Bunda to‘rtinchi davr Yangi O‘zbekiston davri deb nomlanib, hozirdagi inson qadrini ulug‘lash va xalq farovonligi yo‘lida joylardagi jamoat tartibini saqlash va aholi xavfsizligini himoya qilishning amaldagi holati yoritilishi kerak deb hisoblaymiz.

Fuqarolar va mansabdor shaxslarning ish joyidagi xulq-atvorini nazorat qilish, yashash joyida, jamoat joylarida va boshqa joylarda qonunchilikdagi farqga qaramay, fuqarolarning jamoat tartibini himoya qilishdagi ishtirokining koʻplab ijobiy misollarini oʻz ichiga olgan va toʻplangan mahalliy va xorijiy tajriba muvaffaqiyatli qoʻllanilishi mumkin. Shu oʻrinda, yuridik fanlar nomzodi Mirzohofiziyon Mirzoali Mirzohofiz oʻzining ilmiy ishida “fuqarolarning ishtirok etishi sohasidagi muammolarni koʻrib chiqish va ularni hal etish boʻyicha dalillarga asoslangan tavsiyalar ishlab chiqish uchun xorijiy davlatlar tajribasini oʻrganish zarur” ekanligini takidlab oʻtgan.[5]

Avvalo bu mavzu doirasida xorijiy davlatlar tarixiga nazar tashlasak, Yevropa davlatlaridan Buyuk Britaniyada tartibni saqlash uchun mas’ul boʻlgan birinchi koʻngillilar XI asrda paydo boʻlganligini koʻrishimiz mumkin. XIII asrda esa ularning huquqlari va majburiyatlari qonun bilan mustahkamlangan. Keyingi asrlarda Buyuk Britaniyada faoliyat yurituvchi ixtiyoriy tartibni saqlovchilar instituti rivojlanib, oʻzgartirildi. Hozirgi vaqtda, mamlakatda ixtiyoriy politsiya (maxsus Konstabulary) mavjud boʻlib, uning xodimi 18 yoshdan oshgan har qanday fuqaro boʻlishi mumkin. U politsiya xodimlarining umumiy talablariga javob berishi va maxsus tayyorgarlik kursidan oʻtishi kerak. Bu kabi ixtiyoriy politsiya boʻlinmalari Buyuk Britaniyaning barcha politsiya boʻlinmalarida ishlaydi. Ularning a’zolari asosan patrul vazifalarini bajaradilar, ammo ommaviy tadbirlar paytida jamoat xavfsizligini ta’minlashda, politsiya reydlarida ham qatnashishlari mumkin. Shuningdek, Buyuk Britaniyada oʻz ixtiyori bilan tartibni saqlashda ishtirok etuvchi koʻngillilar professional politsiyachilar bilan bir xil maxsus vositalar bilan ta’minlangan. Ularning har biri tartibni saqlash tadbirlarida oyiga ma’lum bir soat ishlashi kerakligi belgilangan. Buning uchun koʻngillilarga ma’lum turdagi imtiyozlar berilgan va ularning ijtimoiy himoyasi ham davlat tomonidan kafolatlangan. Misol uchun, 2002 yildagi “Politsiyani isloh qilish toʻgʻrisida”gi Buyuk Britaniya qonuniga binoan, koʻngillilar xizmat paytida jarohat olgan taqdirda soʻgʻligʻini tiklash boʻyicha pul toʻlovlari bilan, agarda xizmati vazifasini ado etayotgan vaqtda olgan tan jarohati nogironlikka olib kelsa nogironlik pensiyasi bilan toʻliq ta’minlananishi belgilangan. Bundan tashqari, Buyuk Britaniyada ixtiyoriy jamoat politsiyasini qoʻllab-quvvatlash xizmati (jamoat xizmati xodimlari dasturi) mavjud boʻlib, u asosan politsiya va aholi oʻrtasida doimiy aloqachi boʻlib ishlaydi. Ular yuzaga kelishi mumkin boʻlgan jinoyatlarning oldini olish va aniqlash, shuningdek bu kabi koʻngilsiz hodisalar haqida politsiyani xabardor qilish ishlari bilan shugʻullanadi. Buyuk Britaniyada istiqomat qiluvchi katta yoshdagi fuqarolarining 80% dan ortigʻi

ushbu ixtiyoriy dasturlarda kamida bir marta qatnashganligini ko‘rishimiz mumkin.

Osiyo davlatlaridan Xitoy, Suriya, Eron va Saudiya Arabistoni davlatlarida fuqarolarning jamoat tartibini saqlashdagi faol ishtiroki mavjudligini ko‘rishimiz mumkin:

1) Xitoyda ko‘ngillilar harakati ikki toifaga, ya’ni doimiy va vaqtinchalikka bo‘linadi. Doimiy ko‘ngillilar harakatini rivojlantirishda asosiy rolni kommunistik yoshlar Ittifoqidagi ko‘ngillilar bilan ishlash bo‘limi amalga oshiradi. Kommunistik yoshlar Ittifoqiga 18 yoshga to‘lgan fuqarolar a’zo bo‘lib, ko‘ngilli asosda qo‘shilishlari mumkin. Ba’zi hollarda esa, faqatgina ota-onasining ruxsati bilan 14 yoshdan ham a’zo bo‘lishlari mumkinligi belgilangan. Vaqtinchalik ko‘ngillilar esa, “ular xalq jangchilari” deb ham ataladi, ommaviy tadbirlar arafasida va paytida qatnashuvchi fuqarolardan tashkil topadi. Shuningdek ular hududlarda patrullik qilish tadbirlarida jamoat tartibini saqlash va atrof muhitni muhofaza qilish kabi vazifalarni bajarishadi. Xususan ular jamoat tartibini buzayotgan, ko‘chalarni ifloslantirayotgan, yo‘l harakati qoidalariga rioya qilmayotgan va mashinalarini taqiqlangan yoki boshqalarga xalaqit beruvchi fuqarolarga nisbatan tushuntirish ishlari olib boradilar. Bundan tashqari kata tadbirlarda keng ko‘lamdagi ko‘chalarni nazorat qilishda ham vaqtinchalik ko‘ngilli fuqarolardan foydalaniladi. Misol uchun 2012 yil noyabr oyida Pekinda 18-Butunxitoy qurultoyi bo‘lib o‘tganida, shahar ko‘chalarida delegatlar xavfsizligi va tartibini ta’minlash uchun 1,4 million ko‘ngilli jalb qilindi. Keyinchalik Xitoyda 2014 yil 12 iyundan boshlab Pekinda terrorizmga qarshi yirik kampaniya doirasida 50 yoshdan 70 yoshgacha bo‘lgan 850 ming ko‘ngilli ishlay boshladi. Ularning asosiy vazifalari etib politsiyaga jinoyatchilarni topishda yordam berish, metro stantsiyalarida yo‘lovchilar va ularning narsalarini tekshirish kabilar belgilandi.

2) Yaqin sharq mamlakatlaridan Suriyada ham fuqarolar tomonidan jamoat tartibini saqlanishining yaqin tarixi kurdlar yashaydigan hududlarda “xalq mudofaasi qo‘mitalari” vujudga kelishiga borib taqadi. Ular 2011 yilda boshlangan mamlakatda qurolli to‘qnashuv munosabati bilan yaratilgan bo‘lib, o‘sha vaqtda ular saflariga 15 mingga yaqin fuqarolar faoliyat yuritgan. Ularning asosiy maqsadi kurd hududlarini egallab olishga intilayotgan Islomiy guruhlarning hujumlarini qaytarish va hududi va oilasini ximoya qilish bo‘lgan.

3) Yana bir yaqin sharq mamlakatlaridan biri bo‘lmish Eronda 1979 yilda harbiylashtirilgan “Basij” tashkil etildi. Basij so‘zi fors tilidan tarjima qilinga “kam ta’minlangan Eron xalqini safarbar qilish”ni degan ma’noni anglatadi. Dastlab, Basij otryadlari faqat xalq militsiyasi sifatida faoliyat yuritgan. 1980-

1988-yillardagi Eron-Iroq urushi paytida esa “Basij” saflaridan frontga 12 yoshdan 80 yoshgacha bo‘lgan 450 mingga yaqin qurolsiz ko‘ngillilarni yuborilganligini ko‘rishimiz mumkin. Tinchlik davrida “Basij” ning asosiy vazifasi butun mamlakat aholisining harbiy tayyorgarligini tashkil etish hisoblanadi. Hozirgi vaqtda Eronda faoliyat yuritayotgan Basij otryadlari ichki xavfsizlikni ta’minlash, jamoat tartibini saqlash, dissidentlarning chiqishlarini bostirish, ijtimoiy yordam ko‘rsatish, tabiiy ofatlar oqibatlarini bartaraf etishda yordam berish kabi tadbirlarda ishtirok etmoqda. Shunigdek, ular mahalliy sudlarda sud ijrochisi bo‘lib ham xizmat qilishadi. Iroq bilan chegarada faoliyat olib boruvchi ko‘ngilllilar esa chegara qo‘riqchisi sifatida harakat qilishadi. “Basij” markazlashtirilmagan tarmoq tuzilishiga ega bo‘lib, uning bo‘linmalari barcha shaharlarda, qishloqlarda va kichik shaharlarda tashkil etilgan. Din ulamolar esa ularga rahbarlik qiladi. Shuningdek, Basij rahbariyati Eron qurolli kuchlarining elita bo‘linmasi bo‘lgan Islom inqilobi qo‘riqchilari korpusini (IRGC) tashkil qiladi. Bundan tashqari, u shakllanishning mafkuraviy, siyosiy va harbiy tayyorgarligi bilan shug‘ullanadi. 2008 yildan beri Basij IRGC quruqlikdagi kuchlariga kiritilgan. 2014 yil ma’lumotlariga ko‘ra, uning soni taxminan 40 ming kishini tashkil qiladi. Hozirga kelib Basij saflarida 12 milliondan ortiq kishi harbiy tayyorgarlikdan o‘tdi. uning a’zoligiga 15 yoshdan boshlab qabul qilinadi.

4) Isroil mamlakatida esa “Mishmar ezrahi” ixtiyoriy politsiya yordamchilari tashkiloti mavjud (IVR bilan. – “Fuqarolik qo‘riqchisi”). U 1974 yilda Falastin jangarilari tomonidan amalga oshirilgan bir qator teraktlardan so‘ng tashkil etilgan. Barcha ko‘ngillilar politsiyani tayyorlash dasturi bo‘yicha asosiy mashg‘ulotlardan o‘tkazilgan, ularning har biri jamoat tartibini saqlashda oyiga kamida sakkiz soat ishlashi kerak deb belgilangan. Xususan, ularga huquqbuzarlarni hibsga olish va hibsda saqlash vakolatlari berilgan. Politsiya yordamchilari litsenziya talab qiladigan karabinlar va shaxsiy to‘pponchalar bilan qurollangan. Ko‘ngillilar xizmatidan asosan patrul xizmatida, transport politsiyasida, tergov organlarida va balog‘atga yetmagan bolalar tizimida, chegara politsiyasida va ommaviy tartibsizliklarga qarshi kurashish maqsadida foydalanilgan.

5) Saudiya Arabistonida 1940 yildan beri fazilatni targ‘ib qilish va yomonlikdan saqlanish bo‘yicha qo‘mita faoliyat yuritgan, uning maqsadi shariat qonunlarini amalga oshirishga ko‘maklash hisoblangan. Qo‘mita tarkibiga 3,5 mingga yaqin davlat diniy politsiyasi vakillari (mutavviin) va ko‘plab ko‘ngillilar kirgan. Ular doimiy ravishda ko‘chalarda, savdo

markazlarida va boshqa jamoat joylarida patrullik qilishgan. Ularning asosiy vazifasi quyidagilardan iborat bo‘lgan:

- aholining (ayniqsa ayollarning) tashqi qiyofasi va kiyim-kechaklarini kuzatish;
- qarindosh bo‘lmagan erkaklar va ayollarning qat’iy bo‘linishini nazorat qilish;
- shariat axloqiga rioya qilish;
- turli tadbirlarda aholining xatti-harakatlari kuzatish;
- cho‘chqa go‘shti, alkogol va giyohvand moddalarni iste’mol qilishni taqiqlash va boshqalar.

Ko‘pincha qo‘mita vakillari jinoyat sodir bo‘lgan joyga fuqarolarning o‘zlari tomonidan chaqirilgan.

AQShda esa jamoat tartibining holatini nazorat qilish “Mahalla soati” ixtiyoriy tashkilotlari tomonidan amalga oshirilgan. Ularning asosiy vazifasi jinoiy xarakterdagi har qanday ma’lumotni politsiya e’tiboriga etkazish va hududni patrul qilishdan iborat bo‘lgan. Birinchi ixtiyoriy patrul 1964 yilda Nyu-Yorkda, yosh ayol Kitti Genovese o‘ldirilgan Kvins hududida paydo bo‘lgan. Qotillik jamoatchilikning katta noroziligiga sabab bo‘lgan va mahalla aholisi otryadlarga qo‘shilib, ko‘chalarni qo‘riqlay boshlaganlar. Keyinchalik bu tashabbus butun mamlakatga tarqalgan. 1972 yilda “qo‘shnilar” harakati milliy sheriflar uyushmasi tomonidan qo‘llab-quvvatlangan. Shu vaqtdan boshlab politsiya ko‘ngillilar bilan faol hamkorlik qiladi, ularni reydlarida va profilaktika tadbirlarida jalb qiladi. Hozirgi kunda “Mahalla patrullari” a’zolari yo‘l harakati xavfsizligini oshirish, oiladagi zo‘ravonlikka qarshi kurashishda qatnashadilar.

Tarixiy nuqtai nazardan jamoat tartibini saqlashda xorijiy tajribani o‘rganish davomida Yevropa davlatlaridan Buyuk Britaniya, Osiyo davlatlaridan Xitoy, Suriya, Eron va Saudiya Arabistoni va AQSH mamlakatlarida politsiya tomonidan o‘tkazilayotgan turli jamoat hamkorlik dasturlari tahlil qilindi va bu tahlil natijalari, aholini jalb qilish shakllari va usullarini tanlashga yondashuvlar xilma-xilligiga qaramay, bir qator umumiy tendentsiyalar mavjudligini ko‘rsatdi. Aytish mumkinki, ularning ko‘pgina hamkorlik dasturlaridan asosiy maqsadi - aholining militsiya faoliyatiga nisbatan ijobiy munosabatini shakllantirish va ulardan sodir etilgan yoki sodir bo‘layotgan huquqbuzarliklar va jinoyatlar to‘g‘risida bevosita ishtirok etmasdan ma’lumot olishlarini ta’minlashdir.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz kerakki, jamoat tartibini asqlashda o‘zimizning milliy tariximizni o‘rganishimiz va ularni fuqarolarimiz va endigina

hayotga kirib kelyotgan yosh, navqiron va barkamol yoshlarimizga o‘rnak sifatida o‘rgatishimiz kelgusida yurtimiz uchun vatanparvar va yurtga sadoqatli avlodlarni tarbiyalashda muhim o‘rin egallaydi. Bu boradagi xorijiy tajribalar esa biz uchun maktab vazifasini bajaradi. Albatta bu fuqarolarimizning jamoat tartibini saqlashdagi ishtiroklarini yanada faol tarzda davom ettirishimizga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

2. Петров А.И., Полишух А.Д. Опорные пункты охраны правопорядка. – Киев. 1976.- С. 10.

3. Джалилов Т. страницы истории милиции Хоразме и Бухары. – Т., 1970. – С. 10.; Джалилов Т. Верные отчизнею Из истории рабоче-крестянской милиции в Туркестане (1917 – 1924г.г.). – Т., 1968. – С.35.; Ерапхин М.И. Развитие органов милиции в советском государстве. – М. , 1967. – С. 13.

4. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008.

5. Мирзоҳофизиён М.М. Механизм административно-правового регулирования участия граждан Республики Тажикистан в обеспечении обшественого порядка: Автореферат дисс. канд. юрид. наук Москва - 2021

A.Z.Zoyirov
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat Xavfsizligi Universiteti magistratura tinglovchisi leytenant

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA XORIJIY TAJRIBA

(Turkiya davlati misolida)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev raisligida 2021 yil 2 fevralda bo‘lib o‘tgan Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida, Qurolli Kuchlar va harbiy-ma’muriy sektorlar faoliyatining 2020 yilgi sarhisobi va kelgusidagi ustuvor vazifalar muhokama qilinib, jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha ishlarni yanada takomillashtirish vazifasi qo‘yildi.

Mamlakatimizning harbiy qurilishi va Qurolli Kuchlarni rivojlantirishning asosiy yo‘nalish va zamonaviy yondashuvlarini o‘zida mujassam etgan 2017-2021 yillar uchun belgilangan Harakatlar strategiyasi dasturiga muvofiq qabul qilingan Mudofaa doktrinasi va shu kabi harbiy sohadagi yangilanishlar milliy armiyamizning qiyofasi va jangovar imkoniyatlarini, harbiy jamoalardagi ma’naviy-axloqiy muhitni tubdan o‘zgartirish imkonini berdi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan tarkibdagi majlisidagi “...bugungi kunda biz “Xavfsiz shahar – xavfsiz mamlakat” konsepsiyasi asosida yurtimizda jamoat tartibini ta’minlashga qaratilgan katta ishlarni amalga oshirmoqdamiz. Shu munosabat bilan mana shu yangi tuzilma, ya’ni, Milliy gvardiya tashkil etildi. Endi bundan buyon har bir shahar va viloyatda xavfsiz hudud loyihasini amalga oshirish, jamoat tartibini saqlash uchun Ichki ishlar vazirligi bilan birga Milliy gvardiya mas’ul va javobgar etib belgilanadi” degan so‘zlari Milliy gvardiyaning barcha shaxsiy tarkibi uchun dasturulamal va strategik vazifa bo‘lib xizmat qilishi kerak.

Bundan tashqari O‘zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021 yil 29 noyabrdagi PF 27 farmoni bilan «O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasi» tasdiqlandi.

Unda qayd etilishicha, jamoat xavfsizligi konsepsiyasi milliy xavfsizlikning asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblangan jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi davlat siyosatini belgilovchi muhim hujjat hisoblanadi.

Zero, mamlakatimizning barcha hududlarida jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlash faoliyati bo‘yicha chora-tadbirlarning samarali amalga oshirilishi, aholi va jamoatchilik bilan yaqin hamkorlik va muloqot o‘rnatilishi orqali Oliy Bosh Qo‘mondon tomonidan belgilab berilgan vazifalar ijro etilishiga erishish mumkin. Shu bilan birga, mazkur vazifalarning ijrosini

ta’minlash masalasi respublikaning har bir hududi, viloyat, tuman, qishloq, ovul va mahalla darajasida ularning o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda yakka tartibdagi yondashuv asosida amalga oshirilishi lozim.

Zero, bugungi kunda yuzaga kelayotgan xavf-xatar va tahdidlar, avvalo, xalqaro terrorizm, diniy ekstremizm, noqonuniy migratsiya, odam savdosi, yoshlar o‘rtasida xalqimizga yot g‘oyalar tarqalishining tobora kuchayib borayotganligi Milliy gvardiya bo‘linmalari oldiga o‘z vaqtida ularning oldini olish va ularga barham berish bo‘yicha yangi vazifalarni qo‘ymoqda.

O’zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tashkil etilgan ilk davrlardanoq qardosh Turkiya davlati Jandarmeyasi bilan o'zaro hamkorlik amalga oshirilib kelinmoqda.

O'tgan davr mobaynida Turkiya va O'zbekistonning huquqni muhofaza etish tizimlari o'rtasida o'tkazilgan ko'plab tadbirlarda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash, jamoat tartibini saqlash kabi yo'nalishlarda qator ilg'or tajribalarni almashish imkonini bermoqda.

Hozirgi innovatsion rivojlanish jadal tus olgan davrda, respublikamiz hududida jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash sohasida ham zamonaviy tizimni joriy etib borishni taqozo etmoqda. Buning uchun shu sohada bir emas, balki bir necha xorijiy ilg'or tajribalarni chuqur o'rganish asosida jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash tizimini takomillashtirib borishimizni talab etadi.

SHu munosabat bilan uzoq tarixga ega bo'lgan qardosh Turkiya davlatidagi jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash tizimiga nazar tashlasak.

Turkiyada birinchi politsiya birliklari Usmoniylar imperiyasi davrida paydo bo'lgan.

1845 yilda politsiyaning vazifalari va majburiyatlarini belgilab beruvchi qoidalar qabul qilingan. O'sha davrda ushbu birliklar harbiylashtirilgan funktsiyalarini bajargan. 1909 yilda Turkiya milliy politsiyasining Xavfsizlik bosh direktorati tashkil etilib, 1913 yilda Milliy gvardiyatomonidan Direktorat vazifalarini belgilovchi yo'riqnoma, keyinchalik 1932 yilda politsiyani tashkil etish to'g'risida qonun qabul qilingan.

Qardosh Turkiyada ikki turdagi politsiya mavjud - fuqarolik va harbiy (jandarmeriya). Ko'pgina sohalarda ushbu tuzilmalarning ikkalasi ham ko'pincha bir xil funktsiyalarni bajaradi, garchi qonun bo'yicha ularning vazifalari juda boshqacha. Jinoyat sodir bo'lgan taqdirda, uning turidan qat'i nazar, eng yaqin politsiya bo'limiga murojaat qilishingiz kerak. Bunday idoralar xodimlari orasida odatda har doim toqat qilib ingliz tilida gapiradigan bir yoki

ikki kishi bor, lekin siz har doim tarjimon so'rashingiz mumkin. Huquqni muhofaza qilish organlariga har qanday murojaat uchun murojaat faktiga oid hujjatning nusxasini talab qilish juda ma'qul - ularsiz jinoyat faktini isbotlash va bu borada yordam so'rash ko'pincha mumkin emas. Mahalliy huquqni muhofaza qilish organlari xodimlari bilan muloqot qilishda xushmuomalalik va sabr-toqatni saqlash tavsiya etiladi - bu erda his-tuyg'ularning namoyon bo'lishi ko'pincha aybni yoki haqiqatni yashirishning bevosita belgisi sifatida qabul qilinadi. Hibsda ushlab turish vaqtida telefon qo‘ng‘irog‘i qilish huquqi bor va bu kimgadir – do‘sti, mehmonxona egasi yoki konsul uchun farqi yo‘q – asosiysi, abonent hibsga olingan shaxsning shaxsini ko‘rsata olishi kerak.

Fuqarolik politsiyasida bir nechta bo'linmalar mavjud bo'lib, ularning har biri o'z vazifasiga ega va uning vakillari mahalliy aholi tomonidan juda hurmatga sazovor. So‘nggi paytlarda ichki ishlar xodimlarining maoshi va ta’lim darajasi oshishi tufayli bu yerdagi ishchilarning malakasi sezilarli darajada oshdi va ular samarali yordam ko‘rsatishga qodir. Shu bilan birga, ular ko'p jihatdan juda muloyim va to'g'ri (Turkiya Evropa Ittifoqiga to'liq a'zolik uchun kurashayotganligi sababli, bu erda bu masalaga katta e'tibor beriladi).

Moviy kiyimdagi politsiyachilar shahar xavfsizlik kuchlarini ifodalaydi. Bunday tuzilmalar uchun odatiy bo'lgan tartibni saqlash vazifalariga qo'shimcha ravishda, ular qisman yo'l inspektsiyasi funktsiyalarini o'z zimmalariga oladilar va eng muhimi, ular shaharsozlikda yaxshi yo'naltirilgan, shuning uchun ular juda ko'p narsalarni berishga qodir. Foydali maslahatlar yo'l tanlash yoki joy qidirish.

Yo'l harakati politsiyasi (Trafik Polis) bir oz ajralib turadi, ularning vakillari o'ziga xos shakli va katta oq TP harflari bilan belgilangan kichik (odatda ikki o'rindiqli) kichik ixcham avtomobillari bilan yaxshi tanilgan (bunday birliklarning mototsikllari qora va sariq chiziq bilan ko'rsatilgan).Ular transport nazoratchilarining topshiriqlarini bajaradilar va shaharlarga kirishda avtotransport vositalarini tasodifiy tekshirish huquqiga ega. Istanbul va boshqa yirik shaharlarda Yunus Polis (“Delfinlar”) deb nomlanuvchi maxsus tezkor javob guruhlari mavjud. Qizil va qora mototsikllari va kiyimlari bilan yaxshi tanilgan, ular xushmuomalaligi va ingliz tilini yaxshi bilishi bilan mashhur.

Ommaviy dam olish maskanlarida turistik politsiya deb ataladigan bo'linmalar ham mavjud bo'lib, ularning vakolatiga chet el fuqarolariga nisbatan huquqbuzarliklar bilan bog'liq barcha muammolar kiradi.

Shaharlarda ko‘k rangli forma kiygan, bozor va bozorlarda patrullik qilayotgan bozor politsiyasi (Zabita, Belediye ZabitasI) vakillarini tez-tez

uchratish mumkin. Ularning vazifasi savdo qoidalariga rioya qilishni nazorat qilishdir, shuning uchun sotib olishda firibgarlik holatlarida ular bilan bog'lanish juda samarali. Bozor politsiya idoralarini shahar bo'ylab topish mumkin, ularning manzillari barcha telefon ma'lumotnomalarida.

Huquq-tartibot kuchlarining bu ulkan “armiyasi” haqiqiy armiya bilan to‘ldirildi – turk jandarmeriyasi (Jandarma) mamlakat muntazam qurolli kuchlarining bo‘linmasi hisoblanadi. Uning nazorati ostida odatda qishloq va ba'zi chegara hududlari mavjud (unutmaslik kerakki, mamlakatning ko'plab mashhur qirg'oqlari to'g'ridan-to'g'ri ko'rish chizig'ida joylashgan. Gretsiya orollari va ikki davlat o'rtasidagi munosabatlar juda murakkab). Jandarmlar har doim ham forma kiyishmaydi. Ko'pincha siz ushbu xizmat vakillarini harbiylashtirilgan kiyimda uchratishingiz mumkin - frantsuz formasini juda eslatuvchi kurtka va shimlar (odamlar bunday kostyumni tahdid sifatida qabul qilmaydi, deb ishoniladi). Jandarmlarning aksariyati chaqiriluvchilardir, ular xushmuomala va sayyohlar uchun juda foydali, chunki ular tashvishlariga tezda javob berishadi. Biroq, bu xizmatning ofitserlar korpusi o‘zlarining egiluvchanligi, shaxsiy manfaatparastligi va poraxo‘rligi uchun uzoq vaqtdan beri jiddiy tanqid obyekti bo‘lib kelgan.

Harbiy politsiya (Askeri Inzibat) vakillarini Asiz yozuvi bo'lgan oq dubulg'alari, oq g'ilof va aiguillets bilan uchrashish odatiy hol emas. Qonunga ko'ra, ular "fuqarolik hayoti" ga aralashish huquqiga ega emaslar va ularga yordam uchun faqat ekstremal holatlarda yoki harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar bilan bog'liq holda murojaat qilish tavsiya etiladi.

Qizig‘i shundaki, huquqni muhofaza qilishning bunday keng tizimi bilan mamlakatning deyarli barcha sharqiy hududlarida politsiyachilarni uchratish deyarli mumkin emas. Kurdlar yashaydigan barcha hududlar, shuningdek, ularga tutash sobiq Armaniston viloyatlari armiya nazoratida. Bundan tashqari, u buni juda qattiq qiladi - sharqdagi ko'plab yo'llar nazorat punktlari tizimi tomonidan "tusib qo'yilgan", atrofdagi tog'larda. yirik shaharlar bazalar va yo'l to'siqlarining butun tizimi joylashtirildi va aholi punktlarining o'zida katta garnizonlar kam uchraydi. Hujjatlar va yuklarni muntazam tekshirish yo'llarda ham, ko'chalarda ham amalga oshiriladi. Yashirin politsiya va fuqaro kiyimidagi jandarmlar ham juda faol. Bu erda har qanday shubhali shaxslarni hibsga olish va so'roq qilishga ruxsat beriladi va bunday so'roqlar odatda juda to'g'ri tarzda o'tkazilsa ham, ular zerikarli va vaqt talab qilishi mumkin. Alohida shubhalar odatda yolg'iz harakatlanuvchi erkaklar va xatti-harakatlarida aniq og'ishlarga ega bo'lgan odamlar tomonidan yuzaga keladi, shuning uchun bu erda tashvish yoki tashvish ko'rsatish qat'iyan tavsiya etilmaydi. Iroq va Suriya bilan

chegaradosh kurd hududlari "kulrang zona" maqomiga ega, unga tashrif buyurish rasman taqiqlanmagan, biroq mahalliy hukumatlar ko'pincha sayyohlar xavfsizligi uchun barcha javobgarlikni o'z zimmalariga olishadi. Armaniston va Iroq bilan chegarada bir necha yuz metr kenglikdagi chegara zonasi cho'zilgan, unga kirishga faqat mahalliy politsiya tomonidan berilgan maxsus ruxsatnoma bilan ruxsat beriladi.

Turkiya huquq-tartibot idoralari eng keng vakolatlarga ega, ayniqsa mamlakat sharqida, bu yerda rasmiylar va kurd yashirini o‘rtasida kuchli qarama-qarshilik mavjud. Ko'pincha armiya va jandarmeriya nazorat punktlari mavjud bo'lib, ularda hujjatlar va yuklar tekshiriladi. Turist o'zini xotirjam, vazmin, his-tuyg'ularni namoyon qilmasligi kerak. Ayniqsa, Suriya va Iroq bilan chegarada ko‘plab nazorat-o‘tkazish punktlari mavjud. Harbiylarni o'z vazifalarini va strategik ob'ektlarni bajarishda suratga olish qat'iyan shart emas.

Xavfsizlik har qanday mamlakat uchun giyohvandlik vositalarini saqlash va tashish bilan bog'liq odatiy muammolarni, shuningdek, qadimiy ashyolarni qidirish va mamlakatdan olib chiqish bilan bog'liq og'irlik darajasi bo'yicha ularga tenglashtirilgan jinoyatlarni hisobga olishi kerak. Mahalliy urf-odatlar haqida hech qanday tanqidiy fikr bildirmaslik, Otaturk xotirasini ranjitmaslik, mamlakat bayrog'i va valyutasini hurmat qilish, shuningdek, odatiy islom axloq me'yorlariga rioya qilish tavsiya etiladi. Alkogolli mastlik bu erda sodir etilgan qilmishning og'irlik darajasidan qat'i nazar, gumon qilinuvchining aybini faqat og'irlashtiradigan jiddiy omil sifatida qaraladi.

Turkiyada ichki xavfsizlik va jamoat tartibini himoya qilish politsiyaning uch tarmog'i tomonidan amalga oshiriladi:

1) shaharlar hududlari uchun mas'ul bo'lgan Turkiya milliy politsiyasining Bosh Direktorati;

2) qishloq joylar uchun mas'ul bo'lgan Jandarmeriya bosh qo'mondonligi;

3) mamlakat qirg'oqlarini himoya qiluvchi Sohil xavfsizlik qo'mondonligi.

Turkiya milliy politsiyasining bosh direktorati markaziy tashkilotga va hududiy bo'linmalarga bo'linadi. Markaziy tashkilot ancha murakkab tuzilishga ega.

Turkiya politsiyasini Bosh direktor boshqaradi. Unga ettita departament, shu jumladan Ofis, Matbuot va protokol munosabatlari direktorati, razvedka departamenti, maxsus operatsiyalar departamenti, inspektsiyalar departamenti, nazorat organi va politsiya rahbarlarning markazi bo'ysunadi.

Bosh direktorga beshta o'rinbosar yordam beradi, ularning har biri bir nechta departamentlarni boshqaradi. Masalan, o'rinbosarlardan biri Xalqaro munosabatlar, Evropa ishlari, chegaralar va migratsiya hamda uyushgan jinoyatchilikka qarshi kurash departamenti bo'yicha mas'uldir.

Turkiya ma'muriy jihatdan viloyat, shahar va tumanlarga bo'linadi. Turkiyada 81 ta viloyat politsiya direktorati, ularga biriktirilgan 751 ta shahar politsiya direktorati, 22 ta chegara o'tish punktlar direktorati, 18 ta erkin zonalarda politsiya uchastkalari va 834 politsiya uchastkalari mavjud.

Politsiyaning markaziy tashkiloti Ichki ishlar vazirligiga, shuningdek viloyatlarda politsiya rahbarlari viloyat gubernatorlariga va tuman rahbarlariga ham bo'ysunadi.

Turkiya Jandarmeriyasi – xavfsizlik, huquq-tartibotni saqlaydigan harbiylashtirilgan qurolli tashkilotdir. U “Jandarmeriyani tashkil etilishi, uning vazifalari va vakolatlari to'g'risida”gi qonun asosida tashkil etilgan va faoliyat yuritadi.

Jandarmeriya xavfsizlik va jamoat tartibini saqlash uchun javobgar va qonunlarda belgilangan boshqa vazifalarni ham bajaradi.

Jandarmeriya Bosh qo'mondonligi Ichki ishlar vazirligiga bo'ysunadi. Jandarmeriyaning javobgarlik hududi, politsiya faoliyat olib boradigan hududlardan tashqari hisoblanadi.

Hozirgi kundagi O’zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi hamda qardosh Turkiya davlati Jandarmeyasi bilan o'zaro do’stona hamkorlik aloqalari yo’lga qo’yilgan.

Misol uchun 2021 yilning 3 noyabr kuni Turkiya Respublikasi Jandarmeriyasi Bosh qo‘mondoni armiya generali **Arif Chetin** boshchiligidagi delegatsiya O‘zbekiston Respublikasiga tashrif buyurdi.

Milliy gvardiya Markaziy devonida Milliy gvardiya qo‘mondoni, general-mayor **R.Djurayev** ishtirokida mehmonlarni tantanali kutib olish marosimi bo‘lib o‘tdi.

Shu bilan birga, tashrif rejasiga muvofiq Milliy gvardiya majlislar zalida ikki tomonlama hamkorlik masalalariga bag‘ishlagan yig‘ilish o‘tkazildi.

Tadbirda Turkiya delegatsiyasi a’zolari, Turkiyaning O‘zbekistondagi Elchixonasi huzuridagi ichki va xavfsizlik masalalari bo‘yicha maslahatchilar, qo‘mondon o‘rinbosarlari, Markaziy devon boshqarma boshliqlari, brigada komandirlari, shuningdek, Jamoat xavfsizligi universiteti va Milliy gvardiya ixtisoslashtirilgan o‘quv markazi rahbarlari ishtirok etdilar.

Milliy gvardiyaning xududiy boshqarmalari hamda mintaqaviy o‘quv markazlari boshliqlari video-konferens-aloqa orqali qatnashdilar.

Ikki tomonlama muzokaralar davomida rahbarlar ikki qardosh mamlakat o‘rtasida do‘stlik aloqalari shiddat bilan rivojlanib borayotganligini alohida ta’kidlab, xavfsizlik sohasidagi idoralararo hamkorlik istiqbollarini muhokama qildilar.

Suhbat yakunida tomonlar xavfsizlikni ta’minlash va harbiy kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish sohasidagi hamkorlikni rivojlantirishga shuningdek o‘zaro tajriba almashinuv tashriflarini amalga oshirishga kelishib oldilar.

Shundan so‘ng kun davomida delegatsiya a’zolari Milliy gvardiya Ixtisoslashtirilgan o‘quv markazi, O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, G‘alaba bog‘i shuningdek Ichki ishlar vazirligiga tashrif buyurishgan. O’zaro tashrif do’stona muxitda o’tgan.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkunki pandemiya sharoitida jamoat xavfsizligini ta’minlashda xuquqni muxofaza qiluvchi organlar harbiy xizmatchi va xodimlarining vakolatlar doirasini qaytaddan ko’rib chiqib, yanada takomillashtirilsa maqsadga muvofiq bo’lar edi.

Misol uchun O’zbekiston Respublikasi ma’muriy javobgarlik to’g’risidagi kodeksning 54 moddasida “Epidemiyaga qarshi kurashish qoidalarini buzish” ushbu modda bo’yicha fuqorolar tomonida epidemiyaga qarshi kurashish qoidalarini buzsa ularga IIV xodimlari tomonidan ma’muriy bayonnoma rasmiylashtiriladi.

Ammo bu vazifani IIV xodimlari bilan bir qatorda Milliy gvardiya xodimlari ham bajaradi shuning uchun vakolatlar doirasini qaytaddan ko’rib chiqish kerak.

Bundan tashqari pandemiya sharoitida jamoat xavfsizligini ta’minlashda xuquqni muxofaza qiluvchi organlar harbiy xizmatchi va xodimlarining axloqiy-ruxiy tayyorgarligiga aloxida e’tibor qaratish lozim, chunki pandemiya sharoitida harbiy xizmatchi va xodimlarda kuchli zo’riqish, charchash, affect, stress v.x.k xolatlar kuzatiladi. Shuning uchun salbiy xolatlarni oldini olish maqsadida psixologlar hamda tarbiyaviy yo’nalishdagi ma’sul xodimlar muntazam ravishda tizimli ishlarni olib borsalar maqsadga muvofiq bo’lar edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T., “O’zbekiston”, 2016. – 56 b.

2. Mirziyoyev. Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T., “O’zbekiston”, 2017.-48b

3. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik

- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T., "O'zbekiston", 2017. – 104 b.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi" nomli asari T., "O'zbekiston", 2019 yil.

5. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T. O'zbekiston, 2021-76 b.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni "O'zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"// 2021 yil 29 noyabrdagi PF-27-son.

7. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiya to'g'risidagi 2020 yil 18 noyabr 647 sonli qonuni.

Юсупова Дилдора Дилшатовна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти
Абдурашидов Абдулфайз Р
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети 3-босқич курсанти

ЁШЛАРДА ДИН НИҚОБИДАГИ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада ёшларни дин ниқоби остида фаолият юритаётган гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш сабаблари ва бундай таҳдидларга қарши уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш усуллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, дин омили, мафкуравий иммунитет, мафкуравий бўшлиқ, бузғунчи ғоялар.

Аннотация: В данной статье проанализированы методы противодействия формированию идеологического иммунитета у молодёжи попавших под влияния групп, которые осуществляют свою деятельность прикрываясь «религией».

Ключевые слова: молодёжь, религиозный фактор, идеологический иммунитет, идеологическая пустота, опасные идеи.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларни дин ниқоби остидаги турли хил гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолишида улар онгидаги мафкуравий бўшлиқнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Ёшлар ҳар қандай давлатнинг келажагини белгиловчи қатлам ҳисобланади. Шу боис, улар онгу-шуурида ёт ғояларнинг пайдо бўлишини олидни олиш ҳамда дин ниқоби остидаги гуруҳларнинг аъзосига айланиш сабабларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги ахборотлашув жараёнида экстремизмнинг ривожланиши ва оммавий тус олишида мафкуравий бўшлиқнинг иштироки беқиёс деб айтишимиз мумкин. Мафкуравий бўшлиқ кишиларда жамиятда бўлиб ўтаётган воқеа ва ҳодисаларни нотўғри идрок этишга, инсон онгини бузғунчи ғоялар билан тўлдиришга хизмат қилади. Айни вақтда ҳар қандай замонавий технологиялардан кўра психологлар томонидан шахснинг онг остига тасир этиш хавфли саналади. Бу орқали экстремистик гуруҳлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун халқлар орасида биринчи навбатда агрессив миллатчилик , уруғаймоқчилик ва диний айирмачиликни келтириб чиқариш орқали бир давлатда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида миллий, диний, этник ихтилоф ва

низоларни келтириб чиқаришга уринмоқда. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ер юзида содир бўлаётган офатларнинг қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида шундай фикр билдирган эди: “Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар хали онги шакилланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан ҳулоса чиқаришимиз зарур”[192].

Хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодни дин ниқоби остидаги турли хил гуруҳларга кириб кетишининг сабабига тўхталадиган бўлсак, ёшларимизда диний билимларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, дунёқараши ва фикрлаш доирасининг торлиги, ташқи таъсир туфайли ёшларимиз онгида дин тўғрисида нотўғри таассурот пайдо бўлаётганлигини айтишимиз ўринли ҳисобланади. Маълумот ўрнида айтишимиз лозимки, агар бизнинг қаровсиз қолган бир боғимиз бўлса-ю, уни парваришламасак, эгалик қилмасак унга бошқа бир шахс томонидан эгалик қилинади, натижада боғсиз ҳолда қоламиз. Худди шундай биз ўзимизнинг фикрларимизга эгалик қилмасак, ташқи томондан бизнинг фикрларимизга эгалик қилиб, бизни ўз мақсадлари йўлида бошқарувчилар доимо топилади. Натижада, тирик жанговар машина вазифасини бажарамиз.

Афсуски, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшларимиз эртанги кунига замин яратиш юқори марраларни забт этиш ўрнига, шахсий ва табиий эҳтиёжларини осонлик билан қондиришни маъқул кўрмоқдалар. Зеро, ҳаракатсиз эришилган муваффаққият, илдизсиз дарахтга ўхшайди, иккиси ҳам мева бермайди.

Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, дин ниқоби остида фаолият юритаётган гуруҳлар асосан 20-25 ёшдаги йигит ва қизларни ўз домига тортмоқда. Маълумки, статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг ёш давлатлардан бири ҳисобланади. Унга кўра ўртача ёш 24

[192] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – В.37.

ёшни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60% 28 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Шуни инобатга олган ҳолда, ёшларни хавфга яқин гуруҳда эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёшларнинг қандайдир маъсулиятлари ва ҳаётдаги орзу умидларига мустақил равишда эришиш ҳаракатларининг атайин чекланиши оқибатида уларда инфантиллик (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) хусусияти шакилланади.

Ёшлар олий мақсадлари рўёбга чиқмасада, уларни амалга оширувчи бир куч ёки ҳалоскор бор деб тасаввур қила бошлайди. Шунда улар ҳеч бир қийинчиликларсиз барча нарсага эга чиқишларини таъминлайдиган шахсларни ёки гуруҳларни излай бошлайди. Асосан, ўсмирларда кучли зўриқишлар, баъзи бир тушунмовчиликлар ва оилавий муаммолар туфайли атрофдаги бўлиб ўтаётган ҳодисалардан зўриқиш ҳис этган вақтда бундай вазиятлардан бирданига чиқиб кетишини таъминлайдиган ва уларни тушинадиган, истакларини муҳайё қиладиган муайян шахсларга интиладилар. Бу йўл эса ёшларни мутаассиб оқим аъзосига айланишларига сабаб бўлади.

Шу боис, ёш авлодни бузғунчи ғоялар тасирига тушиб қолишини олдини олиш ва унга қарши курашиш учун, уларда мафкуравий иммунитетни шакиллантириб бориш зарурий омил ҳисобланади. Аввало, уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакиллантириш зарур. Ахборотлардан инсон манфатлари, жамият ривожи учун хизмат қилувчи маълумотларнигина қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин қилиш керак. Инсон аввало ўзида ушбу маъданиятни шакиллантириши учун ҳеч бўлмаганда қабул қилаётган ахборотларини ҳеч бўмаганда бу ахборотни ким узатмоқда, нима учун узатмоқда, қандай мақсадда узатмоқда деган саволларни ўзига бериши ва жавоб излаши керак. Бу орқали эса турли ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда ёрдам беради[193]. Ёшларда шу каби жиҳатлар шакилланиши ва қарор топиши виртуал оламдаги маълумотларни жамият ва давлат манфатлари учун хизмат қиладиган, тараққиёти учун ҳисса қўшадиган ахборотларни саралаб олишларига хизмат қилади. Шунингдек, ёт ғояларга кўр-кўрона эргашишни ва ҳар қандай ижобий ғояларни ҳам нотўғри талқин қилинишини олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот истеъмоли маданиятига эга бўлган ёшлар салбий ахборотлар таъсирига тушиб қолмайдилар. Уларда ҳар

[193] Ahadquli Xolmuhammad o’g’li. Haqiqiy omad kaliti yohud savdogarlar ustozi. – Toshkent: Ilim ziyo zakovat, 2021. – B.58.

қандай бузғунчи ғояларни акс эттирган ахборотларга, айниқса, дин ниқоби остидаги гуруҳлар фаолиятларига қарши мафкуравий иммунитет шакилланишига имконият яратилади. “Кимки ахборотларга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади” деган фикрлар жуда ҳам кўп такрорланади. Лекин қандай ахборотларга эга бўлиши кераклигини ҳам инобатга олиш зарур. Шундай экан ёшларимиз ахборотлардан оқилона фойдаланиш усулларини амалий ўзлаштириши катта аҳамиятга эга. Чунки, ёшлар бугунги глобаллашув даврида турли ғоя ва мафкуралар қуршовида фақат ўзларининг таълим-тарбиялари ва маданиятлари билангина тўғри йўлни танлай олишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ahadquli Xolmuhammad o’g’li. Haqiqiy omad kaliti yohud savdogarlar ustozi. – Toshkent: Ilim ziyo zakovat, 2021.

Н.Ў.Ашурова
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)
Ш.Рустамова
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети 2- курс талабаси

ФИРИБГАРЛИКДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ЯНГИ ЖИНОЯТ ШАКЛЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ УЧУН ОМИЛ

Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда рақамли иқтисодиёт ривожланиши, хусусан, мулкий характердаги битимларни онлайн интернет платформалари орқали расмийлаштиришини оммалашиши билан мулкий ҳуқуқлар дахлсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё иқтисодий тизимидаги жадал ўзгаришлар замирида фирибгарлик содир этиш анча осонлашди ва у дунёда латентлиги юқори бўлган жиноятлардан бирига айланди. Жумладан, PwC халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан 2020 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра сўнгги 2 йил ичида дунёнинг етакчи компаниялари иқтисодий жиноятчилик натижасида кўрган зарарининг 47 фоизи фирибгарликка тўғри келиши, жорий йилда эса ушбу компанияларга 42 млрд доллар миқдоридаги зарар етказилганлиги сўнгги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган[194].

Таъкидлаш лозимки, фирибгарлик ва кибержиноятлар содир этилишини олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича Ўзбекистонда тизимли ва босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу йўналишда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга бўлган интилиш ортмоқда.

Ушбу тоифадаги жиноятларнинг глобал миқёсда ривожланиши, жиноят қонунчиликнинг мукаммал эмаслиги амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтиришни тақоза этмоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятлари **сон** ва **сифат** жиҳатидан ўзгариб, ижтимоий ҳавфлилик даражаси йилдан-йилга ортиб боришини кузатишимиз мумкин. Мисол учун 2004 йилда фирибгарлик жами жиноятларга нисбатан 1,6 %ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 11,7 %, 2017 йилда 13,1 %, 2018 йилда эса 13,2 %, 2020 йилда 17 %ни ташкил қилган.

[194] http://www.eg-online.ru/news/420448

Шунингдек, кибер жиноятчилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларида жиддий бўшлиқлар мавжудлиги туфайли, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар билан курашиш суд-тергов амалиётида мураккаблик туғдирмоқда. Мисол учун: 2020 йил давомида миллий интернет сегментида ахборот ва киберхавфсизликка таҳдид солувчи 27 000 000дан ортиқ зарарли ва шубҳали тармоқ ҳодисалари кузатилган[195], айни дамда МЖтК ва ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортилган шахслар сони ушбу ҳодисаларга мутлақо мос эмас.

Мамлакатимизда фирибгарлик билан курашиш соҳасидаги қонунчилик ва суд-тергов амалиётини муҳокама қилиш давомида ушбу йўналишдаги қуйидаги тизимли муаммолар аниқланди:

1) фирибгарлик жинояти билан фуқаролик-ҳуқуқий битимни ижро этмаслик ўртасида аниқ объектив чегара мавжуд эмас.

Мисол учун, сўнгги вақтларда аҳолида турли банклар ва микрокредит ташкилотлардан микроқарзлар олиш урф бўлган. Бироқ, уларни қайтаришда узилишлар бўлиши мумкин. Амалиётда бу масалада ягона ёндашув мавжуд эмас, олинган кредит миқдорига қараб, банклар баъзида судга, баъзида эса – тўғридан тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорида (кейинги ўринларда – Пленум қарори) ушбу турдаги жиноятларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқлашда:

– қилмиш фирибгарлик сифатида баҳоланиши учун, шахс томонидан ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритишга қаратилган ҳаракат мулкни қўлган киритишдан ***олдин қасд мавжуд бўлиши***;

– ***қасд мавжудлиги айбдорниннг хатти-ҳаракатларида объектив равишда намоён бўлиши*** (сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиши, қарз ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, сохта корхона (ташкилот) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар);

[195] Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлиги - 2020 йил ҳисоботи // https://csec.uz/uz/news/axborot-xavfsizligi-yangiliklari/uzbekiston-respublikasi-kiberkhavfsizligi-2020-yil-hisobot/

– ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан ***қасд айбдорда мулк қабул қилингандан кейин юзага келган бўлса***, шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси (ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш) бўйича квалификация қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Ваҳоланки, фирибгарликни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан фарқлашнинг яна бир муҳим жиҳати – айнан ***хатти-ҳаракатларда бошқа жиноят таркиби мавжудлигидир.***

Германия ЖКда фирибгарликнинг махсус турларини ажратиш мумкин: компьютердан фойдаланган ҳолда фирибгарлик (§263а); алдов йўли билан хизматларга эга бўлиш (§265а); кредит соҳасига оид фирибгарлик (§265б) учун жавобгарлик кўзда тутилган. **Россия Федерациясид**а фирибгарлик жиноятларни айрим фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан чегаралаш мақсадида алоҳида моддалар белгиланган (кредит соҳасига оид фирибгарлик (РФ ЖК 159.1.-модда), тўловларни қабул қилишда фирибгарлик (РФ ЖК 159.2-модда), суғурта соҳасига оид фирибгарлик (РФ ЖК 159.5-модда).

2) жиноят қонунчилигидаги айрим енгилликларни асоссиз қўлланиши туфайли, фирибгарлик жиноятларини содир этишда рецидив ҳолатлари ортиб бормоқда.

Маҳкумларнинг аҳволини енгиллаштиришга қаратилган айрим институтлар фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан автоматик равишда, шахс ва қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини инобатга олмасдан қўлланилиши (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши ёки суд тайинланган жазони учдан бир қисмини ўтагандан сўнг, жазо енгилроғи билан алмаштирилиши) фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг такроран содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун фирибгарлик учун 2021 йилнинг 6 ойи давомида жазога тортилган **5 857** нафар шахснинг **1 597** нафари (**27,5 %**) муқаддам судланган бўлиб, уларнинг **20 %** хавфли рецидивист, **4,3 %** эса ўта хавфли рецидивист сифатида эътироф этилган.

3) жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этганлик учун Жиноят Кодекси 168-модда санкциясида белгиланган **жазо қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мос эмас.**

Ўта оғир турдаги жиноят белгисини берувчи фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун Жиноят кодекси 168-моддаси тўртинчи қисми санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан

олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Фирибгарлик жиноятини оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилганлик учун хорижий давлатлардан **Германия** Жиноят кодексининг 263-моддасида,[196] **Канада** Жиноят кодексининг 380-моддасида,[197]**Австралия** Жиноят кодексининг 134.1-моддасида,[198] **Япония** Жиноят кодекси 246-моддасида,[199]шунингдек **Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистонда** фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, жарима жазоси назарда тутилмаган.

4 шахсларни **алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш ҳолатларидан огоҳ (хабардор) қилиш тизими йўлга қўйилмаган**.

Ҳозирги кунда қонунчиликда ва амалиётда аҳолини фирибгарлик жиноятини содир этган шахслар тўғрисида ишончли хабардор қилиш (ТВ ёки бошқа ОАВ орқали энг урф бўлган фирибгарлик ҳолатлари ва усуллари ҳақида махсус эшиттириб бориш), банкларда фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва уларга қарши курашиш юзасидан огоҳлантириш (хусусан, картадан пул ўтказишдан олдин карта эгасини СМС, телефон, электрон почтага хат юбориш орқали огоҳлантириш ва ўтказмани тасдиқлаш) каби механизмлар кўзда тутилмаган. Оқибатда, бир шахс томонидан кўплаб жабрланувчиларга ўхшаш усулда моддий зарар етказиш ҳолатлари учрамоқда.

АҚШ, Буюк Британия ва Австралияда банклар фирибгарликка қарши курашишда икки ёқлама шахсни тасдиқлаш усулларидан (смс хабар юбориш, қўнғироқ қилиш ёки электрон почтага хабар юбориш) ташқари **VoiceID** (банк мижозининг овозидан унинг шахсини тасдиқлаш) тизимидан ҳам самарали фойдаланишади.

Таҳлиллар натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини** янги **46³** “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”, **179⁶** “Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини бузиш”, **192²** “Интернет

[196] https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html#p2372
[197] https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-83.html#h-122424
[198] https://www.legislation.gov.au/Details/C2021C00183
[199] http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=02&id=1960

тармоғида ахборот тарқатиш талабларини бузганлик” номли моддалар билан тўлдириш;

- **Жиноят кодекси 168-моддасини қайта таҳрир қилиш ва унда:**

– жиноятни замонавий АКТ воситалари, шунингдек тўлов карталаридан ёки электрон тўлов воситаларидан фойдаланиб содир этиш учун жавобгарлик белгилаш;

– санкциясини қайта кўриб, жиноятнинг тобора ортаётган ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлаштириш;

– жазо тайинлашда кўзда тутилган енгиллаштирувчи нормаларни фирибгарлик жиноятини **такроран** содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан қўлламаслик;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кибержиноятчилик ва ахборот технологиялари соҳасидаги алоҳида боб ва моддаларни қайта кўриб чиқиш ва қуйидаги ўзгартишларни киритиш:

– Жиноят кодексининг 56-моддасига (жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар) жиноятни “телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда” бандини киритиш таклиф этилади.

Axmedov Sherzodbek Oribjon o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jamoat xavfsizligini ta’minlash kafedrasi o‘qituvchisi
Rahimov Sherzod Alisher o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 241-o‘quv guruhi kursanti
Murodullayev Humoyun Ulug‘bek o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 241-o‘quv guruhi kursanti

JAMOAT JOYLARIDA XIZMAT OLIB BORISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari va xodimlarining jamoat joylarida xizmatini tashkillashtirishning odob-axloq qoidalariga amal qilinishining huquqiy asoslari keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: jamoat joylari, huquqiy asos, xavfsizlik, harbiy xizmatchi, xodim, aholi, profilaktika, muomila madaniyati

Аннотация: В данной статье дана правовая основа соблюдения правил этикета при организации несения службы военнослужащими и сотрудниками Национальной гвардии в общественных местах.

Ключевые слова: общественные места, правовая база, безопасность, военнослужащий, работник, население, профилактика, культура обращения

Annotation: In this article, the legal basis for the observance of the rules of etiquette for organizing the service of the National Guard military servicemen and employees in public places is given.

Keywords: public places, legal framework, security, military serviceman, employee, population, prevention, treatment culture.

Ma’lumki, mamlakatimiz so‘nggi yillarda jadal sur’at bilan rivojlanishhda davom etmoqda. Iqtisodiyot, moliya, turizm, kichik biznes va qishloq xo‘jaligi shu jumladan mamlakatimizning xavfsiz davlat qurish sohasidagi olib borayotgan siyosatida ham tub o‘zgarishlar amalga oshirilmoqda.

Bir qarashda hamma uchun umumiy bo‘lgan tartib qoidalar, yurish turish normalari, odatiy turmush kechirish davomiyligi bir zaylda davom etmoqda, bu tabiat qonunidek bir tushunchaga aylanib bormoqda. Bu ijobiy tushuncha albatta, faqatgina ba’zi bir jihatlarni aytib o‘tish joiz deb hisoblaymiz. Tinchlik, farovon kunlar aslida shunchaki sodir bo‘layotgani yo‘q, qanchadan-qancha

insonlar bu ne’matni taminlash uchun odatiy turmushidan kechib, ma’lum ma’nodagi mas’uliyatli kasbni tanlashgan.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida harbiy xizmatchi va xodimlarini yuqoridagi ko‘rsatib o‘tilgan kishilar sirasiga kiradi. Ayonki, bunday vazifani funksional jihatdan Milliy Gvardiya o‘z zimmasiga oladi. Kadrlar tayyorlash ularning malakasini oshirish barcha sohada muhim vazifa hisoblanadi. Bunga talab esa, tezkorlik bilan rivojlanayotgan zamonamiz, globallashuv jarayoni, aholining huquqiy ma’daniyatining rivojlanib borishi hisoblanadi. Agar bu jarayonda sustkashlikka yo‘l qo‘yilsa, kadrlarning muomila madaniyati, aholi bilan muloqotga kirishishida, psixologik jihatdan yaxshi tayyorgarlikka ega bo‘lmasligi xalqimiz tomonidan faoliyatimizga ishonchsizlik, nafaqat bir taraflama, balki barcha huquq tartibot sohasida faoliyat yuritadigan kasb egalariga nisbatan salbiy baho berlishi mumkin. Buning oqibatida esa, faoliyatimiz boshqaruvchanligiga, juda katta salbiy ta’sir etishi tayin.

Hech kimga sir emaski, Milliy gavardiya o‘z xizmat vazifalaridan kelib chiqib, jamoat joylarida, aholi ko‘p to‘planadigan hududlarda xizmat faoliyatini tashkillashtiradi. Quyida esa hozirgi kunda bu sohada olib borilayotgan istiqbolli ishlarni bir qator ko‘rib chiqishimiz mumkin.

Shu o‘rinda bir savolni berish o‘rinli, “Qayer jamoat joyi hisoblanadi?” Qonun hujjatlarida aniq ta’rif va yagona yondashuv bo‘lmaganligi sababli mutaxassislar bu borada munozara qilib keladilar. Shu va shu kabi savollarga quyida javob olishingiz mumkin. Adliya vazirligining “Huquqiy axborot” kanalida ma’lum qilinishicha, qonunchilikka muvofiq quyidagilar jamoat joylari hisoblanadi:

- statsionar savdo obyektlari, umumiy ovqatlanish korxonalari;
- kinoteatrlar, teatrlar, sirklar, konsert, ko‘rik va ko‘rgazma zallari hamda ommaviy dam olish uchun yopiq inshootlar;
- klublar, diskotekalar, kompyuter zallari, Internet xizmatlari ko‘rsatish uchun jihozlangan xonalar yoxud boshqa ko‘ngilochar joylar;
- muzeylar, axborot-kutubxona muassasalari va ma’ruzaxonalar;
- mahalliy va uzoqqa qatnaydigan poyezdlar, shahar atrofiga qatnaydigan poyezdlarning vagonlari, daryo kemalari, shahar, shahar atrofiga, shaharlararo va xalqaro qatnaydigan avtobuslar, taksilar, yo‘nalishli taksilar hamda shahar elektr transporti, havo kemalari;
- yer osti o‘tish joylari, transport bekatlari va avtotransport vositalarini vaqtinchalik saqlash joylari;
- aeroportlarning, temir yo‘l, avtomobil vokzallarining va suv transporti bekatlarining binolari;

- davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining, xo‘jalik boshqaruvi organlarining, shuningdek korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning binolari;
- soliqni saqlash tizimi muassasalari va tashkilotlari, ta’lim muassasalari, jismoniy tarbiya-solomlashtirish va sport inshootlari;
- ish joylari bo‘lgan xonalar;
- ko‘p kvartirali uylarning yo‘laklari, shuningdek uylar oldi hududida joylashgan bolalar va sport maydonchalari;
- xiyobonlar, bolar, ko‘chalar va boshqa joylar.

Yuqoridagilarning hammasi bevosita aholi bilan muloqotga kirishiladigan omma e’tibori tushadigan va shu o‘rinda “O‘zbekiston Respublikasi milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi qonuning 3-moddasidagi *“…huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirish, shu jumladan mazkur huquqbuzarliklarning sodir etilishi sabablarini va ularga imkon berayotgan shart-sharoitlarni aniqlash, bartaraf etish, jamoat tartibini saqlash, shu jumladan ommaviy tadbirlar, mitinglar, yiilishlar, namoyishlar o‘tkazilayotganda hamda fuqarolar gavjum bo‘ladigan joylarda jamoat tartibini saqlash*[200]” vazifalari belgilab berilgan, Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari va xodimlarining xizmat olib borish hududi hisoblanadi.

Boshqa kuch tuzilmalari aholi bilan to‘ridan to‘ri muloqotga kirishishi Milliy gvardiya vakillariga qaraganda ancha kam uchraydi. Shunday ekan xalqning orasida ular bilan xushmuomila bo‘lish, har qanday vaziyatda avvolo xalq manfaatlarini ustun qo‘yish, muommoli vaziyatlarda tezkorlik bilan qaror qabul qilishi, nizoli holatlar va jinoyat alomatlarini darhol sezishi, uni oldini olishi va profilaktikasini o‘tkazishi ham bevosita muomila madaniyatining qay darajada ekanligi bilan baholanadi.

Qo‘rs, badfe’l inson nafaqat xizmatda balki, kundalik turmushda ham hech kimda ijobiy fikr qoldirmaydi. Aynan fuqorolar bilan qanday munosabatda bo‘lish kerakliginin bilgan xodim ish vaqtida kamchiliklarga, sustkashlikka va mansabini suiste’mol qilishi qonuniy talablarning buzilishi ekanligini bilishi kerak. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi xodimlarining Intizom ustavining 2-BOB “Xodimlarning Odob-Axloq Qoidalari”, 6 va 7-moddalarida “Har bir xodim Milliy gvardiya safiga qabul qilingan kundan e'tiboran odob-axloq qoidalariga amal qilishga majbur.Odob-axloq qoidalariga

[200] O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI. O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI TO‘G‘RISIDA. Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 12-noyabrda qabul qilingan. Senat tomonidan 2019-yil 14-dekabrda ma’qullangan

rioya etish xodimning kasbiy faoliyati, samaradorligi va xizmatda o‘zini tutishini baholashning mezonlaridan biri hisoblanadi. Xodim tomonidan odob-axloq qoidalarining asosiy talablariga amal qilish quyidagilarni nazarda tutadi:

- fuqarolar bilan muloqotda xushmuomala, kamtar va bosiq bo‘lish, ularning mavqeidan qat’i nazar, hech bir shaxs, guruh yoki tashkilotlarning kamsitilishi yoki afzal ko‘rilishi holatlariga yo‘l qo‘ymaslik;
- O‘zbekiston Respublikasi va boshqa davlatlar xalqlarining urf-odat va an’analarini hurmat qilish, turli etnik, ijtimoiy guruh hamda konfessiyalarning madaniy va boshqa xususiyatlarini inobatga olish, ijtimoiy barqarorlik, millatlararo va dinlararo hamjihatlikka ko‘maklashish ; kabi normalar keltirib o‘tilgan.

Xulosa qilib aytganda, har bir harbiy xizmatchi va xodimlar xizmat davomida aholi bilan qanday muomilada bo‘lishi kerakligi qonun hujjatlari bilan belgilab berilgan Jamoat joylarida aholi bilan muomilada bo‘lish, jamoat xavfsizligini ta’milash kabi masalalar zamirida avvolo inson qadri, uning huquqlari va erkinliklari yotadi. Milliy gvardiyaning jamoat xavfsizligini ta’mminlash sohasida olib borayotgan ishlarining asosiy qismi aynan fqorolar bilan bo‘liq holda tashkil etilmoqda. Shunday ekan har bir xodim xizmatga chiqish mobaynida yuqoridagi qonun hujjatlarini, majburiyatlarini puxta bilishi xizmat davomida aholi bilan bo‘ladigan tushuntirish ishlarida, profilaktika vaqtida xizmat majburiyatlarini to‘laqonli bajarilishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston respublikasining qonuni. “O‘zbekiston respublikasi Milliy Gvardiyasi to‘risida”. Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 12-noyabrda qabul qilingan. Senat tomonidan 2019-yil 14-dekabrda ma’qullangan

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 22 apreldagi PQ-5089-son qaroriga 2-Ilova. O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi xodimlarining INTIZOM USTAVI

Ulxanov Shahzod Nishonboyevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti navbatchilik xizmati navbatchisi podpolkovnik
Mirvohidov Behzod Miraziz o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Bakalavryat fakulteti 2-kursantlar batalyoni 242-o‘quv guruhi kursanti

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA YOSHLARDA VATANPARVARLIK HISSINI SHAKLLANTIRISH YUZASIDAN AYRIM MULOHAZALAR

Annotastiya: Maqolada Qurolli Kuchlarimiz uchun yuqori malakali harbiy kadrlarni tayyorlashda psixologik amallarning o‘rni, harbiy shaxsda mujassamlashuvi lozim bo‘lgan xususiyatlar va ularning harbiy faoliyat va jang va boshqa psixologik tang, stres holatlarda namoyon bo‘lishlari kabi holat va sifatlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Harbiy faoliyatda shaxsning psixologik xususiyatlari, harbiy shaxsning psixologik xususiyatlarining namoyon bo‘lishi, harbiylarning shaxsiy psixologik xususiyatlari.

Аннотация: В статье высококвалифицированные военнослужащие для наших Вооруженных Сил роль психологических действий в обучении должна быть воплощена в военном человеке особенности и их боевые действия и боевые и другие психологические нагрузки, стрессы выделены ситуации и качества, например, проявляющиеся в ситуациях.

Ключевые слова: психологические особенности человека в воинской деятельности, военнослужащие. проявление психологических особенностей рядового, военнослужащего психологические характеристики.

Annotation: In the article, highly qualified military personnel for our Armed Forces the role of psychological actions in training should be embodied in a military person characteristics and their military activity and combat and other psychological stress, stress states and qualities such as their manifestation in situations are highlighted.

Key words: psychological characteristics of a person in military activity, military manifestation of the psychological characteristics of the individual, personal of the military psychological characteristics.

O‘zbekiston Qurolli Kuchlari doimo o‘z faoliyatini davlatimiz strategik hujjatlari asosida ishlab chiqiladi. Ushbu talablarga asosan har bir quyi harbiy jamoa o‘z meyoriy normativ hujjatlarini ishlab chiqadi va ularga kundalik

faoliyatlarida harbiylarcha aniq va puxta amal qiladi. Masalan, O‘zbekiston Respublikasining (2016 yil 14 sentabrdagi O‘RPQ406 Qarori) “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida” bo‘lib harbiy askarlar va umuman shaxsiy tarkibni jangovar holatga tayyorlashda asosiy hujjatlardan biriga aylandi. Bundan tashqari, Prezidentimizning harbiylar faoliyati bilan bog‘liq ko‘plab ma’ruzalari va hujjatlari harbiylarimiz uchun doimiy asosiy ta’lim va tarbiyani, shaxsiy tarkibni jangovar ruhda tarbiyalashda yo‘l ko‘rsatuvchi hujjatlar hisoblanadi [201]

Jumladan, davlatimizning 2021 yil 3 fevraldagi 2017-2021 illarda yoshlarga qaratilgan mamlakat taraqqiyot strategiyasi bilan bog‘liq “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yilida amalga oshirishga oid Davlat dasturi, 2018 4 avgustdagi № 3898 Qarori va boshqa meyoriy hujjatlar O‘zbekiston harbiylari shaxsiy tarkibini vatanparvarlik ruhida tayyorlashda asosiy meyoriy hujjatlar hisoblanadi va ularga amal qilinadi [202]

Harbiy yoshlarda vatanga xizmat qilish maylini shakllantirish, ya’ni ularda harbiy xizmatga moyillik uyg‘otish asosiy vazifadir. Moyillikning asosiy mazmun-mohiyati harbiy xizmat maqsadi va shaxsiy tarkib va alohida harbiy shaxsning manfaatlarini uyg‘unlashtiritidan iborat bo‘lib, aynan shu mas’uliyatli vazifa, odatda harbiy tarbiyachi rahbarlar zimmasiga yuklanadi.

Harbiy psixologiyada harbiylarning ruhiy tayyorgarligi deganda - harbiy xizmatchilarning ma’naviy-ruhiy, psixologik tayorgarligining tarkibiy qismi shaxsiy tarkibni ma’naviy va ruhiy jihatdan uzluksiz tayyorgarlik amallari tushuniladi.

Mudofaa tizimi shaxsiy tarkibining ruhiy tayyorgarligi deganda biz butun harbiylarimizning murakkab sharoitlarda, stress-faktorlar bilan kechadigan jangovar vaziyatlarda ular oldiga qo‘yilgan vazifalarning muvoffaqiyatli bajarilishini ta’minlaydigan ruhiy psixologik sifatlarini va shaxsdagi ruhiy psixologik barqarorlik, jangovar ruh shakllantirilganligi tushuniladi. Shaxsiy tarkibda ruhiy, psixologik tayyorgarlikning maqsadi-harbiy xizmatchilarda jang, jangovar holatlar vaziyatida emotsional-irodaviy barqarorlikni va jangovar vaziyatda ruhiy psixologik boshqaruv va boshqaruvchanlikni shakllantirish hisoblanadi.

Tabiiyki, jangovar faoliyat o‘quv-jangovar faoliyatidan har doim farq qilgan va jangovarlik holatga tayyorlash esa har doim askarlarni, harbiy tarkibni aynan mana shu jangovar holatga tayyorlashdir. Bu holat avvalo

[201] O‘zbekiston Respublikasining 2016 yil 14 sentabrdagi O‘RPQ-406 “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni.

[202] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so‘zi gaz. 276 - soni. 2020 yil 30.12

xavfliligi, keskinligi, psixologik jihatdan o‘ta tangligi, vaziyatning shiddat bilan kutilmagan tarzda rivojlanuvchi va o‘zgaruvchanligi va bir qator boshqa omillari bilan farqlanadi [203].

Jangovar vaziyatlarni belgilovchi ruhiy xusussiyat va asosiy omil sifatida xavflilik e’tirof etilgan. Xavflilik - shaxsning sog‘ligi va hayotiga nisbatan tahdidni anglab yetish demakdir. Boshqa ta’sirlarning darajasi xavfning darajasiga bog‘liq. Shu bilan birga insonning xavfga bo‘lgan reaksiyasi turli xil bo‘lishi mumkin: ongli, beixtiyor, impulsiv, bevosita, reaksiya sxemasiga to‘g‘ri keladigan holat. Xavflilikka nisbatan bo‘lgan reaksiyaning xarakteriga qarab hulq-atvor ham sifatlanadi: birinchi holatda u ongli ravishda boshqariladi, ikkinchi holatda - vaziyatli yoki impulsiv bo‘lishi mumkin, ya’ni to‘liq yuzaga kelgan vaziyatga bog‘liq bo‘ladi.

Jangovar vaziyatning asosiy ko‘rsatgichi xavflilik, o‘zgaruvchanlik bilan bir qatorda kutilmagandalik o‘ziga xosdir. Aqlli va makkor dushman jangda raqibning jangovar shayligini tushirish uchun albatta kutilmagandalik tamoyilidan foydalanadi. Harbiy

xizmatchilarning ruhiy tayyorgarligi davomida kutilayotgan jangovar harakatlarning o‘ziga xosliklari va sharoitlari, uni bajarish davomidagi qiyinchiliklar va ularni yengish yo‘llari haqida batafsil ma’lumot berilishi kerak.

Raqibning harakat qilish taktikasini va jangovar imkoniyatlarini batafsil o‘rganish va ushbu ma’lumotlarni shaxsiy tarkibga o‘z vaqtida yetkazish zarur. Aynan ushbu omillar harbiy xizmatchilarda kutilmaganlik va to‘satdan yuzaga keladigan vaziyatlar ehtimolining kamayishiga, hatto butunlay bartaraf bo‘lishiga yordam beradi [204].

Jangovar tayyorgarlik davomida harbiy xizmatchilarda kerakli ruhiy psixologik sifatlarni shakllantirishning yo‘llari va usullari turlicha bo‘lishi mumkin. Ularga ba’zi hollarda uzluksiz takrorlashlar orqali erishilsa, boshqa vaziyatlarda bir necha bor takrorlash orqali ham kerakli natijalarni egallash mumkin. Jangning shaxs ruhiyatiga jiddiy ta’sir qiluvchi omillarini yaratish uchun jangovar vaziyatni modellashtirish, buning uchun esa harbiylarda tasavvur kuchini tarbiyalash alohida ahamiyatga ega bo‘ladi. Yuqorida ko‘rsatilgan omillarning barchasi, ayniqsa harbiy shaxsning ruhida Vatan

[203] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 3 fevraldagi 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nilishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida. Xalq so‘zi gaz. 2021 yil 4 fevraldagi 25 - soni

[204] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 29 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan yo‘llagan bayram tabrigi. Vatanparvar gaz. 2 - soni. 2021 yil 15.01

oldidagi burchni his qilish, buning uchun esa unda harbiy vatanparvarlikdan tashqari harbiy hamdo‘stlikni, o‘z safdoshlariga ishonch ruhini tarbiyalash va bu tushuncha va ko‘nikmalarni ularning jangovar, stres holatlarda qo‘llashlarini ruhlariga singdirish shaxsiy harbiy tarkibning jangovarlik ruhini ko‘taribgina qolmay ularda ko‘tarinki jangovarlik ruhining namoyon bo‘lishiga olib keladi.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining 2016 yil 14 sentabrdagi O‘RPQ-406 “Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”gi Qonuni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so‘zi gaz. 276 - soni. 2020 yil 30.12.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 3 fevraldagi 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nilishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida. Xalq so‘zi gaz. 2021 yil 4 fevraldagi 25 - soni.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 29 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan yo‘llagan bayram tabrigi. Vatanparvar gaz. 2 - soni. 2021 yil 15.01.

Haydarov Alisher Usmon o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Ijtimoiy – gumanitar fanlar kafedrasi katta o‘qituvchisi
Haydarov Umarjon Usmon o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 4-kursantlar bataloni kursanti

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH XOLATINING HOZIRGI VA YAQIN KELAJAKDAGI HOLATI TO‘G‘RISIDA

O‘zbekiston Respublikasida Jamoat xavfsizligi konsepsiyasini qabul qilinishi va uning istiqbollari mavzusi bo‘yicha o‘tkazilayotgan konferensiyaning hozirgi vaqtda atroflicha o‘rganilishi ertangi kun O‘zbekiston Respublikasi uchun qanday vaziyatlar bilan bog‘liq bo‘lishi,-degan dolzarb muammo bilan bog‘liqdir.

Shuni aytish lozimki tashqi xalqaro vaziyat ham O‘zbekistondagi ichki ijtimoiy vaziyatga ta’sir qilishi tabiiy holdir. Bu borada qo‘shni mamlakatlarda yuzaga kelgan beqarorlik O‘zbekistonga ham ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Chunonchi, Rossiyadagi O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari – migrantlar Rossiya Federatsiyasiga nisbatan sanksiyalarni qo‘llanilishi oqibatida, iqtisodiy inqiroz natijasida ish yo‘qotish holatiga uchrashi va O‘zbekiston Respublikasiga qaytib kelishi ma’lum darajada jamoat xavfsizligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi va Rossiyadagi ekstremistik g‘oyalarga ega bo‘lgan mamlakatimiz fuqarolari esa jamoat xavfsizligiga nisbatan eng keskin darajada o‘z harakatlari bilan ta’sir ko‘rsatib, ommaviy tartibsizliklarni uyushtirishiga harakat qilish ehtimoliga qarshi tayyorgarlik ko‘rishimizni taqozo etadi. Aynan shu jihatlarga e’tibor qaratib, jamoat xavfsizligini mustahkamlash masalasi bo‘yicha quyidagi zarur tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘ladi:

Birinchidan, O‘zbekiston Respublikasiga qaytib kelayotgan fuqarolardan konstitusiyaviy tuzumga qarshi ommaviy tartibsizliklar va boshqa harakatlarni uyushtirmaslik to‘g‘risida va bunday harakatlar uchun jinoiy javobgarlikka tortilishi to‘g‘risidagi yozma ogohlantirish va tilxatlarni rasmiylashtirib, mazkur shaxslarni ish joyiga joylashtirish bo‘yicha tezkor tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘ladi;

Ikkinchidan, **“Xavfsiz shahar”** apparat-dasturiy kompleksini tobora butun O‘zbekiston Respublikasi hududida ishlashini ta’minlash, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 23-iyundagi “Mahalla huquq-tartibot maskanlari faoliyatini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi 343-sonli Qarorining talablarini amalga oshirilishi ustidan onlayn tartibida monitoring

qilish masalasi nihoyatda hayotiy ahamiyatga ega bo‘ladi, chunki mazkur qarorga binoan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish choratadbirlari to‘g‘risida” PF-27-sonli Farmoni ijrosini ta’minlash, shuningdek, mahalla huquq-tartibot maskanlari faoliyatini yanada takomillashtirish vazifasi ulkan ahamiyat kasb etmoqda[205].

Mahalla huquq-tartibot maskanlarini tashkil etilganligi va bu tuzilmalar jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklarning oldini olish hamda ichki ishlar organlari, boshqa huquq-tartibot organlari va jamoat tuzilmalarining faoliyatini muvofiqlashtirish maqsadida Toshkent shahar tumanlarida, Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlar markazlarida hamda yirik tuman va shaharlarda har beshta mahalladan bittasidagi ichki ishlar organlari tayanch punktlari negizida, shuningdek mavjud bo‘sh turgan binolardan samarali foydalangan holda tashkil etilganligi va ichki ishlar organlariga tegishli bo‘lishi ichki ishlar organlariga jamoat xavfsizligini saqlashda yanada mas’uliyatli vazifa qo‘yilganligidan dalolat beradi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida huquq ustuvorligini ta’minlash holatini aniqlashning samarali mexanizmini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4951-sonli Qarori qabul qilindi[206]. Mazkur qarorning ahamiyati shundaki mamlakatimizda inson huquqlarini ishonchli himoya qilish, odil sudlovga erishish darajasini oshirish va fuqarolik jamiyati institutlarining erkin faoliyat yuritishi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish hamda korrupsiyani keltirib chiqaruvchi omillarni kamaytirish bo‘yicha izchil islohotlar olib borilmoqda.

Shu bilan birga, hududlarda huquq ustuvorligi va qonuniylikni ta’minlash, qabul qilinayotgan qonun hujjatlarining ijrosini tashkil etish holatini o‘rganish, baholash va aniqlangan kamchiliklarni o‘z vaqtida bartaraf etish bo‘yicha samarali mexanizmlarni yaratish lozim.

Mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining hududlarda huquq ustuvorligi va qonuniylikni ta’minlash borasidagi mas’uliyatini kuchaytirish, tegishli xalqaro reyting va indekslarda mamlakatimizning o‘rnini yanada yaxshilash maqsadida, shuningdek 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq: Oliy Majlis Senati, Adliya vazirligi va Oliy

[205] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 23-iyundagi “Mahalla huquqtartibot maskanlari faoliyatini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi 343-sonli Qarori // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 23.06.2022-y., 09/22/343/0549-son.

[206] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida huquq ustuvorligini ta’minlash holatini aniqlashning samarali mexanizmini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4951-sonli Qarori //Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 15.01.2021-y., 07/21/4951/0033-son.

sudning respublika hududlarida huquq ustuvorligining ta’minlanganlik holatini reyting asosida baholovchi Hududlarning huquq ustuvorligi indeksini (keyingi o‘rinlarda — Hududlarning huquq ustuvorligi indeksi) joriy etish to‘g‘risidagi taklifi ma’qullandi.

Bunda, Hududlarning huquq ustuvorligi indeksi quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha statistik ko‘rsatkichlar va o‘tkaziladigan ijtimoiy so‘rovlar natijalari asosida aniqlanadi: qonun hujjatlariga rioya qilinishi; fuqarolar huquq va erkinliklarining ta’minlanishi; odil sudlov va sud qarorlarining ijro etilishi; huquq-tartibot o‘rnatilganligi va xavfsizlikning ta’minlanganligi; mahalliy ijro organlari faoliyatining samarali nazorat qilinishi; korrupsiyaga qarshi kurashishning samaradorligi; hokimiyat institutlarining shaffofligi.

Mazkur ko‘rsatkichlarni aniqlashda tegishli indikatorlar, ya’ni huquq usuvorligini ta’minlanganlik holatini aks ettiruvchi asosiy ustuvor ko‘rsatkichlar va subindikatorlar qo‘llanilishi belgilangan. Indikator va subindikatorlarning mazmunini quyidagi keltiramiz:

1. Hududlarda qonun hujjatlariga rioya qilinishi. 1.1. Qonun va qonunosti hujjatlarning hududlarda ijro etilishi ahvoli. 1.2. Ma’muriy tartib-taomillarga rioya etilishi holati. 1.3. Mulk huquqi daxlsizligining ta’minlanganligi.

2. Fuqarolar huquq va erkinliklarining ta’minlanishi. 2.1. Huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan qiynoqlar va asossiz ushlab turish holatlari. 2.2. Gumon qilinuvchi, ayblanuvchi va sudlanuvchining huquqlarini amalga oshirishda to‘siqlarning mavjud emasligi. 2.3. Fikr va so‘z erkinligidan foydalangan fuqarolar va jurnalistlarga nisbatan bosim o‘tkazish holatlari. 2.4. Shaxsiy hayotga o‘zboshimchalik bilan aralashish holatlari. 2.5. Fuqarolik jamiyati institutlarining rivojlanganligi. 2.6. Asosiy mehnat huquqlarining (ish haqi, ish vaqti, majburiy mehnat va boshqalar) ta’minlanganligi.

3. Odil sudlov va sud qarorlarining ijro etilishi. 3.1. Aholining sudlar orqali o‘z huquqlarini ro‘yobga chiqarish imkoniyatidan foydalanishi. 3.2. Aholining sud qarorlari xolisligidan qanoatlanishi. 3.3. Aholining sud organlarida korrupsiya alomatlari mavjudligi haqidagi tasavvurlari. 3.4. Sudlarning davlat organlari ta’siridan xoliligi. 3.5. Sudlar tomonidan protsessual muddatlarga rioya qilinishi. 3.6. Sud qarorlarining lozim darajada ijro etilishi.

4. Huquq-tartibot o‘rnatilganligi va xavfsizlikning ta’minlanganligi. 4.1. Hududlarda jinoyatchilik darajasi. 4.2. Hududlarda huquqbuzarliklar profilaktikasi samaradorligi. 4.3. Hududdagi jinoyatlarni aniqlash va ularga qarshi samarali choralar ko‘rilishi. 4.4. Fuqarolarning adolatni «shaxsan» qaror toptirishga moyilligi.

5. Mahalliy ijro organlari faoliyatining samarali nazorat qilinishi. 5.1. Xalq deputatlari Kengashi tomonidan hokimliklar faoliyatining nazorat qilinishi. 5.2. Mahalliy ijro organlari qarorlari bilan bog‘liq nizolarning ma’muriy sudlarda ko‘rib chiqilishi. 5.3. Mahalliy ijro organlari mas’ullarining sodir etgan huquqbuzarliklari uchun javobgarligi ta’minlanishi. 5.4. Mahalliy ijro organlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazorati.

6. Korrupsiyaga qarshi kurashishning samaradorligi. 6.1. Ijro organlari mansabdor shaxslari tomonidan mansab vakolatlarini suiiste’mol qilish holatlarining mavjudligi. 6.2. Huquqni muhofaza qiluvchi va nazorat qiluvchi organlar xodimlari tomonidan mansab vakolatlarini suiiste’mol qilish holatlarining mavjudligi. 6.3. Ijtimoiy sohada korrupsiyaning tarqalganlik darajasi. 6.4. Davlat xizmatlarini ko‘rsatishda korrupsiyaning tarqalganlik darajasi. 6.5. Qarindosh-urug‘chilik, oshna-og‘aynigarchilik va mahalliychilik unsurlarining namoyon bo‘lish holatlari.

7. Hokimiyat institutlarining shaffofligi. 7.1. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining ochiqligi. 7.2. Mahalliy ijro organlari tomonidan fuqarolarning axborot olish huquqi ta’minlanganligi. 7.3. Fuqarolarning mahalliy darajadagi qarorlarni qabul qilish jarayonidagi ishtiroki. 7.4. Mansabdor shaxslar xatti-harakatlari ustidan shikoyat berish mexanizmlaridan samarali foydalanilishi.

Qoraytirib ko‘rsatilgan indikatorlar nihoyatda katta ahamiyat kasb etadi, chunki ularga rioya qilinishi jamoat xavfsizligining naqadar himoyalanganligidan dalolat bo‘la oladi. Ammo bu erda asosli savol yuzaga keladi: Nima uchun mazkur PQ-4951-son Qarorning qabul qilinishidan boshlab bir yilu to‘qqiz oy o‘tgan bo‘lsada, ammo mazkur indikatorlar bo‘yicha ommaviy axborot vositalarida ushbu ko‘rsatkichlar qanday raqamlarni tashkil qilishi va umuman O‘zbekistonning hududlarida qonun hujjatlariga rioya qilinishi bilan bog‘liq ahvol qay darajada ekanligidan behabarmiz.

Aynan bunday vaziyatga sabablar mavjud, chunki O‘zbekiston Prezidenti SH.M. Mirziyoevning 2020-yil 29-dekabrdagi Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida shunday ta’kidlagan edilar: “So‘nggi 4-yilda barcha sohalarda keng ko‘lamli o‘zgarishlarni amalga oshirish bo‘yicha 150 ta qonun, 2 mingga yaqin farmon va qarorlar qabul qilindi. Lekin joylarda barcha rahbarlar ham ushbu hujjatlar mazmun-mohiyatini tushunib, berilgan imkoniyatlardan foydalanmoqda, aholi va tadbirkorlarga zarur shart-sharoit yaratmoqda, deb ayta olmaymiz.

Amaldagi nazorat tizimi esa ko‘proq formal tusga ega bo‘lib, ijroni tashkil etishdagi muammolarni aniqlash va hal qilishga yo‘naltirilmayapti. Shuning

uchun kelgusi yilda bu borada yangi ish tizimi joriy etiladi”[207]. Prezidentimiz so‘zlari uning ishlari bilan monandligi 2022-yil 8-sentabrdagi imzolagan “Strategik islohotlarni jadallashtirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-216–sonli Farmonlari bilan tasdiqlandi. Mazkur Farmonga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik islohotlar agentligi tashkil etildi va uning asosiy vazifalaridan biri sifatida islohotlarni monitoring qilish, baholash va tizimli muammolarni aniqlash yo‘nalishi belgilanib, bu yo‘nalish bo‘yicha tegishli boshqarmalar ham yaratildi[208]. O‘ylaymizki bu tashabbus kelajakda, shu jumladan jamoat xavfsizligi saqlashda ham o‘zining ijobiy ta’sirini ko‘rsatib, ommaga hududlarda huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta’minlash borasida qanday ijobiy o‘zgarishlar bo‘layotganligi to‘g‘risida ommaviy axborot vositalari yordamida ma’lumotlar yetkaziladi, degan umiddamiz. Fikrimizcha, bu o‘zgarishlar jamoat xavfsizligini saqlashda nihoyatda mo‘tadil sharoitlarni yaratib beradi.

[207] O‘zbekiston Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrdagi Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasi // https://nrm.uz/contentf?doc=646642_O‘zbekiston_Respublikasi_ Prezidenti_Sh.M. Mirziyoyevning _oliy_majlisga_ murojaatnomasi_ (2020_yil_29_dekabr)& products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

[208] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 9-sentabrdagi “Strategik islohotlarni jadallashtirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-216-sonli Farmoni // Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.09.2022-y., 06/22/216/0809-son

Iminov A.A
O‘zbeksiton Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kursantlar vzvodi komandiri mayor
Murodullayev H.U.
O‘zbeksiton Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 241-o‘quv guruhi kursanti
Rahimov Sh.A.
O‘zbeksiton Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 241-o‘quv guruhi kursanti

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA TAHLILLAR OLIB BORISH BO‘YICHA XORIJ TAJRIBASI

Annotatsiya: Ushbu maqolada jamoat xavsizligini ta’minlash, sohada tahlillar izlanishlar olib borish hamda xorij tajribalarini o‘rganib, ularni qo‘llash istqibollari hamda jamoat xavfsizligi hamda unga ta’sir etuvchi omillar haqida ayrim mulohazalar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Jamoat, xavfsizlik, jamoat xavfsizligi, jamoat xavfsizligini ta’minlash,milliy gvardiya, huquq tartibot idoralari, jamoat xavsfizligiga ta’sir etuvchi omillar

Аннотация: В данной статье сделаны некоторые рассуждения о перспективах обеспечения общественной безопасности, проведения анализа и исследований в этой области, изучения зарубежного опыта и его применения, а также общественной безопасности и влияющих на нее факторов.

Ключевые слова: общественность, безопасность, общественная безопасность, национальная гвардия, правоохранительные органы, факторы, влияющие на общественную безопасность

Annotation: In this article, some arguments are made about the prospects of ensuring public safety, conducting analysis and research in this area, studying foreign experience and its application, as well as public safety and factors affecting it.

Keywords: Public, Security, Public Safety, National Guard, law enforcement agencies, factors affecting public safety

Hozirgi kunda Yangi O‘zbekistonda jamoat xavfsizligi hamda fuqarolarning erkinligiga e’tibor har doimgidan ham kuchaydi. Bunga yaqqol misol sifatida biz bu sohada amalga oshirilayotgan islohotlarga nazar soladigan bo‘lsak: PF-27 sonli Jamoat xavfsizligi konsepsiyasi diqqatimiz markazida bo‘ladi. Konsepsiyani qabul qilishdan ko‘zlangan asosiy maqsad sifatida

huquqbuzarliklarning oldini olish va jinoyatchilikka qarshi kurashishning yaxlit tizimini shakllantirish, huquq tartibot organlarining eng quyi bo‘g‘inidan respublika darajasigacha samarali faoliyatini yo‘lga qo‘yish va zamonaviy ish uslublarini joriy etish e’tib belgilandi. Hujjatda patrul-post va yo‘l-patrul xizmatlari, huquqbuzarliklar profilaktikasi va probatsiya xizmatlari bo‘linmalarining o‘zaro hamkorlikda ishlashi bo‘yicha yangi mexanizmlar joriy etildi. Bu orqali hozirgi kunda huquq tartibot organlari jamoat xavfsizligini ta’minlashning yangi bosqichiga ilk qadamlarni qo‘ya boshlashdi.

Jamoat xavfsizligi haqida so‘z borar ekan dastlab bu tushunchani ma’nosiga tushunib oladigan bo‘lsak:

jamoat xavfsizligi — jamiyatning qonunga xilof tajovuzlar, ijtimoiy va millatlararo nizolar, favqulodda vaziyatlar va boshqa tahdidlardan (keyingi o‘rinlarda — tahdidlar) himoyalanganlik holati bo‘lib, u jamiyatning barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi hamda insonning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari ro‘yobga chiqarilishini ta’minlaydi; 209

Jamat xavfsizligi tushunchasini anglab yetish jarayonida huquq tartibot idoralarinig faoliyati doirasida uni ta’minlashga bo‘lgan harakatlar mavjud ekaniga e’tibor qaratish darkordir. Shu sababdan huquq tartibot idoralarining soha doirasida amalga oshiradigan faoliyatlariga ham to‘xtalib o‘tish o‘rinlidir.

jamoat xavfsizligini ta’minlash — davlat tomonidan jamiyatni tahdidlardan himoya qilish uchun belgilanadigan hamda doimiy ravishda takomillashtirib boriladigan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy va boshqa kompleks tashkiliy chora-tadbirlarni qamrab oluvchi yaxlit tizim.210

Jamoat xavfsizligi, fuqarolar erkinligi zamonaviy dunyodagi demokratik davlatlarning talabi hisoblanadi. Jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati murakkab jarayon bo‘lib unga ta’sir qiluvchi va yahlit tizimni ishdan chiqarish xavfi bo‘lgan ba’zi faktorlar mavjud. Jamoat xavfsizligini buzilishi bilan tartibsizliklar kelib chiqadi va bu tartibsizliklar o‘zini ommaviy tartibsizliklar ko‘rinishida namoyon qiladi. Huquq tartibot idorasi vakillarining asosiy faoliyati esa yuqorida takidlab o‘tilgan ommaviy tartibsizliklarni kelib chiqishini oldini olish, jamoat xavfsizligini ta’minlash bilan bog‘liqdir. Shu o‘rinda faoliyatni amalga oshirish davomida jamoat xavfsizligiga tahdid qiluvchi omillar mavjuddir. Bular:

ijtimoiy omillar:	**iqtisodiy**	**ma’naviy-**
ishsizlik; migratsiya;	**omillarga:**	**axloqiy omillar:**
ijtimoiy tabaqalanish;	iqtisodiyotning	«ommaviy madaniyat»;

[209] PF-27 29.11.2021
[210] PF-27 29.11.2021

aholi ayrim qatlamlarining kam ta’minlanganligi; ichkilikbozlik; giyohvandlik	beqarorligi va nomutanosibligi, ishlab chiqarish jarayonlarining sustligi; narx-navoning keskin o‘sishi; yashirin iqtisodiyot va bunday faoliyatdan olingan mablag‘larning legallashtirilishi; ish o‘rinlarining qisqarishi; soxta tadbirkorlik; daromadni soliq to‘lashdan yashirish; pulning qadrsizlanishi	milliy qadriyatlarning qadrsizlanishi; axloq-odob va ma’naviyatning tanazzulga uchrashi; odam savdosi; giyohvandlik; fohishabozlik; loqaydlik; to‘rachilik
siyosiy omillar: ayrim buyuk davlatlarning o‘z hukmronligini o‘rnatishga bo‘lgan harakatlari; buyuk davlatlar o‘rtasidagi geosiyosiy to’qnashuvlar va kelishmovchiliklar; diniy fundamentalizm va ekstremizm; terrorizm; milliy va etnik nizolar; uzoq va yaqin atrof davlatlardagi hokimiyat talashlar	**huquqiy omillar:** qonunchilikdagi bo‘shliq va ziddiyatlar; ayrim qonunlarga hayot talablaridan kelib chiqqan holda o‘z vaqtida qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilmasligi; huquqiy nigilizm; qonunlar ijrosiga oid huquqiy mexanizm yetarli ishlab chiqilmaganligi yoki nomukammalligi; tashkiliy omillar: ushbu faoliyatni amalga oshirish va boshqarish uchun mas’ul sub’ektlarning kasbiy, jismoniy, jangovar tayyorgarligining sustligi; bu sohada faoliyat olib boruvchi kuch va vositalarning yetishmasli; ular o‘rtasida hamkorlikning samarali tashkil etilmaganligi; moddiytexnik jihatdan yetarli ta’minlanmaganligi; sohaga ilg‘or tajriba va zamonoviy texnologiyalarning yetarli joriy etilmaganligi	

Jamoat xavfsizligini ta’minlash hamda yuqoridagi jadvalda keltirib o‘tilgan omillar sababli uning buzulishiga bo‘ladigan tahdidlarni oldini olish maqsadida PF-27 sonli Jamoat xavfsiligi konsepsiyasida 10 ta jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlar keltirib o‘tilgan bo‘lib, bular:

O‘zbeksiton Respublikasi Ichki ishlar vazirligi

O‘zbeksiton Respublikasi Milliy gvardiya

O‘zbeksiton Respublikasi Bosh prokuraturasi

O‘zbeksiton Respublikasi davlat xavfsizligi xizmati

O‘zbeksiton Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirligi

O‘zbeksiton Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirligi

O‘zbeksiton Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlikni ta’minlash vazirligi

O‘zbeksiton Respublikasi raqamli texnologiyalar va innovatsiya vazirligi

O‘zbeksiton Respublikasi mahalliy davlat hokimiyati organlari

O‘zbeksiton Respublikasi Vazirlar mahkamasi.

Yuqorida keltirilgan subektlar faoliyatini tartibga solish hamda uni yangi bosqichga olib chiqish maqsadida xorij tajribalaridan foydalanish va doimiy tahlillar olib borish soha istiqbollari uchun xizmat qiladi.

Globallashuv davrida yangiliklar oqimi tez suratlarda harakatlanmoqda. Ma’lumotlar, tajribalar almashinuvi hal qiluvchi rolni o‘ynashi mumkin. Xorij davlatlarining hududida sodir bo‘lgan jamoat xavfsizligining buzilish holatlari hamda uni bartaraf etish borasidagi harakatlar, ularda jamoat xavfsizligini ta’minlash mexanizmining ishlashini o‘rganishimiz hamda uni o‘z huquq tartibot idoralarimiz faoliyatiga tadbiq etishimiz faoliyati samaradorligiga xizmat qilishi, yo‘l qo‘yilgan kamchilik va sustkashliklarni oldini olishi hamda xatoliklarni bartaraf etishi mumkin.

Takidlab o‘tilgan mulohazalrdan kelib chiqgan holda bugungi kundagi rivojlanishlar bilan hamohang holda xorij davlatlari tajribasini o‘rganar ekanmiz, bir qator davlatlar tajribasiga nazar solishimiz lozim:

Jamoat xavfsizligini ta’minlash asoslari bo’yicha xorij tajribasida Germaniya davlatining politsiyasiga nazar soladigan bo‘lsak, mamlakatda jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasida professional loyihalar mavjud bo‘lib unga ko‘ra aholining 1/3 qismi jamoat xavfsizligini ta’minlashda ko‘ngilli shaxslar hisoblanadi (agar xalq politsiyaga ishonsa unga ko‘p ma’lumotlar beradi), jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha fuqarolar va tashkilotlarning murojaatlari (xabar) yakuni bo‘yicha xabar berish, jamoat xavfsizligini ta’minlash mas’uliyati yuklatilgan xodimlar faqat mazkur vazifa bilan shug‘ullanadi.

Jamoat xavfsizligini izdan chiqishi oqibatida ko‘plab davlatlarda ommaviy tartibsizliklar ro‘y bergani barchamizga ayon. Jumladan:

2020-yil AQSH da afroamerikalik Jorj Floyd o‘limi sababli boshlangan ommaviy namoyish hamda tartibsizliklarni tahlil qiladigan bo‘lsak: Shifokorlar chiqargan xulosaga ko‘ra, Floyd bo‘yniga uzoq vaqt bosib turilgani sababli kislorod yetishmagani oqibatida halok bo‘lgan.

Advokatning ta'kidlashicha, Floyd avval ta'kidlangandek jonlantirish bo‘limida emas, balki voqea joyidayoq jon bergan.

Biroq Xennepin okrugi sud-tibbiyot ekspertlari avvalroq boshqacha xulosa chiqarib, Floydda bo‘g‘ilish oqibatida o‘lganining biror-bir alomati topilmaganini ma'lum qilishgandi. Ular erkakning o‘limi sabablari orasida undagi kasallik hamda intoksikatsiyani aytib o‘tishgan.

Voqeada ishtirok etgan politsiyachilar ishdan bo‘shatilgan, Floydni bo‘ynini ezgan politsiyachi esa ehtiyotsizlik sababli qotillik sodir etishda ayblangan.

Bu holat maqolada keltirib o‘tilgan jamoat xavfsizligiga tahdid soluvchi omillardan biri bo‘lgan ijtimoiy omillar sirasiga kiradi.

Xulosa o‘rnida shuni takidlash joizki jamoat xavfsizligini ta’minlanganligi demokratik davlatdagi asosiy talablardan bri hisoblanadi. Jamoat xavfsizligini ta’minlashda subektiv tomonning obektlarga ta’sir o‘tkazish davomida jamoat xavfsizligiga salbiy ta’sir etuvchi holatlarni maksimal oldini olishi hamda faoliyati istiqbollari uchun tahlillar o‘tkazishi, xorij tajribasini o‘rganib borishi darkor. Shaxslar hamda jamiyatni esa jamoat xavfsizligining bir bo‘lagi ekanligiga ishontirib, ulardagi masuliyat hissini oshirib borish lozim

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. http.www. lex.uz internet sayti

2. O‘zbeksiton Respublikasi prezidentining PF-27 son 2021-yil 29-noyabrdagi farmoni

3. Jamoat xavfsizligi asoslari darslik Jamoat xavfsizligi universiteti 2021.

4. Wikipedia.uz.

Jabborov Norbek Sayfiddin o‘g‘li
O‘zbeksiton Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti universiteti 3-bosqich, 262-guruh kursanti
Eshtilovov Sardor Burxonovich
O‘zbeksiton Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 3-bosqich, 262-guruh kursanti

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLOVCHI BO‘LINMALARDA YURIDIK XIZMAT FAOLIYATINI HUQUQIY ASOSLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada Milliy Gvardiya bo'linmalarida yuridik xizmat faoliyatini huquqiy asoslari huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularning jamiyat va hayotdagi mavqeini yana-da oshirishga xizmat qilish kabi fikrlar yuritilgan.

Kalit so’zlar: tinchligi, osoyishtaligi va xavfsizligi, huquqbuzarliklarning, ijtimoiy-maishiy tusdagi jinoyatlarning oldini olish, Milliy gvardiya organlari, Xalq manfaatlariga xizmat qilish.

Mamlakatimizda davlat organlari va tashkilotlari faoliyatini, ayniqsa o‘rta va quyi bo‘g‘inda huquqiy jihatdan ta’minlash hamda ularga sifatli va professional yuridik xizmat ko‘rsatishga qaratilgan islohotlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, sohaga tajribali kadrlarning jalb qilinishidagi kamchiliklar hujjatlar loyihalarining iqtisodiy, moliyaviy va huquqiy ekspertizadan o‘tkazilishi sifatiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Natijada qabul qilinayotgan qarorlar va boshqa hujjatlar ko‘p hollarda joylarda jismoniy va yuridik shaxslarning e’tirozlariga sabab bo‘lmoqda.

Mamlakatimizning tinchligi, osoyishtaligi va xavfsizligi, huquqbuzarliklarning, ijtimoiy-maishiy tusdagi jinoyatlarning oldini olish, jinoyatchilikka qarshi kurash, ularga chek qo‘yish, sodir etilganlarini fosh etish, jamoat tartibini saqlashning mutlaqo yangi mexanizmlarini joriy etish hamda aholida shaxsiy xavfsizlik hissini shakllantirish borasida tizimli va samarali chora-tadbirlari amalga oshirilishida sezilayotgan kamchiliklar, tizimli ishlarning sustligi, bu borada ishlarning samarali tashkil etish maqsadida yana bir organ — O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tashkil etilgan bo‘lib, uning huquqiy asosi, ya’ni “O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilindi. Ushbu organning tashkil etilishiga ehtiyoj sezildi va 2017-yilda tashkil etildi, biroq faoliyatini tartibga solishga qaratilgan huquqiy asos mavjud emasdi.

Shu o‘rinda Milliy gvardiya organlari tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, Milliy gvardiya (fr. Garde Nationale, ingl. National Guard), milliy posbonlar (ital.

guardia – posbon) – turli mamlakatlarda va tarixiy davrlarda har xil qurolli tashkilotlarning nomi bo‘lgan. Dastlabki organ Fransiya va AQSHda 1830-1872-yillarda tashkil etilgan, 1940-yillarda Shvetsiya Milliy gvardiyasi va Rossiya Milliy gvardiyasi qo‘shinlari faoliyat yurita boshlagan.[211]

Hammamizga ma’lum O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyun kungi “Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko‘rsatish faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi Qarori va ushbu Qarorga asosan “Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlari to‘g‘risida” gi Nizom qabul qilingan. Ushbu Nizom Qoraqalpog‘iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari huzuridagi Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlarining maqomi, asosiy vazifalari va funksiyalari, huquqlari, majburiyatlari va javobgarligi, shuningdek faoliyatini tashkil etish tartibi belgilangan. Shunga asosan 2021-yil 1-oktabrdan boshlab Qoraqalpog‘iston Respublikasi Adliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar adliya boshqarmalari huzurida yuridik xizmat ko‘rsatish markazlarini respublikaning barcha tuman (shahar)larida tashkil etildi va 2021-yil 4-oktabrdan Markazlar o’z faoliyatini boshladi.
Markazlar o‘z faoliyatini O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlariga, Oliy Majlis palatalarining qarorlariga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlariga, Vazirlar Mahkamasining qarorlari va farmoyishlariga, adliya vaziri, hududiy adliya organlari rahbarlarining buyruqlari, tegishli davlat organlari va tashkilotlarining hujjatlariga, shuningdek “Yuridik xizmat ko‘rsatish markazlari to‘g‘risida” gi Nizom asosida amalga oshiradi.
Bugungi kunda Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan “E-huquqshunos” elektron tizimi oraqli Markazlarga buyruqlar, farmoyishlar, shartnomalar va yuridik tusdagi boshqa hujjatlarning loyihalari elektron tarzda yuborilmoqda. Markazga kelib tushgan hujjat rahbar tomonidam mas’ul xodimga biriktiriladi va xodim 3 kunlik muddat ichida huquqiy ekspertizadan o‘tkazish yoki kelishish uchun taqdim etilgan idoraviy va yuridik tusdagi boshqa hujjatlar loyihalarini mustaqil yoki yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlarning tegishli tuzilmalari bilan birgalikda huquqiy ekspertizadan o‘tkazadi, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijasiga ko‘ra e’tirozi bo‘lsa, ularning qonunchilikka, qonunchilik texnikasi qoidalariga, havola qiluvchi normalar qo‘llanilishining asosliligi va maqsadga muvofiqligi, shuningdek ularda korrupsiyaga sabab bo‘ladigan omillarning mavjudligi yoki mavjud emasligi yuzasidan yuridik xulosalar tayyorlaydi.

[211] https://yuz.uz/uz/news/milliy-gvardiyaning-huquq-asoslari-yaratildi

Idoraviy va yuridik tusdagi boshqa hujjatlar loyihalari bo‘yicha e’tiroz va takliflar bo‘lmasa, ularga viza qo‘yadi. Bunda, loyihalarga Markazlar xodimlari tomonidan yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlarning rahbar o‘rinbosarlari va tarkibiy tuzilmalari rahbarlari (xodimlari) ko‘rib chiqib imzolaganidan keyin viza qo‘yadi.

Yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlarining huquqiy savodxonligi va huquqiy madaniyatini oshirish maqsadida huquqni muhofaza qiluvchi va sud organlari bilan hamkorlikda yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlarining huquqiy madaniyatini oshirish, ularga qabul qilinayotgan normativ-huquqiy hujjatlarning mazmun va ahamiyatini yetkazish, yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlarining huquqiy bilimlarini oshirish tadbirlarini tashkil etish to‘g‘risida takliflar kiritadi, ushbu tadbirlarni o‘tkazishda ishtirok etadi, shuningdek yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlarining murojaatlari bo‘yicha ularga tashkilot faoliyatiga tegishli huquqiy hujjatlarni topishga ko‘maklashadi, zarur hollarda ularning qoidalari bo‘yicha tushuntirishlar beradi, qonunchilikka kiritilgan o‘zgartirishlar haqidagi ma’lumotlarni, sud amaliyotini, Adliya vazirligining huquqiy ishlarga taalluqli ko‘rsatmalarini yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlarga yetkazadi.

Markaz xodimlari shartnomaviy-huquqiy va talabnoma-da’vo ishlarini yuritish, sud protsesslarida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda vakil sifatida ishtirok etadi, tashkilotning mulkiy va boshqa manfaatlari ishonchli himoya qilinishini ta’minlaydi, davlat organlari va boshqa tashkilotlar, shuningdek fuqarolar bilan nizolar vujudga kelganda, mustaqil yoki yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlarning mas’ul xodimlari bilan birgalikda ularni sudgacha hal etish choralarini ko‘radi.

Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan qabul qilinayotgan hujjatlarning qonuniy hamda har tomonlama puxta va sifatli bo‘lishini ta’minlash bo’yicha, yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlarda korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishga qaratilgan ichki idoraviy hujjatlar loyihalarini ishlab chiqadi yoki ishlab chiqilishida ishtirok etadi, yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar faoliyatiga oid normativ-huquqiy hujjatlar va ichki idoraviy hujjatlarda aniqlangan korrupsiyaviy normalarni bartaraf qilish bo‘yicha takliflar ishlab chiqadi, ishlab chiqiladigan korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha chora-tadbirlar loyihalarini O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligiga mosligi, maqbulligi va dolzarbligi nuqtai nazardan baholaydi va xulosalar beradi, shuningdek yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar faoliyatida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholaydi

va ularning natijalari bo‘yicha aniqlangan xavf-xatarlarni kamaytirish yuzasidan chora-tadbirlar rejalari ishlab chiqilishida ishtirok etadi, yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlari tomonidan korrupsiyaviy xavf-xatarlar va huquqbuzarliklar haqida kelib tushadigan murojaatlarni tahlil qiladi va zaruratga ko‘ra yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar xodimlariga nisbatan o‘tkaziladigan xizmat tekshiruvlarida qatnashadi, korrupsiya faktlari yuzasidan o‘tkazilgan xizmat tekshiruvlari natijalari haqidagi ma’lumotlarni tahlil qiladi.

XULOSA

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash joizki, ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash sohasidagi o‘zaro hamkorligining huquqiy va tashkiliy-taktik asoslarini takomillashtirish jamoat tartibi va fuqarolar xavfsizligiga qarshi qaratilgan g‘ayriijtimoiy hatti-harakatlarni aniqlash, ularning oldini olish va bartaraf etish bo‘yicha chora-tadbirlar ko‘rish kabi faoliyatlarini samarali tashkil qilish uchun imkon beradi.

Mamlakatimizda Milliy gvardiya organlari tashkil etilganligining yana bir dolzarbligini butun dunyo va respublika bo‘ylab e’lon qilingan koronavirus pandemiyasi sharoitidagi ko‘rsatgan jonbozligi va soha xodimlarining tun-u kun tinim bilmay qilgan mehnatlarida yaqqol namoyon bo‘ldi va buning guvohi bo‘lib turibmiz.

Qonunning qabul qilinishi bilan Milliy gvardiyaning faoliyatini huquqiy tartibga solindi va unda organning huquqiy maqomi hamda asosiy vazifalari belgilab berildi. Unga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari qo‘shinlarining jamoat xavfsizligini ta’minlash va huquqbuzarliklar profilaktikasi sohasidagi huquqni muhofaza qilishga doir ayrim vazifalarga ega bo‘lgan maxsus turi ekanligi o‘rnatildi. Shuningdek, Milliy gvardiyaning asosiy vazifalari etib quyidagilar belgilandi:

jismoniy va yuridik shaxslarning huquqlari, erkinliklari hamda qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlarini himoya qilish;

terrorizmga qarshi kurashishda, shuningdek terrorchilik harakatlarining hamda tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etishda ishtirok etish;

tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirish, surishtiruv o‘tkazish, jinoyat ishlarini qo‘zg‘atish va ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi ishlarni yuritish;

davlat obyektlarini, o‘ta muhim, toifalangan obyektlarni hamda boshqa obyektlarni, jismoniy va yuridik shaxslarning mol-mulkini qo‘riqlash;

qo‘riqlash faoliyati sohasidagi davlat siyosatini amalga oshirish;

huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirish, shu jumladan mazkur huquqbuzarliklarning sodir etilishi sabablarini va ularga imkon berayotgan shart-sharoitlarni aniqlash, bartaraf etish;

jamoat tartibini saqlash, shu jumladan ommaviy tadbirlar, mitinglar, yig‘ilishlar, namoyishlar o‘tkazilayotganda hamda fuqarolar gavjum bo‘ladigan joylarda jamoat tartibini saqlash;

favqulodda holat, alohida davr va terrorchilikka qarshi operatsiyalarni o‘tkazish sharoitlarida huquqiy rejimni ta’minlash;

qo‘riqlanadigan shaxslarning xavfsizligini ta’minlashda ishtirok etish;

chet davlatlarning rasmiy vakillarini, oliy darajadagi xorijiy delegatsiyalarni kutib olishda va kuzatib qo‘yishda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ishtirokidagi tantanali tadbirlar chog‘ida rasmiy marosimlarni o‘tkazish;

huquqbuzarliklarning oldini olish, ularni aniqlash va ularga chek qo‘yish maqsadida aholi punktlaridagi jamoat joylarida patrullik qilish;

O‘zbekiston Respublikasining hududiy mudofaasi tizimida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarini jangovar qo‘llash rejalari bo‘yicha maxsus vazifalarni hal etish, O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatining Chegara qo‘shinlariga O‘zbekiston Respublikasining Davlat chegarasini qo‘riqlash hamda himoya qilishda ko‘maklashish.

Boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlardan farqli ravishda Milliy gvardiyaning boshqaruv organi Milliy gvardiyaning markaziy devoni etib nomlandi.

Qonunda Milliy gvardiyaning faoliyatini tashkil etishda Milliy gvardiya bevosita O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiga bo‘ysunishi va unga hisobdorligi, unga O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan lavozimga tayinlanadigan va lavozimidan ozod etiladigan Milliy gvardiya qo‘mondoni rahbarlik qilishi, qo‘mondon esa maqomiga ko‘ra vazirga tenglashtirilishi qayd etildi.

Shu bilan birga, mazkur qonun bilan Milliy gvardiya faoliyatining asosiy prinsiplari etib qonuniylik, fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga rioya etish hamda ularni hurmat qilish, yagonalik, mustaqillikdan iboratligi, Milliy gvardiya harbiy xizmatchisining (xodimining) o‘z vakolatlari doirasida qo‘yilgan qonuniy talablari, shu jumladan qonunga rioya etish, hujjatlarni, tekshiruv materiallarini va boshqa ma’lumotlarni taqdim etish, mutaxassis ajratish, Milliy gvardiyaga kelish hamda aniqlangan qonunbuzarliklar xususida tushuntirishlar berish to‘g‘risidagi, qoidabuzarliklarni, shuningdek ularning sabablarini va sodir etilishiga imkon

bergan shart-sharoitlarni bartaraf etish haqidagi qonuniy talablari barcha davlat organlari, boshqa tashkilotlar, mansabdor shaxslar va fuqarolar tomonidan bajarilishi majburiyligi o‘rnatildi hamda Milliy gvardiyaning huquq va majburiyatlari, harbiy xizmatchilarning (xodimlarining) huquqiy va ijtimoiy himoya qilish kabi normalar mustahkamlandi.

Bularning bari huquqni muhofaza qiluvchi organ sifatida Milliy gvardiya organlari harbiy xizmatchilarning (xodimlarining) huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularning jamiyat va hayotdagi mavqeini yana-da oshirishga xizmat qilishi shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

2. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. фан. номзоди. Дис.-Т., 2008. – Б. 114.

3. Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2017. – № 37. – 978-м.

4. Asadov, S. F. O. G. L. (2021). FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARDA DAVLAT ISHTIROKI (DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MISOLIDA). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 789-799.

ОГЛАВЛЕНИЕ

IV секция. ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ВОЕННЫЕ, ПРАВОВЫЕ, РЕЛИГИОЗНЫЕ, СОЦИАЛЬНЫЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ, ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 5

Дерюгин Алексей Александрович 5

ВОПРОСЫ ГЕОПОЛИТИЧЕСКОГО ПРОТИВОБОРСТВА РОССИИ И КОЛЛЕКТИВНОГО ЗАПАДА: СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ 5

Завьялова Анна Николаевна 12

РОССИЙСКАЯ КУЛЬТУРА КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РОССИИ 12

Крижановская Галина Николаевна 17

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В СТОЛИЦЕ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В XIX В. 17

Забарин Алексей Владимирович 29

КОНТРПРОПАГАНДА КАК СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ИДЕОЛОГИИ ЭКСТРЕМИЗМА 29

Махмудов Розмет Муратович 35

ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ АҲЛОҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗИГА ҲОСЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР 35

Низаметдиходжаев Улугбек Русланович 39

Нурмухаммедова Гузалхон Баходировна 39

О МЕЖДУНАРОДНОМ ОПЫТЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И ПРЕСЕЧЕНИЯ КОРРУПЦИИ 39

Рашидов Рустам Расулович 49

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 49

Алимова Гузал Алишеровна 54

ФИНАНСИРОВАНИЕ ТЕРРОРИЗМА КАК УГРОЗА ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ 54

Payziyev Abbos Muhammadovich, ... 58

JAMOAT JOYLARIDA GIYOHVANDLIK VOSITALARI YOKI PSIXOTROP MODDALAR BILAN G‘AYRIQONUNIY MUOMALA QILISHDA GUMON QILINUVCHI SHAXSLARNI USHLASH TAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISH 58

Носирова Азиза Рустамовна 64

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ИСЛАМОФОБИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ 64

Ибрагимов Аброр Алимович 71

АҲОЛИНИНГ НОРОЗИЛИК ПОТЕНЦИАЛИНИ (ДАРАЖАСИНИ) ЎРГАНИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ 71

Пардаев Тулкин Насирович 78

Сарманов Орифжон Адилжонович 78

Фарходов Фаррух Фурқатович 78

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЎРНИ 78
Гойибназаров Шухрат Гойибназарович 86
ПРОФИЛАКТИКА – ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В БОРЬБЕ С ТЕРРОРИЗМОМ 86
Турсунова Сабина Равшановна 91
ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОГО ТУРИЗМА 91
Бабабеков Нодир Джурабаевич 95
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ 95
Xamidov G'aybilla Saypillayevich 102
Aslonov Norqul Rabbonayevich 102
ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ (*Тошкент шаҳрида*).....102
Xamidov G‘aybilla Saypillayevich 109
Irisov Xusniddin Doniyorovich 109
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH UCHUN JAMOAT TRANSPORTIDA VIDEO KUZATUV TIZIMININING AHAMIYATI 109
Бекмуродов Илҳомжон Рахматиллоевич 114
ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИНГ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРОИТИ ВА ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....114
Xamidov G‘.S. 120
Aslanov N.R. 120
Rustamova Sh.Sh. 120
SODIR ETILAYOTGAN YO‘L-TRANSPORT HODISALARINING TAHLILI 120
Усманова Муборак Акмалджановна 125
ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ МЕҲНАТ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ 125
Махмудов Дилмурод Розметович 130
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ СТРАХОВЫХ УСЛУГ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЕ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 130
Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич 140
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ МУАММОСИ 140
Қаххоров Сарвар Сайфиддинович 146
ДИНИЙ ФАНАТИЗМНИ АЁЛЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.....146
Атаниязов Жасурбек Курбанбаевич 151
ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА ТЕРГОВЧИЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ МУАММОЛАРИ 151
Soatov Sanjar Sarvarovich 160
O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA TARIF TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI.....160
Ibraximov Ulugbek Abidjanovich 166

JAMOAT XAVSIZLIGINI TA'MINLASH MAQSADIDA BOJXONA CHEGARASIDA BOJXONA ORGANLARI TOMONDAN RADIATSION NAZORAT YO'NALISHIDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR 166

Юсупова Дилдора Дилшатовна 172

БАҒРИКЕНГЛИК ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА..... 172

Муҳаммадалиев Минҳожидин Қурбонали ўғли 176

КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ. 176

Ахмедова Манзура Авазжон қизи 182

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ПЕДАГОГ ВА ПСИХОЛОГ ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ 182

Рўзиев Иззатулло Неъматуллоевич 189

ОИВ КАСАЛЛИГИ /ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ 189

Гулноза Мирхалилова 194

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ 194

Отаев Ўткирбек Матёқубович 202

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ ЎРНИ. 202

Mirzaraimov Sardor Taxirovich 211

BEZORILIK BILAN BOG'LIQ JINOYATLARNING HUQUQIY TAHLILI 211

Н.Н. Шукуров 218

ЭКСТРЕМИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД 218

Пахратдинова Арухан Керимбердиевна 224

ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ ХУЛҚ-АТВОРНИ КЕЛТИРУВЧИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ҲОДИСАЛАР 224

Казаков А. А. 229

ЦЕННОВОЙ АСПЕКТ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР КАК ФАКТОР ПОДДЕРЖАНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ 229

Мусурмонов Шодиер Фахридинович 232

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ АУТСОРСИНГНИ САМАРАДОРЛИГИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ 232

Абдухолиқов С. 237

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 1-МОДДАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАВФСИЗЛИККА АСОСЛАНГАН ДАВЛАТЧИЛИГИ ИФОДАСИ СИФАТИДА 237

Г.Т. Хакимов 240

Б.Т. Исхаков 240

О НЕОБХОДИМОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ЮВЕНАЛЬНОЙ ЮСТИЦИИ В СТРУКТУРУ ДЕЙСТВУЮЩИХ СУДОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЩЕЙ ЮРИСДИКЦИИ 240

Ҳусанов Қобилжон Мухидинович 248

Мусурмонов Шодиер Фахридинович 248

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ АУТСОРСИНГЛАРГА ДАВЛАТ ХАРИДАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЗИҚ ОВҚАТЛАР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ 248

Ҳайдаров Алишер Усмон ўғли 252

ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ “ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ” ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ 252

Амонов Феруз Салимович 257

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ 257

Alimov Muhammadjon Islomiddin o‘g‘li 266

HARBIY JINOYAT PROTSESSUAL HUQUQIDA ISh YURITUVNING O‘ZIGA XOSLIGI 266

Н.Ў.Ашурова 272

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЯТГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА 272

Юлдашев Шерали Нуралиевич 278

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ 278

A.Z.Zoyirov 283

«JAMOAT TARTIBI» VA «JAMOAT XAVFSIZLIGI» TUSHUNCHALARINING O‘ZARO FARQLANISHI HAMDA BOG‘LIQLIGINING TAHLILI 283

J.R.Jo‘rayev 288

MILLIY GVARDIYA HARBIY XIZMATCHILARINING JAMOAT TARTIBIGA QARSHI QILMISHLARI BO‘YICHA TERGOVGA QADAR TEKSHIRUV O‘TKAZISH TARTIBI 288

Н.Н. Шукуров 297

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ 297

ТРИБУНА МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ 303

Маматов Акрам Баходиржон ўғли 303

Зойиров Абдувохид Зокир ўғли 303

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРДА ЮЗАГА КЕЛГАН ФАВҚУЛОТДА ҲОЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАР ТАКТИКАСИ 303

Нишанов Дилшод Халматович 311

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ БЎЛИНМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ 311

Kobilov X.E 317

Ibodullayev M.S 317

OLIY HARBIY TA’LIM MUASSASALARI KURSANTLARINING QO‘SHINLAR AMALIYOTI JARAYONIDA KASBIY KOMPETENTLIKNING SHAKLLANISHI 317

Yo‘ldashov Baxodir Tirkashovich 321

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA MILLIY GVARDIYA HAMDA ICHKI ISHLAR IDORALARI BO‘LINMALARI XODIMLARINING O‘ZARO HAMKORLIGINI NAZARDA TUTUVCHI QONUN HUJJATLARI 321

Astanakulov Zarif Sultanovich 326

OMMAVIY TARTIBSIZLIKLARNI OLDINI OLISHDA XORIJIY TAJRIBALAR VA USULLAR 326

Xojixonov G‘ulomxon Jamolxon o‘g‘li 332

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDAGI DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZMGA QARSHI KURASHISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TEZKOR PROFILAKTIK TADBIRLAR O‘TKAZISHNING O‘RNI VA ROLI 332

Foydalanilgan adabiyotlar 335

Xudayberganov Xasan O’ktambayevich 337

PORTLOVCHI QURILMALARNI LOKALIZATSIYA QILISH VOSITALARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDAGI O‘RNI 337

Alimov Muxiddin Ilxomjon o‘g‘li 341

FUQAROLARNING JAMOAT TARTIBINI SAQLASHDA ISHTIROKINING TARIXIY-NAZARIY AHAMIYATI 341

A.Z.Zoyirov 349

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA XORIJIY TAJRIBA 349

Юсупова Дилдора Дилшатовна 357

Абдурашидов Абдулфайз Р 357

ЁШЛАРДА ДИН НИҚОБИДАГИ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ 357

Н.Ў.Ашурова 361

Ш.Рустамова 361

ФИРИБГАРЛИКДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ЯНГИ ЖИНОЯТ ШАКЛЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ УЧУН ОМИЛ 361

Axmedov Sherzodbek Oribjon o‘g‘li 366

Rahimov Sherzod Alisher o‘g‘li 366

Murodullayev Humoyun Ulug‘bek o‘g‘li 366

JAMOAT JOYLARIDA XIZMAT OLIB BORISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 366

Ulxanov Shahzod Nishonboyevich 370

Mirvohidov Behzod Miraziz o‘g‘li 370

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA YOSHLARDA VATANPARVARLIK HISSINI SHAKLLANTIRISH YUZASIDAN AYRIM MULOHAZALAR 370

Haydarov Alisher Usmon o‘g‘li 374

Haydarov Umarjon Usmon o‘g‘li 374

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH XOLATINING HOZIRGI VA YAQIN KELAJAKDAGI HOLATI TO‘G‘RISIDA 374

Iminov A.A 379

Murodullayev H.U 379

Rahimov Sh.A. 379
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDA TAHLILLAR OLIB BORISH BO‘YICHA XORIJ TAJRIBASI.....379
Jabborov Norbek Sayfiddin o‘g‘li.....384
Eshtilovov Sardor Burxonovich.....384
JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLOVCHI BO‘LINMALARDA YURIDIK XIZMAT FAOLIYATINI HUQUQIY ASOSLARI.....384

Для заметок:

«ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ»

сборник материалов по международной научно-практической конференции (26 апреля 2023 года)

II том

Редактор: Рустамбаев М.Х.

Разрешено к печати: 06.05.2023 г.
Фомат 60x45 1/8, «Times New Roman»
Цена на основе договора.
Объем 29,3. Кол-во: 100. Заказ: № 19.
Редакция «TOP IMAGE MEDIA».
Тел.: +998 90 9722279, www.tiraj.uz
100060, Ташкент, улица Я.Гулом, 74.